



**У. НОРМАТОВ**

# **ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети**

## **ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ**

(ўқув қўланма)

**Тошкент  
«Университет»  
2007**

Адабиётшунос Умарали Норматовнинг улибу «Янги ўзбек адабиёти» китоби филолог бакалаврият, магистрант ва аспирантлар учун ўқув қўлланмаси тарзида яратилган. Қўлланманинг «Кириш»ида янги ўзбек адабиётининг етакчи хусусиятлари, шаклланиш ва тараққиёт йўллари, асосий босқичлари мухтасар ёритилган; бу адабиётнинг йирик намояндаларидан Абдулла Қаҳҳор ва унинг мактабига мансуб ижодкорлар — Одил Ёқубов, Пиримқул Қолиров, Ўткир Ҳошимов ижодининг муаммолари «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслигидан фарқли ўлароқ кенг ва чуқур, муҳими, ўзгача таъқиқ қилинган.

**Масъул муҳаррир:**  
**Баҳодир Каримов,**  
филология фанлари доктори.

**Таъризчилар:**  
**Наим Каримов,**  
филология фанлари доктори, профессор.  
**Нўъмон Раҳимжонов,**  
филология фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи  
кенгаш томонидан нашрга тавсия этилган

ISBN — 978 — 9943 — 305 — 02 — 4

## КИРИШ

Ўзбек адабиёти минг йиллар давомида асосан Шарқ халқлари адабиёти анъаналари доирасида, араб, форс-тожик, ҳинд халқлари адабиётлари билан ҳамкорликда, ислом дини фалсафаси, тасаввуф тариқатлари таъсирида ривожланди. XIX аср адоғи, XX аср бошларида у янги бир маънавий оламга, Оввропа маданияти, адабиёти тажрибаларига юз ўтира бошлади. Бу ҳодиса совет ҳокимияти йилларида узоқ вақт «Россияга қўшилишнинг прогрессив аҳамияти» самараларидан бири сифатида баҳоланиб келинди. Тўғри, «фалокатнинг шарофати» деганларидек, XIX асрнинг иккинчи ярмида халқимиз бошига тушган кулфат, тарихимизнинг, Қодирий сўзлари билан айтганда, «энг қирлик қора кунлари» — юртимизнинг рус истилочилари томонидан забт этилиши туфайли бу ерга Оввропа тартиб-қоидалари, фан, маданият, адабиёт янгиликлари кириб кела бошлади. Бироқ, бу хил ҳодиса фақат чор Россияси томонидан забт этилган Туркистон халқлари ҳаётида эмас, деярли барча Шарқ мамлакатларида, Ғарб мустамлакачилари қўли етмаган юртларда ҳам содир бўлди. Жаҳоннинг бирор ҳудудида маънавий, маданий ҳаётда, илм-фан, адабий тафаккурда пайдо бўлган янгиликларнинг ўзга ҳудудларга кўчиб ўтиши қонуний, табиий ҳодир. Жаҳонга юз очган, янгиликларга ташна, хайрихоҳ, ўзгаларнинг тажрибаларидан баҳраманд бўла олишга қобил юрт фарзандлари бор мамлакатгина тараққий этган халқлар, миллатлар сафида юра олади. Ўзбек халқи неча минг йиллик тарихида бунинг шоҳиди бўлган, ўзгаларнинг илм-ор тажрибаларидан баҳраманд бўлиб янги илмий, бадий мўъжиза, кашфиётлар яратишга, ўз навбатида бошқа халқлар маданиятига таъсир кўрсатишга қодир эканини исбот этган. Айни пайтда, жаҳон тараққиёти, маданиятидан узилиб, тор, маҳаллий биқиқликка ўралиб қолишнинг жабрини ҳам чеккан.

XX аср бошларида халқимиз тарихида янги давр бошланди. Ўлкада миллий уйғониш, ўзлиқни англаш жараёни ҳаракатга келди. Бу ҳаракатнинг бошида дастлаб жадиждлар турдилар. Жадиждлар ўз номи билан янгилик тарафдорлари ва тарғиботчилари сифатида майдонга

чиқдилар. Ўша кезлари жаҳид ва қадим орасида кескин баҳс, мунозаралар кетди. Бу баҳс маданият, маърифат, миллат тақдири учун ҳаёт-мамонт масаласи эди. Тараққийпарвар, маърифатпарвар сиймолар ҳар бир соҳада янгиликни чуқур эҳтиёж сездилар ва бу йўлда фаол саъй-ҳаракат қилдилар. Янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий «Модомики биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз», адабий шакллари янгилашга, халқимизни шу замоннинг адабиёти намуналари билан таништиришга «ўзимизда мажбурият ҳис этамиз» деса, адиб Чўлпон мумтоз адабиётимизнинг бойлигини, миллий адабий қадриятлар аҳамиятини асло камситмаган ҳолда, эндиликда адабий тафаккур, адабиёт янгиликларига муҳтож эканлигини айтади ва «Кўнглим бошқа нарса — янгилик қидирадир» деб ёзади. Шу тариқа, «янги давр», «янги адабиёт» истилоҳини муомалага айланиш адабиётнинг Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби асосчилари, улкан намояндалари олиб кирдилар.

Тараққийпарвар зиёлилар, янги ўзбек адабиёти асосчилари миллатнинг, Ватаннинг чин ўғлонлари, миллат маданияти, адабиётининг кўнжак фидойилари эдилар; жаҳонга Ибн Сино, Беруний, Имом Бухорий, Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур мирзо каби улуг сиймоларни берган буюк Турон юрти кейинги асрларда жаҳон маданий тараққиётдан ажралиб орқада қолганлигини улар теран ҳис этдилар; миллат қаддини ростлаб олишининг бирдан бир йўли — жаҳонга юз ўгириш, тараққий этган мамлакатлар, хусусан Европа маданияти, адабиётдан ўрганиш, Ғарб ва Шарқ тажрибаларини муваффақиятли қўшиш туфайли катта ижодий самараларга эришадиган ҳинд, араб, турк адабиёти, маданияти намояндаларидан ўрнак олишдан иборат деб билдилар ва бу йўлда ғайрат-шижоат билан амалий ишга ўтдилар.

Шу хил саъй-ҳаракат туфайли жаҳон адабиёти тарихида ибрат бўларли ҳайратомуз ҳодиса юз берди: ғоят қисқа фурсат ичида ўзбек адиблари жаҳон адабиёти, Европа адабиёти марраларини забт этишга эришдилар. Биринчи реалистик драма, ҳикоя, роман, янгича шеърий шакллар пайдо бўлганидан кейин бор-йўғи етти-саккиз йил ўтиб

«Ўтган кунлар», «Абулфайзхон», «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши», Чўлпон шеърлари, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, Овropa адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлар яратилди. Шундай қилиб, асримизнинг ўнинчи йилларида туғила бошлаган янги адабиёт 20-йилларда қаддини ростлаб олди, янги адабиётнинг муайян анъаналари, эстетик принциплари, бинобарин, янгича адабий тафаккур қарор топди. Йўлдаги кўп қийинчиликлар, йўқотишларга, совет ҳокимияти йилларидаги маъмурий буйруқбозлик сиёсати, яккаҳоким мафкура тазйиқига қарамай ўзбек адабиёти аср бошида танлаб олган бош йўлидан оғишмай борди. Қизил империя даврида ўзбек адабиёти кўпмиллатли совет адабиётининг таркибида бўлишининг қатор зиддиятли жиҳатларига қарамай, умуман олганда, ижобий жиҳатлари ҳам бор, миллий адабиёт қардошлар тажрибасидан, улардаги янгиликлардан ўз вақтида баҳраманд бўлиб турди. Хуллас, XX аср ўзбек адабиёти яхлит ҳолда ҳар жиҳатдан ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ деб аташга лойиқ; XX аср ўзбек адабиёти ривожига хос бош хусусият — бу адабиётнинг бетиним янгиланиб бориши ва бу йўлдаги қийинчиликлар, зиддиятлар, курашлар, баҳс — мунозаралар, калфиёт ва йўқотишлар тарихидан иборат.

Янги ўзбек адабиётининг туғилиши, шаклланиши, ривожини бир аср давомида уч хил ижтимоий тузум — Рус чоризми истибдоди, шўролар тузуми ва ниҳоят, истиқлол даврида, хилма-хил сиёсий, мафкуравий оқимлар — жадиdчилик, большевизм ва миллий истиқлол мафкураси таъсирида тараққий этди. Колониал зулм, истибдодга қарши халқ нафрати, эрк учун кураш, биринчи жаҳон уруши, миллий озодлик ҳаракатлари, 1916 йилги халқ галаёнлари, 1917 йилги февраль инқилоби, октябрь тўнтариши, большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши, Туркистон мухторияти ва унинг большевиклар томонидан тор-мор этилиши, ўлкадаги фуқаролар уруши, шўро ҳокимиятининг кўплаб тадбирлари — ер-сув ислоҳоти, коллективлаштириш, мамлакатни санoатлаштириш, маданий инқилоб, партиянинг адабий сиёсати, ғоявий-сиёсий кураш жазаваси, бу курашнинг адабиётдаги кўплаб қурбонлари, ниҳоят, маънавий-сиёсий ҳаётдаги муайян ўзгаришлар, шахсга сизиниш ва унинг оқибатларини тугатиш йўлидаги

уринишлар, 60–70-йиллардаги «турғунлик» иллатлари, ўлкадаги маънавий, сиёсий, иқтисодий, экологик танглик, «ўзбек иши» фожиялари, 80-йиллар ўрталаридан бошланган «опшкоралик» ва «демократия» ҳаракатлари, совет жамияти, коммунистик мафкура инқироzi, 90-йилларнинг бошларига келиб истеъдод социалистик тизимнинг емирилиши, СССР таркибидаги республикаларнинг, жумладан, Республика.. мизнинг мустақилликка эришуви — янги ўзбек адабиёти ривож, ХХ асрнинг шу каби талотумлари ичида кечди. Буларнинг барчаси аср адабиётига ўзига хос хусусиятлар бахш этди, қатор мураккаб зиддиятли жиҳатларни келтириб чиқарди.

Ўз-ўзидан равшанки, ХХ аср ўзбек адабиёти ривожининг асосий қисми — етмиш йилдан ошқроқ даври совет ҳокимияти йилларида кечди. 40-йиллардан бошлаб эллик йил давомида бу давр адабиёти совет адабиёти тарихи сифатида ўрганиб келинди, ўзбек ва рус тилларида бир неча бор ўзбек совет адабиёти тарихи китоблари яратилди; ўрта мактаб ва олий ўқув юртларида ўзбек совет адабиёти мустақил фан сифатида ўқитилди. Адабий ҳодисалар коммунистик партиявийлик, синфийлик принциплари асосида ёритилди; янги ўзбек адабиётининг жамики ютуқлари октябрь инқилобининг самараси қилиб кўрсатилди; жаҳондаги барча миллий адабиётлар тарихига хос «модерн» — янги миллий адабиёт тушунчаси инкор этилди, 1917 йил октябрь воқеаси миллий адабиётдаги туб янги босқичнинг қатъий чегараси қилиб олинди, миллий адабиёт ривожига жиддий янгилашниш ХХ аср бошларида содир бўлганлиги, бунда тараққийпарвар зиёлилар, жадидалар ҳаракатининг беқиёс роли — хизмати инкор қилинди ёки камситилди, салбий баҳоланди; янги миллий ўзбек адабиётининг асосчилари Беҳбудий, Фитрат, Чўлпондек буюк алломалар миллий адабиёт тарихидан бутунлай бадарға этилди; йигирма йил давомида Қодирий қатарларга учраганлар сафида турди, унинг қутлуғ номи тикланган, совет адабиёти тарихига киритилгандан (1956 йил) кейин ҳам ўтгиз йил давомида буюк адиб ҳақидаги ҳақиқат тўла юзага чиқмай келди. Ўзбек совет адабиёти тарихига кирган адиблар ижоди, ҳаёти, ижтимоий фаолияти, бинобарин, миллий адабиётнинг совет ҳокимияти йилларидаги ривож тарихи, табиийки, партиявийлик принципи асосида бир хил рангда кўрсатилди; адибларнинг

миллий адабиёт ривождаги хизматлари уларнинг чин баддий кашфиётлари эмас, кўпроқ октябрь инқилоби, совет ҳокимияти, коммунистик мафкурага муносабати, садоқатига қараб белгиланди; адабий ҳодисаларни, асарларни баҳолашнинг жаҳон тажрибасидан ўтган мезонлари — ҳаққонийлик, гуманизм, халқчилик, теран маънодорлик, санъаткорона мўъжизавийлик каби принциплар эътибордан соқит қилинди; бу хил тушунчалар тилга олинса ҳам аслида уларга синфий — партиявий тус берилди. Шу тариқа, адабий ҳодисаларнинг ҳаддан ташқари сиёсийлаштирилиши, яккахоким мафкурага тобе этиб қўйилиши туфайли XX аср адабиёти тарихи кўп ҳолларда сохталаштирилди, бирёқлама ёритилди.

80-йиллар охири, 90-йиллар бошларига, хусусан, истиқлол даврига келиб, барча ижтимоий-гуманитар фанлар қатори миллий адабиёт тарихини қайта идрок этиш, кўриб чиқиш, янгича ўрганишга бўлган эҳтиёж тарихий заруратга айланди. Республика Президенти Исмоил Каримов айтганидай: «Тарихга, меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгартирилиши лозим, яъни дарсликлардан тортиб оддий китобларгача ҳаммасида ҳақиқат ёзилиши шарт. Бу бизнинг ота — боболаримиз руҳи олдидagi қарзимиздир!»\*

Қисқа фурсат ичида XX аср ўзбек адабиёти тарихига доир ҳақиқатларни тиклаш, хусусан, аср бошидаги жаҳидчилик ҳаракати ва адабиётига ҳолис баҳо бериш, Бехбудий, Авлоний, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби алломалар меросини халққа қайтариш, ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида талай ишлар қилинди, ўзбек адабиётининг совет ҳокимияти йилларидаги ривожи, тарихи хусусида янгича қарашлар — концепциялар илғари сурилди. Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор каби улкан адиблар ҳаёти ва ижодининг айрим жиҳатлари, «Бой ила хизматчи» (Ҳамза), «Қутлуғ қон» (Ойбек), «Кўкан» (Ғафур Ғулом), «Сароб», «Синчалак» (Абдулла Қаҳҳор), «Зайнаб ва Омон» (Ҳамид Олимжон) каби асарлар теварагида қизгин баҳслар бўлиб ўтди. Баҳслар пайтида фойдали, ҳаққоний мулоҳазалар ҳам, бирёқлама, субъектив фикрлар ҳам айtilди, шўролар даврида яратилган, қандайдир даражада коммунистик мафкура

---

\* И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, «Ўзбекистон». 1994, 116-бет.

таъсири мавжуд бўлган жамики асарларни ёлпасига қоралаш, рад этиш ҳоллари рўй берди. Бир вақтлар октябрь тўнтаришини, шўролар сиёсатини олқишлаганларни «ўзимизники» санаб, танқидий фикр айтган қалам аҳлини эса «душман»га чиқариш одат тусини олган бўлса, сўнгги йилларда аксинча, айни ўша адибларнинг шўро тўғрисидаги салбий фикрларини қидириб топиб уларни қаҳрамонга чиқариш ёки шўрога хайрихоҳлигини рўkach қилиб камситиш ҳолларига дуч келдик. Булар, одатдагидек, миллат тарихининг бурилиш паллаларида содир бўладиган ўткинчи майллардир, бир вақтлар кўп нохуш оқибатларга олиб келган ижодкорнинг санъатига эмас, дунёқарашига қараб баҳо беришдан иборат вульгар социологизм ҳодисасининг оқибатидир. Адабиёт фанида адабий жараёни вазминлик билан ўз ички қонуниятлари асосида илмий идрок этиш, ҳолисона баҳолаш, бутун зиддиятлари, мураккаблиги, барча ранг—товланишлари билан бор ҳолича кўриш, кўрсатишга, бадий асарга биринчи галда санъат ҳодисаси сифатида қарашга тобора мойиллик ортиб бормоқда ва бу хайрли интилиш яхши самаралар бермоқда. Эришилган дастлабки тажрибаларга таяниб мактаблар учун яратилган дастурда XX аср ўзбек адабиётини кўп асрлик адабиётимиз тарихида алоҳида янги босқич тарзида ўрганиш назарда тутилди, илк бор яхлит ҳолдаги янги ўзбек адабиёти тарихи модели ишлаб чиқилди, шу модел асосида «XX аср ўзбек адабиёти» номи остида дарсликлар тайёрланди.

Бу адабиёт ривожига ҳос муҳим хусусиятлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Янги ўзбек адабиёти мамлакат, халқ ҳаёти, даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеалари билан мустаҳкам алоқадорликда туғилди, шаклланди ва ривожланди. Кўп асрлик тарихимизда сўз санъати ҳеч қачон юрт қайғуси, халқ турмуши билан бу қадар яқин алоқада бўлган эмас. Бу босқич адабиётининг кучли томонлари ҳам, ожиз томонлари ҳам, аввало, шу ҳолатлар билан изоҳланади. Халқ ҳаётига, кундалик турмуш ҳодисаларига яқинлик, бир томондан, асарнинг ҳаётийлигини, ҳаққонийлигини кучайтирган, бинобарин, реализмнинг қарор топишини таъмин этишда муҳим роль ўйнаган бўлса, бошқа томондан, адабиётнинг вазифасини жўнлаштириш, Абдулла Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, адабиётнинг атомга тенг қудратини ўтин ёришга сарфлашдек ҳолатлар ҳам юз берди. Булардан қатъи назар,

онг муҳими, XX аср ўзбек адабиётида реализм узил-кесил тантана қилди, бизда ҳам замонавий жаҳон реалистик адабиётининг дурдоналари билан бўйлаша оладиган ҳикоя, қисса, роман, драма ва шеърӣ асарлар пайдо бўлди.

Авваллари ўзбек шоирлари, асосан, ислом мафкураси таъсири доирасида ижод этган бўлсалар, бу босқичда жади́дчи́лик, сўнг коммунистик мафкура ади́бларимиз учун дастуруламалга айланди. Жади́дларнинг миллатни уйғотиш, маърифатли қилиш, эл-юрт равнақи, бирлиги, истиқболи, истиқлоли ҳақидаги илғор ғоялари ўша давр адабиётига янгича руҳ бахш этди. Айни пайтда, жади́дчи́лик ғояларидан илҳомланиб ёзилган қатор асарлар жади́дча ғояларнинг оддий тарғиботидан иборат бўлиб қолди, бундай асарларда Ойбек айтганидай, санъаткорнинг ўрнини воиз, насиҳатгўйлик, «оқартувчи» эгаллайди. Большевикларнинг ваъдалари шўроларнинг кўплаб қаламкашлари, ҳатто жади́дчи́лик мактабидан чиққан Фитрат, Чўлпон ва Қодирий каби улкан истеъдод соҳибларини ҳам қисман илҳомлантиради. Фитрат, Чўлпон бисотида инқилобий ўзгаришлар, шўролар сиёсати шайнига айтилган илиқ сўзлар талайгина. Қодирий «октябрдан биз бошлича жасорат олдик. Сўз эркинлиги олдик», инқилоб «онг берди, ҳақ берди» дея қувонади, ўзини «ғоя ва иш эътибори билан ижодини жади́дчи́ликдан бошлаган Ҳамза шўролар даврида инқилоб шоири сифатида танилди... Умуман, янги ўзбек адабиёти биринчи авлоди ижодининг мафкуравий асосини тайин этишда ўта эҳтиёткорлик, ҳолислик даркор. Чунончи, дастлаб ислом мафкураси доирасида иш кўрган, ислом ҳақида яхши жажжи тадқиқот яратган Фитрат кейинчалик ошкора даҳрийлик руҳидаги асарлар битган. Ёки инқилобчи Ҳамза бисотида диний руҳдаги асарлар бор. Истисносиз айтиш мумкинки, 20–30-йиллар адабиётга кириб келган Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун каби ади́блар ва улардан кейинги бир неча авлод коммунистик мафкура – дунёқараш билан қуролланган эди́ллар. Шўро ҳукумати, большевиклар динни «халқ учун афюн» деб эълон этиб, динга қарши муросасиз кураш очиб, даҳрийликни кенг ёйган эканлар, эндиликда кишилар қалбини асир этишнинг ягона воситаси, сеҳрли сиёсий қурол адабиёт, санъат эканини яхши билар эди. Шунинг учун ҳам коммунистик партия адабиётга раҳнамолик қилишни ўз зиммасига олди, адабиётни «пролетар ишининг

бир қисми»га, партиянинг мафкуравий қуролига, адибларни эса партиянинг дастёрига, партия қоялари ва сиёсатини тарғиб этувчи «карнайчи»ларга айлантирилга тиришди. Ҳатто, тарихда мисли кўрилмаган ҳодиса — совет ёзувчилари амал қилиши лозим бўлган ижодий метод — социалистик реализм қоидалари ҳам партия раҳнамолигида ишлаб чиқилди, воқеликка фақат коммунистик мафкура асосида синфий-партиявий ёндашиш барча қалам аҳли учун қатъий қоидага айлантирилди. Бу ҳол XX аср кўпмиллатли совет адабиёти, жумладан, ўзбек адабиёти тарихида, ўнлаб истеъдодли адиблар ижодий қисматида ўта ноҳуш, фожиавий из қолдирди. Энг ёмони, ижодий тафаккурни тушовга солиб қўйди, шахсий ташаббусни бўғди, ҳаётдан йироқ бир ҳилдаги юзаки, схематик асарларнинг кенг ёйилишига олиб келди. Партиянинг адабий сиёсати, коммунистик қоявийлик учун кураш кўплаб шафқатсизликларга, қатағонларга йўл очиб берди.

Кишини ҳайратга соладиган жиҳати шундаки, жоҳил адабий сиёсат таҳдид солиб турган, шафқатсизлик, қатағонлар оммавий тус олган кезларда ҳам сўз санъати ўз вазифасини адо этишда давом этди, ҳар қандай таъқиб, таҳдид ҳам адабиётнинг асл моҳиятини ўзгартира олмади, адабиёт ривожини бутунлай тўхтатиб қўйишга қурби етмади. Энг яхши асарларда истеъдодли адиблар ўзлари қабул қилган ақидалар, шахсий майللардан устун туриб бадиий ижоднинг объектив қонуниятларига — ҳаққонийлик, гуманизм, ҳалқчиллик принципларига содиқ қолдилар, чунончи, 20-йиллари қисман «қизиллаша бошлаган» Қодирий ҳажвий асарларида совет воқелигининг ички зиддиятларини фавқулодда бир маҳорат билан кўрсатди; замон куйчиси Ҳамза биринчилардан бўлиб шўро идораларидаги масъул ходимларнинг мунофиқона башарасини очиб ташлади. Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», Ҳамзанинг «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши» асарлари жаҳон адабиётининг нодир намуналари даражасига кўтарила олди. 20-йиллар охири, 30-йиллар бошларидан шеърлятида, публицистик чиқишларида совет воқелигини улуғлаш йўлига ўтган Чўлпон «Кеча ва кундуз» романида энг қалтис ижтимоий-сиёсий масалалар талқинида, империя сиёсати, жадидчилик ҳаракати ифодасида ҳақиқатга содиқ қолди. Ўнлаб шеърлярида, «Кўкан» достонида шўро сиёсатини ёқлаб

чиққан, партиявийлик принципларига қатъий амал қилган Ғафур Ғулом айни ўша кезлари соцреализмдан йироқ, ўта халқчил, миллий, ҳаққоний «Шум бола» қиссасини яратди. «Болғалар, пўлат сафи ила бориш»га, «Ёнгин, кураш, жанглар сари кўкрак очиш»га жазм этган Ойбек 30-йиллари «Наъматак» сингари сиёсатдан холи «соф лирика»нинг ажойиб намуналарини ижод этди. Бир қарашда синфийлик, партиявийлик принциплари асосида яратилгандек кўринган «Обид кетмон» (Қодирий), «Ёдгор» (Ғафур Ғулом), «Қутлут қон» (Ойбек), «Зайнаб ва Омон» (Ҳамид Олимжон), «Сароб», «Синчалак» (Абдулла Қаҳҳор) каби асарларда ҳаётнинг ҳаққоний манзаралари, миллат, эл-юрт ғами, орзу-интилишлари ифодаси устивор. Шўро салтанатининг дастлабки йилларида большевистик истибод билан муроса йўлини тутанлар, Чўлпоннинг кўнғил қуллигига исён тарзида битилган «Тириксан, ўлмагансан, Сен – да одам, сен – да инсонсан; Кишан кийма, бўйин эгма, Ки, сен ҳам ҳур туғилгонсан!» сатрлари эркпарвар шоирларнинг пинҳона кўнғил шиорига айланди. Чўлпондан бошланган бу хилдаги оташин эркпарварлик, озодлик ғоялари «Ойгул билан Бахтиёр», «Муқанна», (Ҳамид Олимжон), «Ўч», «Маҳмуд Таробий» (Ойбек), «Нил ва Рим» (У.Носир), «Жалолиддин Мангуберди» (Шайхзода) каби асарларда гурлн кўринишларда давом этди, 60-йиллардан бошлаб «такчи тамойиллардан бирига айланди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида яратилган юксак ватанпарварлик, чуқур инсонпарварлик оҳанглари билан йўғрилган ўзбек шеърляти, урушдан кейинги қатағонлар даврида битилган қижрон аламларига тўлиб-тошган Зулфия лирикаси шўро даври адабиётининг мўъжизалари дейишга лойиқ.

Қисқаси, сиёсий, мафкуравий тазйиқларга қарамай, санъатнинг асл қонуниятлари асосида яратилган энг яхши асарлар XX аср ўзбек адабиётининг бадийй ютуқларигина бўлиб қолмай, умумжаҳон адабиёти хазинасига ҳам ҳисса бўлиб қўшилди. Бу хил асарларнинг аксарияти жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима этилди. Хорижда ҳам муносиб баҳосини олди.

Қизиқ бир парадокс: шўролар даврида олиб борилган адабий сиёсатнинг энг муҳим жиҳати шу бўлдики, ёзувчи – шоирлар ҳар боб билан замонаси, замондошлари ҳақида фикрга, совет даврини улуғлашга даъват этиларди;

«замонавийлик — адабиётнинг қалби» деган шиор ниҳоятда машҳур эди. Аксинча, ўтмиш ҳақида ёзиш ҳар хил йўллар билан камситилар, буни замондан юз ўтириш, ҳаётдан ажралиб қолиш, ўтмишни идеаллаштириш дея баҳоланар эди. Ажабки, бу жоҳил сиёсатга қарамай истеъдодли, виждонли адиблар — Ҳамза, Қодирий, Чўлпон, Фитратдан тортиб миллий адабиёт қарвонини ХХI асрга етаклаб келган О.Ёқубов, П.Қодиров, А.Орипов, Э.Воҳидов каби сўз усталари ҳаёлини тарихий ўтмиш воқеалари, буюк аждодларимиз кечмиши ўзига тортаверди... Бугун, янги аср бошида адабиётимиз босиб ўтган йўлни сарҳисоб қилиб баралла айта оламиз: ХХ аср давомида яратилган энг яхши, баркамол, халқ орасида шуҳрат қозонган, миллий адабий тафаккурда инқилоб ясаган, янги — модерн адабиёт довуғини жаҳонга ёйган, айти пайтда муаллифлар бошига катта кулфат-мусибатлар келтирган ҳам айти шу тарихий мавзудаги асарлар бўлди. Қодирий «Ўткан кунлар», Чўлпон «Кеча ва кундуз», Фитрат «Абулфайзхон» асарлари учун маломатлар бўронига дуч келди, Ойбек «Навоий» романи теварагидаги машмашалар туфайли оғир хасталикка учраб тилдан қолди; «Жалолиддин» муҳокамасидаги дағдағалар Шайхзодани қатағон қомига улоқтирди; қатор гўзал тарихий қиссалар муаллифи М.Осим бир умр эътибордан четда, сиқувда яшаб ўтди. Ҳатто истиқлол арафасида П.Қодиров Бобур ва бобурийлар ҳақидаги романи учун ўтмишни идеаллаштириш, «синфий ёндашиш»дан чекинишда айбланди. «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довои» романларининг наشري бир неча йиллар орқага сурилди; Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеъри узоқ вақт ҳокимият учун номақбул асарлар рўйхатида юрди.

Бироқ шундай қудратли тоталитар режим гарчи Қодирий, Чўлпон, Фитратларни жисман йўқ қилган, омон қолган адиблар бошига оғир савдолар солган, улар яратган шоҳ асарларни таъқибу таҳдид остига олган бўлса — да, барибир уларни маҳв этолмади; бўхтон, таҳдиду таъқибларга қарамай яширин ҳолда қўлма-қўл ўқилди; 40 — 50-йилларнинг муҳиш шароитида ҳам давраларда «Жалолиддин» драмасидан монологлар ёд этилганлигининг гувоҳимиз; «Ўткан кунлар» романини гап — гаштакларда бошдан-оёқ ёд айтиб юрган хўжандлик оддий бир китобхон ҳақида «Гулистон» журналида мақола чиққан эди. Қодирий, Чўлпон романларини қўлёзма ҳолда кўчириб тарқатганлар кўп

бўлган. Ўша таъқибу таҳдид йилларида бирорта тўй-маърака «Ўзбегим» ашуласининг ижросисиз ўтмаган. Ўша кезлари «Ўзбегим», шунингдек, «Ўзбекистон ватаним маним» шеърлари ўзбекларнинг ғайри расмий Давлат мадҳияси каби янгради. Халқни ўз ўтмишидан, миллий қадриятларидан бенасиб этиш сиёсати олиб борилган, мактабларда, асосан, Россия тарихи ўқитилган бир шароитда тарихий романларимиз, шеър ва театр асарларимиз халқимиз учун тарих дарсликлари, сабоқлари вазифасини ўтади.

«Ўткан кунлар»дан тортиб бутунги энг яхши ўзбек тарихий романларига хос муҳим хусусиятлар — улар шунчаки миллат тарихига, улкан тарихий сиймолар ҳаётига онд қизиқарли воқеалар ифодасидан иборат эмас, балки миллат тарихи, у босиб ўтган йўл, унинг парвози ва инқирози сабаблари, истиқболи ва истиқлоли ҳақидаги ўй-мушоҳадалар, кечмишдан чиқарган ибратли сабоқлари билан қимматлидир. Бу асарларни халқимиз бежиз қадрлаган эмас, уларда миллат ўзлигини, ўзбеклигини, ҳам кучли, ҳам ожиз томонларини кўрди.

«Ўткан кунлар»нинг маъно — мундарижа доираси кенг, унда хилма-хил ижтимоий, маънавий муаммолар кўтарилган. Улар орасида энг муҳими — юртнинг, миллатнинг тақдири, мустақиллиги масаласидир. «Ўткан кунлар» романига қадар ҳам, асар ёзилган пайтда ва ундан кейин ҳам ҳеч ким XIX асрда миллат тақдири учун ҳаёт-мамонт аҳамиятига молик тарихий ҳодисаларни, ўлканинг тутқунликка тушиб қолиш сабабларини Қодирийчалик чуқур, холис, таъсирчан таҳлил қилгани йўқ. Қодирий талқинича, тутқунликка тушишнинг бош сабаби жаҳолат, қолоқлик ва ўзаро ички низолардир. Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек саволига жавобан айтган мана бу ёниқ сўзлари миллат тақдири учун ҳаёт-мамонт аҳамиятига моликдир: «Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичган мансабпараст, дунёпараст ва шухратпараст муттаҳамлар Туркистон туурғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу қолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуюдиган бўлсак, яқиндирки, ўрис истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни

булгатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрис бўйинтуруғини кийдирган бўлурмиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб тошширгувчи — биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати албатта гушар, ўғлим!».

«Ўткан кунлар»даги каби П.Қодиров тарихий романларида ҳам эл-юртни ичдан емирувчи ўзаро низолар, уларнинг фожеий оқибати ифодаси ўқувчи қалбини ўрттайди; айна пайтда ҳаётда эзгуликни ўзида мужассам этган нузли сиймоларнинг мавжудлиги киши кўнглига таскин беради, қувонч бахш этади. Бу жиҳатдан айнқиса Бобур — Ҳумоюн — Акбар, яъни бобо — ўғил-набира орасидаги муносабатлар ибратомуз ҳодисадир. Атоқли француз тарихчи олими Э.Ренан буюк темурий тождорлар — Бобур, Ҳумоюн ва Акбар орасидаги оқилона ворисийликни тарихда фақат бир бор содир бўлган нодир ҳодиса деб баҳолайди.\* Дарҳақиқат, Бобур ҳалокатга юз тутган Темур салтанатини янги асосда қайта тиклаб Темур руҳига садоқатини намоён этди, унинг садоқатли, фидойи ўғли Ҳумоюн эса Ҳиндистонда отаси асос солган янги салтанатни таҳдиду тажовузлардан омон сақлаб қола билди, ниҳоят набираси Акбар бу салтанат доврўғини жаҳонга ёйди. Бу ибратомуз ҳодисалар «Юлдузли тунлар» («Бобур») ва «Авлодлар доवони» («Ҳумоюн ва Акбар») романларида маҳорат ва билимдонлик билан ифода этилган.

Одил Ёқубовнинг кўплаб тилларга таржима этилган «Улуғбек хазинаси» романида ҳам турк дунёси учун муштарак ҳаяжонли муаммолар қаламга олинган. Улуғ адиб Ч.Айтматов бу роман муносабати билан унинг муаллифига йўллаган мактубида романни ўқиш асносида ғоят ҳаяжонланганлиги, асар уни ларзага солганлигини, чуқур ўйга толдирганлигини айтади. «Романни ўқирканман, кўнглимда туркий халқларимиз тарихи учун ифтихор туйғуси жўш урди... Улуғбек шундай даҳоки, у бизни асрлар оша тарихимизга, заминда тутган мавқеимизга туювҳ. Улуғбек — бизнинг дилдаги оҳимиз, армонимиз, у буюк башарий тажрибалар ҳақида, дунё ҳақида юксак меҳонларда туриб мулоҳаза юритиш, ҳукм-сабоқлар чиқариш учун асос берадиган шахс... Улуғбек мен учун ўрта асрнинг атоқли

---

\* Қаранг: «Звезда Востока», 1992, № 11 — 12, 180 бет

олими бўлгани учунгина эмас, балки халқимиз тарихидаги энг мураккаб ва оғир фожияни бошидан кечирган аллома бўлгани учун ҳам улуғдир» \*.

Янги ўзбек адабиётининг ташкил топиши, ривож вақтли матбуот, нашр ишларининг кенг тус олиши билан боғлиқ ҳолда борди. XIX аср охирларида чоп этила бошлаган ilk газета «Туркистон вилоятининг газети» ўзбек қаламкашлари учун матбуотда чиқишнинг дастлабки тажриба майдони бўлди. XX аср бошларига келиб «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Хуррият» газеталари, «Ойина», «Ал-ислоҳ» журналлари қалам аҳлининг бош минбарига айланди. Октябрь тўнтаришидан кейин чиққан «Ишгироскиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон», «Бухоро ахбори», «Янги Фарғона», «Янги Шарқ», «Ёш ленинчи», «Инқилоб», «Муштум», «Билим ўчоғи», «Маориф ва ўқитувчи», «Ер юзи», «Аланга», «Худосизлар» каби газета ва журналлар ўша давр адабиётининг кўзгуси эди. Авваллари адиблар яратган асарлар қўлёзма ёки хаттот-котиблар томонидан кўчирилган, бир неча нусхада тарқатилган бўлса, энди газета ва журнал саҳифалари орқали тезкорлик билан кўплаб ўқувчилар қўлига етиб борадиган бўлди; аввал тошбосма, сўнг замонавий типография усулида ўнлаб, юзлаб, минлаб, ҳатто ўнг минглаб нусхаларда алоҳида китоб ҳолида чиқа бошлади. Қисқаси, янги ўзбек адабиёти ilk қадамлариданоқ оммавий адабиёт сифатида қад ростлай бошлади. 70–80-йилларда адабий нашрлар — «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» каби журналлар, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги тиражи бир неча юз мингга етгани, Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, С.Аҳмад, Мирмуҳсин, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, Э.Воҳидов, Л.Орипов сингари адибларимизнинг китоблари юз минглаб нусхада босилгани, тез тарқаб кетгани янги адабиётнинг халқ орасидаги шуҳратидан далолатдир.

Вақтли матбуот билан ҳамкорлик, оммавийлик адибларнинг фикрлаш ва ифода тарзига, тил ва услубига кучли таъсир кўрсатди; Қодирий, Ҳамза, Чўлпондан тортиб XX аср адабиётининг кенжа бўғинларига қадар китобхон, халқ билан тиллашиш, уларга тушунарли қилиб ёзиш

\* Чингиз Айтматов. В соавторстве с землёю и водою. Фрунзе, «Кыргызстан», 1979, с.235.

адиблар учун энг муҳим масалага айланди. Матбуот билан яқин алоқада бўлган адиблар асарларида публицистик руҳ, эҳтиросли талқинларнинг кучлилиги кузатилади. 60–80-йиллар адабиётидаги «гап айтиш»га мойиллик тамойили ҳам, бир чеккаси, матбуотга яқинлик оқибатидир. Буни қусур сановчилар ҳам бор. Тўғри, ўша кезлари кўплаб истеъдодли адиблар асарларида «масала кўтариш», «гап айтиш»га берилиб кетиб гоҳи адабиётнинг бош вазифаси — инсон жумбоғи, инсон қалбини тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган жиҳатлари бадий таҳлил доирасидан четроқда қолгандай туюлади. Бу ҳол ўша кезлардаги вазият, адабиёт олдида турган вазифалар билан изоҳланади. Расмий доираларда, улкан минбарларда, фан тилида, публицистикада мамлакат, одамлар ҳаётига оид муаммоларни кўтариб чиқиш, бор ҳақиқатни айтиш имкони бўлмагани учун бу вазифани, яъни фалсафа, социология, публицистика бажариши лозим бўлган ишларни адабиёт ўз зиммасига олди. Истеъдодли, имон-этиқоди бутун адибларнинг энг яхши асарлари виждон садосига, ҳақиқат баҳсларига айланди.

Янги ўзбек адабиёти ривожий айтиш пайтда ахборот воситалари, санъатнинг кўплаб янги турлари — театр, кино, радио, телевидениенинг таркиб топиши жараёнида улар билан ўзаро ҳамкорлик ва рақобатда кечди. Бу нарса ҳам сўз санъати услуби, ифода тарзига қатор янги хусусиятлар олиб кирди.

Тилшунос олимлар ҳозирги замон ўзбек тилининг шаклланиши ва такомиллини ҳақли равишда миллий матбуотнинг пайдо бўлиши ва равнақи билан боғлайдилар. Миллий матбуот равнақи эса, кўриб ўтилганидай, биринчи галда миллий адабиёт билан алоқадор. Совет ҳокимияти йилларида ўтказилган тил сиёсати фоят зиддиятли, охири оқибат миллий тилларнинг истиқболига умидсизлик туғдиришга қаратилган эди. Турмушнинг ҳамма жабҳаларида миллий тил мавқеи тобора сиқувга олиниб улуғ оға рус тилининг таъсир доираси кенгайиб борди. Руслаштириш сиёсати тил соҳасида ҳам авж олдирилди. Ҳатто, она тили ва миллий адабиёт бўйича ёзилган диссертациялар ҳам тўлалигича рус тилига кўчиб ўтди. Ижтимоий тафаккур, санъатнинг биргина тури — адабиёт ўз мавқеини сақлаб қолди, холос; барча соҳада руслаштириш сиёсатини олиб борган мустабид тузум миллий адибларни она тилида ёзиш

ҳуқуқидан маҳрум этишга журъат этолмади. Бинобарин, империя даврида миллий тилимизнинг равнақи, ҳимояси, асосан, сўз санъати соҳиблари зиммасига тушди. XX аср ўзбек адабиётининг энг ёрқин намуналари бугунги ўзбек замонавий тилининг бойлигини, имониятларини мужассам таддиган хазинадир. Янги адабиётнинг туғилиши ва ривожда бўлгани каби ҳайратомуз ҳодиса замонавий миллий тилимизнинг шаклланиши ва равнақида ҳам содир бўлди. 30-йиллардаёқ жаҳон адабиётининг «Ҳамлет», «Отелло», «Евгений Онегин», «Демон» каби нодир намуналарининг бадииятини ўзбек тилида тўла ифода этиш имкони туғилди, кейинроқ «Шоҳ Эдип», «Декамерон», «Илоҳий комедия», «Фауст», «Уруш ва тинчлик», «Жиноят ва жазо»дан тортиб XX аср адабиётининг ғоят хилма-хил йўналишларига мансуб «Жараён», «Уста ва Маргарита», «Танҳоликнинг юз йили», «Ошқора қотиллик қиссаси», «Қумдаги хотин», «Қиёмат»гача, Ф.Кафка, Ж.Жойс, А.Камю каби модернизм, постмодернизм, абсурд адабиёти намоёндаларининг ўта мураккаб асарларига қадар – барчасига ҳос хусусиятларни бугунги ўзбек тилида ифодалаш мумкин эканлиги исбот этилди.

Ҳозирги замон ўзбек тилининг шаклланиши, бинобарин, янги миллий адабиёт ривожига ғоят мураккаб шароитда, турли-туман қийинчиликлар гирдобида кечди. Бир аср давомида ўзбек имлоси бир қанча ўзгаришларга дуч келди. Дастлаб неча асрлик араб алифбоси жиддий ислоҳ қилинди, 20-йиллар охирига келиб лотин, 40-йиллар охиридан эса кирилл алфавитига ўтилди, мана энди яна лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси жорий этилмоқда. Бир аср давомида миллий ёзувнинг бу қадар кўп ўзгаришларга дуч келиши жаҳон халқлари тарихида кам учрайдиган ҳодиса. Демак, янги ўзбек адабиёти намуналари, қўлёзмалар матни уч хил ёзувда битилган. Бунинг устига, имло қоидаларининг мукамал эмаслиги, бот-бот ўзгариб туриши, 20–30-йиллари имлода жорий этилган сингармонизм ҳодисаси, имло бобида сўнгги йиллардаги болшбошдоқликлар – миллий адабиёт намуналари матнини ўқиш, нашр этиш, ўрганиш ишларини хийла мураккаблаштиради. XX аср ўзбек адабиёти тарихи бўйича тадқиқот олиб борувчи мутахассис олдига шу хил

қийинчилик ва мураккабликлар ҳам борлигини назарда тутмоқ даркор.

Адабиётимизнинг истиқлол давридаги ривожини ҳам осон ва рағбатдор бораётгани йўқ. Бозор иқтисодига ўтиш даврида маданият, санъат, адабиёт оғир аҳволга тушибди, нашр ишлари қийинлашди, адабий нашрлар ҳажми, газета, журнал ва китоблар тиражи кескин камайди. Шу билан баробар, маънавий ҳаётимизда янги бир уйғониш рўй берди, ўзликни, миллий қадриятларимизни англаш кучайди, она тилимиз давлат мақомига эга бўлди, меросга, бадиий ижодга муносабат тубдан ўзгарди; фикрлар хилма-хиллиги учун йўл очилди, «фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги» қонун билан расмийлаштирилди. Ўзбекистон Конституциясида «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаёти сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» деб ёзиб қўйилган. Бу ижтимоий-маънавий, адабий тараққиёт учун муҳим тарихий аҳамиятга эга. Эҳтимол, ўзбек халқи адабиёт ва санъат тарихида ilk бор шундай қафолатга эга бўлди. Бундай қафолат самарасини амалда кўриб турибмиз. Адабиёт ва санъат узоқ йиллик яккахоким мафкура, ягона соқреализм методи тайинқидан халос бўлди, бизда ҳам жаҳоннинг тараққий этган эркин, демократик мамлакатларидаги каби фалсафий-мафкуравий асоси, эстетик принциплари жиҳатидан хилма-хил адабий оқимлар қарор топиши учун замин ҳозирланди.

Тўғри, авваллари ҳам адабиётимизнинг бойлиги, хилма-хиллиги ҳақида кўп гапирилар эди. Лекин бу хилма-хиллик, ранг-баранглик соқреализм, аниқроғи, ягона мафкура, доирасида бўлиши лозим эди. Ранг-баранглик, хилма-хиллик дейилганда асосан шакл, услуб, нари борса услубий оқимлар хилма-хиллиги тушунилар, расмий қарашлар қолипига тушмайдиган талқин, тамойиллар қатъий рад этилар эди. 90-йилларга келиб аҳвол ўзгарди. Бизда ҳам фалсафий-эстетик асоси жиҳатидан хилма-хил йўналишга мансуб асарлар пайдо бўла бошлади. Чунончи, моддий дунё қонуниятларига, тарихийлик, ижтимоий таҳлил мезонларига амал қиладиган анъанавий реализм билан баробар деярли барча адабий тур, жанрларда диний, руҳоний – исломий талқин устувор асарлар яратила бошланди (А.Ориповнинг

«Ҳаж дафтари» каби). Диний – исломий талқин ҳатто кекса авлод ижодида ҳам намоён бўлди. Шоира Зулфиянинг «аксон ёшида умр сарҳисоби тарзида битган «Хотира синиқлари» достонида буни кўриш мумкин. Шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули эмас, кўпроқ илоҳий, туғма – табиий, сирли – сеҳрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоий, тарихий шароит-тузум, давлат, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу-хислатларини, онг-идроқдан ташқаридаги англаб етилмаган кечинмаларини бадиий тадқиқ этувчи, экзистенциализм фалсафасига таянувчи асарлар ҳам пайдо бўла бошлади. Асқад Мухторнинг «Фано ва бақо», Ш.Холмирзаевнинг «Қуёш-ку фалакда сузиб юрибди...» ҳикояларида бу ҳол яққол намоён бўлади. Бу фоний дунёнинг омонат, таги пуч ғояларига элданган, шахс умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабарик тарзда, кўпинча рамзий-мажозий воситаларда бутун кескинлиги, фожиаси билан очиб берувчи абсурд асарлар, абсурд қаҳрамонлар ҳам пайдо бўлмоқда. Авваллари ҳам совет даври ҳаётининг салбий жиҳатлари, адолатсизлик ва шафқатсизликларини кўрсатувчи, фош этувчи, адашган одамлар қисматидан баҳс этувчи асарлар яратилган эди. Бироқ бутун бошли ижтимоий тузумнинг бемаънилигини изчил тарзда тағ-томири билан очиб берувчи асарларнинг яратилиши учун 80-йиллар охири, 90-йиллар бошларида шароит етилди. Дастлаб, А.Ориповнинг «Фожиа», Э.Воҳидовнинг «Ватан умиди» шеърларида, Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романида элданган шахс драмаси хийла кескин қўйилди. Кейинроқ Н.Эшонқуловнинг «Маймун етаклаган одам», Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар», «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романларида персонажлар умри, фаолиятининг, улар амал қилган ақидаларнинг, яшаган муҳитнинг бемаънилиги бутун даҳшати билан кўратилди.

«Отамдан қолган далалар» романи бош қаҳрамони Деҳқонқул образи замонавий ўзбек адабиётида жиддий воқеа сифатида баҳоланди. Деҳқонқул совет даври адабиётида завқ-шавқ билан қаламга олинган меҳнат қаҳрамонларига пародия тариқасида яратилган. У – тоталитар тузум, қизил империя сиёсати тарбиялаб етиштирган «меҳнат кишиси», «янги инсон» тинсали,

мустабид ҳокимият мунофиқона мафкурасининг тирик қурбони. Алдовларга учраган бу соддадил одам умр бўйи қилган фидойи меҳнати, қалб саҳовати эвазига оиласи хонавайрон бўлади, инсонлик шаъни топталади, айтиб адо бўлмас хўрлик, қийноқларга гирифтор этилади. Шунда ҳам у бу кўргиликлар асл сабабини англаб етмайди. Бу шўрлик банда бунга қодир эмас. Деҳқонқул ҳисмати империя мафкураси, чиройли шиорларга ўралган, аслида миллатни, унинг онгини маҳв этишга қаратилган геноциддан иборат мунофиқона сиёсат устидан чиқарилган айбномадир. Мустақиллигини йўқотган, ўзлигидан йироқлашган, фикрлашдан тўхтаган муте, нгоаткор кимсанинг охир-оқибат келадиган манзили шу!

Н.Эшонқуловнинг «Истило», «Тобут», «Қора китоб» ҳикояларида, Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Тепалиқдаги хароба» романларида эса бемаъни ғоялар — адолатсизлик, мунофиқлик, шафқатсизлик, зўравонлик асосига қурилган, инсон ҳаёти ва қалбини топтаб, ундаги табиий, боқий қадриятларни маҳв этишга қаратилган, охир-оқибат ҳалокатга маҳкум тоталитар тузум ва яккаҳоким мафкуранинг даҳшати мажозий манзараларда чизилган.

Миллий адабиётимизнинг ҳозирги ҳолати, ривож билан боғлиқ мунозарали муаммолар кўп. Айниқса, сўз санъатидаги анъанавийлик ва модернизм муносабатлари, адабиётнинг ижтимоий моҳияти ва «соф санъат» масалалари қизгин тортишувларга асос бўлмоқда.

Яқин-яқинларда бирор янгича йўлдан борган қаламкашларга албатта «модернист» ёки эски шаклларга мойил ижодкорга «консерватор» деган ёрлиқ тақилар, шунинг ўзиёқ ижодкорни қора курсига ўтқазиб билан баробар эди. Худога шукур, бундай жоҳил муносабат ортда қолди. Бироқ адабий баҳсларда анъанавийликка мойил ижодкорнинг модернистик йўналишдаги изланишларини хушламаслиқ ёки, аксинча, модернизмга мойил қаламкашларнинг анъанавий йўлдаги адиблар ижодига менсимай қараш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Бадий асар қиммати қайси йўналиш — анъанавий ёки модернизм шаклида яратилганида эмас, балки у чинакам санъат намунаси даражасига кўтарилган ёки кўтарилмаганлиги билан белгиланади. Асарнинг қайси йўналишга мансублиги ҳали уни ҳимоя

қилиш ёки рад этиш учун асос бўлолмайди. Омон Мухтор, Олим Отаҳон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул каби носирлар XX аср жаҳон адабиёти ва санъатидаги қатор янги йўналиш, оқимларга, жумладан, М.Пруст, Ж.Жойс, Ф.Кафка, А.Камю, Р. Акутагава, К.Абэ, Г.Маркес сингари буюк сўз усталари бадий йўлларига, онг оқими, экзистенциализм, абсурд адабиёти, магик реализм, шунингдек миниппия шакли тажрибаларига, улар кашф этган шахснинг ўта чигал, сирли-сехрли мураккаб руҳий олами, инсон табиати ва қалбининг янгича таҳлили ва бадий талқини усулларига таяниб баъзи муваффақиятларга эришаётган эканлар, бундан фақат қувониш мумкин. Бироқ бундан миллий адабиётимизнинг келгусидаги тараққиётини фақат шу йўлдан иборат деб қараш ногўри бўларди. Ҳар қанча буюк кашфиётлар берган бўлмасин, бир хил йўналишдаги миллий адабиёт, бари-бир, камбағал адабиёт. Хилма-хил бадий оқимлар, йўналишлар, мактаблари мўл миллий адабиёт бой ва истиқболи порлоқ адабиётдир. Анъанавий реализм йўлини тутган О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, М.Мансуров, Тоғай Муроднинг ижодий тажрибаси шундан далолат берадики, бу адибларимиз асарларидаги бадий кашфиётлар «энг янги услуб»да битилган асарлардаги янгиликлар билан бемалол бўйлаша олади. Демак, анъанавий реализм имкониятлари ҳали тугаган эмас.

Шўролар давридаги адабиётни ҳаддан ташқари мафкура-вийлаштириш, сиёсийлаштириш ҳодисасини қоралаш, рад этиш баҳонасида, умуман, сўз санъатининг ижтимоий, мафкурарий қимматини, шахс эрки, юрт озодлиги, социал адолат учун кураш воситаси эканини назарда тутган ҳолда, у инсониятга Аллоҳ инъом этган қудратли маънавий қурол, инсон ҳаётининг моҳиятини ташкил этувчи жамики гўзал туйғулар, қадриятларни асраб қолиш воситаси эканини, сўз санъатининг неча минг йиллик тарихи ҳам, бугунги тажрибалари ҳам, жумладан, янги ўзбек адабиётининг энг яхши намуналари, 90-йиллар, янги аср бошидаги ютуқлари ҳам тўла тасдиқлайди.

Хуллас, янги ўзбек адабиёти XXI асрга, бир томондан, чинакам фикр эркинлиги, хилма-хил ижодий оқимлар, адабий мактабларнинг эркин шаклланиш ҳуқуқига эришган, иш билан баробар ҳаёт ва ижоддаги қатор мураккаблик,

янги муаммоларни бошдан кечираётган ҳолда кириб келди. Чинакам эркин ижодий тафаккурга йўл очилишининг ўзиёқ миллий адабиётимизнинг эртасига катта умид уйғотади. Катта умид, улуғ муддаолар, уларни рўёбга чиқариш йўлида ғайрат-шижоат бор жойда, албатта, тараққиёт рўй беради, қийинчилик, муаммоларни ҳал этиш чораси топилади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

миллий уйғониш  
ўзликни англаш  
янги ўзбек адабиёти  
тоталитар режим  
яккахоким мафкура  
шўро адабий сиёсати  
шўро адабиёти  
миллий истиқлол ғояси  
истиқлол даври адабиёти  
фикрлар хилма-хиллиги  
ижод эркинлиги  
ижодий оқимлар ранг-баранглиги

#### **Савол ва топшириқлар:**

1. Янги ўзбек адабиёти қандай тарихий шароитда шаклланди?
2. Янги ўзбек адабиёти ривожига хос етакчи тамойиллар, унинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
3. Мустабид тузум адабий сиёсатининг фожеий оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Сизнингча, истиқлол миллий адабиёт, санъатта нималар берди?
5. Истиқлол даври ўзбек адабиётининг ёрқин намуналари ва уларга хос фазилатларни аниқланг.
6. Бугунги адабий жараёндаги қийинчиликлар, муаммолар, Сизнингча, нималардан иборат?

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. // Тафаккур. – 1998. 2-сон.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., 2000.
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2000.
5. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1999.
6. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т., 2004.
7. Адабиёт (11-синф учун дарслик). – Т., 2004.
8. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т., 2004.
9. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Т., 2000.
10. Норматов У. Тафаккур ёдуси. – Т., 2005.
11. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т., 2004.

## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

Абдулла Қаҳҳор XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин, забардаст сиймоларидандир. У янги миллий адабиётимизнинг иккинчи авлоди саналмиш Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Миртемирлар сафида туриб ижод этди. Бу авлод зиммасига А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби буюк сиймолар бошлаб берган янги миллий адабиёт карвонини ўта мураккаб ва зиддиятли бир давр талотумлари гирдобидан олиб ўтиш масъулияти тушди. Сафдошлари каби Абдулла Қаҳҳорнинг қизғин ижодий фаолияти XX асрнинг энг фожеий палласида, мудҳиш 30—50-йиллар шароитида, мустабид яккаҳоким мафкура, совет адабий сиёсати таъсири ва тазйиқи остида кечди. Бу ҳол ёзувчининг ижодий тақдирида талай нохуш асоратлар қолдирди. Айни пайтда, Аллоҳ берган беназир истеъдод, ноёб шахсий фазилатлар — ўзига хос ўткир нигоҳ, фуқаролик туйғуси, қатъият, ирода, бардош, ҳақгўйлик, ҳалоллик ва шижоат туфайли замонаси талотумларидан юқори кўтарила олди. Адибнинг дилбар ҳикоялари унга катта шуҳрат келтирди, «Синчалак», «Ўтмишдан эртаклар» қиссалари, «Сароб», «Қўшчинор» романи, «Шоҳи сўзана», «Тобутдан товуш» комедиялари, ўнлаб ўткир публицистик чиқишлари, адабий-танқидий мақолалари, заргарона таржималари аср адабиёти, маънавий-маданий ҳаёти тарихида ёрқин ва ўчмас из қолдирди.

Абдулла Қаҳҳор шўро даврининг тугуруқсиз, мунофиқона адабий сиёсатини, ҳам «сийлов», ҳам дағдағая таъқибларини татиб кўрган адиблардандир. Бир томондан, унинг қатор асарлари ўз даврида юксак баҳоланди, дарсликлардан жой олди, кўплаб хорижий тилларга таржима этилди; адиб Иттифоқ ва Республика давлат мукофотлари, ҳукуматнинг юксак орденилари билан тақдирланди, Республика Олий советига депутат, Ёзувчилар союзига раис бўлди; унга Ўзбекистон Халқ ёзувчиси фахрий унвони берилди. Айни пайтда, эътиборга сазовор деярли барча асарлари теварагида иғво-фитнадан иборат машмашалар уюштирилди; «Сароб», «Қўшчинор», «Синчалак», «Тобутдан товуш» устида бўлган муҳокама, баҳслар оддий адабий мунозаралардан кўра мафкуравий-сиёсий суиқасдни ослатади. Баъзан арзон шуҳратпарастлик, ошқора ғаразгўйлик, баъзан сиёсий демагоглик, баъзан эса тўғридан-тўғри

жаҳолат натижаси бўлган бундай танқидлар ёзувчининг дилига қанчалар озор етказгани, умрини эгов бўлиб кемиргани, ижодий қисматида похуш асоратлар қолдиргани аён. Айниқса, ёзувчининг сўнгги ўн йиллик ҳаёти тазйиқлар ва мардона курашлар гирдобидида кечди, номи шубҳали шахс сифатида «қора рўйхат»ларга тушди, адибнинг ўзи қолиб маслақдош – сафдошлари, яқин кишилари, шогирдлари ҳам ҳар хил йўللар билан таъқиб, тазйиқ остига олинди.

Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий мероси XX аср ўзбек адабиётида реализм ривожининг ўзига хос бир ўзанини, алоҳида босқичини ташкил этади. Абдулла Қаҳҳор реализми XIX аср Овropa адабиёти, биринчи галда рус адабиёти классиклари таъсирида, XX аср биринчи ярми ўзбек халқи ҳаёти заминида шаклланган бетакрор адабий ҳодисадир. Реализм ақидаларига садоқат оқибати бўлса керак, ёзувчи бутун ижоди давомида ўзи кўрган, шохид бўлган воқеалар, ўзига замондош кишилар ҳаёти ҳақида ёзди. Бир томондан, шўро мактабидида, пионер, комсомол, компартия сафларида тарбияланган, шўро идораларида, матбуотида ишлаган, 20-йилларнинг синфий кураш жабҳаларида шахс сифатида шаклланган, иккинчи томондан, Л. Толстой, И. Тургенев, Достоевский, Писарев, Ж. Лондон каби буюк реалистлардан адабий сабоқ олган, айниқса Гоголь билан Чеховни ўзи учун муаллим, устод деб билган адиб ижодида фаройиб бир ҳолат-мафкуравий асос билан реализм, унинг бош принциплари орасидидаги қандайдир номувофиқликдан иборат зиддият мавжуд. Бундай ички зиддият жараёнида кўпинча реализмнинг сеҳрли кучи тантана қилади. Абдулла Қаҳҳор ижодий меросининг ўзига хос энг муҳим ва қимматли жиҳати ана шунда.

Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди адабиётшуносликда кенг ўрганилган, юзлаб мақолалар, рисола, монографиялар ёзилган; А. Алимұхамедов, П. Қодиров, М. Қўшжонов, С. Содиқов, Р. Қўчқоров, Х. Ҳамроқулованинг докторлик ва номзодлик диссертациялари қаҳҳоршуносликка қўшилган муҳим ҳисса сифатида эътироф этилган. XX асрнинг ўрталарида битилган Ҳ. Ёқубовнинг «Абдулла Қаҳҳор новеллалари», А. Алимұхамедовнинг «Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир» мақолалари ҳануз ўз қимматини йўқотгани йўқ. Замондошлари Ойбек ва Ҳ. Олимжон унинг миллий ҳикоячилик ривожидидаги хизматиға юксак баҳо берганлар. Адиб ижоди, шахсий фазилатлари хориждаги

қатор машҳур ёзувчи ва адабиётшунослар эътиборини ўзига тортган. Абдулла Қаҳҳор ижодини тадқиқ ва тарғиб қилишда айниқса О. Шарафиддинов ва М. Қўшжоновнинг хизматлари бекиёсдир.

Қайта қуриш ва ошқоралик даври деб аталган 80-йиллари, истиқлолдан кейин Абдулла Қаҳҳор ижодий меросини қайта баҳолашга, танқид элагидан ўтказишга уринишлар бўлди. Қатор нозик кузатиш, янгича таҳлил, таъқинлар билан бир қаторда, жиддий бирёқламаликлар ҳам юз берди. Энг ёмони, бир вақтлар шўролар даврида кўп нохуш оқибатларга олиб келган «вульгар социологизм» кўринишлари ўзгача қиёфада намоён бўлди; ёзувчи ижодининг мафкуравий жиҳатларига ёпишиб олиб бадииятини назар-писанд этмаслик, асарлари қимматини бипасига инкор этиш ҳолларига дуч келдик. А. Жабборов, Сувон Мели, Ҳ. Каримов каби мунаққидлар мақолаларида, ёзувчи О. Отахонов, Ш. Ҳолмирзаев чиқишларида, ҳатто пуқко адабиётшунос Р. Қўчқоровнинг «Сароб» ҳақидаги ишларида шундай ҳоллар содир бўлди.

Абдулла Қаҳҳор адабиётни касб эмас, кўнгил иши, санъат деб билар эди. У ҳақли равишда сўз устаси — санъаткори деб тан олинган эди. Бу борада у ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ниҳоятда талабчан бўлган. Асар матни устида маргарона меҳнат қиларди. «Мен ёзилган жумлани, ҳатто саҳифани ҳам устидан тузатолмайман. — деб ёзади у бир хатга жавобида. — Жумла, ҳатто бутун бир саҳифадаги бир сўзни ўчириб, ўрнига бошқасини ёзиш учун бошқа қоғозга ўша жумла, ҳатто саҳифасини кўчириб ёзаман. Бир саҳифани ўрта ҳисоб билан 15–16 марта кўчираман, нубҳасиз, ҳар сафар саҳифага сайқал бераман».

Абдулла Қаҳҳор ҳам сўз санъаткори, ҳам шахс, Қодирий ибораси билан айтганда «шахси бутун» зот сифатида замондошлари орасида зўр қизиқиш, катта эҳтиром уйғотган, ёрқин таассуротлар қолдирган аломат ҳисобланмоқда. Салкам олтмиш муаллиф хотираларидан ташкил топган «Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида» китоби, Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас», Саид Аҳмаднинг «Ёлкасини ҳақиқат силаган ижодкор» асарлари XX аср ўзбек адабиётидаги шу жанрнинг энг сара намуналаридандир.

Ниҳоят, Абдулла Қаҳҳор шахсияти, унинг ҳаёт ва ижод ифоди, асарларининг ижодий тарихи ҳақидаги ҳаёт ноёб ва

ишончли маълумотларни адибнинг ўз асарларидан, мақола, суҳбатларидан олиш мумкин. «Ўтмишдан эртақлар», «Озгина ўзим ҳақимда», «Ҳаёт ҳодисасидан бадий тўқимага», «Мактабдошлар», «Суҳбат» шулар жумласидандир. Эҳтимол, ўз сафдошлари орасида ўзи, ижоди тўғрисида энг кўп ва ҳўб маълумот қолдирган адиб Абдулла Қаҳҳор бўлса ажаб эмас.

## I

Адибнинг таржимаи ҳолида ва бошқа шахсий ҳужжатларида қайд этилишича, Абдулла Қаҳҳор 1907 йил кузда чоршанба куни — 17 сентябрда Қўқоннинг Кўмир бозори маҳалласида туғилган<sup>1</sup>.

Адибнинг болалиги Қўқон шаҳри ва унинг агрофидаги Яйпан, Нурсуқ, Қудаш, Бувайда, Толлиқ, Олқор, Юлғунзор, Оққўрғон қишлоқларида ўтган. Отаси Абдуқаҳҳор асли ҳозирги Тожикистоннинг Ашт қишлоғидан бўлиб аср бошларида акаси уста Абдурахмонга эргашиб Қўқон шаҳрига кўчиб келган, ота касби темирчилик билан шуғулланган. Абдуқаҳҳор мустақил оила тебратиш илинжида бўлса керак, шаҳарни тарк этиб бир неча йиллар қишлоқмақишлоқ кўчиб юрган. Онаси Роҳатой Абдуладан оддин ва кейин туққан саккиз боласини қора ер бағрига бериб юрак олдириб қўйгани учун бу ўғлини еру кўкка ишонмай, кўз ўнгидан бир қадам жилгани қўймайди. Бироқ оиланинг бу ёлғиз арзанда фарзанди кўз очиб, эсини таниб турмушнинг ҳалсиз хўрлик, шафқатсизликларини кўради. Айниқса дарбадар, кўчманчи ҳаёт, таҳқиру надоматлар гўдак кўнглига оғир ботади. «Бир қишлоқда болаларга энди қўшилиб ўртоқ орттирганимда, бошқа қишлоққа кўчиб, яна «кўчманчининг боласи, келгиндининг боласи» бўлиб қолар эдим. Бу гаплар қаттиқ ҳақорат йўсинида айтилар эди, — деб эслайди адиб таржимаи ҳолида. — Бир куни кечқурун маҳалла болалари илонни кўрган чумчуқдай атрофимда чуғурланиб турганда, кузатиб турган бир мўйсафид менга раҳм қилган бўлиб: «Қўйинглар, болалар, тегманглар,

<sup>1</sup> А. Қаҳҳор билан шахсий суҳбатда туғилган жойи, йили ва кўннинг қанчалик аниқлиги ҳусусида сўраганимда у: «Бу ҳақда тегишли сувоҳнома йўқ. Отам Қўқонда яшаган уйимиз айвонининг устунига сафсар қалам билан «Абдулла кўн йили суҳбуланинг охириги чориланбасида тутилади». — деб эзиб қўйган экан. Ҳақиб бўйим чузилган пайт ўз кўзим билан кўрган. ўқиган ўша «сув хотирамда қолган. Кейинчалик бу маълумотни мактабдош дўстим академик М. Ўрозбоев ёрдамида аниқлаб кўрсак, аниқ шу сана — 1907 йил 17 сентябр бўлиб чиқди», — деган эди.

келинди бўлса ўзи бўлибдими, худо қилган», — деди. Мўйсафиднинг бу гапи мента болаларнинг таънасидан ҳам қаттиқроқ тегди, узоқ йиллар дилимда чўкиб ётди. Билмадим, илгари қалай эканман, лекин назаримда мени шу гап индамас қилиб қўйди. Уйда мента «индамас», «ичимдан топ» деб дашном берадиган бўлишди... Бунақа таъна-дашномлар мени баттар «соқов» қилар эди». Бу муррак озордийда қалб энди «индамас» деган таънадан қутулиш учун одамлардан, ҳатто ўз онасидан ҳам мумкин қадар қочадиган бўлиб қолади.

Фақат шуларгина эмас. Қўли қисқалик, йўқчилик туфайли оилада юз берадиган дилсиёхликлар, одам боласи дош бериши мумкин бўлмаган ночор турмуш шароитлари, қўни — қўшнилар, одамлар орасидаги дағал, бешафқат муносабатлар, юртда авж олган жаҳолат, унинг ҳар қадамдаги ҳам кулгил, ҳам мудҳиш оқибатлари, бири-биридан аянчли, фожей қисмат, саргузаштлар — Абдулла дунёга келиб ана шундай муҳит, шароитда эсини таниди. «Ўтмишдан эртаклар»да ёзувчи ўша болалик йиллари манзараси моҳиятини «кунлар ғурбат билан бошланиб, ғурбат билан тугарди» деган биргина жумлада жуда ёрқин, таъсирчан очиб берган. Айни шу ғурбатга тўла дарбадар ва мунгли ҳаёт таассуротлари муррак Абдулла кўнглида илк бор ўзига хос мунгли қўшиққа айланади, аниқроғи кўнглидаги ҳасратлар қўшиқ бўлиб отилиб чиқади. Ёзувчининг эътироф этишича, унинг илк бор кўнглида туғилган қўшиғи — «ижоди» айни шу мунгли кечинмалар ҳақидадир. Демак, мана шу шафқатсиз ҳаёт Абдулланинг ёзувчи бўлиб етишувида муҳим омил ролини ўтади. Кейинчалик у қўлига қалам олганида бот-бот болалик хотираларига мурожаат этиши, ўтмиш ҳақидаги асарларининг маломатлар, ғам-ғуссалар билан йўғрилганлиги сабаби ана шунда.

Абдулла характерининг шаклланишида отасининг таъсири катта бўлган. Уста Абдуқаҳҳор қўли қисқа бўлишига, дарбадар ҳаёт кечиришига қарамай, ўзига хос мағрур, назари тўқ, инсонлик шаънини баланд тутадиган саводли, тадбиркор одам эди: «дадам бировнинг қўлидан битта ёнғоқ ҳам олдирмай ўстирган» деб ёзади адиб мамнуният билан. Абдуллага илк саводни отаси берган, китобга ҳавасни ҳам отаси уйғотган. Адибнинг эслашича, отаси китобга ниҳоятда ишқибоз бўлиб, деярли ҳар куни ишдан кейин уйдагиларга қизиқ китоблар — ҳар хил жангномалар, «Далли ва Мухтор»,

«Баҳори дониш», «Бобо Равшан» каби асарларни ўқиб берган. Абдулла муайян муддат эскича усулдаги мактабда ўқийди, хат танийди, сўнг Оққўрғонда Муҳаммаджон қори деган очиқ фикрли одамнинг янгича усулдаги (усули жаҳид) мактабда ўқишни давом эттиради, «Қуръони Карим»ни «Таборақ» сурасигача ёд олади. Жаҳид маърифатчиларининг дарсликларидан таълим олади, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Тавалло, Сўфизода, Сидқий адабиётлари билан танишади. Хусусан, жаҳид муаллими Муҳаммаджон қори ёзувчи шахсий ҳаётида чуқур из қолдирган, адиб бир умр у киши билан илиқ муносабатда бўлади, «Ўтмишдан эртақлар»нинг энг пурли бобини шу одамга бағишлайди. (Адиб васиятига кўра унинг жанозасини шу одам ўқиган). Абдулла Қаҳҳорнинг матбуотда чиққан ой куйиш воқеасига бағишланган илк инеъри, кўплаб ҳажвий асарлари илк жаҳид адабиётига хос жаҳолат, қолоқ урф-одатлар танқидига қаратилганлиги ҳам бежиз эмас.

Бу орада ўлкада инқилобий алғов-далғовлар бошланиб кетади. Абдуллалар оиласи Қўқонга кўчиб келади. Оиланинг кўчманчи-дарбадар ҳаёти барҳам топади. Унинг ҳар бир аъзоси мудҳиш 1918 йил воқеасидан сўнг Қўқон харобалари орасидан ўзига йўл қидиради, онаси Роҳатой пилла заводига ишга жойлашади, отаси темирчилар артелида ишлайди, орадан кўп ўтмай ихтиёрий равишда қизил аскарликка ёзилади, сўнг машҳур партизан Мелибой Абдуллаевнинг оператив отрядига ўтади. Абдулла дастлаб шўро мактаби «Истиқлол»да, ундан кейин интернатда, сўнг «Коммуна мактаби»да ўқийди; ўзбек билим юртининг «Намуна – тадбиқот» мактабда, ниҳоят билим юртининг ўзида ўқишни давом эттиради. Билим юртидаги таълим кўп жиҳатдан унинг келажagini белгилаб берибди. Бу ерда бирга ўқиган мактабдошлари орасидан кейинчалик фаннинг турли соҳалари бўйича улкан олимлар ва раҳбар ходимлар (М. Ўрозбоев, М. Қулматов, Т. Зоҳидов, Й. Тошпўлатов, Ф. Шамсиддиновлар) етишиб чиқди. Абдулла эса ноширликка, журналистика ва адабиётга мойиллик билдирди. Мактабда Чўлпон, Рафиқ Мўмин, Ҳамза каби машҳур шоирлар билан танишди. 1924 йилдан уезд – шаҳар комсомол комитетига ишга кирди, 1925 йили Тошкентга «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга таклиф этилди. «Норин шилпиқ», «Мавлон Куфур», «Гулёр», «Эркабой», «Э – бой» имзолари билан матбуотда қатнашди. Билим олишга бўлган иштиёқ уни Ўрта Осиё Давлат

университетининг ишчилар факультетига бошлади, айниқса, Гоголь, Тургенев, Чехов асарлари уни ўзига мафтун этди; буюк рус реалистлари асарлари ёш Қаҳҳорни «янги бир оламга, китобга эмас, ҳаёт одамларининг товуши эшитилиб, қиёфаси яққол кўриниб турган, уларнинг ички дунёсини ошпадай акс эттирган адабиёт оламига етаклади». Ёш ёзувчи уларга эргашиб асарлар ёзишга уринди.

Ишчилар факультетини тугатиб Қўқонда қишлоқ ўқитувчиларини қайта тайёрлаш курсида муаллимлик қилди, орадан кўп ўтмай, «Янги Фарғона» газетасига ишга ўтди. Ушунда кезлари, айниқса, «буюк бурилиш йили» деб аталган паллада ёш ёзувчи мамлакатда авж олган синфий, мафкуравий курашлар гирдобига тушиб қолди; бу ҳол ёзувчининг ўзи эътироф этганидай, унинг учун, бир жиҳатдан, оғир кўргулик, иккинчи жиҳатдан, катта мактаб бўлди. «Мана шунинг натижаси бўлиб «Сароб» майдонга қолди», — деб ёзади адиб таржимаи ҳолида. Мана шу «оғир кўргулик»нинг тафсилотлари ҳозирча фанда яхши ўрганилмаганлиги сабабли у ҳақда турли хил узунқулоқ гаплар юради. 30-йиллари Абдулла Қаҳҳор аввал Ўрта Осиё Давлат университетининг педагогика факультетида, ундан кейин Тил ва адабиёт илмий текшириш институти аспирантурасида таълим олди, бадиий ижод ва таржима ишлари билан астойдил шуғуллана бошлади.

1934 йили ёзиб тугатган «Сароб» романи уни чицакамига элга-жамоатчиликка етук ёзувчи сифатида танитди. Роман республика конкурсида мукофотланди. «Сароб»га берилган мукофот жумласига Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат ҳам кирарди. Шундан фойдаланган адиб Москвага боради. У вақтда китоб қаҳат эди. Москвадаги китоби китоб дўконларини кўп айланиб шу кунгача қайси бир ёзувчинини татиб кўрган бўлса, тўла асарлари тўпамини татиб олишга ҳаракат қилади. У ердан Толстой, Чехов, Гоголь, Тургенев, Лермонтов, Достоевский, Белинский, Горький, Ж. Лондон асарлари билан қайтади. «Шундан кейин, — деб ёзади адиб, — рус адабиёти дунёсига шўнғиб кетдим.... ҳар бир ёзувчинини чуқурроқ ўрганишга, унинг мартабасини улуғ, асарларини гўзал қилган сирлардан воқиф бўлишга киришдим. Шу мақсад билан ишни Чеховдан бошладим... Бунинг натижаси жуда тез кўринди. Шундан кейин ёзган ҳикояларим олдинги ёзган ҳикояларимдан жуда катта фарқ қилиб, танқиднинг баҳосига кўра, бу ҳикояларда

«ёрқин чизилган образлар» пайдо бўлди». Жаҳон новеллистик адабиётининг энг яхши намуналари билан бир қаторда турувчи ҳикоялар деб баҳо олган — «Анор», «Ўғри», «Бемор», «Адабиёт муаллими», «Санъаткор» каби асарлар шу тариқа майдонга келди.

Ҳикоя жанрида қаламини қайраб юрган ёзувчи яна йирик жанрга қўл урди. «Сароб»даги каби ҳаёт оқимида четда турган кимса — бу ерда энди зиёли эмас, батрак деҳқоннинг бошдан кечирганларини тасвир қилмоқчи бўлади. 30-йиллар охирида ёзила бошлаган асар 1947 йили дунё юзини кўрди. «Қўшчинор» номи билан аталган бу роман ўша давр адабий қолипларига мос келмагани учун жиддий танқидга учрайди; муаллиф асарни қайта ишлашга мажбур бўлади. «Қўшчинор чироқлари» номи билан чиққан роман, танқид хуш қабул қилган бўлса ҳам таъбимдаги китоб эмас», «ўзимга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан мақсадимга етолмадим», дейди адиб.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ёзувчининг бутун фикри-ёди, ижодий фаолияти фашист босқинчиларининг жинояткорона кирдикорларини фолл этишга, босқинчилар билан юзма-юз тўқнашган, уларга қарши мардона жанг олиб борган оддий халқ — деҳқонлар орасидан чиққан фронт қаҳрамонлари ва фронт ортида туриб ўзининг маънавий фазилатлари билан ўзгаларга намуна-ибрат бўлган чин ватанпарварлар сиймосини яратишга қаратилади. «Барон Фон Ринг», «Бос тепкини», «Иккиннинг бири», «Ҳи—ҳи...» фелъетонлари, «Дардақдан чиққан қаҳрамон», «Олтин юлдуз», «Асрор бобо», «Хотинлар» ҳикоялари мана шу интилишнинг самараларидир.

Уруш йиллари Абдулла Қаҳҳорнинг шахсий—оилавий ҳаётида ҳам ўзгаришлар бўлди. Абдулла Қаҳҳор 1931 йили Зайнабхон Мирсаловна Наджабова деган татар қизига уйланган. Абдулла Қаҳҳор билан Зайнабхон ўн йил турмуш қилишди, оилада икки ўғил дунёга келди. Катта ўғил Пўлат техника фанлари номзоди, кичик ўғли Суяр эса Олий милиция мактабини битириб Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасида хизмат қилган. Афсус, икковининг ҳам умри қисқа экан, Абдулла Қаҳҳор вафотидан кўп ўтмай биринкетин оламдан ўтди. Адибнинг бу икки ўғлидан қатор набиралар қолган... Эр-хотин орасидаги келишмовчилик

туфайли 1941 йили улар ажралишади<sup>1</sup>. Урушнинг охириги йиллари Абдулла Қаҳҳор Кибриё хоним билан танишади. 1945 йил 12 апрел куни улар оила куришади. Абдулла Қаҳҳорнинг бундан кейинги чорак асрлик ҳаёти, ижодий фаолияти, қувончли ва ташвишли кунлари мана шу ажойиб садоқатли, фидойи аёл, моҳир таржимон билан кечади, адиб шу инсон кўлида жон беради. Кибриё Қаҳҳорова «Чорак аср ҳамнафас» китобида Абдулла Қаҳҳор билан кечган кунларини батафсил ҳикоя қилиб берган.

Қаҳҳорнинг компартиянинг XX съезидан кейинги ўн йилдан ортиқроқ ҳаёти ва ижодий фаолияти ғоят сермахсул ва самарадор бўлди. Шахсга сифиниш, мустабид сиёсатнинг танқид остига олиниши, мамлакатда қисман демократияга йўл берилиши туфайли Абдулла Қаҳҳор тенгдошлари орасида ҳаммадан кўпроқ ўзини эркин ҳис эта бошлади. Ўзбек халқининг, хусусан, миллат кўпчилигини ташкил этган пахтакор деҳқоннинг ночор аҳволи, пахта далаларида одамларнинг қийналаётгани, аёлларнинг майиб бўлаётгани, болаларнинг пачоқ бўлиб ўсаётгани ҳақида бонг уради. «Мавсумда бир неча тонна пахтани битталаб териш, шунча юкни бўйнига осиб, неча юзлаб километр йўл босиш учун афсонавий Рустамнинг ҳам қуввати етмайди», дейди адиб ва мана шу юмушни қишлоқдаги ўзбек аёли адо этаётганидан подоматлар чекади. Руслаштириш сиёсатининг нохуш оқибатлари — «кўпгина оилаларда болалар ўз она тилисини мутлақо билмаслиги», бу ҳол «ота-онани заррача ҳам ёнвишга солмаётгани», «баъзи бир оилаларда бола ўз она тилисида гапиргани номус қилаётгани», шу нарса «интернационализм» деб аталаётгани ҳақида 60-йилларда донгал гапириш — бу ҳазилакам иш эмас эди. Эл-юрт, миллат, миллий адабиёт, она тилининг софлиги йўлидаги жонбозликлари, адабиётдаги ҳалтурага қарши чиқишлари, бу борада ёзувчиликка даъвогар энг юксак мартабадаги шахсларни ҳам аямаслиги чиндан-да катта жасорат эди. Абдулла Қодирий таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда сўзлаган нутқи, Қодирий каби буюк шиймоларни баҳолашда «культ даври қоқиб кетган темир қошиқ атрофидан йироқ кетилмаётгани» хусусидаги аччиқ ишторхоси, ўзининг 60 ёшлик тантанасидаги нутқи, Республика раҳбарияти қаршисида туриб айтган: «Яқин дўстларим

---

<sup>1</sup> Тоғнинг: Н. Каримов. Армон. «Ёзувчи», 1998 йил 18 март.

мени аяб-авайлаб «Сен гапни унча келиштиролмайсан, солдатга ўхшаб ер тепиб, чест бериб гапирмайсан», дейишди. Тўғри, мен чест бериб гапирмайман, чунки солдат эмасман» сўзлари, улкан анжуманда Мильчаков деган кимса ҳақидаги ўта кескин гапи бутун мамлакатни ларзага солган эди. 50 – йиллар шароитида рус кишиси, раҳбар ходим, Ёзувчилар Союзи партия ташкилоти секретари Мильчаковни «Ўзбек халқининг жаллоди» деб аташга журъат этиш аждаҳо қомига ўзини тутиб бериш билан баробар эди. Абдулла Қаҳҳор бунга журъат эта олди. Кейинги тадқиқотлардан маълум бўлдики, бу қабиҳ кимса 40-йиллар охири, 50-йиллар бошларида ўнлаб ҳалол истеъдод соҳибларининг қатағон этилишига бевосита алоқадор бўлган экан.

Бундай шижоат, журъат республикадаги маънавий, адабий ҳаётга қанчалар таъсир кўрсатгани, ўнлаб ижодий зиёлилар кўзини очгани, хусусан ёш истеъдодлар кўнглига ўт солгани, мустабид ҳукмдорларни эса ҳушёр торттиргани, талвасага солгани ҳеч кимга сир эмас. Қаҳҳор шундай шижоати, ҳақ сўзи, шахсий ибрати билан виждонли, чин истеъдод соҳибларини худди оҳанрабодек ўзига тортди. Ўша кезлари Қаҳҳор атрофида О. Ёкубов, П. Қодиров, Э. Воҳидов, А. Орипов, Ў. Ҳошимов, Ш. Холмирзаев каби ўнлаб ёш истеъдодлар, М. Қўшжонов, О. Шарафиддиновдек етук адабиётшунос – танқидчилар уюшган эди. Қаҳҳор миллий адабиётдаги соғлом кучларнинг раҳнамосига айланди. У адабиётда пайдо бўлган деярли ҳар бир янги истеъдод билан ёзилган асарларни ҳимоя қилиб чиқди, ёшларга маслаҳатлар бериб турди. Тарихнинг туб бурилиш нуқтасида ўзининг босиб ўтган ижодий йўлини мардона туриб сарҳисоб қила олди, ўтмишда йўл қўйган хатоларидан сабоқлар чиқара билди, уларни тузатишга жазм этди. Бир вақтлар Чўлпон ҳақида анча кескин танқидий фикр айтган адиб, энди уни «зўр талант эгаси» деб атайди. Ўз даврида унинг назарида «ўзини миллати хомийси, миллатчи деб атаган бир гуруҳ ватан хоинлари» эндиликда миллатнинг, ватанининг чин фарзандлари сифатида баҳоланди, адиб куюнчақлик билан уларни оқлаш, юзага чиқариш ҳақида сўзлайди. Ёшлар асарларидаги янгича талқинлар, гарчи адиб бир вақтлар ўзи амал қилган ғоявий ақидаларга зид келса ҳам, адолат юзасидан ёш муаллифларни ҳимоя қилади. Бир мисол, П. Қодировнинг «Уч илдиш» романида худди «Сароб»даги каби студентлар ва зиёлилар ҳаёти қаламга

олинган. Бироқ бу ерда зиёлиларнинг тақдири тамомила бошқача талқин этилган. «Уч илдиш» муаллифи бундай бошқачаликни Абдулла ака қабул қилармикинлар, деган хавотирда юрган. 1957 йили роман қўлёзмаси муҳокамасида ака Абдулла Қаҳҳор: «Анча вақтдан бери мен ўзбек адабиётида момақалдироқ гулдуросини эшитмай юрган эдим. Назаримда, мана шу асар адабиётимизга момақалдироқдай гулдурос солиб, чақмоқдай ялтиллаб кириб келяпти», дея романни юксак баҳолаган. Бу хилдаги мардона хатти-ҳаракатлар ижодкорларнинг бу одамга нисбатан эътиромини янада оширган.

Абдулла Қаҳҳор бу йилларда бадий ижодда ҳам ўзгаришга ибрат бўларли фаолият кўрсатди. Маънавий ҳаётда оурилиш ясаган 1956 йили «Минг бир жон», «Тўйда аза» ҳикоялари чиқди, сўнг бирин-кетин «Даҳшат», «Маҳалла», «Нурли чўққилар» эълон этилди. Булар миллий ҳикоячилигимиз ривожига янгича руҳ, қудратли тўлқин олиб кирди. Адибнинг 1958 йили ёзиб тугатган «Синчалак» қиссаси катта доврў қозонди. 1962 йили «Тобутдан товув» сатирик комедияси, 1965 йили «Ўтмишдан эртақлар» автобиографик асари майдонга келди. 1966 йил 25 декабрда қорозга туширилган бир мақоласида «Аяжонларим» деган бир комедия ёзгани, бир неча йилдан бери тўхтаб ётган «Зилзила» номи повестини давом эттирмоқчи экани, икки ошнинг ўтда куймайдиган ва сувда чўкмайдиган муҳаббати қоламининг учига келиб ҳеч тинчлик бермаётгани ҳақида хабар берган эди. Адиб улуғ мақсадларни дилга жо этиб катта ғайрат билан ижодий ишларини давом эттираётган бир паллада оғир хасталикка — қорасон касалига учради, сўнг унга юрак хасталиги қўшилди. Абдулла Қаҳҳор 1968 йил 25 майда Москвадаги шифохонада вафот этди. «Муҳаббат» қиссаси, тугалланмай қолган «Зилзила» асари вафотидан кейин эълон этилди.

Ҳаёти давомида кўп жасоратлари билан эл оғзига тушган адиб умри поёнида ўлимни ҳам мардона кутиб олди. Ёзувчининг сўнгги кунларига шоҳид бўлганлар буни ҳайрат билан эслайдилар. Жумладан, рус адиби К. Симонов шундай сўзлади:

«Қаҳҳор умуман жасоратли, мард киши эди. Менинг у ҳақидаги сўнгги хотирам Қаҳҳор шахсиятининг мана шу хислати билан боғлиқдир.

Мен уни вафотидан атиги бир кун олдин касалхонада кўрганман. У ажал чанг солаётганини билса ҳам ўлишни истамас ва ўзигагина хос табиатига кўра ўлим олдида ҳам ўзини бардам тутар эди. У каравотда устма-уст қўйилган ёстиққа суяниб ётаркан, оғир-оғир нафас олар ва кўркувни билмайдиган нуроний чеҳрасида худди ёр-дўстларининг истиқболига югуриб чиқолмаганидан бир оз хижолат чеккандек бир ифода мужассам эди.

Қаҳҳор дунёдан кетаётганини билса ҳам, то жони бор экан, ўзини она-Ернинг асл фарзандидек сезар эди. Бу менинг Қаҳҳор билан сўнгги учрашувим эди. Мен оламдан кўз юмаётган одамнинг бардам қўл сиқишларини теран нигоҳларини кўриб ҳайратда қолдим.

Қаҳҳор чин инсон эди....»

XX асрнинг улкан адиби Абдулла Қаҳҳор ана шундай умр кечирди.

## II

Абдулла Қаҳҳор хилма-хил адабий тур, жанрларда ижод этган, романлар, повестлар, сахна, кино асарлари, фелъетон, очерк, мақолалар, ёшлик чоғларида ҳатто шеърлар ҳам ёзган. Лекин у ҳаммадан кўпроқ ҳикоя жанрида шухрат қозонди. Замонавий ўзбек ҳикоячилигининг ривожига Қаҳҳорнинг ўрни, ҳиссаси ниҳоятда катта. XX аср янги ўзбек адабиётида реалистик ҳикоя жанрининг шаклланиши ва ривожини, аввало, шу адибнинг номи билан боғлиқ. Тўғри, Қаҳҳорга қадар ҳам айрим яхши ҳикоялар ёзилган. А. Қодирийнинг «Улоқда», Чўлпоннинг «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола», «Новвой қиз» асарлари ўзбек адабиётида реалистик ҳикоялар яратиш йўлидаги дадил интилишлар бўлган эди. Қаҳҳор ана шу тажрибаларга таяниб ўзбек ҳикоячилигини юксак бир босқичга, замонавий жаҳон ҳикоячилиги даражасига кўтарди ва ҳақли равишда ўзбек реалистик ҳикоячилигининг асосчиси деган ном олди. «Абдулла Қаҳҳорнинг шундай ҳикоялари борки, уларни жаҳон новеллистик адабиётининг энг яхши намуналари билан бир қаторга қўйиш мумкин»<sup>1</sup>, — деб ёзган эди рус танқидчиси В. Смирнова.

<sup>1</sup> В. Смирнова. Абдулла Қаҳҳор из ферганской долины. «Дружба народов», 1963, № 7, 262-бет.

Танқидчиликда Абдулла Қаҳҳор Чеховнинг шоғирди, деган фикр кенг тарқалган. Дарҳақиқат, Абдулла Қаҳҳор «ҳикоячилик ҳунарининг алифбосини» ҳам, ҳикоянавислик санъати сирларини ҳам ҳаммадан кўпроқ Чеховдан ўрганган. Буни ёзувчининг ўзи ҳам самимият билан қайта-қайта эътироф этади. Бироқ Абдулла Қаҳҳор Чехов меросига ижодий ёндашди; аниқроғи улуғ санъаткор таъсирида Қаҳҳорнинг ўзида мавжуд истеъдод, адиб ибораси билан айтганда, «қалбида тошдек чўкиб ётган» хотира, фикр, туйғулар ҳаракатга келди, юзага чиқа бошлади. Қаҳҳор гоҳо Чеховга, қолаверса бошқа рус адибларига тақлидан ҳикоялар яратишга уриниб кўрган, бироқ бундай интилишлардан бирор яхши натижа чиққан эмас. Қаҳҳорнинг энг етук — баркамол ҳикоялари бевосита ҳаётини тажрибалари, таассуротлари, ёзмаса, қоғозга туширилмаса бўлмайдиган кўнгил дарди, розлари ифодасидир, ёзувчига тинчлик бермаган илҳом самарасидир. Ёзувчининг бадиий ижодга оид мулоҳазаларида «илҳом», «маҳорат» сўзлари кўп учрайди. Унингча, адабиёт кўнгил иши, илҳом самараси; гуйғусиз, илҳомсиз ёзилган асар чангланмаган гулга ўхшайди — мева тугмайди. Илҳом билан маҳорат топишгандagina асар ёзувчининг қалбидан қўшиқдай отилиб чиқади; асарнинг ўқимишли бўлиши авторнинг китобхонга айтадиган тўла мағизли ва жуда зарур фикри бўлганлигини билдиради. Асар илҳом билан ёзилса образлар ўз-ўзидан гавдаланади, ҳатто ўзининг қиладиган ишини, айтадиган гапини ёзувчига айтиб, луқма солиб туради... Мана шу фикрлар биринчи марта Қаҳҳорнинг 30-йиллардаги қайноқ ижодий фаолияти, етук ҳикояларининг туғилиш жараёнига тааллуқлидир.

Ҳақли савол туғилади: Нега энди ёзувчининг илҳом тўла маҳорати билан ёзилган энг баркамол ҳикоялари, хусусан ўтмишдан олиб ёзилган новеллалари 30-йилларнинг иккинчи ярмида майдонга келди? Бу шунчаки Чеховдан таъсирланиш, ундан ўрганиш оқибатими? Бу ҳикоялар майдонга келган даврни эслайлик. Тоталитар режим сиёсати, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, шаънини топташ авжига чиққан йиллар эди бу давр. Ана шундай бир шароитда, кўплаб қаламкашлар шўро даврини, партия сиёсатини, халқлар доҳийсини шарафлаб асарлар битаётган бир паллада Қаҳҳорнинг совет воқелигини қўйиб, кечмишга юз ўгириши, замоннинг илғор кишилари, ижобий қаҳрамонлари қолиб, қандайдир кичик одамлар, қолоқ кимсалар ҳаётидан асарлар ёзишини қандай

изоҳлаш мумкин? Ёзувчининг ўша кезлари яратган бирор асарида тўғридан-тўғри давр сиёсатига ошкора муносабат йўқ. Қаҳҳордан, қолаверса унинг сафдошларидан ўша кезлари мустабид қатағон сиёсатини ошкора қоралашни кутиш ўринсиз. Эҳтимол, бундай фикр унинг хаёлига ҳам келмагандир, бундай сиёсатни у бошқалар каби тўғри деб билгандир. Бироқ ижодий тажриба, кўпдан-кўп адабий ҳодисалар шундан далолат берадики, улкан истеъодлар табиатида тушуниш, тушунтириш қийин бўлган илоҳий хислатлар, ҳатто адибларнинг ўзлари ҳам англаб етмаган, Фрейд айтмоқчи, «онг ости» туйғулари бўлади. 30-йиллари Қаҳҳорни кечмиш ҳақида, ҳақ-ҳуқуқи, инсонлик шаъни поймол этилаётган, хўрланган, таҳқирланган кичик одамлар, нодон кимсалар ҳақида ёзишга илҳомлантирган сеҳрли куч айти шу туйғу бўлса ажаб эмас. Бундай тамойил 40–50-йилларда ёзилган қатор асарларида ҳам давом этади. Адибнинг ўзи сезмаган, кутмаган ҳолда бу ҳикоялар давр ҳодисаларига билвосита дахлдор бўлиб чиққан.

Яна бир кутилмаган ҳолат — бу ҳикояларнинг пафоси моҳият эътибори билан ёзувчи «милатчи», «ватан хоинлари» деб қоралаган зиёлилар, «кўп шеърлари ешларнинг бағрига отилган заҳарли ўқ» бўлди деб санаган шоир Чўлпон асарлари руҳи, қатор персонажлари талқини билан оҳангдошдир. Бевосита поэтика, тасвир тарзи бобида ҳам Қаҳҳор ҳикояларида Қодирий, Чўлпон илк тажрибаларининг озми-кўми таъсири бор.

Адиб дунёга келиб, эсини танигач, илк бор кўнглида оғир таассурот қолдирган нарса — ҳаётда кенг тарқалган тенгсизлик, инсон ҳақ-ҳуқуқи, шаъни, қадрининг топталиши, жаҳолат, одамлар табиатига илашган, унинг инсонлигини ичдан емираётган оғу — мутелик, фикрлашдан маҳрумлик, қуллик психологиясидир. Қарангки, ёзувчининг илк муваффақиятли чиққан ҳикояси «Бошсиз одам»даёқ мустақил фикрлашдан маҳрум, муте бир кимсанинг ҳажвий характери яратилган. Шундан кейин ёзувчи бутун ижоди давомида бу тоифа номустақил, муте одамлар образига такрор-такрор мурожаат этади. Ҳар гал бу инсоний ва ижтимоий иллатнинг қандайдир янги бир қиррасини очади. «Сароб»даги фақат ота-она изни, ақли билан ил қўрадиган Сорахон, «Майиз емаган хотин» ҳикоясидаги бузуқ хотинини дунёдаги энг поқдомон аёл санаб юрган, хотини ўйнаши билан қўлга тушганда ҳам ўз фикридан, сўзидан қайтмаган анқов,

вайсақи мулла Норқўзи, «Адабиёт муаллими»даги ўзининг билимсизлигини, савияси пастлигини олди-қочди, илмийна-мо мулоҳазалар билан ниқоблашга киришадиган Боқижон, «Синчалак»даги шахсий манфаати йўлида ҳар мақомга йўрғалайдиган, нуқул катга олдида «лаббай» деб турадиган Эшон, «Муҳаббат»даги тақдир қўлида ўйинчоқ Марғуба – буларнинг барчаси «бошсиз одам»лар сифатида истеҳзоли, қахрили кулги остига олинади. Ёзувчи бу билан чекланмайди. Мутелик, кўр-кўрона итоаткорлик, қуллик психологияси табиати, унинг туб моҳияти, манбалари, фожеий оқибатлари устида астойдил бош қотиради. Ўтмиш ҳақидаги туркум ҳикояларида ва «Ўтмишдан эртаклар» қиссасидаги иккиёқлама зулм, ижтимоий тенгсизлик, йўқчилик, ўлкада авж олган жаҳолат туфайли оми, муте, итоаткор қул ҳолига тушиб қолган Қобил бобо, Туробжон, Сотиболди, Бабар каби шахслар образи аслида адибнинг катта дард, афсус надомат билан йўғрилган ўй-мулоҳазалари маҳсулидир. Ёзувчи мутелик, итоаткорлик, қуллик психологиясини фақат миллий фожиа эмас, истибдод сиёсатининг ҳосиласи, умуминсоний драма-фожиа даражасига кўгаради. Ёзувчи фақат малҳум ҳикояларида, йирик асарларидаги эпизодик лавҳаларда эмас, «Сароб» билан «Қўшчинор» романлари марказий қаҳрамонлари қисмати орқали ҳам шу фикрни ўтказади. Айрим жиҳатлари билан «Клим Самгиннинг ҳаёти», «Тинч Дон», «Мартин Иден», «Жараён» каби буюк асарларни эслатувчи «Сароб» романи қаҳрамони Саидий табиатидаги ожизликлар туфайли ўз тақдири жиловини ўзгалар ихтиёрига тутқазиб қўйганлиги учун ҳам ҳалокат чоҳи томон юз тубан кетади, «Қўшчинор»даги Сиддиқжонда фаол онг, мустақиллик етишмагани учун ҳам кўп сарсон-саргардонликларни бошидан кечиради.

«Бемор»даги Сотиболдиннинг бошига тушган кулфат – оғир касал ётган хотини дардига даво излаб олиб-югуришлари, бу соддадил одамнинг омонат далда, маслаҳатларга ўмиқ боғлаб янада хароб, ночор ҳолга тушиши; «Ўғри»даги жабрдийда чолнинг нажот кутиб мансабдорлар ҳузурида довдираб, дилдираб туришлари, ҳиммат ўрнига таҳқирланиши, камситишу хўрлашларга бефарқлиги; «Анор»даги Туробжоннинг севикли хотини арзимас сўровини бажо келтиролмай иложсизликдан гуноҳ ишларга қўл уриши; «Томошабоғ» ҳикоясида камситишу хўрлашларга бефарқлик, ниҳоят «Ўтмишдан эртаклар»даги Бабарнинг рўй берган

фалокатлардан гангиб ўзини йўқотар ҳолга тушиши, ўғрилиқда гумон қилиниб отқоровул юр деса юриб, тур деса туриб, устидан ошириб ўқ узганида киприк қоқмай жовдирши, сиёсат учун дўконга қамаб қўйганида очиқ турган эшикдан чиқиб кетмай қиш совуғида тонг қотиши — мана шундай жабрдийда, муте, ночор, хўрланган одамлар қисмати билан танишганда, бир томондан, улар ҳолига беҳад ачинасиз, иккинчи томондан, беихтиёр Чўлпоннинг:

«На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг?  
Ҳақорат дилни оғритмас,  
Тубанлик мангу кетмасми?  
Кишанлар парчаланмасми?  
Қиличлар энди синмасми?  
Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан»

деган сатрлари ёдга тушади.

Айрим танқидчилар «шўро ёзувчилари», жумладан, Қаҳҳорни «жадид адиблари», жумладан, Чўлпонга қарама-қарши қўйишади. Бунга асос берадиган ҳолатлар йўқ эмас, албатта. Бироқ шу билан баробар, шахс эрки, ҳуқуқи, мутелик, қуллик психологияси ифодаси, талқини бобида XX аср адабиётида Чўлпон анъаналарини энг изчил давом эттирган адиб айти шу Қаҳҳорнинг ўзидир. Қаҳҳорнинг юқорида тилга олинган асарлари, персонажлари худди Чўлпондаги каби мустабид тузум шароитида инсон шаъни, қадри, ҳақ-ҳуқуқининг поймол этилишига қарши ўзига хос исёнidir. Абдулла Қаҳҳорга нисбатан айтилган «замонасоз ёзувчи», нуқул ўтмиш ҳақида ёзиб ҳикоячиликда замона муаммоларидан узоқда турган, деган даъволар асоссиздир.

Абдулла Қаҳҳорнинг XX аср ўзбек адабиётида реалистик ҳикоя устаси бўлиб етишилиши, шуҳрат қозониши тасодикий эмас. Биринчидан, Қаҳҳор кўп асрлик ўзбек адабиёти реал ҳаётга кескин юз ўтирган, бу даврда Овropa замонавий жаҳон адабиёти тажрибаларига таянаётган, Қодирий романлари, Чўлпон лирикаси, ҳикоялари, Фитрат, Ҳамза драмалари орқали янги йўлга тушиб олган, реализм миллий адабиётда етакчи оқимга айланиб бораётган бир паллада ижод майдонига тушди. Гарчи Қодирий, Чўлпон, Фитрат, қолаверса, тенгдошлари Ойбек билан Ғафур Ғуломлар ҳикоя жанрида қалам тебратган бўлсалар-да, улар

истеъдоди табиати, бадиий тафаккур тарзига кўра бу «жанрнинг одами» эмас эдилар. Қаҳҳорнинг ёзувчи жанрини эмас, жанр ёзувчини танлайди, деган гапи бор. Қаҳҳор истеъдоди, бадиий тафаккур тарзи ҳар жиҳатдан ҳаёт ҳодисаларини ҳикоя шаклида кўриш, идрок этишга мойилдир. Гўё у ҳикоя учун туғилган эди, роман, қисса, драмаларида ҳам адибнинг ҳикоя шаклига хос тафаккур шакли шундоқ сезилиб, кўриниб туради: унинг роман, қисса, драмалари ўзига хос алоҳида-алоҳида эпизодлар, бир-бири билан боғланган ҳикоялар мажмуасидан иборат. Ҳатто кириқ асарларида ҳикояга хос тафаккурдан четга чиқилган уринларда бадиийлик заифлашади, баёнчиликка йўл очилади. «Сароб», «Қўлчинор чироқлари»нинг айрим уринларида, «Ўтмишдан эртақлар»нинг «Қўқон харобалари орасида» бобида бу ҳол яққол сезилади. Ҳулас, Аллоҳнинг юмроғида этган истеъдоди табиати Қаҳҳор зиммасига миллий адабиётимизда реалистик ҳикоячиликнинг асосчиси бўлиш масъулиятини юклайди.

Аср бошларидаёқ шакллана бошлаган янги ўзбек адабиёти анъанавий «афсонавий сюжетлар» нақлидан қочиб, реал ҳаёт ҳодисаларидан бадиий асар яратиш йўлига ўтган экан, бир мунча фурсат бу борада оқсади. Реал ҳаёт ҳодисаларини санъат, реал ҳаёт одамларини жозибадор бадиий образ, характер, қаҳрамон даражасига кўтариш хийла қийинчилик билан кечди. Қодирий билан Чўлпон насрда биринчи бўлиб бунга эришди. Уларнинг насри тасвир оҳанги, жозибаси билан Шарқда донг қозонган шеърининг юксак намуналари билан тенглаша оладиган чинакам санъат даражасига кўтарилди. Қодирий, Чўлпон насридаги реал ҳаётдан олинган қаҳрамонлар қадим дoston, жангномалар қаҳрамонлари қатори халқ кўнглидан жой олди. 30-йилларда реал ҳаётдан нусха кўчирган ҳикоянавислар кўп эди. Уларнинг ёзганлари ҳаёт ҳодисаларининг шунчаки копияси, беллитристик баёни бўлиб қоғозларда қолиб кетди. Қаҳҳорнинг етук ҳикоялари, улардан фарқли улароқ, Қодирий, Чўлпон насри каби санъат дурдоналари сифатида кишиларни ҳайратга солиб, ҳикояларида қад кўтарган, адиб истеъдоди заковати жон ато этган Сотиболди, Қобил бобо, Туробжон, Боқижон Бақоев каби персонажлар кўса худди тирик одамлар каби бугунгача яшаб, одамларни ҳис-ҳаяжонга солиб, ўйлашга, баҳс мунозараларга чорлаб қўлапти.

Реал ҳаёт ҳодисаларининг бадий асар, муайян жанр шаклига тушиби, санъат ҳодисасига айланиши роят мураккаб, сирли-сехрли жараён. Адабиёт илми шу чоқча бу борада кўп иш қилган бўлса-да, ҳали унинг тагига етган эмас. Бу борада тайёр қолип-андозалар йўқ. Ҳар бир адиб уни ўзича, ҳар бир асарида ўзгача тарзда ҳал қилади. Шу билан баробар бу жараённинг қандайдир умумий қонуниятлари ҳам бор. Қаҳҳор ижодий тажрибаси бу борада қимматли материаллар беради.

Қаҳҳор ҳикоялари биринчи галда самимийлиги, ишонтириш кучи билан кишини ҳайратда қолдиради. Ёзувчи тасвиридаги ҳамма нарса ҳаёт ҳодисаси, реал ҳаётнинг бир бўлаги, эпизоди бўлиб гадаланади, муаллиф уларни ҳаётнинг ўзидан шундоққина кўчириб олгандай туюлади. Аммо бу осонликча рўй берадиган ҳол эмас, ҳикояларида акс этган ҳаёт бу реал ҳаётнинг шунчаки кўчирмаси эмас. Ёзувчининг ижодий лабораторияси билан танишганда, ҳикояларнинг кўпчилиги реал ҳаётнинг асосга эга экани, улар адибнинг турмушида ўзи кўрган, эшитган ҳодисаларидан, таниш кишилар ҳаётидан олинганлиги аён бўлади. Бироқ, улар ҳаётнинг айнан копияси эмас. «Агар ёзувчилик турмушдан нусха кўчиришдан иборат бўлса, дунёда бундан осон иш бўлмас, эди, — дейди адиб. Ҳаётдан айнан кўчириш китобдан кўчиришдай гап. Копия копия бўлиб қолаверади. Бундай нарсалардан оригиналлик кутиб бўлмайди. Оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини дилдан ўтказиш, уни ҳис қилиш, унга ўйлаб юрган гапларни синдириш, тилакларининг қўшиб ифодалаш билан юзага келади». Ўзган, ёзувчи ҳикояларидаги ҳаётийлик, ишонтириш кучининг сирини ана шунда. Бундан ҳам муҳими, ёзувчининг шу ҳаёт ҳодисаларини ўзига хос тарзда бадий идрок этиши, маъзини чақиб улардан хилма-хил оригинал ва теран маънолар топиши — калф этиши ҳикояларига ўзига хос жозиба бахш этган.

Энди ёзувчининг айрим ҳикоялари яратилиши тарихи билан танишайлик. «Бемор»да тасвирланган воқеага ўхшаш воқеани ёзувчи болаликда ўзи бошидан кечирган. «Биз Қўқонга яқин Яйпан қишлоғида турар эдик, — дея эслайди адиб. — Онам ғира-шира қоронғи уйда тўлғоқ тутиб ётар, ичкаридан унинг инграган, додлаган товуши эшитилар эди. Яйпан катта қишлоқ, лекин у вақтда доктор, тиббий ёрдам деган гаплар бировнинг тушига ҳам кирган эмас. Бундай

кишларда қўни-қўшнилардан бирор кекса аёл чақирилар эди. Унинг тажрибали момо бўлиши шарт эмас, қарилгининг ўзи кифоя эди. Биз Яйпанга яқинда кўчиб келган, у ерда қариндош-уруғларимиз йўқ эди, шу сабабли дадам қўшни бир кампирни чақириб чиқди. Кампир келиб аям ётган уйга кириб кетди. Дадам икковимиз ҳовлида ўтирдик... Қоронғи түшди. Мени уйқу боса бошлади.

Ёнимда ўтирган дадам бирдан ўрнидан турди. Кўзимни очдим. Тепамда бояги қўшни кампир турар эди.

— Қалай? — деди дадам ҳовлиқиб.

— Қийналяпти бечора, — деди кампир ва бир оз жим қолганидан кейин менга ишора қилди. — Болага айтинг, ясини дуо қилсин, гўдакнинг дуоси ижобат бўлади.

Дадам энгашиб менинг қулоғимга шивирлади:

— Худоё аямга нажот бергин, дегин! Айт!

Дадам қўрқув ва жаҳл аралаш мени қистарди... Дуо қила бошладим, бу орада бир-икки йиғлаб ҳам олдим, кейин ўхлаб қолибман. Эрталаб уйғонсам, аямнинг кўзи ёрибди».

Шу воқеа «Бемор»га асос бўлган. Лекин муаллиф воқеани ҳикояга айлантиришда унга қатор жиддий ўзгартиришлар киритган. Ҳикояда тасвирланишича, Сотиболдининг хотини оғриб қолади. Сотиболди қурби етган чоралардан қўлини қўйиб, домлага ўқитади, табибга қаратади, бахшига, кинначига кўрсатади, булардан ҳеч нарса чиқмайди. Докторга қаратиш учун эса қурби етмайди. Вазият янада кескинлашади, бемор бора-бора оғирлашади, Сотиболди эса нажот қидиришда давом этади. Баҳовиддинга нарса кўтаради, «кўнглига армон бўлмасин» деб чилёсин қилдиради, ҳатто қўшни кампирнинг «беғуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат бўлади» деган маслаҳатига амал қилиб, ҳар куни саҳарда тўрт яшар қизчасини уйғотади ва уйқу гашлиги билан йиғлаб турган қизчага дуо ўқитиб, уни такрорлашга мажбур этади. Воқеа хотимаси жуда аянчли — бемор ўлади. Сотиболди қизчасини ўлик ёнидан олаётганда қизча уйғонади ва кўзини очмасдан одатдагича «Худоё аямди дайдиға даво бейгин», деб дуо қилади.

Кўришиб турибдики, ҳаётдаги ҳодиса ҳикояда хийла кескинлаштирилган: тўлғоқ дарди тутган аёл ўрнига узоқ дард чеккан аёл олинган, дард чеккан аёлнинг ночор ҳолати, ҳаёти сўниб бораётган беморнинг аянчли рафтори таъсирчан ифодаланган. Бундай пайтда эр бошига тушадиган мусибатлар бирма-бир кўрсатилган: қўли қисқа ғамгузор эр

нажот йўлида қўлидан келган барча чора-тадбирларни кўради, аммо бу чора-тадбирларнинг ҳеч бири наф келтирмайди. Агар ҳаётда аёл дарддан фориғ бўлса, ҳикояда дард аёлни олиб кетади. Бола дуоси билан боғлиқ ҳодиса ҳикоя драматизмининг олий пардага — фожеий пафос даражасига кўтаради.

Ёзувчи фактни бекорга ўзгартирган, уни атайин кескинлаштирган эмас. Муаллиф ҳодисага ўзгартiriш кири-таётганда ҳаёт мантиғига, бадият қонуниятига асосланган, ҳаёт ҳақиқати моҳиятини мукамалроқ, таъсирчанроқ очиш пайида бўлган. Жаҳолат ҳукм сурган шароитда умр кечирган, бошига мусибат тушган қўли қисқа, қашшоқ бир онанинг ночор аҳволини, фожеий қисматини бутун кескинлиги билан кўрсатишга муваффақ бўлган.

Ёзувчи «Анор» ҳикоясида «Бемор»дагидан фарқли ўлароқ, реал ҳодисани «юмшатиш» йўлидан боради. «Анор» ҳикояси ҳам ёзувчининг кўрган-кечирганлари асосида вужудга келган. Ҳикояда Туробжон номи билан тасвирланган киши болалигида уларга қўшни бўлган. Уни Бабар деб аташган. Авторнинг айтишича, Бабар ниҳоятда қашшоқ, уқубатли умр кечирган, унинг қисқа, чексиз забун, бахтсиз ҳаёти инсон ҳаётига ўхшамас эди, дейди адиб. Бабарнинг бирдан-бир толеи, дунёга келиб кўргани — ўзи севган қизга уйланганидир. Аммо камбағалнинг ови юрса, дови юрмайди. Бабар ҳам, хотини ҳам замона шафқатсизликлари гирдобига тушиб қолиб ҳалок бўлиб кетадилар. Бабарнинг фожиали қисмати «Ўтмишдан эртақлар»да ҳаётда қандай бўлса шундайича берилган. «Анор» ҳикоясида эса персонаж ҳаётидаги энг қувончли воқеалар олинади. Ҳикоядаги қувончли оналарнинг тасвири эса драмаларга, фожиаларга тўла. Ёзувчининг санъати, бадий кашфиёти шундаки, ҳикояда қувончли дақиқаларда намоён бўлган драмалар, фожиалар «Ўтмишдан эртақлар»да акс этган аянчли ҳодисаларникидан кам эмас, балким ундан кўра таъсирчанроқ. Ган шундаки, «Анор» ҳикоясида ҳодисалар драмаси персонажлар руҳиятига кўчирилади; Қаҳҳорнинг руҳият мусаввири экани айниқса шу ҳикояда ёрқин намоён бўлган. Ҳикоя ёш эр-хотиннинг қувончли онлари тасвиридан бошланади. Туробжон бошқоронғи хотини учун нарса топганидан ўзида йўқ хурсанд, севикли хотин олдида юзи ёруғ бўлганидан мағрур, унинг қўлда тутун билан эшикдан ховлиқиб кирилиш шундан. Хотин қувончи эриникидан қолишмайди, эр қўлида тутунни

кўриб унга томон чопади... Аммо шу дақиқанинг ўзидаёқ персонажлар қувончига дарз кетади: йигит яктагининг енг илуфинга илиниб йиртилади, хотин қўлидаги кели ағнаб чала туйилган жўхори ерга тўкилади. Буни кўриб хотин ҳам, эр ҳам шаштидан қайтади. Ахир камбағал учун уч-тўрт ювилган қалами кўйлакнинг йиртилиши, бир кели жўхорининг ерга тўкилиши катта нарса! Лекин персонажлар ҳам, муаллиф ҳам ҳозирча бунга у қадар эътибор бермайдилар, булар персонажларнинг бояги қувончи олдида ҳеч нарса эмас. Эр билан хотин бир дақиқа қувонч нашидасидан баҳраманд ҳолда кўринадилар, бир-бирига эркалик, шўхлик қиладилар:

«Туробжон тутунчани орқасига бекитиб тегишди:

— Акажон, дегин!

— Акажон! Жо — он ака!..

— Нима берасан?

— Умримнинг ярмини бераман!..»

Тутунчада анор ўрнида асални кўрган хотиннинг қувончи шу заҳоти барбод бўлади. Туробжон эса бунга ҳайрон. Соддадил йигит бошқоронги аёл учун асал анор ўрнини босолмаслигини тушуниб етмайди, ўзи келтирган тансиқ матоҳнинг таърифини келтириш билан уни овутмоқчи бўлади. Булар натижа беравермагач, у хижолатда қолади, унинг кўнглидаги қувонч ҳам барбод бўла бошлайди. Энди эр ҳам, хотин ҳам оғир руҳий ҳолатда. Бу ҳолат бора-бора кескин тус олаверади, бошда эътибор берилмаган кўнгилсиз ҳодисалар — йиртилган енг, тўкилган жўхори эсга тушади. Хонадон эгаларининг таъби хира тортиб турган бир пайтда тўкилган жўхорига мушук тегади, муаллиф мушукнинг оқсоқлигини, Туробжонга қараб «мау» деб қўйганини эслатади, булар бояги мунгли ҳолатни бир қадар оғирлаштиради.

Шуниси характерики, мана шу дақиқаларда муаллифнинг диққат-эътибори асосан Туробжон руҳиятига қаратилади. Шундай бўлса-да, Туробжон руҳияти таҳлили амини вақтда аёл қалбига ҳам алоқадор. Муаллиф Туробжон руҳиятини бевосита тасвир этади, унинг руҳиятидаги жараёнларни изчил кузатиб қадам-бақадам қайд этиб боради. Лёлга келганда унинг қалбидаги жараёнлар тафсилоти эмас, кўпроқ уларнинг натижаси, энг характери онлари кўрсатилади, оралиқдаги ҳолатларни китобхон Туробжон руҳияти орқали сезиб олаверади. Ўша ҳодисалар тасвиридан кейин муаллиф аёл ҳолатига эътиборни тортади, аёл бирдан йиғлаб

юборади ва ўзини ўзи койишга тушади. Руҳий қийноқлар жам бўлиб аёл қалбида портлаш вужудга келади.

Анор илнжи туфайли юз берган кўнгилсиз вазият тасвири давом этади. Муаллиф персонажлар руҳиятида кечган туйғуларнинг жамики товланишларини беришга интилади: персонажлар кўнглида ҳам меҳр, ҳам алам — ўкинч, ҳам ачиниш, ҳам койиш, ҳам изтироб, ҳам зарда — бу туйғуларнинг бири кучайиб, бири сўниб товланиб боради. Кўнгилларда кечган дилсиёҳликлар тилга кўчади, қочириқ таънага, таъна дашномга, дашном даҳанаки жангга айланади, охир-оқибат, буларнинг барчаси жам бўлиб ваҳшиёна куч ишлатишгача бориб етади.

Руҳий жараён ифодасидаги санъаткорликни қарангки, шу кескин драматик дақиқаларда ҳам ҳар иккала шахс қалби тубида ажиб бир меҳригё доимо яшнаб туради. Чунончи, Туробжон, аччиқ устида хотинига қарата: «Жигарларинг эзилиб кетсин» деркан, шу заҳоти хотинининг аҳволини кўриб шаштидан тушади, агар иззат-нафс қўйса ҳозир бориб унинг бошини силамоқчи, ундан узр сўрамоқчи бўлади. Ёки хотин эридан калтак егандан кейинги ҳолатни эслайлик. У дод солиб ўзини ҳар ёққа урмайди. Хотин ранги оппоқ ҳолда кўзларини катта-катта очиб унга ваҳимали назар билан қарайди ва бошини чайқаб «қўйинг... қўйинг...» дея пичирлайди; эри уйдан чиқиб кетгач, узоқ йиғлайди, эрига қаттиқ гаширганига пушаймон бўлади, ўзини қарғайди, ўлим тилайди; эридан хавотир олиб ташқарига чиқади...

Қаҳҳор персонажлари қалбида кечган шу хил нозик ва тигиз, юракни қон қиладиган, ғам-ғуссага тўла руҳий жараёнларни кўрсатар экан, бу кўнгилсизликларнинг ижтимоий илдиэларини ҳам очиб беради. Бу борада ҳам у реалистлигича қолади; бундай дилсиёҳликларнинг асл боиси ижтимоий адолатсизлик, тенгсизликда эканини кўрсатади. Бироқ бунда ҳам адиб ўзига хос йўл тутати. Анор хусусидаги можаро пайти хотинининг таъна-дашномига жавобан Туробжон: «Ахир, бошқоронғи бўл, эвида бўл-да!.. Бир қадоқ анор фалон пул бўлса! Саҳаримардондан сув ташиб, ўтин ёриб, ўт ёқиб бир ойда оладиганим ўн саккиз танга пул. Акам бўлмаса, укам бўлмаса...», дейди. Агар тасвир шу йўсинда давом этиб Туробжон қўли қисқалигидан ҳасратини бирма-бир тўкиб солиш, хотин ҳам унга қўшилиб кўз ёш тўкиш билан банд бўлганида «Анор» аср бошларида яратилган сентиментал асарлар даражасида

қолиб кетган бўлар эди. Бу асар мардона реалистик услубда битилган. Ёзувчи бошқа етук ҳикояларидаги каби бу ерда ҳам персонажлар руҳиятини батафсил тафсилотлар орқали эмас, ёрқин бадиий топилама деб аташга лойиқ деталлар орқали очади.

Персонажлар ҳолати, руҳияти, кайфиятининг ўзи табиий равишда ҳар қадамда ижтимоий масалаларга келиб тугашаверади. Ҳикоядаги персонажларнинг кеч киргач, уйдаги ҳолати лавҳасини кузатайлик. Ёзувчи бу ерда эр ва хотин қалбидаги мунгли кайфиятни сўзсиз ҳолат ва табиат манзаралари орқали беради. Аёлнинг индамай уйга кириши, дарча ёнида бир тиззасига бошини қўйиб осмонга қараб ўтириши, Туробжоннинг ҳам уйга кириши, хотин аҳволини кўриб тикка туриб қолиши, сўнгра дарча ёнига ўтиришида қанчадан-қанча мунг, дард мужассам! Дарчадан тушган шуъланинг хиралиги, осмоннинг қорамтир-қуланг тусда экани, чироқнинг пихиллаб ёниши, унинг атрофида катта бир парвонанинг айланиб туриши, шифтнинг қаеридир «қирс» этиши, қаердадир калтакесакнинг чирқиллаши, осмондаги хира юлдузлар, мачитдаги кекса бақатерак орқасидан кўтарилган қизғиш ўт, унинг кўкка оловли из қолдириб жуда юқорилашуви ва гўё осмонга урилгандай чинарчин бўлиб «пўп» этиб сўниши — буларнинг ҳаммаси юракни қон қилар даражада мунгли, ҳазин... Бир неча дақиқа «турғуналик»да қолган руҳий ҳолат яна ҳаракатга келади, кўкда оловли из қолдириб «пўп» этган ўт Туробжон хаёлини ўзига тортади, у бирдан тилга киради:

— Мушак, — деди Туробжон, — Муллажон қозининг боғида. Муллажон қози бешик тўйи қилган.

Хотин индамади.

— Шаҳардан тўралар ҳам чиққан, — деди Туробжон яна.

Хотин яна индамади. У Муллажон қозининг боғини кўрган эмас, аммо таърифини эшитган. Бу боғни кўз олдига келтириб кўрди: боғ эмас анорзор... Анор дарахтларида анор шўхил, чойнақдай — чойнақдай бўлиб осилиб ётибди.

— Битта мушак уч мири, — деди Туробжон, — юзта мушак отилса... биттангадан юз танга. Бир миридан кам — отмиш беш танга бўлади.

Эр-хотин узоқ жим қолишди».

Осмонга отилган мушак туфайли Туробжон ёдига бойнинг боғи, боғдаги бошқа мевалар эмас, айни анор тушиши нақадар табиий. Шу топда китобхон ҳам, персонажлар ҳам

сезмаган ҳолда, ўз-ўзидан табиий равишда гап ижтимоий адолатсизлик, тенгсизлик масаласига келиб тақалади. Туробжон айтиши ўша дақиқаларда, шоир сўзлари билан айтганда, «чархи кажрафторининг бир шеваси»ни ҳис этгандай бўлади: камбағал йигит бу ерда энг азиз кишининг арзимас сўровини бажо келтиролмай хуноб, қўли қисқалик туфайли эр-хотин орасида жанжал, дилсиёҳлик; у ёқда — Муллажон қозининг боғида эса шигил анор, катта базм, тўкин дастурхон, кайф-сафо; казо-казоларнинг кўнгилхушлиги деб қанчадан қанча пуллар кўкка совуриляпти. Туробжон буни ўзича сарҳисоб қилиб кўради. Туробжон шу топда адолатсизликни, тенгсизликни ҳис этса ҳам, калаванинг учини топишга қодир эмас, бунга ҳали руҳан тайёр ҳам эмас. Сарҳисоб, бир томондан, унинг тинкасини қурилади, иккинчидан, изтиробга солади, персонаж қалбида қандайдир нотайин исёнкорона бир туйғу-фикр етила бошлайди. Ёзувчи бу жараёни бевосита эмас, билвосита, имо-ишоралар, персонажларнинг стихияли хатти-ҳаракатлари орқали ифодалайди. Ўша мушкул сарҳисобдан кейин Туробжон узоқ жим қолади, сўнг оғзини катта очиб ҳам эснайди, ҳам уф тортади. Бу руҳий изтироблар, ўй-мушоҳадаларнинг муайян якунидек туюлади. Туробжон севиқли хотин кўнгли учун қалтис ишга қўл уради — ўғрилиқ қилади. Бу соддадил, нодон йигитнинг пировардида толган чораси — қарори шу бўлади. Ниҳоят, асар муталааси интиҳосида иноқ ва фақир бир оиланинг тинчини бузган, турмушига оғу солган, ҳалол одамларни ножўя ишларга, жиноятга бошлаган нарсаси — ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик деган фикр-туйғу вужудингизни ларзага солади.

Кўриниб турибдики, ҳикоядаги ҳар бир ҳолат, хатти-ҳаракат замирида инсон қалбининг тўлғонишлари ётибди, шу жоллардан характер жамоли, қиёфаси, шахсияти, қисмати намоён бўляпти, асар ғояси туғиляпти. Фақат «Анор»дагина эмас, машҳур ҳикояларнинг барчасида ёзувчи руҳият тасвирига катта эътибор беради. Аслида бу ёзувчининг бош ижодий принциpidир. Муаллифнинг ўзи инсон «ички дунёсининг чуқур жойларигача ўзига кўрсатадиган икки саҳифалик чинакам проза биз учун шошма шошарлик ва тумтароқли гаплар билан ёзилган силлиққина қалин «асар»дан кўпроқ фойдалидир», дейди ва шу гапдан кейин «Адабиёт ҳақида мен биладиган гапнинг асосийси — мана шу» деб қўшиб қўяди.

Қаҳҳор табиати, истеъдоди йўналиши жиҳатидан ҳаётдаги, одамлар қисматидаги фожиавийликни теран ҳис этадиган адибдир. Унинг энг етук ҳикоялари аини фожиавий ҳолат, қисматлар ифодаланган асарлардир. Ҳикояларидаги персонажлар ҳаётдан олинган эпизодлар, лавҳалар гарчи муайян интиҳо, бадиий ечим билан якунланса-да, бундай якун галдаги фожиалар, кўргуликларнинг дебочаси вазифасини ўтайди. «Бемор»даги Сотиболди хотинининг ўлими уйқу аралаш аясининг дардига даво тилаган қизалоқ ва хотини дардига даво қидириб бор будидан жудо бўлган турнинг янғидан-янги сарсон-саргардонликлари ибтидосидир. «Анор»даги Туробжоннинг охирида жиноятга қўл уриши бу оила бошига тушажак галдаги чигал савдоларнинг бошлавишидир. «Ўғри»даги жабрдийда қолнинг нажот излаб мансаб-мартабанинг турли зинапояларида турган юлғичларга дуч келиб, шилиниб, охирида «нажот» топиши — Эгамберди пахтафурушнинг ҳимматига сазовор бўлиши, бу ҳиммат эса келгусида ва юз беражак аввалгилардан ҳам оғирроқ талончиликнинг ўзгинасидир. «Даҳшат» ҳикоясида Унсиннинг «тириклар гўристони» Олимбек додхо хонадонидан қутилиш йўлидаги мислсиз жасорати қаҳрамоннинг ҳалокати билан тугайди, бироқ қаҳрамон ўлими додхо хонадонини издан чиқаради, талотумларга гирифтор этади. «Асрор бобо»даги чол билан кампирнинг жангда ҳалок бўлган ўғли ҳақидаги совуқ хабарни бир-бирларини аяб сир тутишлари, чексиз дурд-алам, қалб изтиробларини ичга ютишлари — бир умр диндор этадиган фожианинг аломат кўриниши — бадиий ихтиросидир. Ҳатто ёзувчининг комик ҳодисалар, ҳажвий характерлар ифодаланган «Адабиёт муаллими», «Санъаткор» ҳикояларида ҳам фожиавий руҳ устивор; ҳар икки асардаги уларини доно, билимдон, маданиятли қилиб кўрсатишга қўлланган кимсалар ўзгаларнинг аччиқ истеҳзосига, надоматларига лойиқдир. Бир умр ўзгаларга кулги бўлиб яшаш ҳам уларда ўзига хос фожиадир.

Хуллас, одамлар турмушидан олинган эпизодларда, лавҳаларда улар ҳаётига, қисматига даҳлдор фожиавий муҳиятни кўриш, теран ҳис этиш, персонажлар характери ва қисматини уларнинг руҳияти ифодаси орқали ёрқин бадиий деталлар воситасида тавдалантириш Қаҳҳор ҳикоячилиги санъатининг энг муҳим жиҳатларидир.

Тўғри, Қаҳҳор бисотида бахтли хотима билан «якунланган романтик ҳикоялар ҳам бор. «Минг бир жон»да

ўлим тўшагида ётган қиз, «Маҳалла» ҳикоясида эса ҳаётдан умидини узиб ўлимни кутаётган, қабристонда ўзи учун гўр қазитиб қўйган қария ҳаётга қайтади. Ёзувчи «Минг бир жон»даги Мастурани бемисл мардлиги, азоб-уқубатларга ҳайратда қоларли даражада чидами, ҳаётга муҳаббатига яраша «мукофотлайди»; «Маҳалла» асарида эса маҳалла аҳлининг қарияга бўлган меҳр-эҳтироми уни ўлим чангалидан ажратиб олади. Ёзувчининг яна бир ҳикояси — «Нурли чўққилар»да енгил ҳаёт йўлига кирган қиз «жазоланиб», ота-она, эл-юрт иззатини қилган қиз эса мукофотланади... Гарчи бу ҳикоялар ҳам маҳорат билан битилган, танқидчиликда, жумладан, ушбу мақола муаллифининг ишларида яхши баҳо олган бўлса-да, уларда адибнинг шафқатсиз реалистик йўлда битилган етук ҳикояларидан фарқли ўлароқ, қандайдир китобийлик, ошкора ўтитбозлик, юзакилик бордай туюлади.

### III

Абдулла Қаҳҳорнинг — 30-йиллар бошларида, эндигина бир-иккита дуруст ҳикоя яратган, ҳали ёзувчи сифатида элга танилмаган ёш қаламкашнинг «Сароб»дек роман ёзишга журъат этиши ва муваффақияти худди Қодирийнинг ижодий жасорати — илк романи каби ҳайратомуз ҳодиса бўлди. Агар Қодирий илк романида мозийга қайтиб иш кўрган, тарихимизнинг энг мураккаб, қалтис палласи ҳақида одамларни ўйга толдирувчи, ҳаяжонга — ларзага солувчи асар яратган бўлса, Қаҳҳор замондошлари, 20-йилларнинг чигал, зиддиятли ҳодисалари ҳақида ўқувчини баҳсларга чорловчи ғаройиб етук роман ёзди. Дунё юзини кўрган пайтида ҳам, ундан кейин ҳам XX аср ўзбек адабиёти тарихида бу қадар кескин, бир-бирига зид баҳс-мунозараларга, хилма-хил талқинларга асос берадиган, ғоявий-мафкуравий, сиёсий жиҳатдан ўткинчи, ожиз, чекланган ўринлари бўлишига қарамай, йиллар талотумларидан омон ўтиб ўзининг бадий қимматини сақлаб қололган бошқа бирор йирик асарни кўрмаймиз.

30-йилларда қалам тебратган улкан сўз усталарида бўлгани каби Қаҳҳорда, жумладан, унинг ўша йиллар маҳсули «Сароб» романида ўз даврнинг ҳукмрон расмий мафкураси таъсири мавжуд. Адибнинг ўзи таржимаи ҳолида «Сароб»нинг ёзилиш сабаби ҳақида тўхталиб шундай дейди:

«Буюк бурилиш йили бошланди. Шаҳарда нэпман, қишлоқда муштумзўр жон талвасасига тушди. Тақдир мени шу душман синф вакиллари бўлган эски ва «янги» зиёлилар, ўзини миллат ҳомийси, миллатчи деб атаган бир гуруҳ ваган хоинлари билан учраштирди... Қўлимга янги қалам олганимда, дин ва дин аҳлларига қарши болалигимдан бери кўксимда йиғилиб ётган аламни тўкишга қанчалик шошилган бўлсам, буржуа миллатчилиги ҳақида кўрган ва билганларимни тенгқурларимга, бутун халққа айтишга шунчалик шошилдим. Мен адабиёт кураш қуроли бўлишига ҳеч қачон бунчалик зарурат ҳис қилмаган эдим».

Жуда кўп фактлар, кейинги кузатиш, тадқиқотлар шундан далолат бераётирки, «буюк бурилиш йили» деб аталган палла Абдулла Қаҳҳор айтганидан ўзгача — мамлакат тарихида улкан фожиа, мусибатлар даврининг бошланиши бўлди, қолаверса, шаҳарда нэпман, қишлоқда муштумзўрларнинг жон талвасасига тушиши — тоталитар маъмурий буйруқбозлик системасининг жиддий кўпоровчилик сиёсати оқибати эди. Дин ва дин аҳлларига қарши суриштирмай ёппасига уруш эълон этиш, уларга нисбатан ғазаб ёғдириш халқимиз, маънавиятимиз, маданиятимиз учун қанчалик қимматга тушгани эндиликда ҳаммага аён. Ёзувчи назарда тутган, «дин ва дин аҳлларига қарши» кўксига йиғилиб ётган алам ҳам, «буржуа миллатчилиги ҳақида кўрган ва билганлари»ни тенгқурларига, бутун халққа айтишга шошилиши, бунда «адабиёт кураш қуроли бўлиши»га ўзида зўр зарурат ҳис этиши — барча-барчаси роман ёзилган 30-йиллар бошларидаги фожиавий даврнинг истеъдодли ёзувчи онги, ижодий мезонларига салбий таъсири эди. Бу ҳол, бу кайфият муайян даражада «Сароб» романида ўз ифодасини топди. Романда ёзувчи бирёқламалик билан бир гуруҳ «синфий душман», яширин аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти аъзолари, бу гуруҳнинг шўро тузумига қарши уюштирган «фитна»си, «кўпоровчилик ишлари», адабиёт, маданият, матбуот соҳасидаги «аксилинқилобий ҳаракатлари»ни фош этишга уринади. Муродхўжа домла образини мустасно қилганда, бу гуруҳ вакиллари, уларнинг ёвуз ишлари, кўпоровчилик фаолияти бир қадар яланғоч, хийла юзаки берилган; яширин ташкилотга оид тафсилотлар анчайин жўн, нўпоқлик билан битилган детектив саргузаштларни ёдга туширади. Муаллиф бу ўринларда, тадқиқотларда таъкидланганидек, 30-йиллар

бошларида майдонга келган «аксилінқилобий жиноий ҳаракатларни фoш этиш»га қаратилган айрим манбалардан фойдаланган, ўша манбалар руҳига мос тарзда ёзувчи адабиётни фақат синфий душманга қарши кураш қуролига, уларга нисбатан қаҳр-ғазаб туйғуларини ёғдириш воситасига айлантиради. Ҳолбуки, сўз санъати етук реалист ёзувчи қўлида ҳар доим синфий-мафкуравий кураш қуроли эмас, ҳодисаларни, ҳатто ўзи душман деб санаган синф, табақа одамларини ҳам ҳалол, объектив кўрсатиш, ҳолисона бадиий таҳлил этиш, ҳодиса моҳиятини очиб бериш воситаси бўлиб келган. Адабиётимиз бахтига етук реализм анъаналари руҳида яратилган «Сароб» адиб даъво қилганидай, фақат душман синф одамларини нуқул қаҳр-ғазаб билан фoш этувчи саҳифалардан иборат эмас. Аслида бу хил ўринлар асарда нисбатан оз. 63 бобдан иборат романинг (учинчи нашри) бор-йўғи ўнга яқин бобида шундай лавҳалар бор.

Шуниси характерлики, 30-йилларда вульгар социологизм оғуси билан заҳарланган танқидчилар эътиборини биринчи галда асардаги аксилінқилобий миллатчилик билан боғлиқ худди ўша нисбатан заиф, яланғоч, қуруқ фoш этувчи саҳифалар ўзига тортади ва романи улар бошда «буржуа миллатчилигини фoш этувчи асар» сифатида олқиш билан қарши оладилар. Бироқ, орадан кўп ўтмай, романга муносабат ўзгара бошлайди. Романда улар илгари ўйлагандан кўра жиддийроқ ва муҳимроқ жиҳатлар борлигини англай бошлайдилар. Ҳаммадан бурун асар бош қаҳрамони — улар назаридаги синфий душман, миллатчи Саидийнинг тақдири ва талқини, қолаверса, миллатчиларга қарши турган ижобий қаҳрамонлар фаолияти мутлақо қониқтирмайди. «Сароб»га бағишланган муҳокамаларда, қатор тақризларда ёзувчи Саидийга хайрихоҳлик билдиради, «Романинг бош қаҳрамони Саидий ўтакетган миллатчи бўлишига қарамасдан, ёзувчи уни мақтайди, уни ўқувчига мумкин қадар яхши кўрсатишга, ўқувчини Саидий изидин эргаштиришга тиришади...» (Ҳ. Мусаев); «Саидийга ачинил тугдириш буржуа миллатчиларига нисбатан нафрат тугдирмайди, балки хушёрликдан тойдиришга олиб боради, бу — ёзувчининг хатосидир» (Ю. Султонов), дея аюҳаннос соладилар. Бугина эмас, Саидийнинг маъшуқаси Мунисхондаги нурли жиҳатлардан ҳам ўша танқидчилар ғазаб отига минадилар, муаллифнинг миллатчи қизи, аксилінқилобчи синглиси, миллатчи йигит маъшуқаси

«Мунистонга муҳаббат билан қараши»ни тоқат қилиш мумкин бўлмаган бир ҳол, адабнинг яна бир жиддий ғоявий хатоси деб биладилар.

Ҳолбуки, худди ўша масалада, романнинг бош қаҳрамонлари Саидий, Мунистон характерлари, тақдири, руҳий олами бадий тадқиқи, талқинида асарнинг асосий руҳи, реалистик қудрати, умуман реализмнинг сеҳрли кучи намоён бўлган; муаллиф ўз шахсий майли, ўша кезларда таянган ақидалари, даврнинг ҳукмрон расмий мафкурасига нид ўлароқ реал ҳодисанинг объектив манзарасини акс эттирган ҳодисаларни, бу одамларни бор мураккаблиги, мусбат ва манфий томонлари билан ҳолисона кўрсатган. Ёзувчи ҳар қанча қоралашга, фош этишга уринмасин, ҳушёр, дидли китобхон Саидий, Мунистонларни тўғри тушунадилар. Аллоҳ уларни шу тарзда яратганлигини, улар оғир қисматга мубтало эканини, қолаверса, давр, мураккаб шиддийта муҳит, шароит қурбони бўлганликларини кўриб, ҳис этиб туради, беихтиёр уларга ачинади, уларнинг ташвиш, алам-изтиробларига шерик тугинади.

«Сароб» романида ёрқин, курашчи ижобий қаҳрамонларнинг йўқлиги, борлари эса заиф чиққани ҳақида кўп танқидий гаплар айтилди. Айни пайтда бу борада ёзувчини оқлаш учун ҳар хил баҳоналар излаш, мавжуд ижобий кучлар ҳам чакки эмас, дея ўзини овунтириш ҳоллари ҳам бўлди. Бироқ бу ҳусусда муҳим ҳақиқатни айтишга ҳеч ким журъат этолмади. Хўш, қатор танқидчилар назарида «душман синф, миллатчи тимсоли бўлмиш Саидий»га ва унинг тевағаридаги бир гуруҳ шахсларга қарши кураш олиб бориши, уларни тор-мор этиши лозим бўлган курашчи қаҳрамонлар кимлар бўлиши мумкин эди? 20–30-йилларга оид архив ҳужжатларидан, ўша йиллари матбуотда босилган, булунгача сақланиб қолган мунозара материалларидан, кўпдан-кўп танқидий руҳдаги мақолалардан маълумки, ҳақиқатдан ҳам, ҳаётда Саидий типдаги зиёлиларга қарши аёвсиз кураш олиб борган, уларни ер билан яқсон этган, кейинроқ қатағон қилинишига эмин ҳозирлаган ҳужумкор кучлар, улар олиб борган кураш усули ижодий зиёлилар, адабиёт учунгина эмас, умуман халқ, жамият учун оғир кўргулик бўлгани эндиликда ҳаммага аён. Нега буларни яқиндан билган, бевосита бу ҳодисаларга шохид бўлган Қаҳҳор романга шундай курашчилар образини киритмади? Нега романдаги Кенжа,

Эҳсон, Шафрин сингари ижобий кучларда шунақа жангарилик йўқ, аксинча улар анчайин майин-мулойим, Саидийга нисбатан мурувватли одамлар!? Жангари қаҳрамонларни асарга олиб кирмаслик фақат роман поэтикасининг ўзига хослиги билангина изоҳланмаса керак. Ҳар ҳолда Қаҳҳордек реалист санъаткор бу хил расмий мафкура билан қуролланган, синфий рақиблиарни асло аямайдиган жангари курашчиларнинг ҳақиқий башарасини билган, лоақал ҳолис реалист савқи табиий тарзда беихтиёр англаган. Эҳтимол, бундай шахсларни асло ижобий қаҳрамон қилиб бериш мумкин эмаслигини, айтиш мумкин бўлган кезларда улар ҳақида бор ҳақиқатни айтиш, ифодалаш мушкул эканини тушунган, ҳис этган ҳолда, яхшичи, бундай шахсларни асарга киритишдан ўзини тийган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Балки бу ҳам ёзувчининг гуманизм, реализмга садоқати оқибатидир.

80–90-йиллар танқидчилигида «Сароб» романидаги «аксининқилобий миллатчилик» билан боғлиқ масала яна кўтарилади: «Сароб» муаллифи замонасозликда, «ўткинчи ақидалар, муваққат мезонлар, юқори доираларнинг кўрсатмаларида уқтириб ўтилган ҳақиқатларга таяниб ижод қилган»ликда (О. Отажонов) айбланади. Танқидчи Р. Қўчқоров «Сароб» романининг ижодий тарихи, яратилишига туртки бўлган манбалар таҳлилига бағишланган ишида «миллий зиёлиларнинг буржуазия кетидан кетганлиги... бутун романнинг етакчи пафосини ташкил этади», асар «замон ва сиёсат талаби, муаллифнинг пировард мақсади, ҳатто омма онгу шуурига таъсири нуқтаи назаридан ҳам конкрет сиёсий романдир», «20-йилларда иш кўрган аксининқилобий, миллатчилик ташкилотларининг «кирдикорлари»ни бадий ишонарли фош этиш романнинг бадий, ғоявий фундаментини ташкил этади... бутун асар мана шу асос устига қурилган» деган хулосага келади<sup>1</sup>.

Устоз танқидчи О. Шарафиддинов эса бу қарашга зид ўлароқ: «Роман матнини синчиклаб кўздан кечирилса, босиқлик билан таҳлил қилинса, миллатчиликни фош этиш адибнинг асосий ғоявий нияти бўлмагани аён бўлади. Ҳатто Саидий учун ҳам миллатчилик асосий, етакчи, доимий сифат эмас. У йўл-йўлакай миллатчи бўлган ва уни ҳалокатга олиб келадиган омил ҳам миллатчилик эмас. Ҳар ҳолда Саидий,

<sup>1</sup> Р. Қўчқор. Мен билан мунозара қилсангиз.... Т. «Маънавият», 1998, 20, 34, 50-бетлар.

биринчи навбатда, худбинлик қурбони бўлади», — деб ёзади<sup>2</sup>. Р. Қўчқоров ўз ишида «Сароб» муаллифи аксилинқилобий ҳаракатларни фон этувчи манбалардан баракали фойдалангани, ҳатто уларни ўзлаштириб, кўчириб олгани ҳусусида кўплаб далиллар келтиришга ҳарчанд уринмасин, роман ўша манбалар руҳида ёзилган деб даъво қилмасин, бундай уринишлар асар моҳиятига айтарлик таъсир кўрсатмайди. Мабодо «Сароб» илмий публицистик рисола бўлганида, Р. Қўчқоров танқиди туфайли умри тутаган, кўчирмачиликдан иборат бир нарса сифатида узи-кесил фон этилган бўларди. Ҳолбуки, «Сароб» биринчи галда роман, санъат асари. Танқидчи келтирган далиллар эса «Сароб»даги аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти аъзолари фаолиятига оид нисбатан заиф саҳифалар тўғрисидаги мавжуд танқидий мулоҳазаларни яна бир бор тасдиқлайди, холос. Романдаги асосий нарса — ундаги етакчи қаҳрамонларнинг қисмати, руҳияти таҳлили масаласидир. Бу роман биринчи галда ҳазон бўлган муҳаббат, увол бўлган умр дostonи, икки кўркем ёшнинг бир-бирига муносиб, аслида бахт учун туғилган, аммо табиатидаги ожизликлар туфайли ҳаётда чалғиган, адашган қалбларнинг аччиқ фожиали қисмати, руҳий изтироблари ҳақидаги асар сифатида ўқувчини ҳаяжонга солади.

Саидий билан Мунискон муҳаббати, улар умрининг тавол топишида, шубҳасиз, бу ёшлар тушиб қолган шароит, назиятнинг, зиддиятларга тўла даврнинг ҳиссаси, таъсири катта, айни пайтда инсон боласи номукамал бир зот. Тақдири азалнинг ўйиними, пешонага ёзилганнинг рўёбга чиқишими ёки инсоний ожизликлар оқибатидами — рўй берган омадсизлик ва бахтсизликлар учун биринчи галда уларнинг ўзлари айбдордирлар; ўз тақдирларига нисбатан лоқайдлик, худбинлик, мақсад йўлида собитсизлик, мутелик, ихтиёрни ўзгалар қўлига топшириб разолат билан иттифоқ тутиниш, бундан ҳам ёмони, разолатга кўникиш инсон боласи учун энг оғир гуноҳ, кўргулик, катта фожа. Асарда биз Саидий ва Мунисконнинг аччиқ севги ва умр савдоси, руҳий изтироблари, драмаларга тўла қалб дафтари билан танишиб аламли ўйларга толамиз. Бу жиҳатдан «Сароб» жаҳон адабиётидаги айни шу хил руҳий фожиалар тасвир ва таҳлил этилган энг етук асарлар билан бир қаторда туради.

<sup>2</sup> XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Т. «Ўқитувчи», 1999. 269 — бет.

«Сароб»дан кейин XX аср ўзбек адабиётида «Сароб» тасирида, унга эргашиб ёзилган бахтсиз севги, адашганлар қисматидан ҳикоя қилувчи талай асарлар пайдо бўлди, улар орасида ўқувчиларга маъқул бўлганлари ҳам бор. Аммо, очиги, уларнинг ҳеч бири бу масалаларни умуминсоний даражада – алам, қалб драмасы, фарёди даражасига кўтара олмади.

Эрих Фромм «Франс Кафканинг «Жараён»и» мақоласида жаҳонга машҳур бу роман бош қаҳрамони ва унинг фожиаси сабабларини таҳлил этиб қуйидаги жиҳатларга эътиборни тортади: Йозеф К. «ривожланишдан тўхтаган» кимса, «бировнинг қўлига қараган» одамдир; «унинг барча ишқу амали бошқаларга музтар бўлишга қаратилган, у ҳеч қачон бировга нимадир беришни ёки ўзи чора-тадбир излаб топишни мақсад қилмаган», ўзгаларга қарам одам; «Муаммо унинг ўзида, ботинида экани, ўзини фақат ўзигина ҳалос эта олишини ўзи тушунмаган» шахс; «Ҳаёти самарасиз ўтаётганини ва тобора таназзулга юз тутаяётганини гира-шира англайди», бироқ бунинг олдини олишга қурби етмайди: «аслида эса у ўзи учун, ўзининг инсоний шарафи учун курашмоғи лозим эди»; «К.нинг аҳволи қоронғуда бировнинг ёрдамисиз йўл тополмайдиган одамнинг фожиали тараддуидан далолат беради...»

Рамзлар воситасида ёзилган «Жараён» қаҳрамони – XX аср бошларида яшаган, Саидийга замондош бўлган ёш зиёли йигит ҳақида айтилган бу сўзлар изчил реалистик йўлда битилган «Сароб» романига, унинг қаҳрамонига ҳам ҳайратомуз даражада дахлдордир. Мана шу муштараклик ҳам «Сароб»нинг умумбашарий аҳамиятга молик асар эканини тасдиқлайди.

Романда Саидий билан Мунисхонни ҳалокатга олиб келган руҳий-маънавий омиллар, жумладан, улар табиатига хос худбинлик, шахсиятпарастлик, шуҳратпарастлик ҳақида кўп ёзилди. Бунинг учун муайян асослар бор, албатта. Бироқ романдаги етакчи қаҳрамонлар характери биз аввал тасаввур этгандан кўра серқирра, маънодор, моҳият жиҳатидан хийла сержило. Етакчи қаҳрамонлар, биринчи гада, Саидий характери, руҳияти, хатти-ҳаракатлари, қисмати синчиклаб кузатилса, табиатига хос энг характерли жиҳат унда қатъият-сабот, «шахси бутунлик», мустақил фикрлаш ва иш тутишининг етишмаслигида эканига иқрор бўласиз. Саидий ёзувчи насридаги етакчи персонажлар каби

ҳаёт шафқатсизликлари топтаб ташлаган, ҳўрланган, баҳқирланган, муте, итоаткор, омадсиз шахс. У «Сароб»дан олдин ёзилган «Бошсиз одам» ва ундан кейин яратилган «Бемор», «Ўғри», «Анор», «Ўтмишдан эртаклар» қаҳрамонларининг бошқа бир шароитдаги, йирик жанрдаги «онгли» — зиёли қиёфасидаги кўринишидир. Гарчи Саидий зиёли журналист, ёзувчи бўлса-да, моҳиятан Сотиболди, Туробжон, Қобил бобо, Бабарлардан айтарли фарқ қилмайди... Унда Алмоҳ берган бир инсон боласига лойиқ оқл-идрок, инсоний туйғу, ҳусн, куч-қувват бору, бироқ унда қатъият, сабот йўқ. Чўлпон иборалари билан айтганда, муҳит кирдобида бир сомон парча, ҳаёт оқимида бамисоли оқар сув юзасидаги похол чўпдек қалқиб боради, ҳар амал, ҳар ишни «ҳақ» деб билади ва шу тариқа ўз вазни-қадрини бой боради. Бошлаган бирор ишини, орзу-ният йўлдаги интилишини охирига етказмайди: ўқишни ора йўлда ташлаб кетади, комсомол сафида, шўролар идорасида ишлаб, улар тарафида туриб буни ҳам ёлчитмайди; аксилинқилобий миллатчилар гуруҳи томон оғиб, ношудлиги, оғзи бўшлиғи туфайли бу ерда неча бор қовун туширади; ташкилот тоншириғига кўра янги одамлар топиб, янги гап бошлашга чоғланади, «кечалари ўйлаб ётиб, кимнинг олдига бориш ва қандай қилиб гап бошлаш тўғрисида маълум қарорга келади, аммо тонг отгандан кейин муваффақият қозонишга шубҳаланади, у кишининг олдига боргани отланганида эса, учини тамоман ожиз сезади». Давраларга кирганда ҳам биров ўргатган сўзларни майнадай такрорлайди. Ёзувчилик истеъдодини рўёбга чиқариш бобида ҳам ланжлик қилади. Ижода ҳам нуқул бировларнинг иродаси, маслаҳати, тақдим этган мавзуси, тузиб берган плани асосида иш кўради, гоҳ у, гоҳ бу ижтимоий-сиёсий гуруҳ қўлида қурол бўлаётганидан хижолат тортмайди. Унда чин истеъдод соҳиби учун зарур шарт — журъат, жасорат етишмайди. Озгина қаршиликка дуқ келдими, дарҳол ижодий ниятидан воз кечади. Биргина мисол. Саидий қишлоққа борганида у ерни ёқтириб қолади, «сўз-сув ислоҳотига хайрихоҳлик кўрсатиб у ҳақда роман ёзишга чоғланади. Шу орада бир баҳсда айтилган «Ислоҳот ўзбек қишлоқларини хароб қилади», «Ислоҳот ёмон десангиз романингиз босилмайди, яхши десангиз...» кирзидаги мулоҳазалар туфайли дарҳол фикри ўзгаради қолади. «Шу дамда ўзининг бошлаган романидан шунча

совидики, давом эттириш учун бир калима сўз тополишига ҳам кўзи етмас эди», деб ёзади муаллиф.

Бу йигит шахсий — интим ҳаётда ҳам ўта нўноқ. У гўзал қиз Мунисхонга кўнгли бериб, унинг меҳрини қозонади. Севги деб аталмиш илоҳий неъмат нашидасидан баҳраманд бўлиш имконияти туғилади. Ҳаётидаги энг қувончли, тотли онлари унинг Мунисхон билан илк учрашув, мулоқот дамларидир. Бироқ мана шу бахтни ҳам асраб қолишга қурби етмайди. Бу ношуд нотавон банди мўмин хомхаёлларга учиб, китоблардагидай фаровон турмушга эришиш, машҳур ёзувчи бўлиб етишиш орзусида таянч — шароит қидириб Муродхўжа домла хонадонига ичкўев бўлиб келади. Мунисхондек фаришта қолиб, ўз тақдирини Сорахондек тасқара билан боғлайди. Бу ҳол Саидий табиатидаги ожизлик, субутсизлик, ҳаётда йўл қўйган хатоларнинг энг қалтиси ва хатарлиси, шахсий инқирозининг авж нуқтасидир. Энг ачинарлиси, Саидий ҳаётида нималар юз бераётганини билиб, бу ҳақда ўзига ҳисоб бериб, оқим ўзини қаёққа олиб кетаётганлигини ғира-шира фаҳмлаб туради, шунга қарамай кўзини чирт юмади-да, «хайр, нима бўлса бўлар...» дея қўл силтайди. Бу хонадонда Саидий аввало ижтимоий шахс сифатида ўзлигини бутунлай бой беради: «оламга, унинг барча ҳодисаларига Муродхўжа домланинг кўзи билан» қарайдиган, «ҳар бир товушни унинг қулоғи билан эшитадиган» бўлади; бора-бора бу одамнинг дастёри, малайи, борингки, оддий қулига айланади. Саидийнинг энг жўшқин меҳнат, ижодий фаолият онлари эзгу мақсадларига ёки сиёсатга эмас, Муродхўжа домланинг моддий манфаатларига хизмат қилади. Шу тариқа оқ-қорани тушунган, маърифатли, зиёли бу кимса мутелик, итоаткорлик, қуллик, туйғуси бобида адиб ҳикояларидаги маърифатдан йироқ, оми персонажларни ҳам йўлда қолдириб кетади. Бу ҳол 30-йиллар шароитида жиддий бир огоҳлантириш эди. Жамиятнинг маърифатли, онгли аъзоси бўла туриб ҳам Саидий каби қатъиятсизлик туфайли жаҳолат ботқоғига ботиб кетиш, инон-ихтиёрини ўзгалар изнига топшириб оддий малайга, қулга айланиб қолиш мумкинлигини, афсуски ўша кезларда биров сезди, биров сезмади; сезганлар эса журъатсизлик оқибатида ўзларини билмасликка солдилар. Бу нарсга миллат, жамият учун қанчалар қимматга тулганлиги маълум...

Қалтис вазиятларда бош қаҳрамон қисматида, руҳиятида юз берган ўта зиддиятли, фожиавий ҳолатлар катта маҳорат билан кўрсатилган. Инсон боласи учун энг оғир кўргулик, фожа ўзининг кўнгил майлига зид бориш, таъби суймаган ишни қилиш, бундан ҳам оғири — жирканч вазиятга ўзини мослаш, тақдирнинг шафқатсизлигига, омадсизликка кўникиш, омонат асослар орқали ўзини овутишдан иборат. Домла хонадониди Саидий ана шундай мушкулотга дуч келади: ақлга — тасаввурга сиймайдиган ҳол юз беради — секин-аста Саидий қалбидаги баркамол гўзал қиз Мунисхон ўрнини маънавий қашшоқ, жисмоний хаста, ўта хунук — тасқара Сорахон эгаллай бошлайди. Ёзувчи бу руҳий жараёни бутун мушкулоти, оғриқлари, азоб-қизиблари билан ифода этади. Айниқса, Саидийнинг кўнгилсиз вазиятга ўзини кўниктириш, Сорахондан «фазилат»лар қидириш жараёни тасвири ёзувчининг ноёб адабий кашфиётидир. Деярли шундай ҳол Мунисхонда ҳам юз беради. Мунисхон ҳам ўз навбатида Саидийдай кўркам, истеъдодли йигит қолиб вазият тақозоси, ака хоҳиши, амри билан маънавий тубан, кўримсиз, жирканч одамга зўрлаб ўчатилади. Мунисхон ҳам бу вазиятга кўникиш, жирканч кимсадан «фазилат» қидириш азобини чекади. «Икковининг фарқи шундаки, Мунисхон ўзини алдай олмаган — фазилатдан нуқсон ва нуқсондан фазилат ясашдан ожиз келган минутлар»да аламини йиғидан, Саидий эса ичкиликдан олади. Айниқса, бир-бирининг васлига ета олмаган, икки бахтсиз, омадсиз ёшнинг бир-бирига рўпара келгандаги ҳолати — қалбларда кечаётган изтироб, уни яширишга қанчалик уринмасинлар, барибир ошкор бўлиб туриши ифодаси ёзувчи санъатининг беазир ҳисонларидандир. Икки ёш тўйдан кейин бир-бирларига дуч келганида иккови ҳам узоқ жим қолади, сўнг Саидий «Қўглашим мумкинми?» — деб сўрайди. Шу ўринда ёзувчи: «Бу сўзни у жуда тез айтди, аммо айтиб бўлгунча кўздан оқиб чиқиб кетаёзди» деб ёзади. Ўша кездеги қаҳрамон қалбиди изтироб нақадар позик, таъсирчан ифодаланган! «Мумкин!» — дейди сир бой бермаган Мунисхон бояги сўзига жавоб тарзида ўзини хурсанд ва бахтиёр кўрсатишга киришиб. Саидий бунга ишонмайди, Мунисхоннинг шу ҳаракати унинг юрак-бағрини эзиб юборади. Мунисхон яна узоқ вақт шу мушкул юмушни давом эттиради, ҳар гал Саидийни кўрганда ўзини турмушидан, оилавий ҳаётдан

мамнун кўрсатишга тиришади. Бунинг оқибати аён. Муаллиф ёзади: «Бу узоққа чўзилган дард натижаси шу бўлдики, Мунистоннинг гўзаллиги ҳар кимнинг қучоғида бир қатрадан қола бериб тугаёзди».

Саидийнинг қабоҳатта кўникиши, у билан мурасага келиш жараёни ифодаси нисбатан келг, изчил ва маҳорат билан амалга оширилган. Ниҳоят, Саидий алдовлардан – Мунистоннинг фазилатларидан нуқсон ясалдан чарчайди, ўзига тасалли бериш учун бошқа йўл топади – қачон Мунистон тўғрисида ўйласа, дарҳол ўзига ўзи «Мен уни олмоқчи эмас эдим» дейди ва кўнглининг фарёдини ичкилик билан босишга уринади. Шу мушкул дақиқаларда рўпарасида бот-бот Сорахон пайдо бўлади, Саидий эса ҳар гал Сорахондан қандайдир фазилат «кашф» этади. Сорахоннинг Саидий ҳузурига чойнак кўтариб кириб, маст ҳолда учиб ётган бу одам оёқ кийимини ечиб қўйиши, устига кўрпа ёпиши, айниқса бош томонига, бошқа жойга эмас, уйғониб пайпаслаганида қўли етадиган жойга совуқ чой қўйиши катта каромат бўлиб туюлади. Яна бир гал Сорахон Саидийнинг оқ шоҳи кўйлагига қаердадир илашган қизил ипни олиб ташлайди. Адиб ёзади: «Чойнак уни ҳамма хунук қизлардан ажратган бўлса, бу ипни олиб ташлаш уни Саидийга озгина яқинроқ келтирди». Энди Саидий Сорахоннинг тавия башарасидан зўр бериб чирой ахтаришга тушади ва «катта бир нарса» кашф этади: «Сорахоннинг кўзи қора, киприклари бу кунгача кўрган ҳамма қизларникидан узун». У ўзини овутишда давом этади: «Сорахон хунук, бу рост, аммо истараси иссиқ». Бу фикрга яна бир фикр қўшади: «Баъзи қизлар чиройли бўлса ҳам, истараси совуқ бўлади, ҳуснда истаранинг аҳамияти зўр». Яна бошқа зўрма-зўраки далил-исботлар келтиришда давом этади: «Никоҳ учун муҳаббат шарт эмас», «Бу хотин хунук, буниси чиройли», дейишда маъно йўқ, «турмуш учун чиройли хотиндан хунук хотин яхши». Шу тариқа Саидий мажбуран ўзини таъби суймаган ошни ейишга ҳозирлайди.

Ёзувчи бу билан чекланмай, қабоҳатга мослашган банди мўминнинг бу хонадондаги хўрликлари, инсонлик шаъни, нафсониятининг оёқ ости этилиши, тасқара хотин, булбули гўё қайнона, маккор қайнота томонидан таҳқирланиши, хаста опаси бошига тушган чидаб бўлмас хўрликлар, буларнинг устига ишдаги, ижодаги омадсизлик, таназзул тарихини батафсил кўрсатади. Саидийнинг ўша

кезлардаги ночор ҳолати, изтироблари ўқувчи қалбини ларзага солади. Ёзувчи қаҳрамоннинг аянчли қисмати хусусида бир персонаж тилидан лўнда қилиб шундай дейди: «Раҳимжон ҳозир шалоғи чиққан аравадай Муродхўжа домланинг томорқасида ағанаб ётибди». Ниҳоят, Саидийнинг ички ҳаёти билан ташқи ҳаёти орасидаги кундан-кун ўсиб бораётган қарама-қаршилик унинг жонига қасд қилар даражасига етади, у телба ҳолга тушади.

Асарнинг илк нашри ва охириги вариантидаги қаҳрамон ҳалокати тафсилотидаги фарқлар хусусидаги баҳоларда, кейинги вариантда Саидийнинг тўсатдан фаол ва қўнорувчига айланиши, бутун бошли юк поездини ҳалокатга учратиши образ мантиқига зид, чунки Саидий табиатан бундай ишга қодир эмас, деган танқидий фикрлар асосли эмасдай туюлади. Аслида ҳаётдан, яшайдан тойган, ҳаёт сурурини ҳис этишдан тўхтаган, ҳаётга, яшашга интилишни беъманилик деб билган, шахснинг сифатида емирилиб битган кимса учун шу ҳилдаги «мантиққа зид» безориларча телба хатти-ҳаракати табиийдир. Муаллиф Саидий ҳалокатидан сал бурун унинг хаста ётган опаси хусусидаги ўйлари беради: «Опаси ётган подвалнинг қор қоплаган пастак деразасидан қизғиш шуъла тушиб турар эди. Саидий буни кўриб опасининг «тузалиб кетарман» деганини эслади ва унинг ҳаётдан бўлган умиди аввал ғашини, кейин аламини, ғазабини келтирди. Саидий ҳозир опасининг тиззалари шишиб кетган оёқларини уриб синдиришга, хира кўзларини ўйиб олишга, томоғини ғажиб ташлашга тайёр эди». Шундай руҳий кайфият—ҳолатдаги одам учун сўнгги безорилик табиийдир. М.Горький «Шахснинг емирилиши» мақоласида ёзганидай, «безорилик—шахснинг руҳий-жисманий емирилишининг шунчаки оқибати, унинг таназзули сўнгги нуқтага етганига шаксиз далилдир<sup>1</sup>».

Юқоридаги таҳлил, мулоҳазалардан чиқадиган хулоса шуки, асар марказида турган Саидий моҳиятан фаолият, ижод, сиёсат одами эмас, балки қисмат бандаси; у ўзини ҳам бахтли қилишга қодир шахс эмас; у «аксиланқилобий миллатчилик» гуруҳи муҳитига эмас, бошқа бир муҳитга тушиб қолганда ҳам уни шундай аянчли қисмат кутарди. Саидий ижтимоий-мафкуравий, сиёсий курашдаги иштироки тўфайли эмас, биринча галда табиатидаги

---

<sup>1</sup> М. Горький. Асарлар. 9-н томлик. X том. Т., 1978. 42-бет.

ожизликлар — мутелик, қуллик туйғуси, продасизлиги, мужмаллиги, оқимга қараб оқадиган лоқайд бўлганлиги учун инқирозга, ҳалокатга учради. Саидий тушиб қолган шароит, 20-йиллардаги тарихий вазият, мафкуравий-сиёсий курашлар, «аксилинқилобий миллатчилик» деб аталган ҳаракатлар асар учун бир фон холос; синчиклаб разм солинса, Саидий ҳаёти, қисматидаги, энг кескин драмалар, фожиалар мафкуравий, ижтимоий-сиёсий курашлар майдонида эмас, оилада, шахсий—интим ҳаётда рўй беради. Саидий хилидаги кимсаларнинг фожиаси ҳамма даврларда, ҳамма халқлар ҳаётида юз бериши мумкин бўлган умумбашарий фожадир. Мутелик, қуллик психологияси ва унинг аччиқ оқибатлари масаласи миллат равнақининг заволи сифатида Қаҳҳорни ҳамиди аламли ўйларга толдирган, қаттиқ изтиробга солган, бинобарин бу нарса ижодидаги стақчи тамойиллардан бирига айланган; айти шу ҳол адабнинг бошқа қатор етук асарлари қатори «Сароб» романининг ҳам стақчи лафосини белгилайди.

Романда бу хулосани тасдиқлайдиган яна бир асос бор. Асарда «аксилинқилобий миллатчилик» ҳаракатига даҳадор шахслар орасида нисбатан муваффақиятли, жонли чиққан образ Муродхўжа домладир. У ҳам романда миллатчи зиёлилар вакили, миллатчилик мафкурасини ташувчи фигура сифатида эмас, ўзгачароқ қиёфада кўринади. Аввало, у инқилобий алғов-далғовлар даврида ғарқ бўлиш олдида турган оила кemasини, бойлигини, ҳаётдаги мавқеини ҳар боб билан асраб қолишга уринаётган тadbиркор оила бошлиғи; бахтсиз туғилган ёлғиз фарзанд учун ўзгалар бахтсизлиги ҳисобига бахт ато этиш умидида юрган устомон, худбин одам сифатида эсда қолади. Унинг миллатчилиги, аксилинқилобий ҳаракатлардаги иштироки йўл-йўлакай шунчаки эслатиб ўтилади. У Саидийни оила даврасига тортар, ичкўёв қилиб олар экан, бунда у мафкуравий-сиёсий мақсадларни кўзлагани йўқ. Биринчи гада, у ўз тинчини, жонини, моддий манфаатини ўйлаган; «оламда домланинг кўзига фақат икки нарса кўринади: бири — мулк-амлоқ, иккинчи — жон. Ҳатто, у Саидийни сиёсат бобида асраш-авайлаш йўлини тутди. Муродхўжа домла «Меҳробдан чаён»даги Солиҳ маҳдумни эслатади. Маҳдум Анварнинг билимидан, истеъдодидан фойдаланиб қандай пул ишласа, домла ҳам Саидийнинг истеъдодини худди шундай пулга сотиб ейди. Домла оилага даромад

келтираётган Саидийни сиёсат бобида асран-авайлаш йўлини тугиши ҳам бу одамнинг асл қиёфасини ойдинлаштиради. Фойда келтираётган кезларда Саидийга нисбатан ҳурмат-эҳтиромни жойига қўяди, инқироз — омадсизлик бошланиши биланоқ ундан юз ўтиради, Саидийнинг шарбатини сўриб бўлиб пўчоғини пуфлаб ташлайди. Бинобарин, бу образ ҳам муайян ғоявий мақсадларга — миллатчилик мафкурсини фош этишга хизмат этувчи восита эмас, балки табиий инсоний зиддиятлари, ожизликлари билан жаҳон адабиётида мавжуд шу турдаги персонажлар сафида турувчи ёрқин характердир.

«Сароб» бадиий ижоднинг гаройиб ички қонуниятларини яна бир бор тасдиқловчи, реализмнинг сирли-сехрли куч-қудратини намоён этувчи бадиий ҳужжат сифатида ҳам қимматли. Бамисоли Ҳиндистонга боришни кўнглига тугиб океан сафарига отланган Колумб беихтиёр Америка қитъасини кашф этгани каби Қаҳҳорнинг «буржуа миллатчилиги»ни фош этишни ният қилиб ёзган «Сароб» романи туб моҳияти эътибори билан бошқача — башариятга хос инсоний ожизликлар ва уларнинг фожеий оқибатларини ифода этувчи нодир санъат асари бўлиб чиққан. Ёзувчининг ўзи ҳам англаб етмаган «онг ости» ҳиссиёти, қалб тубидаги илоҳий туйғу уни ҳақиқат, чин санъат йўлига бошлаган. Асардаги замоннинг ўтқинчи довуллари, алдамчи ғоялари таъсирида тарафкашлик билан битилган нисбатан бадиий заиф ўринлари борлиги кишида таассуф уйғотади, бироқ улар романнинг юксак бадиий қимматини, XX аср ўзбек адабиёти равнақидаги салмоқдор ўрнини инкор этиш учун дасққ бўла олмайди.

X                      X  
X

Иккинчи роман «Қўшчинор»да ҳам ёзувчи ижодига хос етакчи тамойилга амал қилган ҳолда яна инсон шайни, қадри масаласини кўтаради. Танқидчиликда таъкидланганидек, «Қўшчинор» «Сароб»нинг мантиқий давоми; устамон Муродхўжа домла хонадонига ичкуёв бўлиб тушган Саидий бу ерда инсонлик шайинини топтаб, адоий тамом бўлиб ўлим излаб кетса, маккор Зуннунхўжага ичкуёв бўлиб тушган Сиддиқжон қайнота даргоҳидан инсонлик шайни ҳимояси йўлида нажот излаб чиқиб кетади. П. Қодиров ёзганидек,

«Ҳаёти кун сайин орқага кетадиган, ёмон томонга қараб ўзгарадиган кишини ишонарли қилиб тасвирлашдан кўра, ҳаёти кун сайин олға кетадиган, яхши томонга қараб ўзгарадиган ва маънавий жиҳатдан қайта туғиладиган кишини ишонарли қилиб тасвирлаш бир неча баробар қийин»<sup>1</sup>. Қийинлиги шундаки, инсоннинг «маънавий жиҳатдан қайта туғилиши», унинг «ёмон томонга қараб ўзгариши», инқирози жараёнидан ҳам кўра мушкул ва кескин руҳий драмалар ичида кечади. «Қўшчинор»нинг илк бобида бош қаҳрамон Сиддиқжоннинг хотини, қайнонаси, қайнотаси билан тўқнашувлари ва ўша тўқнашувлар асносидаги руҳий қийноқлари тасвири «Сароб»даги бадий юксаклик даражасидадир. Шу бобнинг ўзи бутун бошли етук санъат асарига тенгдир. Афсуски, кейинги бобларда бирин-кетин шу юксакликдан чекиниш, сусайиш бошланади, қаҳрамон ҳаётидаги, руҳиятидаги яхшилик, ижобийлик томон хийла силлиқ, енгил, кескин драмаларсиз кечади. Бош қаҳрамон Сиддиқжоннинг эволюцияси, ўсиш – улғайиши йўлини кўрсатишдаги муайян ожизликларига, айрим қаҳрамонлар тугал характер эмаслигига асосланиб О. Шарафиддинов ҳақли равишда «Қўшчинор» романи Абдулла Қаҳҳорнинг баркамол асарлари сирасига кирмайди»<sup>2</sup> дейди. Асарни хуш қабул қилганлар ҳам, найза кўтариб қарши олганлар ҳам ўз вақтида уни одилona баҳолай олмади, ютуқ ва камчиликларини холисона ва малакали кўрсатиб беролмади. 40-йиллар охирларидаги вульгар социологизм оғуси билан заҳарланган танқид, мунозара, муҳокама ва тақризларда романга муайян стереотиплар асосида ёндашиб, унга жиддий ғоявий айблар қўя бошлади. Ёзувчи бошда асоссиз танқидий фикрларга қўшилмади, қатъий туриб уларни рад этди. «Қизил Ўзбекистон» газетаси «Қўшчинор» муҳокамаси ҳақидаги ҳисоботида (1948 йил 4 август) Абдулла Қаҳҳор қилинган «ҳаққоний танқидларни рад этишга уриниб кўрди», «ёзувчи романда кўрсатилган хатоларни албатта тузатиши шарт» деб ёзди.

Ниҳоят, адиб ўшандай асоссиз танқидларни тан олишга мажбур этилди. Шу мажбурият асосида муаллиф асарни қайта ишлайди, «Қўшчинор» «Қўшчинор чироқлари»га

<sup>1</sup> «Ўзбек совет адабиёти тарихи», III том, 1-китоб. Т., «Фан», 1972, 74-б.

<sup>2</sup> «XX аср ўзбек адабиёти тарихи», 278-бет.

айлантирилади. Оқибатда, ҳали тугалланмаган романнынг биринчи қисмидаги мавжуд камчиликлар янада чуқурлашди, асар танқидчилик талабига мос кўпдан-кўп лавҳалар, чунончи «коллективлаштириш давридаги кескин синфий кураш»ни, «майда деҳқон хўжалигини йирик социалистик хўжаликка айлантиришда коммунистлар партиясининг ролини», «қишлоқдаги камбағал деҳқонларнинг актив фаолиятлари»ни акс эттирувчи янги боблар билан тўлдирилади; зулмат ичидаги қашшоқ, ночор қишлоқ турмуши тез суръатлар билан фаровон ва чароғон ҳаётга айлантирилади. Муаллиф танқид зиммага юклаган шу хилдаги мажбуриятларни адо этиш билан банд бўлиб, бош қаҳрамони Сиддиқжонни деярли унутади. Бу образ орқали айтмоқчи, ифодаламоқчи бўлган мақсад—бадий ниятлари аро йўлда қолиб кетади.

«Қўшчинор»нинг «Қўшчинор чироқлари»га айланиш тарихи адиб ижоди давомида етук асарлари орқали куйиб-ёниб ўтказган бош ғоя, яъни инсон боласи ўз шаънини, ўзлигини ҳимоя қила олмаган, муҳит таъсирига бўйсунган, ўзгалар изни бўйича иш тутишга мажбур бўлган тақдирда қандай оғир кўргиликларга мубтало бўлиши ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни ўз ижодий тақдири орқали татиб кўрди. Адибнинг «Қўшчинор чироқлари»... таъбимдаги китоб эмас», «ўзимга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан мақсадимга етолмадим» деган эътирофида қанчалар армон, афсус-надомат бор.

#### IV

Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб ўнга яқин қисса орасида «Синчалак» билан «Ўтмишдан эртаклар» алоҳида ажралиб туради. Ҳар иккала асар ҳам ёзувчи ижодидагина эмас, XX аср ўзбек адабиёти ривожига ўзига хос ўрин тутати. «Синчалак» ўзбек адабиётида юз берган жиддий ўзгаришларнинг дебочаси, урушдан кейинги йиллари «турмушни бўяб-безаб тасвирлаш» йўлига ўтган адабиётни ҳаётнинг ўткир масалалари томон буриб юбориш, адабиёт орқали «китобхоннинг кўнглидаги, тили учидagi гап»ни айтиш воситасига айлантириш ҳаракатининг ёрқин намунаси сифатида қимматлидир. Муаллиф «Синчалак»да асар бош қаҳрамони Саида тимсолида ўз ижодий ақидасига содиқ қолган ҳолда инсоннинг, бу ерда ўзбек аёлининг

қадри, шаъни хусусидаги масалага яна қайтади, ўша чеки-чегараси йўқ аламли баҳсни давом эттиради. Айни пайтда 50-йиллар ўзбек қишлоғининг, хусусан, ўзбек аёли турмушининг бир қанча кескин муаммоларига эътиборни тортади.

80–90-йиллари миллий адабий қадриятларни қайта баҳолаш авж олган кезлари Қаҳҳор ҳикоя ва романлари қатори «Синчалак» қиссасига ҳам бопдан-оёқ замонасозлик руҳида битилган, шўро ҳукумати сиёсати, ҳукмрон ва мафкура тарғиботига қаратилган асар, деган айбловлар қўйилди. Қисса ҳақида шундай қарашларнинг пайдо бўлишида шўро даври танқидчилигининг ҳам каттагина «хизмати» бор. Ўша давр адабиётшунослигида «Синчалак»нинг айни ўша «замона зайли»га мос жиҳатларига алоҳида ургу берилган, бу асар «коммунистик ғоявийлик», «партиявийлик» мезонлари асосида таҳлил, тарғиб ва ташвиқ этилган. Яна бир жиҳат—ёзувчининг асар яратишдаги ўз олдига қўйган нияти, ошкора эътирофи бу гал ҳам аҳволни чигаллаштирган, бу ерда ҳам баъдий ижоднинг, реализмнинг гаройиб қонунияти, яъни ният-мақсад амалиётда ўзгача натижалар билан яқунланиши, гоҳо оқибат муаллиф нияти-идеалига зид келиб қолиши, аниқроғи, ҳақиқат ёзувчининг ирода-хоҳишидан устун чиқиши мумкинлиги ҳисобга олинмаган.

Қаҳҳор таржимаи ҳолида «Синчалак» халқимизнинг кураш ва ғалабасидан ўзимда йўқ қувонганим, ажойиб замондошларимни қувониб олқишлаганимдир дейди. Хўш, асар фаҳат «халқ кураши ва ғалабасидан» ёзувчининг ўзида йўқ қувончи, «ажойиб замондошлари»ни «қувониб олқишлаш»и натижасими?! «Синчалак»ка шуҳрат келтирган омилар шулардан иборатми? «Синчалак» қаҳрамонлари, биринчи галда Саида адибнинг «ажойиб замондошлари»ни «қувониб» олқишлагани самарасими? Саида чин маънодаги қувонч меваси, ҳар тарафлама ардоққа лойиқ шахс, суюкли қаҳрамонми? Адабиёт илмида, дарсликларда «ибрат бўларли қаҳрамон» сифатида тақдим этилган Саида аслида қандай? Аслида у XX асрда Ўзбекистон шароитида шаклланган фаол ижтимоий аёл шахси тимсолидир; бу тоифа аёлларга хос фазилатлар ҳам, қусур-ожизликлар ҳам ўз тажассумини топган. Ёзувчи бу образдаги жамини мусбат ва манфий жиҳатлар иддизини очиб берган.

Дарҳақиқат, Саида — ижтимоий фаол шахс тимсоли. Аниқроғи, аср ўрталаридаги шу хил аёлларимизнинг типик намояндаси. Янги ўзбек адабиёти тарихига назар ташласак, аср бовларидаёқ адибларимиз ўзбек аёлининг аҳволи, қисмати, ҳаётдаги мавқеи ҳақида жиддий бош қотира бошлаганлар; бир томондан, уларнинг асарларида «бечора ўзбек хотуни»нинг эрксизлик, жаҳолат, қолоқ удумлар исканжасида «энг тоза умидларнинг сўлиши» (Чўлпон ибораси) алам-изтироб, кўз ёшлар билан бор ҳолича кўрсатилади; иккинчи томондан, уларда аёлларнинг ўзлигини англаш, намоён этишга чақириқ садолари эшитилиб туради; учинчидан, яна бир туркум асарларда ўз шаъни, ҳуқуқи, эрки учун, ижтимоий адолат тантанаси учун курашга отланган фаол аёлларнинг реал ҳаётдан бир оз юқори турувчи романтик образлари яратилади... Шу хил образлар силсиласида «Синчалак»даги Саида ёрқин, бетакрор бадий сиймо сифатида ажралиб туради. Саида образи моҳиятини ярим аср давомида миллий адабиётимизда яратилган айни ўша ўзбек аёллари силсиласидан ажралган ҳолда англаш, тушуниш, тушунтириш асло мумкин эмас. Саидадаги ижтимоий фаоллик, ақл-заковат, тадбиркорлик хислатлари, бинобарин, ижтимоий фаол аёл шахсига хос мусбат ва манфий жиҳатлар, бир чеккаси, унга ўша салафларидан ўтган. Қолаверса, «Синчалак»ни ёзишдан аввал муаллиф нилғари ёзган «Мастон», «Хотинлар» каби асарларида заковатли шижоаткор аёлларнинг романтик образларини яратиш бобида муайян тажриба тўплаган эди.

Бугина эмас, реал ҳаётнинг ўзи реалист адибга шундай аёллар тимсолини, аёллар қисмати билан боғлиқ муаммоларни тақдим этди. Қаҳҳор қўлига қалам олиб катта ҳаёт ичига кира бошлаган кезлари, яъни 20-йилларда «Хужум» кампанияси бошланди; «хотин-қизларни озод этиш»га қаратилган ғоят мураккаб, зиддиятли ҳодиса зўр шовқин-сурон, қонли ва қонсиз фожиялар ичида кечди. 20—30-йилларда қалам тебратган бирор адиб бу ҳодисани четлаб ўтган эмас. Унинг акс-садоси 40—50-йилларда ҳам миллий адабиёт дунёсида эшитилиб турди. Эҳтимол, 1958 йилда ёзилган «Синчалак» ўзбек адабиётидаги ўша суронларнинг сўнгги садосидир.

«Синчалак»даги бош қаҳрамон оилавий тарихини эслайлик. Саида туғилган оила айни ўша «Хужум» кампаниясининг қурбони. Отаси Али бобо ўша кезлари эри

раъйига қарши бориб озодлик, маърифат йўлини тутган аясини сўйиб қўйган. Ота бу жиноят учун аввал ўлимга, сўнг ўн йил қамоққа ҳукм қилинган. Шу билан бу оила тамом бўлади. Икки норасида – Саида ва онаси холасининг қўлида қолади. Кўп кўргуликлар, машаққатлар сўнггида Саида ўз йўлини топиб олади. Қўли қон ота эндиликда тилсиз-забонсиз аянчли бир тирик мурда қиёфасида Саида билан бир хонадонда яшайди ва ҳар дақиқада ўша фожиани ёдга солиб туради.

Демак, Саида онаси бошлаган, илк қадамларидаёқ узилиб қолган фаолиятнинг давомчиси; унинг бутун вужуди аёл шаънини топтаганларга қарши нафрат, балки ўзи сезмаган, англаб етмаган ички алам, қасос туйғуси билан йўғрилган. «Одам боласи циркнинг оти эмаски, қамчи қарсиллаганда чўккаласа», дейди Саида. Саидадаги ижтимоий фаолликнинг, шаддодликнинг, эркак зотиға нисбатан ўзгача бир қаттиққўлликнинг асл илдизи ўша ерда. Биламизки, инсон характерининг шаклланишида, ирода йўналишида шахсий дахлдорлик, алам, қасос туйғуси муҳим ўрин тутати. Агар эътибор берсангиз, Саида табиатида, фаолиятида уни ҳаракатга келтириб турган ички маёқ – аёл қадри, шаъни ҳимояси учун кураш туйғуси, аниқроғи, онаси бошлаган ишни охирига етказиш истаги унинг асл ғоясидир. Саида «Бўстон» колхозига келиб ким билан учрашмасин, баҳслашмасин, биринчи галда аёл зотиға муносабат, аёл шаъни, эрки, ҳуқуқи масаласи унинг учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Одамларни баҳоланда бош мезонга айланади. Қаландаров, Зулфиқоров, Эшон, Ҳамидулла, Козимбек – бу хилма-хил табиатли одамларнинг кимлиги, маданий-маънавий савияси айни шу масалага муносабат жараёнида очилади. Шу билан баробар Саида ирода йўналиши ва фаолиятидаги айни шу хусусият ўзига хос регулятор вазифасини ўтайди; асар сюжети, конфликти ҳам аслида айни шу аёлга муносабат билан бўшлиқ можаролар асосига қурилган.

Табиийки, асардаги асосий жанг Саида билан Қаландаров орасида кечади. Илк учрашувдаёқ: «Ҳар нима қилсангиз қилинг, мени итингизнинг ёнига боғланг, лекин раҳбарлик қилманг! Тоқатим йўқ! Хотин киши раҳбарлик қилса, калавамнинг учини йўқотиб қўяман!» дея наъра тортиб аёл зотиға муносабатини ошқора аён этган улкан қоя билан олишиш, айниқса ўшандай зотки енгтиш осон иш

эмас! Саида вужуддаги аёл зоти шаъни учун курашиш туйғуси, қолаверса, салафларидан ўтган ақл-заковат, шижоат уш бу машаққатли курашда собит бўлишга ундайди; ёзувчи бор истеъдодини ишга солиб, зўр бериб, реал ҳаётдан бир қадар юқорироқ кўтарилиб қаҳрамони шижоати ва галабасига ўқувчини ишонтирмоқчи бўлади. Ва бу борадаги бир қадар атайинлик, зўр бериш туфайли бош қаҳрамон муайян даражада инсоний жозибасини, аёллик нафосатини йўқотади.

Бош қаҳрамон шижоати ифодасида романтикага мойиллик кўрсатган Қаҳҳор, барибир улкан реалист сифатида қиссада асримиз аёллари қисмати билан боғлиқ чигалликларни, бу борада шўро ҳукумати олиб борган сиёсатнинг зиддиятли жиҳатларини ҳаққоний кўрсатишга эришади. Адиб шўролар даврида комсомол ва партия тарбиялаб етиштирган жасур ва ғолиб раҳбар қиз панасида туриб кўплаб оддий аёлларнинг аянчли ҳаёти, қисмати хусусида сўз очади; Кифоятхон билан Эшон, Меҳри билан Зулфиқоров, Тожихон билан Ҳамидулла муносабатлари, Саида турткиси туфайли ҳаракатга келган колхозчи аёлларнинг дил розлари ифодасида адиб реализмининг қудратли қўли баралла намоён бўлади...

Муаллиф Кифоятхоннинг шалтоқ кечмиши, Эшон билан турмуш қуриш тарихи ҳақида ҳикоя қилар экан, «Ҳужум» кампанияси кўп ҳолларда бузуқ аёлларга қўл келгани, бу эса аҳволни хийла чигаллаштирганини тасъидлайди. Кифоятхон данғалига дейди: «Яширишнинг ҳолати йўқ... Ўша вақтларда, ундан кейинроқ очилган кўпгина хотин-қизларнинг қонига, эҳтимол мен, менга ўхшаган аёллар зомин бўлган бўлса... Мен жоҳил (ориятли деса ҳам бўлаверади – У.Н. эркакларнинг ҳамиятини қўзғатадиган йўлдан юрдим, бир неча йил юрдим...)»

Меҳрининг Зулфиқоров домига тушиб қолиш, иккинчи хотин бўлиш сабаби ҳам аслида ҳаётда, ҳўжалиқда илдиш отган қабохатлар, кўзбўямачилик, қаллобликлар билан алоқадор... Ҳамидулланинг ниҳоятда покиза, тўкин, саранжом-саришта хонадонидagi бетиним дилсиёҳлик, шировардида бу оиланинг барбод бўлиш боисини гарчи муаллиф кўпроқ ҳудожўй йигитнинг мутаассиблиги билан боғласа-да, бунда колхоз тузуми етиштирган донгдор, ордендор жамоатчи аёл Тожихоннинг ҳам муайян айби борлиги ўз-ўзидан равшан.

Ёзувчи асарда «феодал» эрларнинг қилмишларини бот-бот қоралаб, аёллар шаънини ҳимоя қилар экан, бошқа бир ҳолатга ҳам эътиборни тортади. Аёллар эрки ҳимояси бобида олиб борилган бирёқлама сиёсатнинг туб моҳиятини очиб берувчи, фош этувчи ажиб, образли бир гап айтади; «Бу замонда хотин киши одам ўлдирса ҳам... одам ўлдирган хотин эмас, ўлик жавобгар бўлади». Бу хусусда бундан ошириб гап айтиш мумкин эмас.

Ниҳоят, колхоз тузуми туфайли «бахт топган», колхозда «катта куч»га айланган аёлларнинг дил изҳорига қулоқ тутайлик. Шулардан бири Ойниса, мана, нималар дейди: «Мана мен, беш боланинг онасиман, эрим олтинчи бола, чунки бунга ҳам қарашим керак. Эрим билан барабар кетмон чопаман, кечқурун рўзгор, бола... Ўтган йил мен саккиз тоннадан ортиқроқ пахта тердим. Бир ҳисоблаб кўринг-чи, шунча пахта терганимда неча мартаба ўтириб турдим экан, бундан ташқари, шу саккиз тонна юкни кўтариб неча километр йўл босдим экан! Кечқурунлари яна рўзгор иши, бола ташвиши, мажлис... Мен пардоз ҳам қилишим керак, пардоз қилмасам, эрим бурнини жийиради... Мен мана шундай меҳнат қилганимга яраша кошки кўнглим тинч бўлса! Қўлим ишда-ю, кўнглим ясида, борчада. Яслиларимиз ўзини эплай олмайдиган кампирлар қўлида, борчамиз бўлса... Туғуруқхонамиз не аҳволда... Мен икки боламни шу туғуруқхонада туққанман. Одамнинг хўрлиги келар экан: сут тоншириш планини ҳаминша ортиғи билан бажарамиз, ортиқча сутни сотгани районда иккита дўконимиз бор, лекин кўзи ёриб ётган она бир стакан сут ёки кичкинагина бир пиёлада қаймоқ юзини кўрмайди!...»

50-йилларда «Шарқда социализмнинг машъали» саналган Ўзбекистон қишлоғи аёллари аҳволи ҳақида бу гапларни айтиш, ёзиш катта жасорат эди. «Синчалак»да бошланган бундай жасорат кейинчалик адабиётимизда муайян анъана тусини олди. О.Ёкубовнинг «Бир фелъетон қиссаси», «Диёнат». П.Қодировнинг «Қора кўзлар», «Эрк», Ў.Ҳошимовнинг «Деҳқоннинг бир куни», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», Шароф Боббековнинг «Темир хотин», Т.Муроднинг «Отамдан қолган далалар» каби асарларида яратилган оддий жабрдийда меҳнаткаш аёллар тимсоли силсиласи орқали яхлит ҳолда аёл зотиغا социализм инъом этган «эрк», «ҳуқуқ»нинг асл моҳиятини фош этувчи ўткир айбномадир! «Синчалак»да шаъни топталган аёлнинг

дилдаги оҳи, ўқинч, алам-армонларини элга ошкора изҳор этишдан бошланган анъана «Отамдан қолган далалар»да турмуш машаққатлари, хўрликларига қарши исён тарзида аёлнинг ўзига ўт қўйиши билан интиқосига етади! Адибларимизнинг жасорати туфайли ўша йилларнинг бундай шармандали шафқатсиз ҳақиқати мангуликка муҳрланиб қолди!

Саида қиссадаги замонасининг жабрдийда аёллари образидан фарқли ўлароқ, ҳақ-ҳуқуқини қўлга олган, фаол курашчан шахс. Юқорида айтилганидек, муаллиф уни ҳар қанча баркамол, ақл-заковатли, тадбиркор, суюкли сиймо тарзида тақдим этишга уринмасин, унда замон етишгирган, комсомол ва большевиклар тарбиялаган раҳбар аёл ходимга хос зиддиятли, ожиз жиҳатлар объектив тарзда намоён бўлган; ҳатто Саиданинг ақл-заковати, сабр-бардоши, топқирлиги, олишувларда ғолиб чиққанлиги таъкидланган лавҳаларда ҳам аёл зоти фойдасига хизмат қилмайдиган қандайдир қочирим, киноя-кесатиқлар бор. Қаландаров билан бўлган даҳанаки тўқнашув, юзма-юз олишувлардаги устулик туфайли Саида барибир ниманидир ютқазади, «никроғи, китобхон наздида ўзининг аёллик ифпати жозибасини йўқсат боради; ўзбекона аския тусини олган «синчалак», «хўроз» сўзлари пайровга тортилган тортишувларда ҳаё пардаси хийла кўтарилади; Саиданинг Қаландаров ёнида асов той миниб дала кезиши, тақими ишанииб, ачишиб бу азобларга сабр-бардош билан чидаш, ўзини ғолибона тутишга уринишларида ҳам, барибир ғолибликдан кўра мағлублик руҳи устивор. Қизнинг танг оҳволини пайқаган мўйсафид деҳқон Саида минган той парига парқув ёстиқни боғлаб қўйишида бу қизга «чининишдан кўра қандайдир кесатиқ мавжуд. Ҳатто бу кесатиқ — ишорани Саиданинг ўзи ҳам сезиб қаттиқ хижолат бўлади, ичида «вой шўрим...» деб юборади...

Ниҳоят, барча қалтис вазиятлардан омон ва ғолиб чиққан Саида бир можаро-олишувда мағлуб бўлади. Саида Ёлжихон хонадонига меҳмон бўлиб бориб, бу доғдор, ердандор раҳбар аёл билан «хотинига эскича қарайдиган» «қовдор Ҳамидулла оиласидаги, яъни эр-хотин орасидаги можаролардан тўла хабардор бўлгач, мутаассиб Ҳамидуллани «тўғри йўл»га солмоқ пайига тушади. Ҳали эр қилмаган қиз икки болали, кўпни кўрган тақводор одамга напад-насиҳат қила бошлайди. Ўзи раҳбар бўлган хўжалик

одамлари қолиб, қўшни колхоз одамларининг «шахсий ҳаёти»га аралашинга ўзини ҳақли деб билади. Комсомол, партия ишида шаклланган раҳбарлик бурчи, туйғуси уни шунга ундайди. Умуминсоний қадриятлар, шарқона одоб, андиша, ёши, мавқеи юзасидан бунга ҳақлими ёки йўқми бу ҳақда ўйлаб ўтирмайди. Ҳамидулла одоб билан Саида сўзларини сукут сақлаб тинглайди ва пировардида хайрлашув чоғи ўзига хос тавозе ва нозик қочирим ила Саидани сўроққа тутайди:

« — Кечирадилар... Сўраганнинг айби йўқ... ўзлари куёв қилганмилар?

— Йўқ, — деди Саида.

— Ҳм...куёв қилиш ниятлари борми?

Саида ҳижолат бўлиб, нима дейишини билмай қолди ва кулиб:

— Қайдам... — деди.

Ҳамидулла ҳам назокат билан кулди.

— Қонун... табиат... Одам одам билан тирик. Мавсумни ўтказмасдан куёв қилсалар, ўзларига ҳам яхши, бизга ҳам яхши бўлар эди: Тожиҳон ўзларидан ибрат олса, каминга куёвларидан ибрат олсам, турмушимиз бундан ҳам яхши бўлиб кетса ажаб эмас...»

Шу тариқа Ҳамидулла Саиданинг ҳамма гапларини бир оғиз сўз билан бир пул қилади-қўяди. Барча тўқнашувларда, ҳатто Қалаңдаровдек қоя билан даҳанаки олишувларда енгиб чиққан Саида бу гал майин-мулойим бир кимса писандасига жавоб тополмай ҳанг-манг бўлиб, жойида қотиб қолади, хайрлашиб, орқасига қарамай жўнаб кетади. Нақадар ҳаётий, табиий, ҳаққоний ҳолат! Ана, Қаҳҳор реализмининг кучи, сирли жозибаси! Нозик қочирим — ҳаракат олдида мана мен деган «жасур» шахс ҳам ожиз, мағлуб. Ҳамиша суюкли қаҳрамони ёнини олиб келган реалист адиб бу гал ҳимоя қилишга ортиқча уринмайди, ҳукм-хулоса чиқаришни китобхон ихтиёрига қолдиради.

Яна бир гап. Асарда муаллиф ҳар боб билан жамоатчи аёл Тожиҳонни ҳимоя қилишга, тақводор Ҳамидулланинг эса уни жамоат ишларидан қайириб фариштадек уй бекаси қилишга уринишларини пичинг-киноялар билан қоралашга уринмасин, оқибат-натижа — объектив ҳақиқат кутилгандан ўзгача бўлиб чиқади. Хўш, жамоатчилик йўлини танлаган Тожиҳон пировардида нималарга эришди? Тақводор, мутаассиб бўлса-да, турмуш ўртоғига чин дилдан вафодор,

беозор, ҳалол, саранжом-саришта эрни ташлаб, икки фарзандни тирик етим қилиб, «Гулистон—бўстон», «кичкина қаср», «ҳазина—музей» дейишга лойиқ хонадонни тарк этиб, колхоз берган уйга кўчиб ўтади; унинг жамоатчи бўлиб эришган бор бисоти — байрамларда, катта йиғинларда, ўзаро текширишларга борганда ярайдиган, сиққанича кўкракка тақиб, қолганини рўмолчага туғиб юрадиган ордену медаллар...Шу бисот ҳақида гап кетганда муаллиф ҳам беихтиёр персонажларга қўшилиб кулгу-кесатиклардан ўзини тия олмайди. Парадоксни қарангки, ўз шаъни, қолаверса ўзгалар шаъни, қадри учун фаол кураш йўлини тутган шахслар ҳаракати ички зиддиятлари туфайли секин-аста жозибасини йўқотиб абсурдга айлана бошлайди.

Шу ўринда «Синчалак» муаллифининг шахсига онд бир жиҳатини эслаб ўтиш жоиз. Фақат «Синчалак»да эмас, бошқа кўплаб асарларида, нутқ ва мақолаларида шўро ҳукуматининг аёлларни «уй чўриси» балосидан қутқариш, «жамоат ишлари»га тортиш сиёсатини қўллаб-қувватлаб келган, шу ғояни ўзида ташувчи талай қаҳрамон образларини яратган адиб шахсий ҳаётда ўзгачароқ бўлган. Фаол жамоатчи аёл Кибриёхонимга уйлангач, унинг жамоат ишларида юришини хоҳламаган, рашк бобида эса адиб тақводор қаҳрамонидан асло қолишмаган. Кибриё Қаҳҳорова адиб тўғрисидаги хотираларида бу ҳақда ошкора ёзган. Кибриёхоним эр кўнгли — раъйига қараб жамоат ишларидан воз кечган, чорак аср давомида садоқатли, саранжом-саришта «уй бекаси» сифатида адиб хонадонини обод қилган, Қаҳҳор вафотидан кейин умрининг сўнгги кунларига қадар, яъни йигирма саккиз йил давомида адиб чироғини ёқиб унинг руҳига содиқ қолган. «Уй бекаси» бўла туриб ҳам маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга эришган.

Маълум бўлаётирки, адиб расман аёлларнинг озодликка эришишини, жамоат ишларига тортилишини ёқласа ҳам, қалбининг тубида қандайдир «феодаллик» туйғуси сақланиб қолган, бинобарин аёллар бобида шўро сиёсатини чин дилдан қабул қилмаган. Мана шу зиддиятли ҳолат беихтиёр асарларига ҳам кўчиб ўтган. Ҳатто суюкли қаҳрамонлари талқинида ўз зуҳрини топган. «Синчалак»даги жамоатчи аёллар қисмати талқинида юқорида тилга олинган ҳолатлар, хусусан Саидадек суюкли қаҳрамонида аёллик нафосати,

жозибасининг заифроқ чиқиш сабабларидан яна бири шунда.

Асар бош қаҳрамони устидаги таҳлил, кузатишлардан чиқадиган асосий хулоса шуки, Саида образининг маъно кўлами мавжуд талқин ва тасаввурларга кўра хийла кенг, сержило. Адиб бу борада асарда ўтказмоқчи бўлган ғоя, замонасининг расмий ҳукмрон қарашлари доирасидан чиқиб, охир-оқибат, реализмнинг бош принципига, ҳаётнинг объектив ҳақиқатига содиқ қолган. Саида тимсолини бор мураккаблиги, ички зиддиятлари билан кўрсатишга эришган. XX асрда ўзбек халқи босиб ўтган тарихий йўл, аниқроғи аёллар қисмати билан боғлиқ, мураккаб зиддиятли ҳодисалар «Синчалак»да ўзгача нигоҳ орқали бадийий идрок этилган. Танқидчиликда кенг таҳлил этилган ва адибнинг энг жиддий ютуғи деб тан олинган Қаландаров образи ҳақидаги бор гапларни бу ерда такрорлашга ҳожат йўқ. Қаландаров образи ҳам XX аср ўзбек адабиётининг жиддий кашфиёти, реализмининг буюк эҳсонидир. Таниқли қаҳҳоршунос олим О.Шарафиддинов таъкидлаганидек, Қаландаров тимсолида тоталитар тузумнинг модели ифодаланган. Энг муҳими – бу тузумнинг ичдан чиригани, чуқур таназзул ҳолатини кечираётгани кўрсатилган; бу таназзул иқтисодий эмас, ижтимоий-психологик характерга эгалиги ҳам очилган.

X            X  
X

«Ўтмишдан эртақлар» ёзувчи ижодининг ўзига хос яқуни, сўниги чўққиси бўлди. Гарчи «Ўтмишдан эртақлар»дан кейин ҳам бир қатор ҳикоялар, «Муҳаббат» қиссаси яратилган, уларда қаҳҳорона битилган саҳифалар бўлса-да, бадийий етукликда «Ўтмишдан эртақлар»га тенглаша олмайди.

«Ўтмишдан эртақлар» – муаллифнинг болаликда кўрган-кечирганлари ҳақидаги автобиографик асар. Бироқ у ўзбек адабиётидаги мавжуд автобиографик асарлардан, жумладан, замондоши Ойбекнинг «Болалик» қиссасидан кескин фарқ қилади. «Болалик»да лирик талқин, ҳодисаларни поэтик идрок этиш устун. Бола образи Ойбек қиссасида биринчи планда кўринса, унинг кўрган-кечирганлари, саргузаштлари, шу кечинмалар туфайли мурғак қалбда туғилган ранг-баранг туйғулар ифодаси асар асосини ташкил этса, «Ўтмишдан

эртаклар»да бола Абдулла образи орқа ўринда туради, у асосан «кузагувчи», «гувоҳ», «холис ҳикоячи» тарзида берилади; ёзувчининг асосий диққат-эътибори бола гувоҳлиги орқали оилада, оила теварагида юз берган воқеаларни – турмушнинг объектив лавҳаларини чизишга қаратилган. Бу қиссада ҳам ёзувчи ҳикоянавислигича қолади, охириги «Қўқон харобалари орасида» бобини мустасно этганда, қиссанинг сарлавҳаланган деярли ҳар бир боби тугал ҳикоялардир, аниқроғи, фожиавий руҳдаги воқеий новеллалардир. Ёзувчи бу асарида реал ҳаётда кўрган-кечирганларидан «бадий тўқима» – ижодий фантазияларсиз етук ҳикоя – тугал санъат асари яратишнинг, реал ҳаёт «ҳақиқатини дилдан ўтказиш, унга кўнгидаги гапларни сингдириш»нинг ажойиб намуналарини берди. Умр бўйи адибга тинчлик бермаган, бутун ижодида темирчи ўчоғидаги чўғдек яллиғланиб турган инсон шаъни, қадри билан боғлиқ ўй-туйғулар бу қиссада адибнинг сўнгги қалб фарёди – фигони каби янгради.

Айни шундай асарнинг айни 60-йиллар миёнасида яратилиш сабаби нимада? «Ўтмишдан эртаклар» шунчаки адабиётдаги анъана таъсирида муаллифнинг болалик хотираларини қоғозга тушириш ниятида майдонга келганими? Нега бу асар адабиётдаги мавжуд болалик қиссаларидан фарқли ўлароқ асосан хўрланган, шаъни топталган кимсалар, жаҳолат қурбонлари ҳақидаги ҳикоялардан иборат бўлиб чиқди? Бунинг сабабларини, жумладан, ёзувчининг асар ёзилиш олдидаги руҳий ҳолати, кайфиятларидан излаш ларкор. Адибнинг ўша кезларда ён дафтарда ёзиб қолдирган қайдларидан бирида шу сўзларни ўқиймиз:

«Мамлакатимизда дохий ўлиmidан сўнг узундан-узун момақалди роқ бўлди-ю ўтди. Бу момақалди роқнинг биринчи садоси халқлар кўнгида жуда катта орзу, умидлар уйғотди, бунинг кетидан келадиган оби раҳматни кутди, бироқ момақалди роқ, шамол тўполон қилди-ю, оби раҳматдан бир томчи ҳам томмади». Дарҳақиқат, дохий вафотидан сўнг момақалди роқ садоси туфайли кўплар қатори ёзувчи кўнгида катта умид, орзулар уйғотди, одамлар кулик, мутелик занжирларидан халос бўлишга, ўз шаъни, эрки учун ладил кураш йўлига киражагига умид боғлади. Адибнинг бу орзу-умидлари «Минг бир жон», «Синчалак» каби асарларида, романтик руҳдаги қаҳрамонларида муайян даражада ифодасини ҳам топди. Бироқ, бу умид-ишончлар

секин-аста йўққа чиқа борди; чунки тоталитар режим, моҳият эътибори билан ўзгаришсиз қолди, инсон ҳақ-ҳуқуқини, эркини, шаънини топташ давом этди, ижтимоий адолат йўлида курашга отланганлар таъқиб, тазйиқ остига олинди; жумладан, ёзувчининг ҳар бир ҳақ гапи, дадил чиқиши қаттиқ қаршиликларга учради. Итоаткор, муте оломон, маддоҳ қаламкашлар раҳбарият, тоталитар режим сиёсатини кўр-кўрона олқишлар билан қўлаб-қувватлашда давом этди, адабнинг яқин сафдошлари дилдан унинг томонида турсалар-да, кўп ҳолларда, қалтис дақиқаларда уни ошкора ҳимоя қилишга журъат этолмадилар, шунчаки кўнгли сўраш билан чекландилар, сукут сақлашга мажбур бўлдилар. Ёзувчи бу телба дунёнинг бундай телбаликларидан изтиробда юрди. «Тобутдан товуш» теварагидаги машмашалар пайти бу ҳол яққол намоён бўлди. Ана шундай кезларда туғилган «Ўтмишдан эртаклар»да ўз-ўзидан адабнинг кайфиятига мос кечмишнинг ғам-ғуссага тўла маломатли лавҳалари қоғозга тушиши табиий эди; асарда ярим аср бурунги воқеалар олтимиш ёш бўсағасида турган адабнинг оғир руҳий кайфиятлари — армонлари, аламли ўй-туйғулари изҳори учун қулай восита хизматини ўтади. «Ўтмишдан эртаклар» ёзувчи ижодий бисотидаги, балким XX аср ўзбек адабиётида Чўлпон лирикасидан кейинги энг фожиавий, энг ғамгин, энг мунгли йирик асардир. Қиссага А.Ориповнинг «Муножот» шеъридаги «Эшилиб, тўлғаниб ингранади куй, — Асрлар ғамини сўзлар «Муножот», Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига Қандай чидай олган экан одамзод», деган сатрлар эпиграф — бош сўз қилиб олинганлиги бежиз эмас. Асар қўлёзмаси билан танишган етук танқидчилардан бири муаллифга «Жуда зулмат-ку, китоб ўқувчида оғир таассурот қолдирмасмикин?» дея эътироз билдиради. Муаллиф буни тан олади, асар хусусида бундан ҳам кескинроқ таъналар айтилишини билади, бироқ, барибир, ўз ижодий ақидасига содиқ қолади, ўшандай кишилар кўнгли учун асарга аввал мўлжаллангандек «Ўтмишдан лавҳалар» эмас, «Ўтмишдан эртаклар» деган рамзий-мажозий ном бериш билан чекланади.

90-йиллар танқидчилигида бот-бот XX аср ўзбек адабиёти жаҳон замонавий адабиётидаги жараёнлардан ажралиб, ортда қолиб кетган, жумладан, Қаҳҳор ва унинг авлоди коммунистик мафкура ва социалистик реализм доирасида ижод этган, деган таъналар айтилди. Бундай

таъналарда асос бор, албатта. Айни пайтда, мустабид мафкура тазйикларига, социалистик реализмнинг қатъий талабларига қарамай, айна шу мафкура, шу методга мансуб деб қаралган қатор сўз усталари ижодида XX аср жаҳон модернистик адабиётидаги етакчи тамойилларга ҳамоҳанг айрим жиҳатлар борлиги ҳайратомуз ҳодиса. Аслида, Қаҳҳор ва у мансуб авлод коммунистик дунёқараш, социалистик реализм доирасида қолиб кетган эмаслар. Ойбек шеъриятида, Қаҳҳор насрида бу ҳол яққол кўринади. «Сароб» романида, хусусан бош қаҳрамон Саидий руҳияти, маънавий инқироз<sup>1</sup> тасвирида экзистенциализм фалсафасига асосланган адабий тамойилнинг мавжудлиги, яъни шахс фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули, шахс фожиасини эса ижтимоий, сиёсий—мафкуравий курашлар оқибати сифатидагина эмас, айна пайтда, шахс табиатидаги тўғма, табиий, сирли-сеҳрли хусусиятлар, инсоний ожизликлар самараси, ижтимоийёт, тарихий шароит, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган онг-идрокдан ташқаридаги англаб етилмаган ҳолатларнинг зуҳури тарзида берилиши ёзувчининг катта ижодий жасоратидир.

Маълумки, 40-йиллари танқидчиликда ўзбек адабиёти прозада «танқидий реализм босқичини босиб ўтишга тўғри келди», жумладан, ўтмиш ҳақидаги ҳикояларида «Абдулла Қаҳҳор турмушни танқидий реализм нуқтани назаридан акс эттиради», «Сароб» романида буржуа объективизми методини давом эттирди» деган фикрлар ўртага ташланган эди<sup>1</sup>. Гарчи бу ҳол салбий ҳодиса, муаллифнинг камчилиги, «объективистик реализм методи ҳозирги замон ҳаётини акс эттиришга бутунлай ожиз ва лаёқатсиз» эканини кўрсатувчи далил сифатида айтилса-да, улкан адиб Қаҳҳорнинг энг етук асарлари—«Сароб» романи ва ўтмишдан олинган повеллалари, ҳажвий ҳикоялари социалистик реализмдан ташқаридаги ҳодиса сифатида қаралишининг ўзи биз учун муҳимдир. Совет ёзувчисини социалистик реализмдан четга чиқариб қўйиш қанчалар мудҳиш айбнома саналадиган ғамонлар ортда қолиб кетди. Эндиликда Қаҳҳор ижодидаги соцреализм учун бегона бўлган жиҳатларни, чунончи XX аср жаҳон адабиётидаги модернистик йўналиш—

<sup>1</sup> Қўранг: Ҳ.Ёқубов. Ўзбек поэзия ва прозасида социалистик реализм масаласига оид баъзи мулоҳазалар. «Шарқ юлдузи», 1949, 2-сон, 114-бет.

экзистенциализм ва абсурд адабиёти билан муштарак хусусиятларини одилона баҳолаш учун йўллар очиқ.

Абсурд адабиёти назариячиларининг фикрича, абсурд воқелик абсурд инсонни ва абсурд ижодни майдонга келтиради, шунга кўра абсурд асари биринчи навбатда негатив характер касб этади. XX аср бошларида чоризм истибдоди, иккиёқлама зулм оқибати ўлароқ, ўлкада вужудга келган мудҳиш шароит, жаҳолат, адолатсизлик туфайли ҳақ-ҳуқуқи, шаъни топталган, ўзлигидан жудо бўлган оддий меҳнаткаш халқ турмуши чиндан-да абсурд воқеликнинг ўзгинаси эди. Юқорида айтилганидек, Қаҳҳор дунёга келиб кўз очиб айна шу воқеликка дуч келди, болалиги ана шу зулмат ичида кечди, бу ҳол унинг руҳиятида чуқур из қолдирди. Кейинчалик у ёзувчи бўлиб етишганида айна шу кўнглида тўкиб ётган болалигидаги оғир таассуротлар унга тинчлик бермай қорозга туша бошлади. Аллоҳ гўё Қаҳҳорни атайин халқ ҳаётидаги айна шу маънисиз ҳаётни бадий кашф этиб бериш учун яратгандай туюлади. Агар шўро давридаги яккаҳоким мафкура, тоталитар адабий сиёсат тазйиқларига дуч келмаганда борми, Қаҳҳор XX аср жаҳон адабиётидаги абсурд адабиётининг энг машҳур намоёндаларидан бири даражасига кўтарилиши мумкин эди. Лекин ҳукмрон мафкура, соцреализм талабларига чап бериб яратилган қатор асарлар, жумладан «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси адибнинг зиммадаги тарихий бурчни имконият даражасида маҳорат билан адо этганлигини тасдиқлайди. Қаҳҳор ижодидаги, жумладан, «Ўтмишдан эртақлар»даги «ўқувчида жуда оғир таассурот қолдирувчи» зулмат – «тарихнинг маломатли саҳифалари», «қора бўёқлар»нинг қуюқлиги, нурли жиҳатларнинг заифлиги нуқсон эмас, асарнинг ўзига хос хусусияти, балким фазилатидир. Зотан абсурд ҳаёт ҳақидаги асардан бошқача нарсани кутиш ўринсиздир. Шуниси ҳам борки, Қаҳҳор асарларидаги абсурд, шунингдек, экзистенциализм аломатлари Европа модернистик адабиётидан фарқли ўлароқ реализм анъаналари заминида шаклланган, мустабид мафкура, синфийлик тушунчалари асоратларидан бутунлай холи бўлмаган бетакрор адабий ҳодисадир.

Бир жойда қўним тополмай қишлоқма-қишлоқ кўчиб, азондан кечгача тер тўкиб ишлаб, тинимсиз темир тақиллатиб кичкина хонадон дастурхонини тўкин қилолмай армонда юрган омадсиз ота, саккизта боласини қора ер

бағрига бериб, ўжар қайнона дағдағалари, дарбадар ҳаёт машаққатлари туфайли озиб-тўзиб «арвак» ҳолига тушган муштипар она, шафқатсиз дарбадар турмуш, таҳқиру хўрликлардан «индамас», «соқов»га айланган бола ҳақидаги лавҳалар ўқувчининг юрак-бағрини эзиб юборади. Ўзгаларнинг ҳаёти-чи? Ёзувчи меҳнаткаш халқ ҳаётига оид бири-биридан аянчли, бири-биридан даҳшатли лавҳалар келтиради. Йўқчилик, жаҳолат қурбони Бабарнинг мудҳиш тақдири, очилмасдан ғунчалигида ҳазон этилган «хур қиз» — Сарвинисо ҳалокати—ҳар бири даҳшат, фожиа! Қонсиз, шахс ҳалокатидан холи, бироқ гумроҳлик, жаҳолат билан боғлиқ, бир қарашда кулгили туюлган ҳодисалар ҳам, аслида, ўзича бир фожиа! Чунончи, катта шаҳар Қўқондан бор-йўти йигирма чақирим наридаги қишлоқ аҳли Герман билан уруш бошлангани хабарини икки ойдан кейин, ўшанда ҳам тасодифий суратда эшитади; кишиларнинг кўзига оддий ҳодисалар — машинанинг чок тикиши, патефоннинг қўшиқ айтиши, бир палла тарвузнинг пўчоғида кўрсатилган оддий «найранг», оҳанрабонинг темир калитни ўзига тортиши, туғуруқхонада одамнинг туғилиши, «шайтон арава» — велосипед минган кишининг ҳаракати — барча-барчаси ғайритабиий, мўъжиза бўлиб кўринаверади. Жўн, баъзан тасодифий хатти-ҳаракатлар жуда кўнгилсиз ва даҳшатли оқибатларга олиб келади. «Ўликнинг ёғини, тирикнинг тирноғини ейишга тайёр» турган «аждаҳо» Тўрақул вофуруш, ўжар, доғули Валихон сўфи, олғир, муғомбир элликбоши, оқпошчонинг арзандаси юзбоши билан боғлиқ ҳикоялар дилларни ларзага солади.

Қиссада гоҳо кўнгилга ҳузур бахш этувчи нурли лавҳалар, кишилараро ҳазил-мутойибалар ҳам учрайди, бироқ бу қувончли дақиқалар узоққа бормайди, тезда аввалгисидан баттарроқ, даҳшатлироқ ҳодисалар билан алмашади. Оқдомланинг жиннихонаси ёнида умргузорлик қилиш азобидан қутилиб Яйпанга кўчган оиланинг йўлдаги ҳолатини эслайлик: йўл бўйидаги деворсиз, девори қулаган, лугаран боғлар, қингир-қийшиқ уйларини қучоқлаб ётган чорбоғлар, қийғос гулга кирган дарахтлар... Бутун қишлоқ каттакон боққа ўхшайди. Шу дамларда оила аъзолари қатори Абдулланинг ҳам кўнгли чоғ, ўрик ғўрасини еганида ҳамма ёқни баҳор ҳиди тугиб кетади, бутун баҳор шу чигитдаккина ғўранинг ичига қамаб қўйилгандай туюлади... Афсус, бу қувонч узоққа бормайди. Мана шу ғўзал маконда оила

манфур кимса Вофуруш хонадонига тушиб қолади, оиланинг галдаги кўргуликлари бошланади... Оиланинг галдаги яна бир кўчган жойи Оққўрғон қишлоқ эмас, анжирзор; боғлар, чорбоғларда нуқул анжир, оила тушган ҳовли саҳнида икки туп анжир, шохларида шигил мевалар, киндигидан сап-сарик шарбат оқиб ётибди; очлик бўлишига қарамасдан унга ҳеч ким телмаган... Қувончли ҳодиса вазият, бироқ шу заҳоти дилни гаши қиладиган ҳолат: ҳовлининг эгаси бултурги вабода бола-чақаси билан қирилиб кетган; оила мана шу ҳосиятсиз масканда яшашга мажбур...

Бутун асар мана шунақа абсурд воқеалар тизимидан ташкил топган.

Ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, қонунсизлик, жаҳолат авж олган юртда маърифат, социал адолат учун олиб бориш кураш усули кўпинча маънисиз, беҳуда, ҳаттоки ваҳшиёна тус олади: «Қишлоққа илм-маърифат уруғини сочгани келган» Муҳаммаджон қорининг янгича усулдаги таълим мактаби жоҳил кимсалар томонидан хонавайрон этилади; Уста Абдуқаҳҳорнинг акаси қизи Сарвинисони уриб ўлдириб қўйганида бу қотиллик учун ҳеч ким ҳеч нарса демайди, аксинча бу ишни яқин кишилар «ёпти-ёпти» қилишга уринадилар. Қасоскорлар оқпошшонинг арзандаси — юзбошини аввал ўз тилларини ютишга мажбур этадилар, зўрлаб оғзига тикадилар, сўнг жонда уч бўлак қилиб, кейин ўша бўлинган жасадаг керасин сешиб ўт қўядилар. Мусулмончиликда зўрлаш ман этилган, бир ёз чилласида рўзасини бузган темирчи оила аъзолари таъқиб остига олиниб, сазойи этилади. Темирчи Абдуқаҳҳорнинг жоҳиллар жабрига қарши чиқиши — бидъатга берилган аёлларга азайимхонлик қилиб дам солиши, уларга тегишиши, рақиби Валихон сўфига эшак минясини едириб жиннига айланишини кутиши, ниҳоят шогирди билан уни «чирорпоя» қилиши; ўғли оғриганида Аллоҳга, азиз авлиёларга қилган илтижолари ижобат бўлмай, гўдак жони узилганида алам, жаҳл устида азиз авлиёларни чангитиб сўкиши, телба аҳволда токчада турган Қуръонни олиб қулочкашлаб ерга уриши, бу ҳам етмагандай ерда ётган Қуръонни тепиб юбориши, бегуноҳ бузоқни чавақлаб ташлаши — ўта жоҳил, абсурд муҳитга муносиб исён, беҳуда, маънисиз хатти-ҳаракатлардир.

Қисқаси, ўзбек адабиётида абсурд ҳаётнинг бу хилдаги абсурд манзаралари ҳеч қачон бу қадар шафқатсизлик билан

ифода этилган эмас. Ёзувчи ҳақиқат олдида ҳатто ўз яқинлари, отасини ҳам аямайди. «Ўтмишдан эртақлар» XX аср жаҳон адабиётининг ноёб бадий дурдонаси сифатида ҳали чинакам баҳосини олган эмас.

## V

Абдулла Қаҳҳорнинг саҳна асарлари ҳам адиб ижодий меросида, XX аср ўзбек адабиёти, театр санъати тарихида ўзига хос ўрин тугади. Қаҳҳор ижодий фаолияти давомида бешта саҳна асари яратди. Булар — «Ташвиш» (1937—1939), «Янги ер» ёхуд «Шоҳи сўзана» (1950), «Оғриқ тишлар» (1954), «Сўнгги нусхалар» ёхуд «Тобутдан товуш» (1962), «Аяжонларим» (1967). Муаллиф «Аяжонларим»ни пьеса, қолган тўрт саҳна асарини эса комедия деб атаган. Аслида «Аяжонларим» ҳам моҳият эътибори билан комедиядир.

Қаҳҳорнинг айни комедия жанрида қалам тебратиши тасодифий эмас. У ilk асарларидаёқ ҳажвга, юмор—ҳазил-мутойибага мойиллик кўрсатган, «Сароб»да, 30-йиллар маҳсули саналмиш «Адабиёт муаллими», «Санъаткор», «Майиз емаган хотин» каби етук ҳикояларида тўлақонли ҳажвий характерлар галереясини яратган эди. Қолаверса, Қаҳҳорнинг жиддий, ҳатто фожиавий ҳодисалар қаламга олинган асарларида ҳам ҳажв-лутф, киноя-кесатик, қочирик, мазаҳ усуллари учратиш мумкин. У табиатан жиддий, босиқ, мулоҳазакор одам бўлса-да, сўзлари, луқмалари нозик лутф, қочирик, ўткир киноя—кесатик, мўлжалга аниқ урадиган ҳажв билан йўғрилган бўларди.

Ёзувчининг буюк юморист Гоголь ижодига алоҳида қизиқиш билан қараши, чуқур эътироми, Гоголни «Биринчи домлам» деб аташи, жаҳонга машҳур «Уйланиш» ва «Ревизор» комедияларини қунт билан таржима қилиши—булар айни адиб табиатидаги ўша туғма хислат—комик истеъдоднинг табиий майли, Гоголь билан қандайдир руҳий яқинлик оқибатидир. Қаҳҳор айни Гоголь таъсирида комедия саҳнасига қадам қўйган. Адиб «Биринчи домлам» мақоласида бошда Гоголга тақлид қилганлигини ошкора эътироф этади: «Гоголнинг саҳна асарларига тақлид қилиб бир нарсa ёзишга уринган вақтларим ҳам бўлган, лекин бу уринишлар машқдан нари ўтган эмас».

Шу хилдаги тақлиддан иборат машқлардан ҳафсаласи совиғач, адиб «Ревизор»дан ўзига ёққан парчаларни

таржима қилишга киришади, бироқ бу асарни тўла таржима қилиб бировга кўрсатишга ботинолмай юрганида, шу орада, тахминан 1935 йили «Ревизор»ни биринчи марта ўзбек сахнасида томоща қилади. Спектакль, хусусан унинг таржимаси ёзувчига мутлақо ёқмайди, чунки «Мен «Ревизор»даги персонажларни бутунлай бошқача тасаввур қилиб юрар эдим»,— дейди у. 1937 йили «Уйланиш»ни, кейинроқ «Ревизор»ни таржима қилганида мавжуд таржималардаги ана шу камчиликларни назарда тутган ҳолда иш кўради.

Ниҳоят, 30-йиллар охирларига келиб тақлиддан холи мустақил ижод маҳсули — «Ташвиш» комедиясини яратишга эришади. 1939 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнаlining 3-сонida комедиянинг 2-пардаси эълон этилган; 1970 йил «Гулистон» журнаlining 5-сонida ўша парча қайта chop қилинади; «Ташвиш» тўла ҳолда Кибриё Қаҳҳорова сўз бошиси билан «Шарқ юлдузи»нинг 1996 йил 6-сонida босилди.

«Ташвиш»нинг Қаҳҳор ҳаётлик чоғида тўпламларига киритмаслик сабаби шундаки, адибнинг бу асардан кўнгли тўлмаган, К.Қаҳҳорова айтмоқчи, устод «Ташвиш»ни фақат машқ деб билганлар, холос; устоднинг бу машқ асари кейинчалик тўртта драматик асар ёзилишига асос бўлди; ҳатто бу пьесадаги айрим лавҳалар, баъзи ижтимоий муаммолар, айрим персонажлар исми ҳам бошқа драматик асарларига, масалан Суқсуров «Тобутдан товуш»га кўчди, «Тобутдан товуш»да «Ташвиш»даги баъзи ўринлардан фойдаланди.

Адибга катта шуҳрат келтирган сахна асари — «Янги ер» («Шоҳи сўзана») комедияси бўлди. Асарга аввал республика мукофоти, кейин Давлат мукофоти берилди. Пьеса собиқ Иттифоқнинг етмиш учта йирик, жумладан, Москва, Ленинград ва деярли ҳамма миллий республикалар сахнасида ҳамда Хитой, Греция, халқ демократияси мамлакатларида қўйилди. Қисқаси, ўзбек миллий драматик жаҳон сахнасига олиб чиққан асар айна шу «Шоҳи сўзана» комедиясидир. Адибнинг «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш», «Аяжонларим» комедиялари гарчи «Шоҳи сўзана»чалик доврў қозонмаган бўлса ҳам, жамоатчилик уларни яхши қабул қилди, танқидчилик юксак баҳоланди. Тўғри, «Тобутдан товуш» теварагида жиддий баҳслар кетган,

муаллиф шайнига асоссиз кескин айблар қўйилган бўлса-да<sup>1</sup>, охир-оқибат бу комедия адибнинг жиддий ютуғи сифатида эътироф этилди.

Замон — энг одил ҳакам. Вақтлар ўтиши билан ўз даврида чақмоқдек яшнаб, кўпчилик эътиборини ўзига тортган, замондошларини ҳаяжонга солган асар бошқа давр одамларига оддийроқ кўриниши табиий. Қаҳҳорни илҳом-лантирган, комедиялар ёзишга ундаган, замондошларини қийнаган, тўқинлантирган кўпгина муаммолар замонаси билан бирга ортда қолиб кетди. Эҳтимол, «Шоҳи сўзана» ёки «Оғриқ тишлар»ни бугун қайта сахнага олиб чиқилса бугунги томошабин аввалгиларидек қизиқиш, олқиш кўрсатмас! Ҳатто «Тобутдан товуш» 80-йиллари қайта сахна юзини кўрганида аввалгидек шов-шувларга сабаб бўлмади. Буни Қаҳҳор комедияларининг «умри тугагани» ёки «бадий заифлик» аломати деб қарамаслик керак. Жамиятда, мамлакатда кескин бурилишлар юз бераётган бир паллада одамлар ҳаёли ҳозир кўпроқ бошқа масалалар билан банд. Эҳтимол, даврлар келар, бу комедиялар яна сахна юзини кўрар, халқ ўзининг XX аср ўрталаридаги, шўро давридаги кечмишини, уларни нималар қийнагани, ташвишга солганини мароқ ва табассум билан томоша қилар. Зотан, Абдулла Қаҳҳорнинг етук комедияларида ҳамма замон, барча миллат одамлари учун қизиқарли жиҳатлари ҳам бор.

Аввало, Қаҳҳор комедияларида жамиятнинг қитиғига тегадиган жиҳатлар, адиб яшаб ижод этган давр — тоталитар режимнинг асл қиёфасини мардона ҳаққоний кўрсатадиган сахналар, режим етиштирган ажиб тоифа кимсалар образи эътиборимизни тортади. Бу жиҳатдан 30—60-йилларда ўзбек сахна адабиётида Қаҳҳор комедияларига тенглашадиган асарлар йўқ ҳисоб, ҳатто шунчаки машқ деб қаралган комедияда, савдо—таъминот ходимлари ҳаётидан олинган, ўша давр адабиётида кенг тарқалган «қўпоровчи унсурлар»ни фош этишга қаратилган бу асардаги мудир Қурбонов образи драматургнинг жиддий жасоратидир. Қурбонов ҳамма нарсага шубҳа билан қарайдиган, одамларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан сиёсий хато қидирадиган, «бир балоси чиқиб қолса ташвишга қоламиз» дея нуҳул хавотир-ҳадик билан юрадиган киши. Унинг

<sup>1</sup> Қаранг: Ғ.Ғулом, В.Зоҳидов, Ҳ.Ғулом. «Тобутдан товуш» ҳақида. «Қизил Ўзбекистон», 1962 йил, 11 август.

корхонадаги вазифаси мудирликдан кўра шубҳали кимсалар ҳақида «материал» йиғиш ва уларни тегишли жойларга етказиш. У шу даражага етиб борадики, «мудир» сўзини «мудр» деб ёзган машинисткани «сиёсий хатога йўл қўйганлик»да айблаб ишдан бўшатади; машинкадаги «и» ҳарфи синиб қолганини билгач ҳам буни ҳисобга олмайди...Шубҳа, чақув туфайли қатағонлар авжига чиққан 1937–1939-йилларда шундай образни адабиётга олиб кириш ҳазилакам иш эмас!

Сўнги, хийла беозор, қувноқ – лирик комедияси «Аяжонларим»даги суҳандон – ваъзхон лектор Ашуралиев образини эслайлик. Бу одам нуқул қоғозга қараб, тезисга таяниб гапиришга одатланган. Қоғозга қарамасдан, қироат қилмасдан икки оғиз гапни ҳам гапиролмайди. Ўқшини битириб олис районга ишга кетаётган ёш врачлар – қизи Умида, у кўнгли қўйган йигит Каримжонни кузатиш пайтида оддий тилагини мана бундай сийқа чучмал бир тарздаги ижтимоийлашган расмий-китобий иборалар билан ифодалайди: «Салом ва табриклар! Табрик ва саломлар! Олий маълумотга эга бўлиб, докторлик лавозимида фидокорона халқ хизматига шайланганларинг билан табриклайман ва ишонаманки, ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиб, меҳнатда ўрнак кўрсатасизлар... деб!... Ва шу билан биргаликда, ўз инсоний бурчларингдан илҳомланиб, оилавий мажбурият олганларинг билан ҳам табриклайман ва аминманки, оилавий бурчларингни бажаришда ўз имкониятларингни ҳисоблаб чиқиб, қатор қўшимча мажбуриятлар оласизлар ва бу мажбуриятларни ҳам шараф билан бажарасизлар деб!»

Тайёр текст, тезис бўлса у бирор мавзуда саккиз соат сув ичмай шу тарзда гапираверади. Аслида у гапирмайди, бировларнинг сийқа гапларини тўти қушдай такрорлайди. Шу хил лекторлар устида гап кетганда персонажлардан бирининг «Бурунги маддоҳлар ёлгон гапни қойил қилиб одамларни йиғлатар эди, булар рост гапни гапиришса одамларнинг ё уйқуси келади ёки кулгуси қистайди», деган таънасига иқроран дейди: «Танқидингиз тўғри... Бу ишга нима бўлиб кириб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Одам кўнглидаги ишни қилмагандан кейин, кўнглидаги гапни гапиролмас экан. Кўнглидаги гапни гапиролмагандан кейин нима қилади, бировнинг гапини ўқийди-да!»

«Тобутдан товуш» комедиясида эса ёзувчи ўлимга маҳкум этилган жамиятнинг қабоҳат, разолат, залолат, фаҳш жамулжам бўлган маскандаги манфур, ифлос манзарасини шафқатсиз реалистик бир тарзда мислсиз бир жасорат билан гавдалантиради, бу маскандан чиққан садолар бамисоли тобутдан чиққан товушдай совуқ эшитилади.

Комедия асардаги бош персонаж — раҳбар ходим Сухсуровнинг ҳашаматли ҳовлисидаги меҳмонхона манзараси билан бошланади: бу ерда туни бўйи ичкилик бўлган. Хонтахтада коньякдан бўшаган шишалар, керагидан кўпроқ рюмка, қолган-қутган овқат. Ҳамма учиб ётибди: Нусрат Сухсуров диванга интилгану етолмаган; унинг мулозими Юсуф эса Сухсуровнинг бир оёғини қучоқлаганича қолган; фаргук тутиб олган Қори сичқон пойлаган мушукдай жағини хонтахтага қўйганича пишиллаб ётибди. Сухсуров баланд, Юсуф ундан пастроқ хуррак тортмоқда. Хўроз қичқиради. Ичкаридан сочлари тўзиган, елкасига наридан-бери бир нима ташлаб олган Нетайхон ич кўйлақда киради, ҳаммага, айниқса эри Сухсуровга диққат билан разм солади; ҳамма қаттиқ уйқуда эканига ишонганидан кейин келиб ўйнаши Қорини туртади...

Бу масканда неча бор такрорланган манфур ҳодисаларнинг бир кўриниши, гўё суратга туширилган лаҳзаси, «статик» ҳолати; айни шу лаҳзадан унинг фаҳш, залолат бурқсиб ётган давоми бошланади: Нетайхон Қори акани шивирлаб уйғотади, Қори уйқусираб «Иллалло!» дейди. Нетайхон уни туришга ундайди. Қори ўзига келиб «Худоё еткурган неъматингга шукур!..» дейди ва Нетайхонни қучоқламоқчи бўлади. Нетайхон эса: «Эндими!.. Келасиз деб кечаси билан кўз югганим йўқ! Бир ойдан бери шуми соғинганингиз!» дея ноз қилади. Қори ҳам бўш келмайди, «Қазосини ўқиймиз!» дея уни қучоқлайди, ичкарига тортади. Шу орада азон товуши эшитилади... Яхшиямки, шу залолат замонида азон товуши бутунлай «гум» этилмаган; бу қутлуғ товуш бир неча дақиқа бўлса-да, залолат йўлини тутган гумроҳ, мунофиқ кимсаларни ҳушёр тортиради, гуноҳ ишлардан озгина бўлсин тияди. Афсус, азон намозидан сўнг яна разолат ўз оқимида давом этаверади... Кўз олдингизда унинг янгидан янги манзаралари, қиёфалари гавдаланади. Бутун асар мана шундай разолатга қарши исён туйғуси, заҳарли қаҳқаҳа билан йўғрилган.

Табиийки, бундай асар тоталитар режимнинг садоқатли алломаларига маъқул тушмади, улар «Тобутдан товуш» воқелигимизни бузиб кўрсатувчи, уни қоралаш руҳи билан суғорилган, ғоявий жиҳатдан зарарли асар, дея аюҳаннос солдилар.

Қизиқ, адибнинг энг катта довруғ қозонган комедияси «Шоҳи сўзана»да «жамиятнинг қитиғига тегадиган» бунақа ҳолатлар, персонажлар йўқ ҳисоб. Аксинча, унда «совет турмуш тарзи»нинг афзалликларини таъкидловчи ўринлар анчагина; бутина эмас, комедиянинг илк варианты эпилоги «халқлар доҳийси» шаънига мадҳиядан иборат эди. Хўш, бу асар нега жаҳон бўйлаб бу қадар катта шуҳрат қозонди? Бунинг сабаби асар теран ўзбекона миллий руҳ билан суғорилганида, ўзбекнинг асл табиатини, ёрқин акс эттирувчи онахонлар образи яратилганлигида. Комедиядаги бу образлар янги ўзбек миллий адабиётининг шоҳ асари «Ўткан кунлар» тажрибасига бориб тақалишида. Ойбек Абдулла Қодирий ҳақидаги тадқиқотида «Ўткан кунлар» романини таҳлил этар экан, асардаги «энг жонли, реалистик чизиқлар билан кўрсатилган шахс» Ўзбек ойим образи эканини айтади. Ўжар, басир, чаладумбул бу аёлни – мулоҳазасиз ҳатти-ҳаракатлари билан Юсуфбек ҳожини ноқулай аҳволга солиб қўйган, ўли бахтига зомин бўлган, кейин Кумуш, бу ёқда Зайнаб турмушининг хазон бўлишига йўл очган Ўзбек ойимни ёзувчи асло «қаҳр-ғазаб» билан фош этиш, қоралаш йўлини тутмайди, аксинча, уни тушуниб, алоҳида меҳр билан қалам тебратади. Ахир, нима бўлганда ҳам Ўзбек ойим – барибир она; табиатидаги жамики зиддиятларига, ожиз томонларига, гуноҳларига қарамай у ўзбекнинг мағрур, танти онаси! Ҳар қанча гуноҳкор бўлмасин, ўта андишали адиб уни қоралашга тили бормади. Айни пайтда ростгўй, реалист ёзувчи унинг ножўя қилиқлари, хатти-ҳаракатлари, гуноҳларидан бутунлай кўз юмолмайди, у ҳақда индамай ўтолмайди. Бу масалада ёзувчига халқона ҳаётбахш юмор ниҳоятда қўл келади. Бу образ тасвири бошдан-оёқ ажиб сержило – ҳам киноя-кесатикларга, ҳам ардоқ-меҳрга тўла юмор билан йўғрилган.

«Шоҳи сўзана»да Қодирийнинг шу тажрибаси янгича кўринишда давом эттирилган. Холниси ва Ҳамробуви, улар орасидаги баҳслар, ўзаро низолар; уларнинг ўзгаларга, фарзандларига муносабати, билиб-билмай ёшлар йўлига тўғванок бўлишлари – булар худди «Ўткан кунлар»дагидек

ҳам ажиб бир ардоқ – меҳр, ҳам киноя-кесатикларга тўла қаҳҳорона юмор билан йўғрилган. Адабиёт қуруқ савлатдан иборат сўхтаси совуқ «ижобий қаҳрамонлар» билан тўлиб-тошиб кетган бир даврда Холниси ва Ҳамробуви сингари «ижобийлик» ва «салбийлик» қолипларига тушмайдиган, мусбат ва манфий, кучли ва ожиз жиҳатлари билан гавдалантирилган бу зиддиятли ҳаётий образлар билан учрашиш томошабин – китобхонлар учун ўзига хос бир байрам бўлди. Қаҳҳор умрининг охирларида яратган «Аяжонларим» комедиясида ҳам айнан шу анъанасини давом эттирди, асардаги Бўстон она образи адибнинг сўнгги жиддий бадиий кашфиёти бўлди.

«Ўткан кунлар»даги Ўзбек ойимдан бошланган ажойиб бир ижодий тажриба Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», «Аяжонларим» комедияларидаги Холниси, Ҳамробуви образлари оша 70-йиллари Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони»га ўтиб Фармонбиби тимсолида яна жаҳоншумул обрў-эътибор топди. Шу тариқа, Қодирий ва унинг ижодий мероси қатағонга учраган замонларда Қаҳҳор унинг мўътабар анъанасини давом эттириш, қутлуғ тажрибасини кейинги адабий авлод қўлига тонширишдек савоб ишни адо этди.

Қаҳҳор комедиялари бошқа асарлари каби тил жиҳатдан ҳам бебаҳо хазина; уларда замонавий она тилимизнинг комик имкониятлари – оддий қочирим, ҳазил – мутойибаларидан тортиб, пичинг, киноя-кесатик, заҳарли қаҳқаҳагача – барча товланишлари намоён бўлган. Ҳар бир комедия, айниқса, «Аяжонларим» бошдан-оёқ аския усулига хос нозик қочирик, сўз ўйинлари, ҳар бири ноёб топилмалардан иборат комик диалоглар асосита қурилган. Қаҳҳор комедиялари она тилимизнинг комик имкониятларини илмий ўрганиш учун бой материал беради.

Якуний хулоса шуки, XX аср совет даври ўзбек адабиётининг йирик намояндаси ҳисобланмиш Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодида, гарчи тоталитар тузум адабий сиёсати, яккахоким мафкура таъсири, асоратлари бўлса-да, бу улкан сўз устаси кўп ҳолларда оқимга қарши тура олди, ҳақиқат, ижтимоий адолат йўлида мардона кураш олиб борди, миллий адабиётдаги соғлом кучларни ўз ортидан эргаштирди, ёрқин истеъодларни ҳимоя қилди, энг муҳими, янги ўзбек адабиётининг ҳаётбахш анъаналарини давом эттирди, уни кўп янгиликлар, бадиий ихтиролар билан

бойитди, она тилимизнинг чексиз имкониятларини, у орқали ҳар қандай нафис инсоний туйғу, кечинмаларни ифода этиш мумкинлигини намоён этди, миллий адабиётимизга қаҳҳорона ифода тарзини олиб кирди, ҳақли равишда сўз санъаткори, ҳикоя устаси деган ном олди. XX аср жаҳон, биринчи галда рус адабиёти анъаналари, тажрибалари таъсирида ижодини бошлади. XX аср илғор жаҳон адабиётидаги янгича тамойилларга ҳамоҳанг «Сароб», «Ўтмишдан эртақлар» сингари новаторона асарлар, замонавий жаҳон новеллистикасининг энг яхши намуналари билан бир қаторда турадиган баркамол ҳикоялар яратади.

XX асрда Қаҳҳорни англиш, адиб ижодий меросини ўрганиш, баҳолаш ҳаят зиддиятли тарзда кечди, соф мафкуравий ёндошиш бу йўлдаги асосий тўғаноқ бўлиб келди. Эндиликда адабиёт илмида бадиият намуналарини мафкуравий босим асоратларини назардан соқит этмаган ҳолда, уларга биринчи галда санъат ҳодисаси деб қараш тамойили устивор бўлиб бораётган чоғда Қаҳҳордек беназир сўз устаси қолдирган чинакам санъат дурдоналарининг қадри, баҳоси юқори бўлиши тайин.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Абдулла Қаҳҳор жасорати  
ҳикоя устаси  
сўз санъаткори  
мутоллка қарши исён  
ҳақ сўзнинг кучи  
мафкуравий-сиёсий тазйиқ  
истеъдоғ қудрати  
руҳий таҳлил  
комик маҳорат*

#### **Савол ва топшириқлар:**

1. Абдулла Қаҳҳор жасорати қай тариха намоён бўлган?
2. Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоянавислик маҳорати сирлари, Сизнингча, нималардан иборат?
3. «Сароб» романи хусусида танқидчиликда қандай талқинлар мавжуд?
4. «Сароб»даги Саидий, Мунисхон фожиалари сабабларини Сиз қандай изоҳлайсиз?
5. «Синчалак» қиссасининг бадиий қиймати нимада деб ўйлайсиз?
6. Абдулла Қаҳҳор комедиялари довруғининг сабабларини аниқланг.

### Адабиётлар:

1. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. Т., 1967 – 1971.
2. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Т., 1987 – 1989.
3. Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. Т., 1987.
4. Баролина И. Абдулла Қаҳҳор. Т., Госполитиздат, 1957.
5. Норматов У. Тафаккур ёғдуси. Т., 2005. Б. 42 – 46.
6. Санжар Содиқ. Сўз санъати жозибаси. Т., 1996.
7. Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. Т., 1988.
8. Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. «XX аср ўзбек адабиёти тарихи». Т., 1999. Б. 264 – 285.
9. Шарафиддинов О. Ижоднинг англаш бахти. Т., 2004. Б. 274 – 339.
10. Қаҳҳорова К. Чорак аср ҳамнафас. Т., 1987.
11. Қўшжонов М., Норматов У. Маҳорат сирлари. Т., 1968.
12. Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. Т., 1988.
13. Қўчқоров Р. Мен билан мунозара қилсангиз... Т., 1998.
14. Иброҳим Ҳаққул. Абдулла Қаҳҳор жасорати. // «Тафаккур», 2004, 2-сон.

## ОДИЛ ЁҚУБОВ

Одил Ёқубов ўзбек адабиёти тараққиётининг XX асрнинг 50-йиллари ўрталаридан бошланган янги босқичда етишган навқирон авлоднинг қарвонбошиларидадир. У ўзининг фаол ижтимоий ишлари, журналистик ва ижодий фаолияти билан республикамизда замонавий адабий-бадий тафаккур ривожига самарали таъсир кўрсатиб келмоқда. Унинг «Муқаддас», «Бир фельетон қиссаси», «Қанот жуфт бўлади», «Матлуба» қиссалари, «Бир кошона сирлари» драмаси, «Наманган томонларда», «Қишлоқдаги фожа» сингари публицистик мақолалари, улкан анжуманлардаги чиқишлари, «Улутбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Диёнат», «Оққушлар, оппоқ қушлар», «Адолат манзили» романлари кенг жамоатчилик эътиборини ўзига тортди, қизгин баҳс-мунозаралар марказида турди; хусусан, адибнинг «Улутбек хазинаси» ва «Диёнат» романилари жаҳон халқларининг кўпгина тилларига таржима этилиб, ўзбек адабиётининг камолотини кўрсатувчи асарларига айланди. Адиб асарлари аввало ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, даврнинг ўткир ижтимоий, маънавий-ахлоқий масалаларини дадил ўртага қўйганлиги, инсон ва унинг қалби ҳақидаги ҳақиқатни янги қирраларини очишга қаратилганлиги, кескин драматизми, теран гуманизми, инсон ҳаёти хусусидаги эътиросли баҳс-мунозаралари билан ажралиб туради. Ёзувчи ўзбек романи поэтикасига кўпгина янгиликлар олиб кирди, полифоник роман намуналарини яратди.

О.Ёқубовнинг бу даражага кўтарилишида туғма истеъдоддан, адабий муҳит таъсиридан ташқари, ундаги адабиётга бўлган чексиз меҳр ва адиб бошидан ўтган воқеалар, ҳаётий тажрибалари катта роль ўйнади. Одил Ёқубов 1927 йилда қадимий Туркистон шаҳри яқинидаги Қарноқ қишлоғида туғилган. Халқимизнинг азалий удумлари, мўътабар анъаналари яхши сақланган, заҳматқаш одамлари, тиниқ булоқлари, сўлим боғлари, бепоён яйловлари, ям-яшил қир-адирлари билан диларни мафтун этувчи қишлоқ бўлгуси ёзувчининг ижодий тақдирида чуқур из қолдирди. Адибнинг ёзишича, отаси Эгамберди Ёқубов 1916 йили мардикорликка олиниб, Белоруссия ўрмонларида дарахт кесиб, рус тилини ўрганиб, қишлоққа «фирт» большевик бўлиб қайтади. Шу тариқа замон ота билан ўғилни бир-бирига зид қутбларга ажратиб ташлайди: ота — Ёқуб шайх — тақводор руҳоний,

Ўғил Эгамберди эса – большевик; у юртда совет ҳокимиятини барпо этиш йўлида фаол кураш олиб боради, сўнг Тошкентда САКУда ўқиб, яна Чимкент вилоятига қайтиб, турли масъул лавозимларда ишлайди. Ота фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор берган, хонадонда китобхонлик одат тусини олган, «Минг бир кеча», «Ўтган кунлар» каби шоҳ асарлар зўр иштиёқ билан мутолаа қилинган. Отаси Одиалжонни рус мактабига ўқишга берган, рус тилини эгаллаш унинг учун жуда эрта рус ва жаҳон адабиёти ва маданияти билан танишишга йўл очган; кейинчалик туғилган қишлоғида она тилида ўқишни давом эттирган, билимдон адабиётчи муаллимлар ундаги адабиётга бўлган майлини янада кучайтирган. 1937 йили Одил Ёқубовлар oilаси бошига катта кулфат тушади, фидойи коммунист ота шахсга сиғиниш қурбони бўлади. Биргина узатилган қиздан бошқа тўрт норасида бева аёл – она қўлида қолади. Жоҳил, шафқатсиз кимсалар «халқ душмани»нинг беваси ва фарзандларини таҳқирлайдилар, аммо ўша машғум кунларда олижаноб одамлар жабрдийдаларга мурувват кўрсатадилар, ҳиммат қўлини чўзадилар. Шулар маънадида oilа қаддини тиклаб олади. Сўнг яна бир оғир синов – иккинчи жаҳон уруши бошланади. Қўлига қурол ушлашга яроқли барча эркаклар фронтга отланади, қишлоқдаги оғир ишлар чоллар, аёллар, ўспиринлар елкасига тушади. «Ўқишни ташлаб қўлга кетмон олишга тўғри келди, – деб ёзади адиб «Ҳаёт сабоқлари ва ижод машаққатлари» мақоласида, – Кўкламда даштга чиқиб, ер ҳайдадик, ёзда сувчилик қилдик, ўроқ ўрдик, яланг оёқ тикон кечиб «эшак карвон»ларда фронт учун ғалла ташидик. Бу ҳам етмагандек, уруш чўзилиб, машғум қора хатлар кела бошлаганида, аёлларнинг, ёш-ёш келинчақларнинг осмону фалакни зир титратувчи фарёдларини эшитиб, қон қақшадик, улар чеккан изтиробларнинг гувоҳи бўлдик...» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1988, 1-сон, 86-бет).

Урушнинг охириги йили Қарноқдан бир йўла қирқ йигит фронтга кетадиган бўлди, Одиалжон ёшига бир ёш қўшиб ўзи уруш йиллари бирга ўроқ ўрган, бирга машоқ терган «эшак карвон»ларда бирга ғалла таллиган бўз болалар билан ҳарбий хизматга жўнайди. Гоби саҳроси ва Хинган тоғларидан яёв ўтиб Квантун армиясини тор-мор этишда қатнашади, сўнг беш йилча Порт-Артур яқинидаги Чань – Чжоу шаҳрида хизмат қилди. Ниҳоят, 1950 йили хизматдан бўшаб юртига

қайтади. Тошкент Давлат университетининг филология факультетида таълим олади, салкам ўн йил «Литературная газета»нинг Ўзбекистон бўйича мухбири, киностудияда, Фафур Фулом номидаги нашриётда муҳаррир, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига бош муҳаррир, 1987 йилдан эса Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биричи котиби, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Республика Атама-шунослик қўмитаси раиси ва Туркистон халқлари маданияти арбоблари ассамблеясининг вице – президенти бўлиб ишлайди. Ёзувчи айниқса «Литературная газета»да мухбир бўлиб юрган кезларини мароқ билан эслайди: «Бу даврда мен газетанинг топпириги билан республикаimizни бошдан-оёқ айланиб чиқдим, оддий пахтакор ўлкамизнинг ҳаёти ва ташвишларини ўз кўзим билан кўрдим, яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам гувоҳи бўлдим, бирда адашдим, бирда адолатни тиклашга баҳоли қудрат хизмат қилдим».

Адиб биографиясига, ҳаёт тажрибасига оид бу фактларни эслашдан мақсад шуки, улар адиб асарларига ҳаётий замин бўлиб хизмат этди, болалик таассуротлари, ҳаётда кўрган-кечирган, кўнглида чуқур из қолдирган воқеа-ҳодисалар «Эр бошига иш тушса», «Диёнат», «Оққушлар, оппоқ қушлар», «Излайман», «Адолат манзили» каби асарларида акс этди; талай қисса ва романларидаги ҳодисалар, ҳаттоки узоқ ўтмишдан олиб ёзган «Улутбек хазинаси» воқеаларининг бир учи ўзи туғилиб ўсган қишлоғига бориб тақалади. Одил Ёқубов бадий ижодни ҳарбий хизматда юрган кезлари бошлаган эди. Унинг матбуот юзини кўрган илк қиссаси «Тенгдошлар» (1951) бўлди. «Тенгдошлар»га қадар ҳам у кўп ҳикоялар ва бир роман қоралаган эди. Ёзувчининг ўзи кейинчалик «Фарзандлар бурчи» мақоласида уларни урушдан кейинги йилларда анча кенг ёйилган «конфликтсизлик назарияси» таъсирида яратилган асарларнинг «ўзбекча муваффақиятсиз варианты» деб атайди. «Тенгдошлар»ни «ўртачароқ» асар санайди. «Ҳамза» номи театр сахнасида қўйилиб, ўз вақтида танқидчиликнинг ижобий баҳосини олган қатор драматик асарларига ҳам танқидий ёндашади. «Мана энди бу асарларнинг савиясини ҳам, қимматини ҳам яхши биламан ва ниҳоят бадий ижоднинг бутун мураккаблигини мен энди шунча хатодан кейин тушундим», — деб ёзади.

О.Ёқубовни ёзувчи сифатида элга танитган асари 1961 йилда эълон қилинган «Муқаддас» қиссаси бўлди. «Тенгдош-

лар»дан «Муқаддас» қиссасига қадар ўтган ўн йиллик гўё ёзувчи учун ижодда ўзлигини англаш-топиш йўлидаги бетиним изланиш, одат тусига кирган адабий қолиплар билан мурасасиз олишиш, машғум «конфликтсизлик назарияси» таъсирини, китобийлик инерциясини енгиб ўтиш йиллари бўлди. Автор «Муқаддас» қиссасида ҳаётнинг ўзидан олган завқини, ўз юрак дардини, ҳаяжонларини изҳор этади, ўзи қаламга олган ҳаёт ҳодисаларини мураккаблиги, зиддиятлари, чинакам нафосати билан китобхонга етказа олди. Қиссадаги икки ёшнинг ҳаётдаги икк мустақил қадамлари, қувонч ва ташвишлари ниҳоятда самимий ҳикоя қилинган, энг муҳими, ёзувчи айтмоқчи бўлган гап китобхон кўнглини ҳаяжонга соларли гўзал бир поэтик шаклни топа олган: қисса қаҳрамони Шарифжон муайян бир вазиятда ўз иродасига, эътиқодига ҳилоф равишда худбинлик кўчасига киради, ўзгалар манфаатига зид бу хатти-ҳаракат аввало қаҳрамоннинг ўзи учун нохушлик олиб келади, энг азиз нарсаси – севгисидан, севгилисидан жудо бўлади. Шарифжоннинг қинғир йўллар билан севгилисининг ўрнига ўқишга кириб қолиши бир тасодиф, аммо шу тасодиф замирида ёзувчи ҳаётнинг муайян ҳақиқати, зиддияти, фалсафасини кўрсатади, яъни ҳаётда кўпчилик манфаатига зид ҳар бир хатти-ҳаракат аввало ўша одамнинг шахсий манфаатига ҳам зид тушишини жуда нозик ва таъсирчан ифода этади.

«Муқаддас» ёзувчининг бош эстетик, ахлоқий принципларини тайин этувчи асар сифатида ҳам қимматли. «Муқаддас» сўзи фақат қисса қаҳрамони номи билан боғлиқ бўлмай, ёзувчи асарда зўр эҳтиром билан илғари сурган инсондаги энг азиз, муқаддас туйғулар – виждон, бурч, диёнат, имон-эътиқод, адолат ғоясини ҳам ўзида ифодалайди. «Диёнат»дан тортиб «Оққушлар...», «Адолат манзили»га қадар адибнинг эътиборга сазовор бўлган барча асарлари худди шу муаммо теварагида айланади. Қисқаси, диёнат, имон-эътиқод, ижтимоий адолат – ёзувчи ижодининг бош маънавий муаммоси, унинг асосий эстетик принципи эса – ҳақиқатни айтиш, ҳаётни бутун мураккаблиги, бор зиддиятлари билан кўрсатиш.

Маълумки, диёнат, имон-эътиқод, ижтимоий адолат худди муҳаббат каби сўз санъатининг қадимий ва боқий мавзу, муаммоларидан. Ҳар бир давр уни янгитдан кўяди, ўзгача мезонлар билан баҳолашни тақозо этади; қолаверса, ҳар бир адиб унга ўзгача ёндашади. Бурч, адолат, диёнат

муаммоси ҳам худди муҳаббат каби адабиётда бирдан-бир мақсад эмас. Бурч, диёнат даврнинг катта ҳақиқатларини ифодалашга, муҳим ижтимоий масалаларни қўзғаш, кишиларнинг кўнгил дардларини изҳор этишга, А.Толстой сўзлари билан айтганда, инсон қалби ҳақидаги ҳақиқатни очишга қаратилган тақдирдагина чинакам бадиий қиммат касб этади. Афсуски, XX асрнинг 50—60-йилларида яратилган қатор асарларда бурч, адолат, диёнат бирёқлама, тор, саёз ёритилди, бирдан-бир мақсадга айланиб қолди; бу борада маълум андозалар пайдо бўла бошлади, бурчга садоқат нуқул номуси поймол этилган аёлга ёки фожиага учраган одамга меҳр қўйишдан иборат қилиб кўрсатилди... О.Ёқубовнинг роман, қиссалари бу хил схемалардан йироқ. Ёзувчи «Муқаддас», «Бир фельетон қиссаси», «Қанот жуфт бўлади» сингари қиссаларида, сўнг романларида гўё бурч, диёнат, имон-этиқод туйғусини бир прожектор қилиб олади-ю, ҳар гал ҳаётнинг турли жабҳа, бурчакларига йўналтириб, унинг ёғдуси орқали шу томоннинг пасту баландини ёритади, инсон қалбининг нотаниш жиҳатлари билан таништиради, муҳим ҳаётий, ижтимоий-ахлоқий муаммоларга эътиборимизни тортади, ҳаёт ҳақиқатини бадиий кашф этади.

«Бир фельетон қиссаси»ни (1963) эслайлик. Журналист Учқунжон яхши суриштирмай, шошма-шошарлик билан бир вақтлар меҳнатда донг таратган, кейинчалик эса енгил ҳаёт кечириш йўлига кириб кетган аёл ҳақида фельетон ёзиб юборган. Учқунжон катта хатога йўл қўйганини сезиб қолади, виждон азобиға тушади, асли покиза йигит қалб даъвати билан юз берган хатони тузатиш учун курашга отланади. Худди ўша кураш жараёнида, бир томондан, қаҳрамоннинг бор бисоти, виждон, диёнат туйғуси кучи намоён бўлса, иккинчи томондан, ёзувчини ҳаяжонга солган ҳаётий чигалликларнинг илдизи очила боради. Ёзувчи донгдор аёл Салтанатни ҳалокатга олиб келган омилларни атрофлича бадиий таҳлил қилиб берган. Маълум бўладики, Салтанатни ҳиссизлик, адолатсизлик, эътиборсизлик шу кўйларга солган, бригадир Мўмин аканинг совуққонлиги, эри Қулаҳмаднинг лоқайдлиги туфайли ҳаётдан, меҳнатдан кўнгил қолган. Шуниси характерлики, Салтанатнинг зидди бўлган бригадир одатдаги ўта консерватив, жоҳил мансабпарастлардан эмас, аксинча, у қўйдек юввош, мўмин-қобил одам, Қулаҳмад ҳам феодал, хотин дўппослайдиган

зўравон эрлар тоифасидан эмас, аксинча, юмшоққина одам. Бироқ ҳар иккови ҳам турли кўринишда бўлса-да, бир касалга — итоаткорлик, лоқайдлик, ҳиссизлик касалига мубтало. Улар учун иш, план, мансаб-мартаба, сохта обрў бўлса кифоя, одамларнинг дарди, қувонч-ташвишлари, хоҳиш-истаклари билан ишлари йўқ. Оламга ҳаёт ато этувчи аёлга шунчаки бир иш кучи, ижрочи деб қарайдилар, аёл меҳнатини енгиллаштириш, қўлидан кетмонини олишни хаёлга ҳам келтирмайдилар. Салтанатнинг ҳаётдан қўл силтаб енгил ҳаёт кўчасига кириши шу хил лоқайдликка қарши ўзига хос бир исён эди. Лоқайдлик, ҳиссизлик, адолатсизлик кўнгилсиз оқибатлари жиҳатидан шафқатсизликнинг ўзгача кўрнишларидан биридирки, ҳаҳрамоннинг унга қарши исёни гуманистик пафос сифатида қалбимизни ҳаяжонга солади. Бу асар ёзувчининг ҳаёт қаъри сари қўйган яна бир дадил қадами бўлди.

Ёзувчининг романлари таҳлиliga ўтишдан олдин яна бир қиссаси «Қанот жуфт бўлади» (1968) устида тўхталиб ўтиш даркор. Бу қисса ёзувчи ижодий тақомилида муҳим ўрин тутди. Қисса персонажлари Акрам, Сайёра, Шавкатжон, Нилуфар, Муроджон, Содик — барчаси, одатдагидай, бурчга муносабат, имон-эътиқод, диёнат, адолат туйғуси билан боғлиқ ҳолда таҳлил этила боради. Шу баҳонада ёзувчи бир эмас, бир неча ижтимоий, маънавий, ахлоқий муаммоларни кўтаради. Бу асар гарчи қисса деб аталган бўлса-да, ғоявий-бадий мундарижаси, бадий таҳлил, тафаккур тарзи билан романга яқин туради. Ижтимоий-маънавий, маиший ҳаёт, оила, севги муносабатлари, бу борадаги янгича ва эскича қарашлар, хилма-хил курашлар силсиласи қиссанинг асосий мундарижасини ташкил қилади. Автор китобхон билан қизгин баҳсга киришади, жамият ахлоқини таҳлилдан ўтказди; 60-йиллар кишилари маънавий ҳаётида нималар содир бўляпти, қайси одатлар маъқул, қайсилари номаъқул, халқнинг маънавий юксалишига нималар тўсқинлик қиляпти — ёзувчи шу саволларга жавоб ахтаради.

О.Ёқубов «Муқаддас»дан тортиб деярли ҳар бир асарида бирор жиддий масалани кўтариш билан бәробар, қаламга олинган можароларининг ҳаётий иллизини, сабабларини очишга интилади, бу ҳол унинг прозасида тадқиқотчилик хусусиятини тўғдиради. Бошқачароқ қилиб айтганда, ёзувчи етук реализмга хос таҳлилий тасвир йўлидан боради.

Гарчи заифроқ бўлса-да, «Муқаддас»да Шарифжонни қинғир йўлга бошлаган омилар оилавий муҳит таъсири эканлиги таъкидлаб ўтилган. «Бир фелъетон қиссаси»да бу хусусият хийла чуқурлашади, «Қанот жуфт бўлади» қиссасида эса юқори босқичга кўтарилган. Асарнинг етакчи персонажларидан Акрамнинг иккиланишлари, изтироблари, Сайёранинг адашишлари, бошқа персонажлар тақдири ва характеридаги барча кучли ва ожив жиҳатлар фақат «туғма» хусусиятлар самараси эмас, балки айни пайтда реал вазият, муҳит маҳсули сифатида қайноқ ва мураккаб ҳаёт билан, фан-техника революцияси, даврнинг суръати ва суронлари билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда таҳлил этилади.

Таҳлилий тасвирга мойилик адиб ижодида етук реализмга хос яна бир фазилатнинг шаклланишига олиб келди – унинг қаҳрамонлари мураккаб табиатли шахсларга айлана бошлади. Шахсга хилма-хил томондан ёндашиш, ҳодисанинг ҳам мусбат, ҳам манфий томонларини ёдда тутиш, одамни осонгина «яхши» ва «ёмон»га, «ижобий» ёки «салбий» қаҳрамонга чиқариб қўйишдан ўзини тийиш, инсон қалбини чуқур тушуниш, ҳис қилган ҳолда қалам тебратиш – мана шу фазилатларнинг барчаси «Қанот жуфт бўлади» асарида ёрқин кўринади. Акрам, Сайёра, Амаки, ҳатто жоҳил бўлиб кўринган Содиқни ҳам одатдаги «салбий» ёки «ижобий»лик мезони билан ўлчаб бўлмайди; урф-одатлар, тамойиллар талқинида ҳам шу ҳол – янгича ва эскича одатлар ҳам ўз ички зиддиятлари, мусбат ва манфий томонлари билан диалектик тарзда кўрсатилган.

Ёзувчи қиссасида шаклланган бадий фазилатлар, реалистик принциплар унинг романларида, хусусан, «Диёнат», «Улуғбек хазинаси» асарларида янада чуқурлашиб барқарор тамойил тусини олган.

«Қанот жуфт бўлади» қиссасидан олдин ёзувчи «Эр бошига иш тушса» романини (1966) эълон қилган эди. Бу асар ёзувчининг уруш йиллари ўзи шохид бўлган ҳодисалар, болалик таассуротлари асосида битилган. Асарнинг бош қаҳрамонлари уч баҳодир – Машраб, Қўчқор, Акмал ҳали ўн саккизга етмаган ўспиринлар. Эр бошига иш тушган оғир уруш йилларида улар жуда эрта фуқаро сифатида шаклланадилар, замон ташвишларини ўз зиммаларига оладилар, катгалар каби жамоат ишларида фаол қатнашадилар, қаллоблик, нопокликка қарши мардона кураш олиб борадилар. Ёзувчи ёш қаҳрамонларнинг мусаффо

қалбини, илк севги кечинмаларини, меҳнатдаги шижоатини, хусусан, «эшак карвон»ларда қозоқ ўтовидан уруғлик дон келтиришдаги жонбозликларини, Эртөөв, Чавандоз сингари қаллобларга нисбатан нафратини эҳтирос билан ифода этади. Асарнинг етакчи қаҳрамонлари романтик кайфиятли ёшлар бўлганидан романдаги тасвир ҳам шунга мос равишда кўтаринки, жўшқин, шиддатли лиро-публицистик оҳанг билан йўғрилган. Асарда ёзувчи услубининг муайян қирраси — ҳодисаларни романтик эҳтирос билан ифодалаш, лиро-публицистик шиддат ёрқин намоён бўлади. Гарчи ёзувчининг кейинги қатор романларида изчил аналитик тасвир етакчилик қилса-да, эҳтиросли романтик ифода ҳам ҳамيشа ёндош ҳолда келганлигини кузатиш мумкин. Қисқаси, изчил таҳлилий услубда битилган «Қанот жуфт бўлади» қиссаси ва романтик жило билан йўғрилган «Эр бошига иш тушса» асарлари адибнинг роман жанридаги галдаги парвози учун муайян замин ҳозирлади.

О.Ёқубовнинг 70—80-йилларда яратган замондошлари ҳақидаги «Диёнат», «Оққушлар, ошпоқ қушлар», «Адолат манзили», тарихий мавзудаги «Улуғбек хазинаси» ва «Кўҳна дунё» асарлари фақат адиб ижодида эмас, ўзбек романчилиги ривожда ҳам янги бир босқични ташкил этади. Ёзувчи хоҳ замондошлари, хоҳ олис тарих ҳақида қалам тебратмасин, ҳар икки ҳолда ҳам аввало даврнинг муҳим романбоп гапларини айтади, кўпчиликни ҳаяжонга солаётган катта ижтимоий муаммоларга эътиборни тортади, ёрқин концептуал, кескин драматик характерлар яратади. Энг муҳими, романнавис айни мустабид тузум мафкураси ва психологияси кенг ёйилган кезларда шу мафкурага зид бориб, мустабид тузум ақидаларининг зарарли оқибатларини катта ижодий жасорат ва ростгўйлик билан кўрсатади. Бу жиҳатдан «Диёнат» романи дадил қадам бўлди.

Адиб роман устида ишлар экан, ҳаётда кўп учратган, дилида чуқур асорат қолдирган бир ҳодисани акс эттиришни — «турмушда катта ишлар қилдим» деган баҳонада одамларнинг бошига чиқиб олган, қонунчиликли оёқ ости қилишдан ҳам тоймаган улкан хўжалик раҳбари образини яратиш, унинг парвози ва инқирозини кўрсатиш»ни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. «Мен ҳаётда кўп адолатсизликларга сабаб бўлган бундай раҳбарлар ҳақидаги ўйларим ва кўрган-кечирганларимни романдаги Отақўзи образида

муҳассамлаштиришга ҳаракат қилдим», — деб ёзади муаллиф.

Маълумки, 50—60-йилларда ҳам ўзбек адабиётида шу тур раҳбар ходимлар образи кўп яратилган эди. Отақўзи кўпроқ карикатура тарзида битилган ўшандай образлардан фарқли ўлароқ, аввало ҳаёт одами сифатидаги мураккаблиги, кучли ва ожиз томонлари билан берилган. Уни биз ҳар жиҳатдан 70-йилларнинг типик ходими дея оламиз. Унда фикр, манфаат доираси хийла кенг. Унда ишчанлик билан баробар савод, билим, дид ва маданият ҳам етарли, у ҳар қандай раҳбар ходим, олим билан ҳам ҳар хил мавзуда бемалол баҳслаша олади. Эртаю кеч эл-юрт иши билан банд бу раҳбар ходим оила, фарзандлари, қариндош-уруғлари тақдирини ҳам ўйлайди, ҳаёт лаззатларидан баҳра олади. Бошда у хийла дилкаш, ҳиссиётга бой, танги одам сифатида кўринади. Аммо бора-бора турғунлик муҳитида ўжар, мағрур, ўзибилармон, шафқатсиз, тошбағир кимсага айланади. Отақўзидаги салбий хусусиятлар тобора бардамалаб табиатидаги яхши фазилатларни сояда қолдира бошлайди. Қўшиниси Нодирага, ўғли Ҳайдарга, бўлажак келини Латофатга, қудаси Фазилатга, айниқса, ҳалол, адолатпарвар тоғаси Нормурод домлага қилган адолатсизлик ва шафқатсизликлари, жиноий ишларни босди-босди қилиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари бу одам инқирозидан далолатдир. Асарда фақат Отақўзи томонидан ўтказилган зугумлар, ўзбошимчиликлар эмас, бу зугумларнинг акс-садоси, ҳаёт қаршиликлари туфайли зўравон бошига тушган савдолар, қалбидаги қийноқлар ҳам маҳорат билан тасвирланган. Отақўзи ўғли Ҳайдарни қинғир йўллар билан илм даргоҳига, буйруқ билан севги йўлига бошлайди, аммо бунинг оқибати вой бўлиб чиқади, севиқли ўғил пировардида отадан юз ўгиради; ҳеч кимга сўз бермай юрган бу мағрур одам эркин севги йўлини тутган арзанда қизи Тоҳира туфайли ор-номус исканжасида қолади. Қўйнинг оғзидан чўп олмаган қўшиниси — механизатор йигитнинг, Нодиранинг адолатсизликка қарши исёни Отақўзини лол қолдиради, айниқса, Нормурод домланинг маънавий зарбалари унинг тинкал мадорини қуритади... Ўша тўқнашув, мураккаб вазиятларда қаҳрамон ҳаётдаги қийноқлар, алам ва изтироблар таъсирчан берилган. Шу тариқа Отақўзи кучли драматик образ даражасига кўтарила олган. «Отақўзилар қилган жиноятни бутун борлигича кўрсатиш учун унга қарши турадиган

ниҳоятда пок ва ҳалол инсон, катта шахс лозим эди, — дейди ёзувчи. — Бахтимга мен ҳаётда фақат Отақўзи каби ноҳалол кимсаларни эмас, Нормурод Шомуродовга ўхшаш ниҳоятда пок, ҳалол, инсофли, диёнатли инсонларни ҳам кўп учратдим» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, №1, 68-бет).

Ёзувчи инқирозга юз тутган Отақўзи билан баробар ниҳоятда пок ва ҳалол инсон Нормурод домла драмасини ҳам маҳорат билан очади. Бу одам узоқ ва шонли ҳаёт йўлини босиб ўтган. Бироқ тақдир уни сийламаган, бошига кўп кулфатлар тушган. У бор куч-қувватини, умрини фан, адолат, эл-юрт ишига фидо этиб, эвазига эл-юртдан ҳеч нарса талаб ва таъма этмайди. У асар асосида ётган етакчи ғоя — адолат, диёнат, эътиқоднинг ўзига хос тимсоли, аини пайтда курашларда тобланган, адолат, инсоф, диёнат туйғуси қон-қонига сингиб кетган оддий, таниш бир инсон. Олижаноб идеалларни, адолатни барқарор этиш осон кечадиган жараён эмас. Бу иш ўтмишда Нормурод домла учун ғоятда қимматга тушган, ҳозир ҳам шундай. Адолат, диёнат деб ўзини кўп қийноқларга мубтало этади, маънавий тубан кимсалар билан олишади, бу олишувлар Домла дилини вайрон этади. Фақат бугина эмас, адолат ва диёнат деб ўзининг яқин кишилари — жигарбандлари билан жиққамушт, рақиб бўлиб қолади. Бу олишув, тортишув курашлар домла учун нақадар оғир кечганлигини, Домла баъзан принципаалликни меъёридан ошириб юбораётганини кўриб ачинасиз, худди ўша вазиятларда Домла типдаги одам бошқача йўл тутиши мумкин эмаслигини ҳам ҳис этиб турасиз. Домладаги адолат, диёнат, ўта принципааллик, чуқур гуманистик руҳ, одамларга меҳр-мурувват туйғуси билан йўғрилиб кетган, бинобарин, образдаги принципааллик ўзига хос жозиба касб этган.

Автор Нормурод домла образига хос етакчи фазилатлар — диёнат, метин эътиқод жозибасини очиш билан кифояланмай, бу хислатларнинг таъсир кучини, қудратини ҳам кўрсатишга муваффақ бўлган. Бир қарашда домла мусибатлар гирдобида қолган аянчли, фожиавий бир шахс: ўтмишда кўп жафо чеккан, яккаю ягона ўғли жангда ҳалок бўлган, мана энди у охириги суянчиги — кампиридан ҳам жудо бўлади, жигарбанди — жияни ва унинг ўғли Домлага рақиб; у кўнгил дардига даво, осойишталик истаб қишлоққа келса, бу ерда ҳам ташвиш устига ташвиш; эски рақиблар таъна тоши ёғдирадilar, бир вақтлар келинликка

мўлжалланган Фазилат мусибатлари, ўжар жиянининг қилғилиқлари, қишлоқдаги хилма-хил муаммолар уни руҳан эзади... У — оғир хаста, умрининг сўнгги кунларини кечириётганини билдиб, ҳис этиб туради; у ҳам тирик инсон, гоҳо умидсизликка тушади. Бу одамнинг бир дунё ўқинч ва армонлар билан ҳаётдан кетаётганлигини кўриб қалбимиз ўртанади. Айни пайтда бу одам аянчли кимса эмас эканлигини англаб турамиз, ҳар қанча фожиавий бўлмасин, у мард, қаҳрамон ва улкан шахс. Бу адолатпарвар, диёнатли, юксак эътиқодли инсон қаршисида ҳар қандай қинғир, нопок шахслар довлариб қолади, мана мен деган кимсалар ҳам ундан чўчийди. У бу ёруғ дунёдан кетади, ҳаётининг ғоят чигал, мушкул сўнгги дамларида ҳам ёрқин из қолдириб, ўзи тушиб қолган мураккаб вазият, муҳитга сезиларли таъсир кўрсатиб, муайян ўзгаришлар ясашга улгуриб оламдан ўтади; унинг адолати, диёнати, эътиқоди қаршисида ўжар Отақўзи охири бош эгади, Ҳайдар ўз йўлини топиб олади, қаллоб Миробидов ҳушёр тортади, қишлоқдаги кўп чигалликлар барҳам топади, адолат тантана қилади. Нормурод домла образига хос етакчи хислатларнинг ҳаётбахш кучи, қудрати ана шунда.

Ёзувчининг «Оққушлар, оппоқ қушлар» романи ғоявий-проблематик жиҳатдан «Диёнат» романининг давомидек туюлади. Агар автор «Диёнат»да ўзбошимчилик, кўзбўямачилик, қонунбузарчилик кенг ёйилган даврни акс эттирган бўлса, бу романда ўлкамизда худди ўша иллатларга қарши бошланган покланиш деб аталган ва ҳамма соҳада адолатни барқарор этиш учун 80-йилларнинг ўрталарида бўлган интилишларни қаламга олади. Курашлар, бинобарин, роман марказида эса Шораҳим шоввоз образи туради...

Романдаги Шоввоз сиймосида меҳнаткаш халқимиз, асл деҳқон — боғбон характериға хос фазилатлар, шунингдек, айрим ожизликлар яхши намоён бўлган. Шоввоз бутун умри меҳнат билан ўтган, эл-юрт ғамида ўзини, шахсий ҳаётини, ҳузур-ҳаловатини бутунлай унутиб юборган; йил ўн икки ой эртаю кеч меҳнат билан бўлиб туғилган юртининг чиройи ва неъматларидан бебаҳра қолган; вафодори Ойсулув кўнглини ҳам ололмаган, соғлиғи ҳақида қайғурмаган. Охирида у бунинг учун ўкинади, аммо ҳаётини қайта бошлаш имконияти бўлганида, у яна ўшандай умр кечириши табиий, чунки у меҳнат учун туғилган, эл-юрт ғамидан бошқасини билмайдиган одам.

Шоввоз нопокликни, фирромликни асло дилига сиғдиролмайдиган шахс. Афсуски, ижтимоий адолат оёқости қилинган, фирромлик ва нопокликка йўл очиб берилган бир шароитда мана шундай ардоққа лойиқ кимсалар, ҳалол, камсуқум, чин меҳнаткаш, бунёдкор шахслар пана-пастқамда қолиб кетди, ҳар хил йўллар билан камситилди, хўрланди. Қарангки, авантюрист Фотиҳ отаси тенги бу одамга асоссиз дағдаға қилади, ҳалол одамни нопок ишга ундайди, йўриғига юрмагач, ишдан ҳайдайди.

Шоввоз бирда мард, танти, кези келганда кескин, қаҳри қаттиқ, шиддаткор, бирда майин-мулойим, қалби дарё, саҳовату мурувватга тўла, бирда ўта содда гўл, бирда кўпни кўрган донишманд — хуллас, ғаройиб табиатли одам. Унинг йигитлик шаъни оёқости қилинган ўғлига айтган қатъий сўзини тинглаганда, қабиҳ кимса — Фотиҳ ва қаллоб Музаффарга ҳамла қилгандаги, Музаффар «ҳиммати»ни рад қилгандаги ҳолатини кўрганда шижоатига қойил қоламиз; бу одамнинг ишдан ҳайдалгач, ўз шахсий ҳаёти, умр йўлига бир нигоҳ ташлаб, ўтган беҳаловат кунларини эслаб Ойсулувнинг ночор аҳволини, бу беминнат, фидойи умр йўлдоши олдидаги қарзларини ўйлаб кўнглида кечган ҳазин нидолари, ўғли аварияга учраган, хусусан, Ойсулувдан жудо бўлганда чеккан аламли зорларини, кўнгил фарёдларини ўқиганда ўзимизни кўярга жой топа олмай қоламиз. Шоввознинг шўхлик билан ўтган ўсмирлик, йигитлик саргузаштлари, оловли севги тарихи, жангда кўрсатган жасорати, дўстларига садоқати — ўзи бир дoston. Дўстларига, мурувватга муҳтож шахсларга мунис-меҳрибон бу одам ғанимларга нисбатан ўта шафқатсиз. У уруш йиллари жанг майдонида самурай бошини салчадай узиб ташлаган, бутун эса Музаффар билан Фотиҳдек мана мен деган қоялар унинг қаҳри олдида довдираб, ўзларини йўқотиб қўяди.

Шоввоз ўзининг шу хилдаги ғаройиб ҳаёт йўли билан, ҳаётдаги нурли, қувончли, завқ-шавққа тўлиқ кунлари, алам-изтироблари, табиатидаги зиддиятлари, кучли ва ожиз жиҳатлари, борингки, бор бисоти билан китобхон кўнглини ўзига асир этади. Бу одам қисматида ҳам улкан бахт-саодат, висол, ҳаёт лаззати, завқ-шавқларини, ҳам аянч мунг, ҳам нурли оҳанг, мардона бир руҳни жо этиш, полифоник тасвирга эришиш — бу чинакам санъаткорга, чин санъат асаригагина муяссар бўладиган фазилат.

«Оққушлар, оппоқ қушлар» ҳозиржавоблик билан ёзилган, ҳали тугамаган ҳаётий жараёнлар ҳақидаги роман бўлганидан унда кўтарилган маънавий-ахлоқий муаммоларнинг барчаси бадий ечимини топмай қолгандай, автор айрим чигал, кескин можаролар ечимини беришда бир оз шошгандай кўринади. Роман ижобий баҳоланган ҳолда у ҳақда танқидий гаплар ҳам айтилди. Тажрибали адиб покланиш йўлидаги қийинчиликлар, янгидан туғилаётган ҳаётий муаммолар драмасини яна ҳам кескинроқ, шиддатлироқ тарзда бутун мураккаблиги билан бериш мақсадида асар устидаги ишни давом эттирди, романининг китоб вариантыга бир қатор ўзгартириш, тўлдиришлар киритди.

Одил Ёқубов 1988–1991-йиллар давомида «Адолат манзили» романи устида ишлади. Асар 1994 йили «Шарқ юлдузи» журналыда эълон қилинди. Ўша йили турк тилига таржима этилиб, алоҳида китоб ҳолида чиқди. «Адолат манзили» қаламга олинган мавзу-муаммолари жиҳатидан «Диёнат», «Оққушлар, оппоқ қушлар» романининг мантқиқий давоми, «Диёнат»дан бошланган, «Оққушлар...»да давом эттирилган маънавий-ижтимоий жараёнлар, муаммолар жумбоқлар бадий таҳлилининг ўзига хос интиҳоси. Бу уч роман гарчи ҳар бири мустақил, ўзича тугал асар саналса-да, трилогия сифатида яхлит ҳолда ҳалқимиз тарихининг муайян босқичи, аниқроғи, довруғли «қизил империя»нинг юртимизда нисбатан тинч, осойишта кунларда ичдан емирилиши, маънавий инқирозга, ҳалокатга юз тутиш даври ҳақида кенг тасаввур беради.

«Адолат манзили» романининг воқеаси оддий: унда ўзбек иши деб аталган кўнгилсиз ҳодисанинг аянчли бир кўриниши ҳақида ҳикоя қилинади: яқиндагина совхоз директорлигига кўтарилган ҳалол, ғайратли, шижоаткор тадбиркор йигит чақув орқали юқори мансабдорга «пора берган»ликда айбланиб қамалади, марказдан келган десантчиларнинг таҳдиду бедодликлари туфайли қамоқхонада ўзини ҳалок этади. Асардаги бутун гап-сўзлар, воқеалар мана шу фожиали кўргиликка мубтало бўлган шахс — бош қаҳрамон Суюн бургут теварагида айланади, ёзувчи бу муҳиш ҳодисага муносабатда бир талай персонажларнинг маънавий қиёфасини гавдалантиради, ўзининг ҳаёт, унинг чигал жумбоқлари хусусидаги ўй-мушоҳадаларини изҳор этади; энг муҳими, бош

қаҳрамоннинг бетакрор характери, ўзига хос руҳий дунёсини очади.

Суюн бургут аввало қаҳрамонона характери билан ажралиб туради. 80–90-йилларда Ўзбекистонда тоталитар сиёсат оқибати ўлароқ ҳаёт гирдобига тушиб қолган шахслар образи кўплаб яратилди, уларнинг аксарияти асосан жабрдийдалар сифатида талқин қилинади. Суюн бургут ҳам жабрдийда шахс, шу билан баробар у мардона, довюрак, курашчан сиймо. Бу йигит бошига тушган кўргиликлар, адолатсизликлар туфайли изгироблар оловида қоврилади, эзилади, айти пайтда сўнгги нафасига қадар бало-офатлар, ёвуз кучлар билан беаёв олишади, мардона туриб ўзини ҳалок этади... Бу билан ёзувчи кўп асрлик адабиётимизнинг қаҳрамонона анъанасини, қолаверса, ўз ижодий тажрибаларини янги шароитда давом эттиради. «Адолат манзили»нинг яқин ўтмишдан олиб ёзилган қатор асарлардан фарқли жиҳати ҳам шунда.

Бу ҳол замонавий адабиётимиз учун ҳаёт-мамонт аҳамиятига молик. 80–90-йилларда бўлган адабий баҳсларда курашчан қаҳрамон образини бадий ижоднинг ўтмиш босқичига чиқариш, қаҳрамонона характер яратиш муаммосини эса эскирган, чайналган, сунъий ҳодиса деб аташ одат тусини олди, нақ бўлмаса ижобий қаҳрамон деган тушунчани унутиш даражасига етиб бордик. Эҳтимол, ўша кезларда адабиётда кенг тарқалган ҳаётдан йироқ, сохта-ясама қаҳрамонлардан юрак олдириб қўйиш туфайли шундай ҳол юз бергандир. Масаланинг яна бир чигал жиҳати бор: бир вақтлар бадий асар, хусусан, роман, қисса, драма унда ижобий қаҳрамоннинг мавжудлигига, унинг қанчалар курашчанлигига қараб баҳоланар, курашчанликдан маҳрум характер асосига қурилган асар эса ҳар боб билан камситилар эди. 90-йилларда акс ҳол юз берди: жабрдийда, зиддиятли характерлар яратилган, абсурд адабиёти намуналари шаънига таҳсин ўқиб, курашчан қаҳрамонлар мавжуд романлар, қиссаларга эса қандайдир менсимай қараш ҳоллари содир бўлди. Аслида адабиёт фақат услуб, шакл, талқинларнинг эмас, унда яратилган қаҳрамон образларининг хилма-хиллиги билан ҳам бой ва гўзал. Адабиёт бағрида ҳар хил шахслар, жумладан, бошқа тур персонажлар қатори курашчан қаҳрамонлар учун ҳам ўрин мавжуд. Модомики, адабиёт ҳаёт кўзгуси экан, ҳаётда ҳамиша мард-фидойи одамлар бўлади ва улар ардоққа

арзигулик. Гап фақат бу қаҳрамонларнинг жонли, ҳаётӣй, ҳаққонӣй, маънодор, таъсирчан чиқишида, бадийи кашфиёт даражасига кўтарила олишида. «Адолат манзили» романи мана шу ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.

Суюн бургут образи ёзувчининг, қолаверса, бутун ўзбек насрининг жиддий ютури. Бургут қадим турк элининг бепоён дашту қирларида туғилиб вояга етган довюрак, шижоаткор халқ баҳодирлари сулоласига мансуб. Отаси улоқ пайти мислсиз шижоат кўрсатиб ҳалок бўлган. Асарда отасига тортган ўғлоннинг ўспиринлик йилларидаги қолипларга сифмайдиган қилиқлари, ўт-оловлиги, Маржонойга бўлган оташин севгиси, телбаларча рашки, гаройиб уйланиш тарихи, дууду миниб, пойгада ўзиб қизларни қойил қолдириши, қўлига дўмбира олиб, севгилисини ҳам қаторга тортиб шоир – оқин бўлиб, ўланлар тўқиб дил-дилдан куйлаши – булар ажиб бир шоирона – бахшиёна йўсинда ифода этилган. Умуман, ёзувчининг бу романида халқ достонларига хос ошиқона ва романтик руҳ кучли. Бош қаҳрамон Суюн бургутнинг кейинги тақдири – катта хўжаликка бош бўлгани, шу эл-юртни деб куйиб-ёниши, чўпон кўрасига ўт кетиб, хўжалик қўйлари ҳалок бўлганда икки фақир чўпонни қамоқдан олиб қолиш учун чеккан заҳматлари, ўзи қамоққа тушганида каллакесар безорилар билан мардона олишиб, уларни яксон этиши; бешафқат, маккор терговчиларнинг дағдағаю таҳдидлари олдида асло тиз чўкмай ўз шаънини баланд тутиши, бетайин латтачайнар собиқ мансабдор гувоҳ билан юзлашувда мардона ҳақ гапи билан уни ҳушёр торттириши ва ниҳоят, жуфти ҳалоли Маржоной шаъни деб ўлимга тик бориши – буларнинг барчаси халқ достонлари қаҳрамонлари шижоатини ёдга солади.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, тажрибали адиб Суюн бургут образидаги халқ қаҳрамонларини эслатувчи бу хил фавқулодда хислатларни изчил реалистик асосда руҳий-психологик жиҳатдан чуқур таҳлил этади. Асарни ўқир экансиз, Бургутнинг барча хатти-ҳаракатларига, чигал, мушкул вазиятлардаги шижоатига тўла ишонасиз: Бургут жабрдийда чўпонларга ўзининг минг бош қўйини инъом этган экан, бу ерда ҳеч қандай сунъийлик, ясама ҳотамтойлик йўқ, у табиатан шунақа танти одам; каллакесар, безорилар билан олишувда уларни бирма-бир яксон этар экан, танида шунга қодир мислсиз куч-қудрат, шижоат

мавжудлигини баралла ҳис этиб турасиз; унинг терговчилар, гувоҳлар билан тўқнашувда ўзини тутиши, шижоати барчаси мантиқан асосланган, бу одам ўшандай вазиятларда бошқача йўл тутиши мумкин эмаслигига тўла имон келтирасиз.

Бургут ўзбекнинг ориятли, диёнатли, танги ўғлони. Ориятли, диёнатли, танги ўғлон ҳар қандай қийинчиликка, очликка, йўқчиликка чидаши мумкин, бироқ адолатсизликка чидай олмайди. Айниқса инсонлик шаъни, нафсонияти, гурури яксон қилинганда фақат ўзигина эмас, бутун бошли халқи шаъни тош талаётганини, юлғич, порахўр, текинхўрликда айбланаётганини кўрганда ўзини қўярга жой топа олмайди. Бургут ўзининг беғуноҳлигига тўла ишонади, ишонгани учун ҳам «қайси ёзуқларим учун қамашди, мени» деган ўй ҳар қандай азоблардан ҳам кўпроқ қийнайди уни. У қанчалар матонатли, шижоатли бўлмасин, барибир тирик инсон, айниқса, Бургут хўрликка чидамайди. «Тутилибдики, Маржонтов бағрида йилқи боқиб, от суриб, не-не айғирларни жиловлаб ўлан айтиб юрган Суюн шундай пайтларда худди сиртмоққа илинган асов тулпордай ер депсинар, тоқати тоқ бўлиб эшикни тепар, ўзини ерга ташлаб, ертўланинг у бошидан бу бошига ағанар эди...» — қаҳрамоннинг шу хилдаги драматик ҳолатлари тасвирини ўқиганда китобхон қалби титроққа тушади.

Озодликда юрганида, ўт-олов ёшлик кезларида даҳриёна муҳит таъсирида Бургут у дунёни гоҳ ўйлаб, гоҳ ўйламай, Аллоҳ таолога бирда ишонса, бирда ишонмай юрган, мана энди дил-дилдан ишонади, ўтмишдаги нодонликларидан афсус-надомат чекади. Бироқ бу фоний дунёда юз бераётган адолатсизликлар туфайли гоҳо исёнкорона ўйларга толади: «Ҳалол инсонлар дўзах азобига ташланса-ю, бу адолатсизликдан осмон ағдарилиб ерга тушмаса!..» «Пора бермоқ тутул, пора нималигини билмаган авом эканлигимга ўзинг шохидсан-ку, Яратган Эгам?» дея ҳайқиради.

Романда ёвуз кимсаларнинг сўнгги ҳамласи — севикли умр йўлдоши Маржонной номини ўртага қўйиб Бургутни тиз чўктиришга чоғланган кезларидаги ҳолати ифодаси фоят таъсирчан, шу билан баробар ўта табиий. Аллоҳга ишонган Бургут ислом ақидаси бўйича ўз жонига қасд қилиш гуноҳ эканини билади, бироқ ўша вазиятда жондан азиз одами номусини ҳимоя қилиш учун ўлимдан бошқа чора топа олмайди. Гуноҳи азим бўлса-да, бунақа хўрликдан ўлимни афзал санайди. «Маржоннойни, Аллоҳ ўзи қовуштирган

жуфти ҳалоли, бу ёлғон дунёга келиб кўрган биттаю битта қувончи, бахту саодатини оч қашқирларга ем қилиб бу жонни асраб қолишни мислсиз гуноҳ санайди», «Аллоҳ ўзи кечиргай» дея ўлимга тик боради.

Бургутнинг ўлими — мардона ўлим. У ўз инсонлик шаънини юксакликка кўтариб, севикли жуфти ҳалоли номусини сақлаб қолиб, эл-юрт кўнглида ёрқин из қолдириб, одамлар юрагига олов ёқиб, беишфқат ғанимларини дол қолдириб бу фоний дунёдан кетади. Бургутнинг дафн маросимида марҳум ҳақидаги одатдаги саволга эл «яхши одам эди, мард йигит эди Суюн бургут!» дея ҳайқиради. «Бу ҳайқирикдан Маржонтов ҳам йиғлади-ёв, Маржонтов ҳам силкинди-ёв!..» — деб ёзади муаллиф.

Бургут образи, умуман асардаги курашчан руҳ фақат адабий ҳодиса сифатида эмас, муҳим ижтимоий-маънавий омил сифатида ҳам қимматлидир. Гап шундаки, ўзбеклар ёппасига итоаткор, муте, тобеликка, қулликка мойил деган уйдирма мавжуд. Тўғри, халқ орасида шундай иллатга мубтало кимсалар бор. Бироқ ўз шаъни, ғурурини баланд тутадиган, эл-юрти, Ватани, ор-номуси йўлида, адолат, ҳақиқат, эрк йўлида жонини, жаҳонини фидо этишга тайёр довюрак, буюк Қодирий сингари «Хўрликдан ўлимни тансиқ» санайдиган жасур кишилар ҳам кўп. «Ўзбек иппи» машмашаси авж олган кезлари давлат арбобларидан тортиб талай виждонли фидокор адибларимиз, оддий фуқароларимиз бу хил хўрликка қарши оёққа тургани ҳам ҳақиқатку! О.Ёкубовнинг романи халқимизнинг шундай шижоатига ўқилган қасида каби янграйди.

Асардаги яна иккита шахс — Ветеран ва Лочин образлари устида тўхтаб ўтилмаса роман ва унинг бош пафоси ҳақидаги тасаввур кемтик бўлиб қолади. О.Ёкубовнинг аввалги романларида шўро одами бўла туриб инқилоб идеалларига, шўро ҳокимиятига содиқ қолган ҳолда ҳалоллиги, ростгўйлиги, адолатпарварлиги, имон-этиқоди, диёнатни билан даврига сизмаган, нобоя муҳит, шароит зарбаларига бот-бот дуч келганда ҳам аҳдидан, этиқодидан қайтмаган, кўпни кўрган нуроний қариялар образи яратилган эди. «Диёнат»даги Нормурод домла, «Оққушлар...»даги Шораҳим шоввоз шулар жумласидандир. «Адолат манзили»даги Ветеран ҳам ўша персонажларни эслатади. Қизил мустабид тузумнинг энг оғир гуноҳларидан

бири шуки, у яхши ва ёмоннинг, дўсту душманнинг фарқига бормади. Ҳатто ўзига садоқатли кишиларнинг ҳам қадрига етмади. Мана шу ҳақиқат қатор реалистик адиблар қатори О.Ёқубов романиларида, жумладан, Домла, Шоввоз образларида ўз ифодасини топди, янги романдаги Ветеран тимсолида эса бу фикр-ғоя ниҳоясига етказилди. Бутун умри совет тузуми хизматида, жангу жадалда кечган, катта лавозимларда ишлаган Қария куёви Бургут бошига иш тушганида ҳақиқат, адолат излаб масъул раҳбарларга рўпара келади. Бир вақтлар кўплар соясига салом берадиган бу одамни эндиликда дардини тинглайдиган, тушунадиган зот йўқ совет идораларида. Дардини, арзини тинглаш у ёқда турсин, уни ҳақорат қиладилар. Шунда қариянинг кўзи ярқ этиб очилади. «Йўқ, нўро ҳукумати йўқ энди!.. Эсиз бу ҳукуматга бағишланган умрим!.. Бу ҳукуматни деб жонини ҳам, қонини ҳам аямаган каминадай одамлар оёқ ости бўлса-ю, умри бино уни каламушдай кемириб келган муттаҳамларга қолса кунимиз! Инсоф нималигини унутган, имон ва диёнат нималигини билмаган шу баттол ҳаромхўрлар ҳал қилса тақдиримизни. Эсиз, умрим, эсиз, умрим...»

Ветераннинг бу ҳилдаги афсус-надоматлари шундай кўргиликка мубтало бўлган минглаб адашганларнинг ўкинч тўла армонидир.

Лочин орқали ёзувчи яна бир пижоаткор шахс сиймосини гавдалантирмоқчи бўлади. Унинг ўт-оловлиги, севгиси, ҳақиқатга, адолатга ташналиги ва бошқа кўп сифатлари отаси Бургутни эслатади. У отасини жонидан ҳам яхши кўради, персонажлардан бирининг сўзи билан айтганда, улар ота-бола эмас, сирдош, маслақдош, икки оғайнига ўхшайдилар. Отаси қамоқхонада тўпалон қилаётганини эшитиб: «Суюн бургут бургутлигини қипти-да! Отам ўрнида бўлсам мен ҳам шундай қилардим!» — дейди. Отаси ҳалокатидан кейин бу ноҳақликларга, хўрликларга қарши исён тарзида ўзини даҳшатли дара қаърига отишга қарор қилишини ҳам муаллиф унинг шу тарздаги характер мантиқи билан изоҳлашга ҳаракат қилади.

Лочиннинг сўнгги дамлари, хусусан, дўстлари, севгилиси Олтиной билан гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона видолашув дақиқалари, ота қабри қошидаги изтиробли ҳолатлари, тиловат қилишни билмасдан ўзидан ранжиши — буларнинг барчаси таъсирли берилган. Бироқ шунга қарамай Лочиннинг шижоати, ҳаракати китобхонни кутилган

даражада ҳаяжонга солмайди, чуқур ўйга толдирмайди. Балким, бу образ зиммасидаги ғоявий-бадий юкнинг енгилроқ экани, паҳс талқинидаги бир оз жўнлик, Лочин қисматида қисман «Оқ кема»га тақлиднинг мавжудлиги, пухта ўйланган, бадий топилма дегулик ечимнинг йўқлиги туфайли шундай ҳолат рўй бергандир...<sup>1</sup>

Ёзувчига энг катта шуҳрат келтирган асар «Улуғбек хазинаси» романи бўлди. Давримизнинг улкан адиби Чингиз Айтматов «Улуғбек хазинаси» ҳақида шундай ёзади:

«Яхши китоб ҳақида ёзиш мароқли. Бу юксак ва олижаноб проза намунаси. Бадий қуввати жиҳатидан салмоқдор бу тарихий роман мени ларзага солди. Бу эса яхши асарнинг биринчи аломати. Бундан ҳам муҳими шуки, романни ўқир эканман, кўнглимда туркий халқларимиз тарихи учун ифтихор туйғуси жўш урди. Улуғбек шундай даҳоки, у бизнинг асрлар оша тарихимизга, заминда тутган мавқеимизга гўвоҳ. Улуғбек — бизнинг дилдаги оҳимиз, ҳасратимиз, у буюк инсоний тажрибалар ҳақида, дунё ҳақида юксак мезонларда туриб мулоҳаза юритувчи, ҳукм-сабоқлар учун асос берадиган шахс...

Улуғбек мен учун ўрта асрнинг атоқли олими бўлгани учунгина эмас, балки халқларимиз тарихидаги энг мураккаб ва оғир фожиани бошдан кечирган аллома бўлгани учун ҳам улуғдир»<sup>1</sup>.

Машҳур бошқирд ёзувчиси Мустай Карим ёзувчига йўллаган мактубида дейди:

«Романнинг ғоявий қудрати, эмоционал таъсир кучи зўр. Айниқса унинг замон билан ҳамоҳанг бўлганлиги, чин маънодаги замонавий асар даражасига кўтарилганлиги муҳимдир... Зотан тарихий асар одамларни ҳозирги замонга муносиб турмуш кечиришга, яхши яшашга даъват этиши керак. Сизнинг романингиз шундай асарлар сирасига киради».

Маълумки, Улуғбек ҳақида бир қанча бадий асарлар бор, улар орасида Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси алоҳида ажралиб туради. Улуғбекдан сўз очган ҳар бир қаламкаш бу ажойиб трагедияни четлаб ўтиши мумкин эмас. О.Ёкубов ҳам М.Шайхзода тажрибаларидан баҳраманд бўлган. Роман билан трагедия орасида талай умумийликлар мавжуд. Чунончи, роман ҳам худди трагедия

<sup>1</sup> Чингиз Айтматов. В соавторстве с Землею и водою. Фрунзе, «Кыргызстан», 1979. 235-бев.

каби Улуғбек ҳаётининг сўнгги даврини ҳикоя қилишдан бошланади, трагедиядаги кўпгина шахслар бу ерда ҳам иштирок этадилар. Шу билан баробар «Улуғбек хазинаси» тарихий воқеалар, шахсларнинг бадиий талқини, ўзининг усулбий, ғоявий-бадиий йўналиши жиҳатидан «Мирзо Улуғбек» трагедиясидан кескин фарқ қилади.

Мирзо Улуғбек султонлик тахтидан кетяпти. Шу оғир, фожиавий дақиқаларда у кўп нарсалар тўғрисида ўйлайди, мураккаб руҳий ҳолатни бошдан кечиради. Аввало у — шахс, темурийзода, тож-тахт тақдири учун жавобгар шахс, нима қилиб бўлса-да у ҳокимиятни қўлда сақлаб қолиш учун тиришади; аммо у риёкор, жоҳил рақиблар қуршовида, ўз ўғли улар қўлида қўғирчоқ, тож-тахт деб отага қарши бош кўтарган. Бу ҳол буюк алломани ададсиз қийноқлар гардобига тортади. Улуғбекда инсоний гурур жуда кучли. Шоҳлик қони жўш уриб тож-тахт ҳимояси учун ўғлига қарши жангга отланар экан, номус туйғуси уни қийноққа солади, эл-юрт, келгуси авлодлар олдида бундай номақбул ишга қўл урганлиги учун ор қилади, ёмон ном қолдиришдан қўрқади. Мирзо Улуғбек — танги, олижаноб одам, муносиб меросхўр топила, тож-тахтни яхшиликча топширишга ҳам тайёр; бироқ авлодида бундай кимса йўқ. Абдуллатиф — риёкор, яна бир ўғли Абдуллазиз мажруҳ, калтабин шахс. Ота тож-тахтни уларга топширолмайди. Улуғбекни ҳаммадан ҳам Моварауннаҳрга қирқ йил раҳнамолик қилиб орттирган асосий бойлиги — мадрасасию расадхонаси, нодир хазинаси — тўплаган кутубхонаси-ю яратган асарлари — барчасининг зеру забар бўлиш хавфи ташвишга солади...

Тож-тахт бебақо, тафаккур эса безавол, мангу деган ҳикмат бор. Бу ҳикмат романда чиройли, бетакрор бадиий ифодасини топган. Улуғбекнинг фожиаси шундаки, у эгалик қилган моддий мерос — тож-тахтнинг истиқболи забун, ворислари нобакор, ўз ўғлидан тортиб қўл остидаги барча мансабдорлари, ишонган тоғлари хиёнаткор бўлиб чиқади. Бу алломанинг бахти шундаки, у тўплаган, яратган маънавий мероснинг муносиб ворислари, ишонган, садоқатли, жонкуяр шогирдлари бор. Энг оғир дақиқаларда ана шу ворислар Улуғбек ташвишига шерик, дардига ҳамдард бўладилар. Улуғбек меросини кўз қорачиғидек асраш, авайлашга сўз берадилар.

Улуғбек тахтдан тушади, ҳокимият тепасига жоҳил, мутаассиб қаллоблар қўлида ўйинчоқ Абдуллатиф келади, қора кучларнинг даври даврони, маърифат аҳлининг эса қора кунлари бонланади. Романнинг иккинчи қисми ана шу қора кунлар тасвири ва таҳлилига бағишланган. Ёзувчининг маҳорати, айниқса, шу қисмда яхши намоён бўлган.

Бир томонда Абдуллатиф бошлиқ қора гуруҳлар – шайх Низомиддин Хомуш, Салоҳиддин Заргар, Амир Жондор, айғоқчи Қашқир... Иккинчи томонда Али Қушчи бошлиқ маърифат фидойилари... Улуғбек хазинасини ўша даҳшатли кунларда қора гуруҳлар назаридан, таҳдид ва таъқибидан ҳимоя қилиш учун кечган шиддатли, хатарли курашда кенг халқ оммаси вакиллари – мадраса талабаси ёш шогирд Мирам Чалабийдан тортиб халқ орасидан чиққан шоир Қарноқийгача, оддий темирчи уста Темур Самарқандийдан тортиб маърифатли аёл Хуршида Бонугача – барча иштирок этади. Бу билан ёзувчи муҳим ғояни – Улуғбек маънавий мероси халқ мулки эканлигини таъкидлайди.

Ўша оғир синов пайтида маслақдон шогирдлар орасида ҳам сараланиш юз беради, чунончи, мавлоно Муҳиддиндек олим мудҳиш воқеалар олдида довдираб, ўз устозидан юз ўгиради, фанга, эътиқодига хиёнат қилади.

Булар асарда шунчаки баён этилган эмас, балки муносиб бадий ифодасини топган. Автор бу романда тарихий жанрнинг яхши анъаналарини давом эттирган, уларга сайқал берган.

Бизда тарихий жанрнинг икки кўриниши бор. Бир тур асарларда тарихий фактларга изчил риоя этилади; тарихий ҳодисаларни бадий тавдалантириш ёзувчининг асосий муддаосига айланади; иккинчи тур асарларда эса тарихий фактлар, шахслар асос қилиб олинадию, тарихий фактларнинг изчил ифодаси, тарихий шахсларнинг батафсил биографияси эмас, балки шу фактлар баҳонасида муайян ижтимоий-ахлоқий проблемаларни кўтариш, тарихий фактлар орқали «гап айтиш» биринчи планга чиқади. «Улуғбек хазинаси» романи кейинги турга мансуб.

«Улуғбек хазинаси»нинг тасвир ритмикаси, бошқа тарихий асарларникидан фарқли ўлароқ, хийла тезкор, шиддатли. Асарда ўткир драматик картиналар, ички руҳий кечинмалар, характерлар ва ғояларнинг ошқора тўқнашуви асосига қурилган ёрқин лавҳалар кўп. Бир томондан,

романда биз талай кучли руҳий коллизиялар тасвирини ўқиймиз. Улуғбек изтироблари, Абдуллатифнинг ота ўлиmidан кейинги васвасаю руҳий қийноқлари, хусусан, боғдаги сўнгги кечадаги даҳшатли ҳолати бутун кескинлиги билан берилган. Иккинчи томондан, ёзувчи характерлараро тўқнашув тасвирига ҳам катта эътибор берган. Улуғбекнинг шайх Низомиддин билан мусоҳабаси, ўғли Абдуллатиф билан юзма-юз тўқнашуви, Али Қушчи билан Мавлоно Муҳиддин ўртасидаги даҳанаки жанглар, зиндондаги тортишувлар, олимнинг Абдуллатиф билан такрор-такрор тўқнашувлари – булар шунчаки олишув, тортишувлар бўлмай, бир-бирига зид характерларнинг, ашаддий рақибларнинг, турли ғоя, эътиқодларнинг тўқнашувидир.

Роман композицион жиҳатдан пухта ишланган. Воқеалар, характерлар силсиласи изчил, бир-бири билан мантқан пухта боғланган, бир воқеа кетидан иккинчиси оқиб келаверади.

Тарихий ромanning вазифаси фақат тарих ҳақиқатини жонли, ҳаққоний тавдалантириш эмас, балки ўтмиш сабоқларини ёдга туширишдан ҳам иборатдир. Одил Ёқубов фикрича, инсоният ҳақида ўзи босиб ўтган йўлга бот-бот назар ташлаб туриши, ундан тегишли сабоқлар чиқариши лозим. «Минг афсуски, ўтмишнинг аччиқ сабоқлари гоҳ унутилади, тарихда йўл қўйилган хатолар такрорланиб туради», – дейди адиб. «Улуғбек хазинаси» ҳаммадан бурун тарих ҳақиқатидан ҳозирги авлодларга ибратли сабоқ берадиган асардир.

«Улуғбек хазинаси» 1970–1973-йилларда ёзилган, 1974 йилда алоҳида китоб бўлиб чиққан эди. Шундан бери асар қайта-қайта чоп этилди, жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинди, жаҳон бўйлаб доврў қозонди. Шунга қарамай адиб роман устидаги ижодий ишини давом эттирди, асарнинг бобокалонимиз Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик тўйи муносабати билан чоп этилган нашрига талай тузатиш ва тўлдиришлар киритди; Улуғбек ва унинг замондошлари ҳаётига оид айрим янги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда асар матнини жиддий таҳрирдан ўтказди, муаллифнинг ўзи айтганидай, айрим курмаклардан тозалаб чиқди. Шунингдек Улуғбекнинг умри сўнггида мушарраф бўлган севгилиси, суюклиси Юлдуз билан мулоқотлари, соҳибқирон бобоси Амир Темур билан мулоқотларига оид янги лавҳалар билан тўлдириди.

Ўтмиш ҳақиқати таҳлили ва сабоқлари «Кўҳна дунё» романида ўзгача. «О.Ёқубов романи марказида Ибн Сино ва Беруний тақдирлари, улар яшаган давр туради, — деб ёзган эди С.Азимов. — Авторнинг хулоса ва умумлашмалари кенг, шунинг учун тарихий материалга ажиб актуал маъно банишлайди. Замонлар оша қилинган саёҳат теран фалсафий умумлашмалар чиқаришга имкон беради. Романда тасвирланган барча лавҳалар ҳужжатлар билан чеклаб қўйилмаган. Одил Ёқубов тарихни кўриб туради, тарих билан баҳслашади, замондошларига узоқ ўтмишнинг тажрибаларидан гувоҳлик бераётгандай бўлади. У тарихга бутунги давр нуқтаи назаридан қарайди» («Литературная газета», 1982, №37).

Бу сўзларда «Кўҳна дунё» романининг туб моҳияти очиб берилган. Дарҳақиқат, бу асар аввало улуг алломалар Ибн Сино ва Беруний тақдири, улар яшаган давр ҳақида баҳс юритади. Аммо у биздаги мавжуд тарихий биографик романлардан, жумладан, "Юлдузли тушлар" поэтикасидан тубдан фарқ қилади. Худди "Улугбек хазинаси" романида бўлгани каби адиб бу ерда ҳам қаҳрамонлари ҳаётини хронологик тарзда ҳикоя қилиш йўлидан бормайди, икки аллома ҳаётидаги жиддий бир палла — бор-йўғи бир ойдан ошиқроқ давр ҳодисаларини қаламга олади. Қаҳрамонлар ҳаётидаги бу палла шундай бир довонки, бу довондан уларнинг бутун босиб ўтган йўли, ўтмиши ва келажаги яққол кўринади. Воқеалар содир бўлган макан шундай бир бекатки, бу бекатда ғоят хилма-хил одамлар тўқнаш келадилар. Бу ерда умр бўйи давом этган зиддиятлар маълум интиҳосига етади, кўнгилларда армон бўлиб ётган дарду ҳасратлар тўкиб солинади, сиру асрорлар ошкор бўлади, умрлар сарҳисоб қилинади.

Икки алломанинг учрашувига сабаб бўлган ҳодиса — ҳаётининг сўнгги кунларини кечираётган ҳукмдор султон Маҳмуд Ғазнавий ҳолати ва майли билан боғлиқ можаролар, бу можароларга улуг алломаларнинг тортилиши бир қарашда анчайин хусусий, тасодифий характерга эга. Ёзувчининг маҳорати шундаки, романда мана шу хусусий, тасодифий характердаги ҳодисалар жуда катта маъно беради, даврнинг улкан тарихий ҳақиқатини, жиддий драмасини очипга хизмат этади.

Романда сарой муҳити, салтанат ичидаги зиддиятлар билан баробар султон Маҳмуд Ғазнавий руҳий драмаси ҳам

кенг ифода этилган. Роман тарихга синфий ёндашиш талаби устивор бўлган, жаҳонгир шоҳу султонлар ҳақида ижобий гап айтиш ман этилган. жумладан, султон Маҳмуд Ғазнавийга нисбатан салбий муносабат авж олган паллада кўтарилган кезларда дунёга келгани туфайли, бу образ талқинида давр руҳи асоратлари маълум даражада ўз муҳрини қолдирган. Асар муаллифи султон Маҳмуд Ғазнавийни кўпроқ, мустабид ҳукмдор сифатида кўрсатишга жазм этади; султоннинг эзгу ишлари, қурган қасрлари, у яратган гўзалликда беназир жаннатмонанд боғлари, барпо қилган мечит ва мадрасалари, илм-фан кишиларига қилган саховатларини, жанглардаги шижоати, мардлигу тантилигини ҳам эътироф этган ҳолда, унинг ҳаётида йўл қўйган хатолари, адолатсизликлари, гуноҳлари учун умр сўнггида чеккан руҳий қийноқлари ифодасига кенгроқ ўрин беради.

Ёзувчи асарда шундай йўл танлаган экан, у бунга ҳақли. "Кўҳна дунё" Ғазнавий ҳақидаги илмий рисола эмас. Адабий асарда адиб ўз бадий ниятидан келиб чиқиб, тарихий шахсларга турли нуқтан назардан ёндашавериши мумкин. Биламизки, Алишер Навоий достонидаги Искандар образи тарихий шахс Александр Македонскийдан кескин фарқ қилади. Мария Стюартни Ф.Шиллер ўзича, В.Скотт бошқача, С.Цвейг яна ўзгача талқин этади. Клеопатранинг Шекспир, А.Пушкин, Б.Шоу ва Чўлпон асарларидаги, шунингдек, 60-йилларда Америка санъаткорлари яратган фильмдаги талқинлари нақадар хилма-хил. Эҳтимол, бирор ўзбек адиби султон Маҳмуд Ғазнавий ҳаётига мурожаат этиб тамомила бошқача, яъни унинг кўпроқ ижобий томонларини кўрсатишга жазм қилиб, бу ишни қойил қилиб адо этса, марҳамат, бундай ижодий жасоратни фақат табриклаш мумкин. "Кўҳна дунё"да султон кўпроқ мустабид сифатида гавдалантирилган экан, бу ҳам умуман олганда тарихий ҳақиқатга зид эмас, бу мураккаб тарихий сиймо ҳаётида бунинг учун етарли асослар бор.

Асарда Ғазнавийни биз кескин руҳий изтироблар исканжасида учратамиз. Султон умрининг охириги дамлари. У оғир, давосиз дардга мубтало. Бир томондан, дардига даво истайди, иккинчи томондан, ўлим ҳақ, фоний дунёдан кетиш олдида умри давомида қилган гуноҳларини эслаб эзилади; имкон қадар гуноҳлардан фориғ бўлишга интилади, жабрдийдалар кўнглини олмақ пайига тушади. Бироқ Султоннинг бу эзгу ният йўлидаги хатти-ҳаракатлари

янгида-янги кўнгилсизликлар, руҳий изтироблар келтиради; энг ёмони, Султон ўз қўли билан яратган ҳокимлик тартиботи олдида ўзи ожиз қолади, у хайрли ишлар қилмоқчи бўлганида саройидаги, тож-тахт теварагидаги муҳит бунга имкон бермайди. "Кўҳна дунё" миллий романчилигимиз поэтикасини муҳим янги хусусиятлар билан бойитган. Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романидаёқ полифоник ифода тарзига мойиллик сезилган эди, ёзувчи "Диёнат" ва "Кўҳна дунё" романиларида шу тасвир принципларини изчил давом эттирди. Дадил айтиш мумкинки, бу уч асар айни шу полифоник тафаккур тарзи билан ўзбек романчилиги поэтикасига янгилик олиб кирди. Полифоник тафаккур, хусусан, "Кўҳна дунё" романида ўзининг яхши самараларини берди.

Бу роман, боя айтилганидек, бопдан оёқ мунозара-баҳс руҳи билан йўғрилган. Аммо роман учун танланган ҳаётий материал, кашф этилган бадийий модел – вазиятнинг ўзи жумбоқ характерга эга; чин аллома Ибн Сино бу ёқда қолиб, сохта табиб, фирибгарнинг обрў-эътибор қозониши – "тақдири азалнинг бу ажиб жумбоғи" китобхонни баҳс-мунозарага чорлайди, бу ҳодиса эса ўз навбатида хилма-хил жумбоқларни келтириб чиқараверади, асардаги деярли барча персонажлар характери, қисмати, улар билан боғлиқ эпизодлар жумбоқ тусини олади; бу ҳол шунчаки ҳодиса ва характерларни қизиқарли, сирли-сехрли қилиш учунгина хизмат этмайди; ёзувчи айни шу жумбоқлар сабабиятини таҳлил этиш йўлидан боради, улар устида жиддий ва қизғин баҳс юритади, натижада ўша сирли ҳодисаларнинг, характерларнинг асл ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий моҳияти кўз олдимизда намоён бўлади.

Биламизки, монологик романиларда ҳодиса ва персонажларга бир нуқтаи назардан ёндашиш устун туради, барча полифоник романлар қатори "Кўҳна дунё"да эса ҳодиса ва қаҳрамонларга хилма-хил томондан ёндашиш характерли. Асарда қаламга олинган ҳодиса ва характерлар жумбоқли бўлиш билан баробар зиддиятлидир. Бу зиддиятларнинг кўриниш ва турлари ҳам ранг-баранг. Бу ҳол романдаги баҳслар оламини ғоят кенгайтиради.

Роман персонажлари ҳаётдаги мавқеи, маслак-эътиқодига кўра икки гуруҳга ажраладилар. Бир томондан, ҳукмдорлар, салтанатга хизмат этувчи, ўз шахсий манфаати

йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, худбин, ёвуз, мунофиқ, фирибгарлар; улар ҳар боб билан ижтимоий-маънавий тараққиётга тўсқинлик қиладилар, ҳақиқатни оёқ ости этадилар, меҳнаткаш халқ вакиллариغا зугум, зулм ўтказадилар. Айни пайтда ўша "маслакдошлар" — султон Маҳмуд, амир Масъуд, Хатлибегим, Абдул Ҳасанак, Али Ғариб, Пири Букрий, Ибн Шаҳвонийлар орасида зиддият, олишув, тўқнашувлар кетади... Иккинчи томонда ижтимоий тараққиёт йўлида турган, салтанатдан жафо кўрган кишиларнинг салтанатга чексиз нафрати, исёни ва унга қарши гоҳ пинҳоний, гоҳ ошкора кураши...

Шу билан баробар, автор мана шу маслакдошлар қарашларидаги муайян тафовутларга ҳам эътиборни тортади. Чунончи, улуғ аллома — Ибн Сино билан Беруний ораларида қизгин мунозаралар бўлиб ўтади, эл-юрт, адолат вамида юрган Ибн Сино адолат учун курашга отланган Имом Исмоил маслагини қабул қила олмайди...

Ёзувчининг маҳорати, айниқса, персонажларнинг руҳий олами, қалби баҳсини бера олишда ёрқин кўринади. Асардаги деярли ҳар бир персонаж қалбида кескин драма кечади, уларнинг ҳар бири ўзи билан ўзи олишади ҳар бир қалбнинг драмаси, баҳси ўзига хос; ифода тарзи бетақрор. Султон Маҳмудни биз васваса-ю таҳлика, пушаймонлар исканжасида кўрсак, Пири Букрийни ҳасад, алам-ўкинчлар оловида ёнаётган ҳолатларда учратамиз; амир Масъуд, Хатлибегим, Абдул Ҳасанак, Али Ғарибларнинг ҳам алам-изтиробларидан, ҳаттоки, гоҳо фирибгар Ибн Шаҳвонийларнинг тавба-тазаррусидан огоҳ, бўламиз; Маликул шароб, Нарғиза бону, Бобо Хурмоларнинг қалб фарёди ўқувчини ларзага солади, улуғ алломалар Ибн Сино билан Берунийларнинг дил рози, аламли ўйлари, қалб тугёни, исёни роман полифониясининг энг шиддатли, баланд пардаларини ташкил этади. Полифоник романларда бўлгани каби "Кўҳна дунё"да ҳам биз персонажларни биринчи галда қалб баҳси, нидоси, тугёни орқали билиб оламиз. Персонажларнинг қалб баҳси, нидоси, айни пайтда, уларнинг ҳаёт фалсафаси, ҳақиқати, концепцияси ҳамдир. Персонажлар қалб драмаси орқали ўзларига ва ҳаётга баҳо берадилар. Шу тариқа романдаги ҳар бир етакчи персонаж мустақил, муайян шаклга тушган, концептуал овоз-оҳангдир; бу овозлар эса ранг-баранг, бинобарин полифоникдир.

Тўғри, автор айрим персонажлар, масалан, Ибн Шахвоний, Пири Букрийларнинг ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракатларини ҳам батафсил таъриф-тавсиф этади, боя айтилганидек, характерлар орасидаги тўқнашувларни ҳам атрофлича кўрсатади, лекин барибир, романда қаҳрамонларни қалб баҳси драмаси нидоси — оҳанги орқали намён этиш етакчилиқ қилади.

Романда персонажлар овозидан бошқа ҳикоячи шахс садолари ҳам мавжуд. Асар воқеалари асосан икки шахс — муаллиф ва Абу Убайд ал-Жузжоний тилидан ҳикоя қилинади. Ибн Сино билан боғлиқ воқеалар кўпроқ Жузжоний хотиралари тарзида, қолган воқеалар эса муаллиф нигоҳи орқали берилади. Бу икки ҳикоячи шахснинг ифода усули, оҳанги бир-биридан фарқланади; Жузжоний баёнида ҳолис — объективлик ҳукмронлик қилса, автор ифодасида воқеаларга фаол муносабат, дадил аралашуш устун. Гўё персонажлар қалбида, руҳиятида бошланган баҳс-мунозара автор қалбида давом этади, муаллиф персонажлар қалбида кечган баҳслар билан баҳсга киришади, уларга ўз муносабатини тайин этади. Натижада мавжуд баҳслар драмаси янада қизғинроқ, шиддатлироқ тус олади. Шундай қилиб, персонажлар садоларига ҳикоячилар, хусусан, автор овози қўшилиб романдаги полифония янада сержилолик касб этади.

Шу кузатиш, мулоҳазалардан кўриниб турибдики, «Кўҳна дунё» романи полифоник хусусиятлари билан ўзбек прозасидаги изланишлар уфқини кенгайтирди. Адиб айна шу полифоник ифода воситасида тарихий ҳақиқатни, тарихий шахслар тақдирини, давр драмасини, даврнинг кўпқиррали зиддиятларини, ўтмиш сабоқларини янгича, таъсирчан очишга, бадий инкишоф этишга муваффақ бўлди.

О.Ёқубов драматургияда ҳам баракали ижод қилди. 50-йилларда яратилган «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим», «Юрак ёнмоғи керак», «Олма гуллаганда» каби драмалари ўз даврида яхшигина доврғ қозонган эди. 90-йиллари адиб яна драматургияга қайтиб Темур ҳаётининг сўниги кунлари, шахсий — интим турмуши ҳақида асар яратди. Бошқа бир замонавий драмаси — "Бир кошона сирлари" жамоатчилик томонидан юксак баҳо олди, 2000 йилнинг энг яхши драматик асари сифатида "Офарин" мукофоти билан тақдирланди.

Драма номига қараб, у детектив — саргузашт асар эмасмикан, деган ўйга борамиз. Дарҳақиқат, унда қисман детектив асарларга хос айрим хусусиятлар бор. Драмадаги воқеа-можаролар асосан янги чиққан тадбиркор миллионер хонадонида, унинг ҳашаматли, кўркем кошонасида, айни шу кошона — улкан моддий бойлик билан боғлиқ ҳолда кечади. Бу хонадоннинг махсус соқчилари бор. Ошпазу хизматчилар хонадон эгалари хизматига кечаю кундуз шай туради. Бу хонадоннинг собиқ бекаси кечаги оддий дўкондор, кўркем ва шаддод аёл Дилора, унинг қўлида ишлайдиган оддий тачкачи Сарвар қандай қилиб қисқа фурсатда бундай ҳадсиз бойлик — мартабани қўлга киритди, деган савол, шунингдек, уларнинг оилавий тарихи ўқувчи — томошабинни қизиқтиради, асар давомида бу саволларга жавоб ҳам топади. Бироқ асарни, ундаги персонажларни ҳаракатта келтирган бадий асос — бош муаммо бу эмас. Ундаги асосий нарса моддий бойлик билан маънавий, ўткинчи майллар билан табиий туйғулар, боқий қадриятлар орасидаги номувофиқликлардан келиб чиққан зиддиятлардир; аниқроғи, мазкур драма қалб кошонаси сирлари, шахс жумбоғи, инсон қалбининг ҳеч қанақа андозаларга сиймайдиган турфа жилолари, ғаройиб синоатлари тўғрисидаги асардир.

Драмада яна бир жумбоққа дуч келасиз. Асар воқеалари муҳташам кошона — бадавлат хонадонга ёндош қўшни — мўъжаз, камтарона, оддий зиёли оиласидаги вазият билан баробар кечади. Бир қарашда бу камтарона ҳаёт кечираётган покиза оила қўшни бадавлат хонадонга қарама-қарши қўйилаётгандай, бу оиланинг турмуш тарзи намуна — идеал қилиб кўрсатилаётгандай туюлади... Бироқ драматург бунақа жўн — ибтидоий талқиндан қочади. Зиёли оила аъзоларининг қўшни хонадонга муносабати икки хил: эр Сарварлар турмушидан ҳазар қилади, хотин эса бу хонадон аъзоларига чин инсоний муносабатда бўлади. Секин-аста бу идеал — намуна бўлиб кўринган оиланинг ҳам ўзига хос ички зиддият — муаммолари аён бўла боради. Буюк жарроҳ Дарвешали турмуш ўртоғи шифокор Гулнозани ҳар қанча ёниб севмасин, унинг кўйида телбаларча парвона бўлмасин, уни ўзгалардан қизғонмасин, барибир, бу дилбар аёлни кўнглини ололмайди, унга тўқис бахт ҳадя этолмайди. Ўн йилдирки, улар тирноққа зор. Гулноза ҳам ўз навбатида эри ва устози Дарвешалини ҳар

қанча ҳурмат қилмасин, барибир ўзини ундан қандайдир бегона ҳис этади. Асарда булар ҳақида ошкора гап йўқ; бу нозик руҳий драматик жараёни юракдан ҳис этиб турасиз ва унинг интиҳосини юрак ҳовучлаб кутасиз. Узоқ давом этган бу нозик руҳий драматик жараён пировардида портлашга олиб келади. Сарвар учун энг оғир дамларда Гулноза ҳам кўшни, ҳам шифокор сифатида унинг ёнида туриб бу самимий йиғитнинг қалб асрорини ўзича кашф этади, унга нисбатан ҳали севги деб бўлмас, қандайдир исмсиз майл уйғонади, кўнглида у билан ҳаж сафариға бирга кетиш истаги туғилади. Бундан огоҳ бўлган Дарвешали рашик, алам оловида жазаваға тушиб тилға олиб бўлмас сўзлар билан Сарвар ва Гулнозаға ҳаммалар қилади. Шу тариқа, сеҳрли қўллари, мислсиз жарроҳлик истеъдоди билан ўзи қайта жон ато этган одамни ўзи жондан жудо этади. Бундай шафқатсиз ҳамласи билан ўз навбатида Гулноза қалб кошонасини ҳам вайрон этади, Шуниси муҳимки, бундай шафқатсизлик — дағалликка нисбатан на Сарвар, на Гулноза қарши зарба бериш, шафқатсизлик қилиш йулини тутмайди. Сарварнинг беозор ўлими, ўлим олдида виро сўзлари, Гулнозанинг беозор, юксак одоб билан изҳор этган ўкинчлари ҳар қандай кучли зарбадан таъсирчанроқ чиққан.

Драма марказида турган персонажлар — Сарвар ва Дилора турмуши жумбоқлари, бу икки мураккаб шахснинг юрак сирлари ифодаси ҳам одат тусини олган талқинлардан йироқ. Сарварнинг ўз хотинини талоқ қилиб кўшни аёл Гулнозаға майл кўрсагиши қандайдир маънавий айниш, бойваччалик, мол-дунё туфайли «қутуриш» оқибати эмас. Бу йиғит удабурон хотин орқасидан омади келиб тадбиркор — миллионерға айланган, лекин бойликка ҳирс қўймаган, ўша самимий инсонлигича қолган. У тадбиркорлик бобида ҳам ҳалол йўлдан боради, пора билан иш битирадиган «ипринди — сипринди» «тадбиркорлар»ни жинидан баттар ёмон кўради, унинг кўнгли нопокликни, андишасизлик ва беҳаёликни асло кўтаролмайди. «Хотинининг марҳамати билан бойвачча бўлибди» қабилидаги таъналарға, эркатой кўҳлик хотинининг шўҳликларини тантиқликларига асло чидаёлмайди. Бундай турмушға чек қўяди. Бироқ талоқ — ажралиш ҳали унинг учун нажот — мушкулот чораси бўломайди. Орада бир-биридан ширин фарзандлар бор. Боз устига хотин ундан кўнгли узиб кетолмайди. Шу тариқа

йигит ҳадсиз бойлик эгаси бўлса-да, қўли ҳар жойга етса-да, барибир ўзини бахтсиз, ожиз, нотаваб сезади; фаровон, дабдабали ҳаёт унга асло татимайди.

Масаланинг чигал томони шундаки, кўринишидан эркатой, шаддоод, енгилтак, тантиқ аёл Дилора аслида пок, хиёнат кўчасига кирган эмас. Унинг рашк, ғазаб оловида ёнган эрига қарата «Эркалик қилган бўлсам қилгандирман, енгиллик қилган бўлсам, қилгандирман. Лекин тепамда худо, бирор ит теккани йўқ жисмимга. Жисмим пок, виждоним ҳам» деган сўзларига ишонмай иложингиз йўқ. У алам, аччиқ устида эрини, фаришта аёл Гулнозани ҳақоратлар билан булғаса-да, Сарварнинг ҳам, Гулнозанинг ҳам бегуноҳлигини яхши билади. У Сарварсиз турмушни тасаввур эта олмайди; Сарварсиз мол-дунё кўзига кўринмайди. Дилоранинг Сарварга қарата: «Сизсиз ёрут дунё қоронғу менга, жоним. Жонгинам, ҳайдаманг мени... Шу хонадонигиздан биттао битта ҳужра берсангиз бўлди. Болажонларим билан келиб турай. Майли, бошқа хотин олинг. Мен хизматингизни қилай, чўри бўлай, малай бўлай. Фақат ҳайдаманг. Сизни кўриб юриш бахтидан жудо қилманг, мен бахти қарони» деган илтижоларини тинглаганда киши ўзини қўярга жой топа олмай қолади.

Хуллас, Сарвар ҳам, Дилора ҳам, Дарвешали ҳам, Гулноза ҳам — драмадаги барча етакчи персонажлар гўзал шахслар, даврнинг асл бокира, бахтли бўлишга, эҳтиромга лойиқ одамларидир. Чигал инсоний муносабатлар ҳақида баҳс этувчи бу драма қандайдир нурли, бокира бир туйғу билан йўғрилган.

Сарвар билан Дилора оиласидаги фаровонликни, пешқадам зиёлилар Дарвешали ва Гулноза орасидаги ўзаро ҳурмат-эҳтиром, эл-юрт ишига, касб-корига садоқатни кимлар орзу қилмайди, дейсиз! Нега шундай бўла туриб бу икки оилада бу хил кўнгилсизликлар рўй берди? Нега бу оила аъзолари бахтсиз? Бошга тушган савдоларга, турмуш чигалликларига нажот топа олмай ўртанадилар? Бунга ҳаёт дейдилар, кўнгил кўчалари дейдилар, бу драма инсон ҳаёти, қалби нақадар мураккаб, сир-синоатта бой, уни англаш, қадрлаш аслида ўзига хос илм, юксак санъат эканини яна бир қарра эслатиши, бизни жиддий ўй-мушоҳадаларга ундаши билан қимматлидир.

О.Ёқубов ижоди – роман, қисса, драмалари М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Худойберганов, Л.Теракопян каби олимлар, йирик адабиётшуносларнинг тадқиқотларида кенг таҳлил этилган ва ўзбек адабиётининг жиддий ютуғи сифатида баҳоланган.

Замонавий ўзбек адабиёти камоли, шухратиши жаҳонга танитишда Одил Ёқубов асарларининг хизмати беқиёсдир.

### Таянч сўз ва иборалар:

адиб, жамоат арбоби  
ҳикоянавис, қиссанавис, романнавис, драматург  
замондошлар образи  
диёнат, эътиқод, ақолат  
шафқатсиз реализм  
тарихий роман  
роман поэтикаси  
полифоник роман  
мистификация

### Савол ва топшириқлар:

1. О.Ёқубовнинг янги ўзбек адабиёти тараққиётидаги хизматлари нималардан иборат?
2. О.Ёқубов публицистикаси тўғрисидаги фикрингиз қандай?
3. Адибнинг замондошлар ҳақидаги асарларига хос асосий хусусиятларни аниқланг.
4. «Улугбек казинаси», «Кўҳна дунё» асарлари миллий тарихий романчилигимизга қандай янгиликлар олиб кирди?
5. Адиб ижодининг адабиётшуносликдаги талқини хусусида нималарни биласиз?

### Адабиётлар:

1. Одил Ёқубов. Сайланма. Уч томлик. Т., 1985–87.
2. Одил Ёқубов. Қайдасан, Морикю? Т., 2002.
3. Расулов А. Тиниқлик. «Янги замон – янги қаҳрамон», Т., 1976.
4. Худойберганов Н. Парвоз давом этади. Т., 1980.
5. Қўшжонов М. Қалб поклиги. Сайланма. Икки томлик, 1-том. Т., 1982.
6. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т., 2004. Б.410–424, 586–593.

## ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

XX аср ўзбек адабиётининг иккинчи ярми тараққиётида Пиримқул Қодировнинг муносиб ўрни, хизмати бор. Пиримқул Қодиров аввало моҳир прозаик – замондошлари ҳақидаги "Уч илдиш", "Қора кўзлар", "Олмос камар", "Қадрим", "Эрк", "Мерос", "Жон ширин" каби асарлари, кўплаб публицистик мақолалари, тарихий мавзудаги "Юлдузли тунлар" ("Бобур"), "Авлодлар довои" ("Ҳумоюн ва Акбар") романлари билан халқимизнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. У А.Толстой, А.Чехов, К.Федин, Х.Деряев, Толис ижодидан таржималар қилди. Айни пайтда адиб бадиий ижодни, таржимонликни илмий-тадқиқот ишлари билан қўшиб олиб борди, филология фанлари номзоди, илмий ходим сифатида узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида хизмат қилди, "Ўзбек совет адабиёти тарихи", "Ўзбек совет адабиёти танқиди тарихи"ни яратишда иштирок этди. Пиримқул Қодировнинг илмий, адабий-танқидий фаолияти доираси кенг, лекин у кўпроқ бадиий асар тили, ёзувчи маҳорати муаммоларини ўрганди. Олимнинг "Ўйлар", "Қалб кўзлари" китобларига кирган бадиалар, ўйлар, эсдаликлари, "Дил ва тил", "Халқ тили ва реалистик проза" тадқиқотлари шундан далолат беради.

Пиримқул Қодиров 1928 йил 25 октябрда Тожикистон республикасининг Ўратепа туманидаги Кенгқўл қишлоғида туғилган. Отаси Қодир Йўлдош ўғли, онаси Ўғилой Ҳусан қизи палаги тоза, бадавлат Амир Темур авлодига мансуб қадим туркий барлос уруғларидан бўлган... Пиримқул уруш ва урушдан кейинги йилларда жамоа хўжалигида, йўл қурилишида, сўнг Бекобод металлургия заводида ишлаган. 1951 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тугатиб Москвадаги М.Горький номидаги Адабиёт институти аспирантурасида таълим олади, "Абдулла Қаҳҳорнинг урушдан кейинги ижоди" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1954–1963-йилларда у Москвада собиқ СССР Ёзувчилар уюшмаси қошида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлади. 1963–1976-йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими вазифасини бажарди.

Пиримқул Қодиров давлат ва жамоат арбоби сифатида

ҳам танилган. У Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши депутати, Республика Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлис фан, маданият ва таълим қўмитаси раиси сифатида кўп хайрли ишларни олиб борди. Айни пайтда адиб адабиёт, санъат, архитектура бўйича республика давлат қўмитасига раислик қилмоқда.

Пиримқул Қодиров XX аср 50-йилларининг ўрталарида бошланган янги уйғониш даври воқеалари вояга етказган адабий авлодга мансуб. Пиримқул Қодировнинг илк ижодий машқлари матбуотда 40-йилларнинг охирларидаёқ кўрина бошлаган. 1950 йилда "Студентлар" ҳикояси алоҳида китобча бўлиб чоп этилган бўлса ҳам, 1957 йили ёзиб тугатилган "Уч илдиш" романи, ҳа, айтиш ўша давр руҳи билан йўғрилган шу асарни орқали ёзувчи сифатида танилди. Ўша йилнинг кеч кузида роман кўлёмаси республика ёзувчилар союзига муҳокама қилинди. Муҳокамада устоз Абдулла Қаҳҳор: "Анча вақтдан бери мен ўзбек адабиётида момақалдиروق гулдуросини эшитмай юрган эдим. Назаримда, мана шу асар адабиётимизга момақалдиروقдай гулдурос солиб, чақмоқдай ялтиллаб кириб келяпти"<sup>1</sup>, – дея юксак баҳо берди. Кейинчалик бу асар ҳақида М.Авезов, И.Султон, Р.Ходизода, А.Батъ каби улкан ёзувчи ва адабиётшунослар кўп илиқ гаплар айтди, ўзбек адабиётшунослигида кенг таҳлил этилди.

"Уч илдиш" 50-йиллар ўрталаридаги муҳим тарихий жараёнларнинг қайноқ изидан бориб ёзилган, ўзбек адабиётида, балким кўпмиллатли совет адабиётида шахсга сиғинишнинг ноҳуш оқибатларини биринчилардан бўлиб акс эттирган йирик асардир. Шахсга сиғиниш муҳитида етишган, догматизм ҳамда вульгар социологизм ақидалари билан заҳарланган, демагогияни ўзига қурол қилиб олган, шу ақида ва қурол воситасида мансаб-мартабаларга, илмий даражаларга кўтарилган ҳолис, истеъдодли, ҳақиқий фан заҳматкашларини йўлдан олиб ташлашга эришган кимсаларнинг мудҳиш хатти-ҳаракатини, асл қиёфасини фош этиш, кескин бурилиш мароғида етишиб чиққан ўшандай кимсаларга, қабохатларга қарши турган янги типдаги кишиларни кўрсатиш, ҳимоя қилиш – романнинг асосий гоявий-бадиий мундарижасини, пафосини ташкил этади.

Роман воқеалари бир олий ўқув юртида бўлиб ўтади, асар қаҳрамонлари зиёлилар – профессор-ўқитувчилар,

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. Т., Ё.Ғулом номидан нашриёт. 1987. 346-бет.

аспирант ва студентлар. Асардаги можаролар эса асосан мафкуравий кураш теварагида кетади; унда ёшларнинг ишқ-муҳаббати, севгидаги адашшлар, янгича ва эскича қарашларнинг тантанаси, ўқув-тарбия масалалари билан боғлиқ можаролар ҳам қаламга олинади, бироқ булар ҳам ҳар хил йўллар билан бош масалага — идеологик-мафкуравий курашларга бориб уланади, персонажларининг ҳақиқий бисоти асосан ўша бош масалага муносабатда намоён бўлади. Бу жиҳатдан “Уч илдиз” маълум даражада Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романини ёдга тутилади.

Дарвоқе, Пиримқул Қодиров Тошкент Давлат университети Шарқ факультетига ўқиган, бадиятга майл кўрсатиб ижодий машқлар қилиб юрган пайтидаёқ А.Қаҳҳор асарларига ихлоси ниҳоятда баланд эди, илк машқларидан бирини А.Қаҳҳорга ўқиб бериб, устоз маслаҳатини олган, кейинроқ Москвада аспирантурада А. Қаҳҳор ижоди бўйича илмий тадқиқот олиб борган, бу улкан санъаткор маҳорати сирларини махсус ўрганган эди. Ёзувчи “Уч илдиз”да студент-ёшлар, зиёлилар ҳаётига мурожаат этар экан, сал бурун ўзи меҳр қўйиб таржима қилган К.Фединнинг “Илк севинчлар” романи қатори “Сароб” тажрибаларидан руҳланди, озиқ олди. “Студентлар ва зиёлилар ҳаёти “Сароб” романида қанчалик теран ва таъсирли кўрсатилгани кўпчиликка маълум, — деб ёзади Пиримқул Қодиров “Абдулла Қаҳҳор сабоқлари” мақоласида. — Мен ҳам биринчи романимни студентлар ва зиёлилар ҳаётидан ёзмоқда эдим... Тилда, тасвирий воситалар танлашда Абдулла аканинг энг яхши анъаналарига кучим етганича амал қилдим, аммо “Сароб”даги психологик теранликлар, айниқса, салбий қаҳрамонларни ичдан кўрсата олиш санъати мен учун эгаллаш маҳол бўлган марралар эди”<sup>1</sup>.

Ижодий таъсир, анъана кўпқиррали, мураккаб жараён. У тўғридан-тўғри устозлар тажрибасини ўзлаштириш, давом эттириш тарзида ҳам, устозлар билан баҳс-мунозара тарзида ҳам бориши мумкин. Пиримқул Қодиров А.Қаҳҳор тажрибасига ижодий ёндашади, давр руҳидан келиб чиқиб ҳодисани янгича талқин этади. “Замонлар ўзгарган, мен мансуб бўлган ёш авлод “Сароб”даги студентларга ўхшамас эди, — дейди ёзувчи... Одамларнинг тақдири ҳам бизнинг замонларда бошқача ҳал бўлмоқда эди... Янги бир маънавий

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. 345-бет.

кўтарилиш жараёни, ноҳақ қораланган кўпгина яхши одамларнинг оқлангани студентлар ва зиёлилар ҳақидаги бу романи бошқача ёзишни талаб қилди"<sup>1</sup>.

"Уч илдиш" романи ҳам худди "Сароб" каби икки студент ёшнинг бир-бирлари билан танишуви, муҳаббат тасвири билан бошланади; бу ерда ҳам "Сароб"даги сингари ёшлар орасидаги севги ришталари уларни даврнинг ижтимоий-мафкуравий давралари билан боғлайди; роман қаҳрамонлари Маҳкам меҳр қўйган қиз Гавҳар "урилган", "номига доғ тушган" кишининг — тарихчи олим Тошевнинг қизи бўлиб чиқади. Тошев эса худбин, мансабпараст, демагог кимсалар қутқуси билан "мафкуравий хато" қилганликда айбланиб партиядан ўчирилган, ишдан четлатилган. Маҳкам учун энди секин-аста университетдаги, факультетдаги носозлик ва носоғлом муҳит — декан Ҳакимов билан Эшонбоевнинг қинғир ишлари, ҳалол, олижаноб, етук олим Акбаровга қарши уюштирилган бўҳтондан иборат ғоявий айбномалар сири ошкор бўла боради. "Сароб"даги мафкуравий курашларнинг моҳияти аён: гарчи бош қаҳрамон Саидий дуч келган Муродхўжа домла, Салимхон ва Мухторхонлар яширин йўллар билан кураш олиб борсалар ҳам уларнинг янги жамият душмани экани маълум; "Уч илдиш"да эса ўзгача манзара: ўзларини социалистик ғоя носонлари деб санаган кимсалар аслида шу ғоя, шу тузум зарарига иш кўрадилар, улар назарида социалистик ғояга зид борганлар эса адолат ва ҳақиқатнинг садоқатли одамлари бўлиб чиқади. Ёзувчи шу мураккаб тоифа одамлар асл қиёфасини, туб моҳиятини очишга уринади. Асар бош қаҳрамони, янги муҳит авлоди вакили Маҳкам дуч келган энг хатарли хавф — декан Ҳакимов билан унинг шогирди, издоши Эшонбоев. Аввало уларнинг мафкураси, мафкуравий кураш усули хавфли. Шахсга сиғиниш муҳотида шаклланган кишиларни бошқаришнинг осон йўллари билан бири — қўрқитиб бошқариш йўли бўлган. Ҳакимов шу усулга амал қилади, у ўзининг ғашига тегиб юрган одамларга худди шу усул билан муомала қилади ва муайян муваффақиятларга эришади. Бу соҳада унинг энг катта муваффақияти — Умаровнинг қамалиб кетиши, Тошевнинг оғир жазо олиши, Акбаровнинг эса таъқибга учраши. Бу тиндаги кишилар қилмишининг хатарли жойи

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. 345-бет.

шундаки, улар пичоқ ўқталиб қўрқитмайди, энг азиз сўзларни, энг азиз ахлоқ нормаларини пичоқ қилиб ўқталиб қўрқитадилар. Ҳакимов характерининг яна бир жиҳати шуки, ўзидан "пастроқ" турганларнинг қўрқиб ҳурмат қилишига ўрганган бу кимса ўзидан "юқори" турганларни қўрқиб ҳурмат қилади. Бу хилдаги қўрқишу қўрқитишларнинг заҳари факультетда, университетда, боринги, республикада, мамлакатда қанчадан-қанча одамларнинг онгини заҳарлаган экан! Қўрқитиш ва қўрқишнинг энг заҳарли меваларидан бири ёлгон билан қаллоблик. "Ҳеч ким ўз-ўзидан ёлгончи бўлмайди. Ахир ростгўйликнинг афзаллигини, гўзаллигини ким билмайди. Лекин киши рост гапни айтишдан қўрқса-ю, бирор нарса дейишга мажбур бўлса, ёлгон гапиреди. Бир марта, икки марта, уч марта шундай қилади-ю, кейин ёлгон билан мушкулени осон қилишга ўрганиб ёлгон гапиреди. Бу ёлгон аввалги ёлгонга қўшилиб баттар қўрқитади. Кейин қўрқувдан — ёлгонга, ёлгондан қўрқувга узлуксиз йўл очилаверади. Агар ҳамма Ҳакимовдай қўрқитиб бошчилик қилиш йўлига ўтса, ҳамма ёқни ёлгончилик босиб кетар эди". Асар персонажларидан бири ҳалол, виждонли педагог—олим Акбаров томонидан айтилган бу гапларда шахсга сифиниш муҳитида шаклланган зўравонлик психологияси моҳияти нақадар аниқ-равшан ифода этилган! Бундай бошқариш усули жиддий маънавий инқирозларга, кўплаб жиноятларга йўл очиб берганлигини, бу ҳол халқимиз учун қанчалар қимматга тушганлигини бугун ҳамма билади.

Ҳакимовлар жинояти фақат шу билан чекланмайди. Улар эркин фикрнинг, чинакам истеъдодларнинг, бинобарин, илмий-маданий тараққиётнинг қушандаларидир. Чунончи, Тошев капитализмнинг нотекис тараққиёти ҳақидаги таълимотга таяниб, 50-йиллардаги реал вазият таҳлилидан келиб чиқиб ҳозирги буржуа жамиятидаги мураккабликларни, буржуазиянинг ўлиб бораётган қисми билан энди давлат тепасига келиб ҳали омма билан алоқасини узмаган қисми орасидаги жиддий зиддиятни исботлаб бермоқчи бўлганда, бу ғоя мавжуд стеригипларга зид бўлгани учун "буржуа апологети" — маддехи, "буржуазияни ҳимоя қилган"ликда айбланади; Акбаров эса Андижон қўзғалони ҳақида ҳақ гапи — "Илгари қўзғалонни бутунлай прогрессив деганлар ҳақ эмас эди, ҳозир уни

бутунлай реакционга чиқариб қўйганлар ҳам, менингча, тўғри қилмаяпти, чунки бу кўпқиррали ҳодиса, унинг ҳамма жиҳатлари ўрганилиб чиқилмагунча аниқ хулоса чиқариш қийин” дегани учун уни; «Андижон кўзғолони ҳақидаги эски реакцион фикрни қайта тиклашга” уриняпти деб айблайдилар; унинг ҳар бир гапидан, хатти-ҳаракатидан чатоқлик қидирадилар, “Акбаров Чоризмни танқид қиламан деган баҳона билан Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi прогрессив ҳодиса эканлигини инкор этган” деган айбни тақайдилар, сўнгра биографиясини суриштириб, қалбаки ҳужжатлар уюштириб “Акбаров бир пайтлар душман синфидан чиқиб, партияга алдамчилик йўли билан кириб олган ёт одам, ҳозир ёшларнинг онгини заҳарлаётгани ҳам шундан, уни дарҳол фош қилиб, тегишли жойга ошириш керак” деган қарорга келадилар... Бурунлари қанчадан-қанча ҳур фикр, катта ақл-заковат, улкан истеъдод эгалари тубан, қабиҳ, истеъдодсиз кимсаларнинг шу хилдаги бошдан-оёқ демагогликдан иборат бўҳтонлари туфайли қурбон бўлиб кетмадими ахир! Тошев билан Акбаровнинг бахти, омади шундаки, 50-йилларнинг ўрталаридан бошланган муҳим ўзгариш уларни мудҳиш фалокатдан асраб қолди, Тошев, Акбаров типидagi одамларга муносабат ўзгарди. Ҳақ иш қарор топиб, улар яна ҳаётга, ўз меҳнат, ижод оламига қайтдилар, Ҳакимов жазо олиб деканликдан, кафедра мудирлигидан тушади, шафқат юзасидан муаллимликда қолдирилади. Ҳакимов учун энг катта жазо — унинг кимлигини ҳамма билиб, ҳалол одамлар ундан жирканадиган бўлиб қолганида. Ёзувчи пировардида Ҳакимов характери на хатти-ҳаракатидаги бир ҳолатга урғу беради. У осонгина, гўё ҳеч нарса бўлмагандек замонга мослашиб олади, йигирманчи съезд ҳақида гап борганда, доклад ва нутқларнинг дуч келган жойларини кўкларга кўтариб мақтайди, бюрократизмга қарши кўкрагига уриб сўзлайди, ижтимоий адолатнинг қайта тикланишига ҳаммадан ортиқ қувонч билдиради... Ҳозирги истиқлол пайтида майдонга чиққан айрим фаоллар — кунги кеча мустабид тузумни мадҳ этишда иш кўрсатиб, бугунги кунда оғзида истиқлол ҳақида ҳаммадан кўп гапириб амалда фақат ўз жони, манфаатинигина ўйлайдиганлар аслида ўша Ҳакимовларнинг бошқачароқ нусхаларидилар.

Эшонбоев ҳам устози Ҳакимов изидан бориб, Акбаровни “фош этишда” фаол иштирок этади, олимнинг

"Ўтган асрларда Бухорода ўнлаб мадрасалар бўлган" деган сўзини "ўтмишни идеаллаштириш"га йўяди. Олим биографиясидан кўнаиб чатоқликлар топади, бу "ҳушёр" кимса талабалар фаолиятдан ҳам нуқул ғоявий хатолар қидиради. Шуниси қизиқки, жамият жонкуяри, социалистик мафкура ҳимоячиси бўлиб кўринган бу кимса маънавий-ахлоқий жиҳатдан "тубан, илм-фанда ўта нўноқ, фикрий жиҳатдан саёз одам. У соддадил қиз Замирани йўлдан оздиради; у ёзган диссертация илмий асар эмас, юбилейларда қилинадиган тантанали докладни эслатади. Унинг ғояларимиз ҳимояси учун курашида самимийликдан асар ҳам йўқ, олим Акбаров унинг илмий иши ҳақида ҳақ гапни айтгани учун хусумат билан ундан хато қидиради, Замира туфайли Очиқ тевараида иғво тарқатади... Бу — фақат Эшонбоевга эмас, илм-фан оламидаги жами демагог, лўғтибозларга хос хусусият.

Эҳтимол, романда Ҳакимов, Эшонбоев образлари ичдан бутун психологик теранликлари билан етарли очиб берилмагандир. Уларнинг Тошев ва Акбаровларга қарши олиб борган курашлари бутун мураккаблиги, кескинлиги билан кўрсатилмагандир; ёзувчи қарама-қарши қутблар орасидаги мафкурaviй кураш ва олишувларни бевосита эмас, балки кўпроқ парда орқасида беради. Аммо шу ҳолда ҳам, асарга ўшандай кескин ижтимоий конфликтларни олиб кирилишининг ўзиёқ катта ижодий жасорат эди. "Уч илдиш"нинг русча таржима кўлёзмаси Москвада айрим галамислар қутқуси туфайли қаршиликка, танқидга учради, бироқ М.Авезов, К.Симонов каби улкан адиблар қатъий туриб уни ҳимоя қилдилар, асар рус тилида бир неча бор нашр этилди, ижобий баҳоланди.

Пиримқул Қодиров "Уч илдиш" устида қизгин иш олиб бораётган кезларда 1956 йили "Ўтган кунлар" романи билан танишди. Бу танишув унга катта қувонч бахш этди. Ёзувчи ўша қувончли дақиқаларни эслаб ёзади: "Менга шу вақтгача етишмай юрган янги бадий нафосатнинг бир янги турини — ўсаётган ёш танга зарур бир "витами"ни Абдулла Қодирий романларидан топгандай суюндим. Бу янгича нафосат ҳам дилимга пайванд бўлиб, ёзаётган нарсамга олижаноб таъсир кўрсатгани ўзимга кейин сезилди... Давримизнинг ижобий қаҳрамонларидаги инсоний жозиба

мени кўпроқ ўзига тортарди"<sup>1</sup>. Бу нарса айниқса ёшлар, биринчи галда Маҳкам билан Гавҳар, улар орасидаги самимий, беғубор, ҳаётбахш севги мулоқотлари ифодасида ёрқин кўринади. Пиримқул Қодиров ижодига, "Уч илдиш" романига бағишланган мақолаларда Маҳкам, Гавҳар образлари тўғрисида кўп тапирилган, бу ерда уларни тақдорлашга ҳожат йўқ. Фақат бир нарсани таъкидлаш лозимки, ёзувчи устоз Қодирий анъаналарини давом эттириб, бу романда ва бошқа қатор асарларда ёшлар маънавий ҳаёти ва тақдирида чин севгининг нафосати ва ҳаётбахш кучини очиб беришга айрича аҳамият беради. Пиримқул Қодиров талқинида чин севги фақат икки ёшнинг бир-бирига самимий таллиниши, кўнгли сурури, бегараз муносабатигина эмас, балки катта масъулият, улар орасидаги маслак, эътиқод, мафкуравий ҳамкорлик; самимий, интим севги ижтимоий мазмун билан бойиса, одамни юксак мақсадлар сари ундайди, кенг миқёсларга олиб чиқади. Маҳкам билан Гавҳар орасидаги севги аини шундай фазилатлар билан йўғрилгани — улар ҳамфикр, маслакдош бўлганликлари учун шунчаки вафодор олиқ-маъшуқлар эмас, ижтимоий адолат учун фаол курашчиларга айланадилар. Аини шундай талқин ёзувчининг галдаги асарлари "Қора кўзлар" романи, "Жон ширин" ҳикоясида янада сайқал топди.

"Қора кўзлар" романи ёзувчи ижодида олға ташланган қадам, ўзбек романчилигида муҳим ҳодиса бўлди. Қишлоқ, аниқроғи, чорвадорлар ҳаётидан олинган бу асар қишлоқ ҳақидаги стереотипларни чилларчин этиб, адабиёт юзини реал ҳаётга, ҳаётнинг ўткир муаммолари, чигалликлари томон буриб юборишда муҳим рол ўйнади. Адабиётшунос М.Қўшжонов ҳақли равишда "Қора кўзлар"ни "она асар" деб атайди. Дарҳақиқат, ёзувчининг кейинги кўп асарлари шу романдан ўсиб чиққан; муҳими, бу романга хос реалистик принциплар кейинги асарларида изчил давом эттирилди, янада чуқурлашди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин яратилган қишлоқ ҳаётидан олинган кўпчилик асарлар "конфликтсизлик назарияси" таъсирида битилган, уларда ҳаётни бўяб-бежаб тасвирлаш тамойили чуқур илдиш отгани, ёзувчилар қишлоқ кишилари турмушидаги реал қийинчилик, онгидаги

---

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор замондоилари хотирасида. 341 – 345-бетлар.

мураккабликлар, ижтимоий ҳаётдаги зиддият ва чигалликларни четлаб ўтганликларини, асарларда нуқул иккинчи даражали китобий "муаммолар", ноҳаётгий конфликтлар қаламга олинганлигини, қишлоқлар "коммунизм гулбоғлари"га жуда яқин, одамлар руҳи бениҳоя баланд, меҳнати қувончу сурурга тўла, далада байрам тарзида талқин этилганини яхши биламиз. Ўзбек адабиётида илк бор Абдулла Қаҳҳор ўзининг "Синчалак" қиссаси орқали сўз санъати билан қишлоқ ҳаёти орасига тортилган пардани очиб, ҳақиқий турмуш манзарасини, қишлоқ аҳли, хусусан аёллар турмуши, меҳнати қанақа эканини кўрсатди, уларнинг юрак дардини ошкора айтди. Шуниси ҳам борки, "Синчалак"да марказга яқин донгдор колхоз ҳаёти акс этган эди. Модомики, пойтахт биқинидаги донгдор колхозда аҳвол шундай бўлса марказдан йироқдаги минг-минглаб ўртача ва қолоқ қишлоқ хўжаликларидаги меҳнат аҳлининг, қишлоқда катта куч саналган деҳқон аёлларнинг ҳоли қанақа экан! "Қора кўзлар" автори худди ўшандай олис қишлоқ, орқада қолган хўжалик ҳаётини роман кўзгусига солиб бор ҳолича кўрсатади. Асар болдан-оёқ оддий, камсуқум, заҳматкаш меҳнат аҳлига, ҳар қандай мураккаб, мушкул вазиятларда ҳам инсоний фазилатларини сақлаб қололган асл инсонлар — қора кўзларга чуқур ҳурмат, ҳамдардлик руҳи билан сугорилган. Ёзувчи худди ўша қора кўзлар — ҳалол, камсуқум, жафокаш кишилар бошига тушган кулфатлар учун чин дилдан қайғуради, улар адашганида астойдил ачинади, уларни чалғитган, турмушини, тақдирини чигаллаштирган ҳаётий-маънавий омиллар устида теран мушоҳада юритади. Улар бахтига зомин, камолотига, олижаноб мақсад, озру-интилишларига тўғаноқ бўлаётган кимсалар қилмишини, тубан маънавий дунёсини қаҳр-ғазаб билан фош этади.

Роман воқеалари юз берган макон — Ойкўлда эскича тушунчалар, қолоқ одатлар таъсир доираси хийла кенг, хусусан, маиший ҳаётда, оилавий — эр-хотин, қайнона-келин муносабатларида, аёл зотига муомалада инсон эркини бўғадиган, шаънини оёқ ости этадиган таомиллар давом этади. Ёзувчи бу романида маиший ҳаёт икир-чикирларининг чуқур билимдони эканини намойиш этади. Йўқ, ёзувчи ўзининг халқ маиший турмушини яхши билишини кўрсатиб қўйиш, шунчаки қишлоқ ҳаётининг этнографик манзараларини гавдалантириш учун қалам тебратган эмас,

роман муаллифини қолоқ қараш, таомилларнинг маънавий-социал оқибати ўйга толдиради; адиб қолоқ тушунчаларга, одамлар турмушини ва онгини заҳарловчи бир оғу деб қарайди, қолоқ тушунчалар ака билан укани бир-бирига рақиб қилиб, ҳали ақлини танимаган норасидаларнинг кўнгли майлини, эркини жиловлаб қўяди, соф севгини уятга йўяди, севишганларни хижолатда қолдиради, эр билан хотин, қайнона билан келин, она билан бола ўртасига нифоқ солади, кескин драмаларга, хатарли фожиаларга йўл очади, одамнинг одамлик қадрини, нафсониятини ерга уради, одамни одамдек яшаши учун тўғаноқ бўлади. Қолоқ тушунчаларнинг яна бир хавфи жойи шундаки, улар ниҳоятда яшовчан, уларга қарши курашиш, уларни бартараф этиш бениҳоя мушкул. Романи ўқиганда китобхон буни бутун қалби билан ҳис этиб туради.

Ҳар қанча ҳаққоний ва таъсирчан бўлмасин, реалистик роман учун майший турмуш тасвирининг, маънавий-ахлоқий масалаларнинг ўзи мутлақо кифоя қилмайди, ҳақиқий роман учун жамият ҳаётининг социал таҳлили ҳам керак, зотан социал таҳлил реалистик романининг, умуман реализмнинг қони-жонини ташкил этади. "Қора кўзлар"да 60-йиллар бошларидаги қишлоқдаги социал муносабатлар яхши таҳлил этиб берилган. Бир вақтлар ҳалол, эл-юрт ғамини ўйлайдиган раҳнамоларнинг ташаббуси, эл кўнглига йўл топиб уларни улуг ишларга руҳлантириши туфайли Ойкўл обод, фаровон хўжалик бўлган. Афсус, 30-йиллардаги мураккабликар, уруш даври келтирган кулфатлар, урушдан кейин йўл қўйилган хатолар, субъективистик ва вольюнтаристик чала-думбул тадбирлар, чуқур ўйланмаган қарор ва кўрсатмалар, энг ёмон, ўша мураккаб шароитда этишиб чиққан мунофиқ, калтабин, худбин, бюрократ раҳбар ходимларнинг айби билан Ойкўл хўжалиги чўкиб қолган. Бу ерда коллектив хўжалик, ижтимоий адолат принциплари оёқ ости этилади. Бу ҳол одамларининг руҳиятига, маънавиятига, ишонч — эътиқодига раҳна солади.

Романда шахсга сифиниш, мустабид тузум муҳотида етишган мансабдор шахсларнинг хилма-хил образлари яратилган. Булар — Ортиқ, Давлатбеков ва Исмаи боболар. Давлатбеков Ойкўлга раис бўлган кезларда қилган энг катта гуноҳларидан бири шуки, у "чорвадорликда Американи қувиб ўтиб кетамиз! Рязанликлар ташаббусига қизгин қўшилиамиз" деб радиода жўр солган, газеталарда чиққан.

Давлатбеков рязанликлардан ҳам ошиб кетишга интилиб, эллик тўққизинчи йилда гўшт топшириш планини икки юз фоиз бажаради ва орден олади. Ўша йили Ойкўлнинг чорваси аввалгидан беш баравар камайиб кетади. У ўз нафси, шон-шухрати йўлида кўпчилик манфаатини сира тап тортмай қурбон қилаверади. Худбинлик, манфаатпарастлик бобида Ортиқ Давлатбековни ҳам ортада қолдириб кетади; у ҳам нафси йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди, унинг учун шахсий майл олдида эл-юрт манфаати, оддий одамгарчилик, ота-она, яқин кишилар олдидаги қарз – бурч, ор-номус, инсонлик шаъни бир пул. Унинг ақидаси – нима қилиб бўлмасин катталарга ёқиш; иниси Аваз унга "сиз мунча директорга ёқишга тиришасиз" деб дашном берганида у: "Соддасан-да, ука. Битта мени шундай деб ўйлайсанми? Директоринг ҳам ўзидан катталарга ёқишга тиришади. Юқоридагиларга ёмон кўринган одам масъул ишда ярим йил ҳам ишлай олмайди", – дейди. Аваз яна "Пастдагиларга ёмон кўринса-чи?" – дея писанда қилганида юзсизлик билан: "Бу ҳам ёмон, лекин юқорида суйадиганинг бўлса "пастдагилар" суймаса ҳам беш-олти йил чидаб бериш мумкин", – деб жавоб қилади. Булар шунчаки ака билан ука орасидаги келишмовчиликларни таъкидлаш учун келтирилган гаплар эмас; ўша кезлари хийла кенг тарқалган Ортиқ типидagi раҳбарлар мафкурасининг айнан ўзидир. Шу ақидага амал қилган раҳбар ходимлар халқ манфаати учун қанчалар зарар келтирганини мана энди бутун даҳшати билан кўриб-билиб турибмиз.

Исмат бобо моҳият-эътибори билан Давлатбеков ва Ортиқдан ҳам хавфлироқ шахс. Бир қарашда у мурувват – шафқатга муҳтож одам: кўзи ожиз, ёши бир жойга бориб қолган. Китобхон унинг бисоти, қилмиш-қидирмишлари, ёвуз ҳаракатлари билан таниша борган сари, у шафқат мурувватга эмас, қаҳр-ғазаб, нафратга сазовор бир кимса эканини билиб олади; бу қария бир вақтлар ҳукумат номидан одамларни кўрқитиб кун кўрган, игво, чақимчилик билан кўп яхши ходимларнинг бошига етган, даврлар ўзгариб, қисман хатосини англаб бир оз довдираб, ваҳимага тушиб қолган, кўзининг ожиз бўлиб қолиши ҳам шундан. Аммо бу даҳшатли маҳлуқ отдан тушса ҳам эгардан тушгани йўқ, энди у тақводор бўлиб олиб, одамларни худо номидан кўрқитади; персонажлардан бирининг сўзи билан айтганда

унинг кўзи эмас, виждони кўр, инсофи кўр. У одамларнинг ҳалол, яхши яшадини, одамлар орасидаги чин инсоний муносабатларни, одамлар эрки, бахти, қувончини кўролмайди; кўзи ожиз, ногирон ҳолда ҳам қурби етган жойда тош отади, ўз жигарбанди — ўғли Холбекни, куёви Ортиқни гуноҳ ишларга йўллайди, игво-чақув билан келини Жаннатой дилини хуфтон, рўзгорини хонавайрон этади...

Табийки, шу тур раҳбар ходимлар, даҳшатли маҳлуқлар қилимиши қишлоқдаги социал ва иқтисодий мураккабликлар одамларнинг маданий-маиший турмушларига, маънавиятига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатади; қолоқ тушунча, одатларнинг кенг амал қилиши учун қулай замин яратади. Бу тушунча ва таомиллар билан социал адолатсизликлар қўшилиб оддий меҳнат аҳли, айниқса аёллар тақдирини чигаллаштириб юборади. Романда буни ёзувчи Аваз, Холбек, Ҳулкар, Жаннатой, Чўлпоной, айниқса Мадаминжон билан Маъсуда тақдири орқали ғоят таъсирчан ифода этади. Роман ичида келтирилган "Ўтган кунлар"даги Уста Олимнинг мунгли севги саргузаштларини ёдга туширадиган, бир томондан, мустақил, иккинчи томондан, асар ғоявий-бадий проблематикаси билан туталиб-чирмашиб кетган Мадаминжон ҳикояси, унинг ўз турмуш ўртоғи Маъсуданинг фожиали қисмати ҳақидаги алам-изтиробларга, ўкинч-армонларга тўла қиссаси жаҳолат ва ижтимоий адолатсизликларга қарши ўткир айбнома, аччиқ ҳаёт сабоғи каби янграйди. Гулдай нозик, маъсум, гўдакдек содда, беғубор Маъсуда жаҳолат зугуми, ўзининг гўдакларча мўмин-қобиллиги, қолоқ таомилларга қаршиликсиз итоати, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураша билмаслиги, ҳаттоки буни ҳаёлига келтирмаслиги, оилада ҳам, далада ҳам ўзини аямай ишлаши, энг асосийси, даҳлдор шахслар — эри, қайнонаси, хўжалик раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли соғлигини бой беради, бедаво дардга йўлиқиб ҳалок бўлади... Маъсуда қисмати Ҳулкар, Жаннатой, Чўлпонойлар, улар қадрига етмай ҳаётини заҳарлаётганлар учунгина эмас, умуман 60-йиллар ўзбек қишлоқларидаги реал аҳвол ҳақида жиддий огоҳлантириш эди! Айни шу ғоя ёзувчининг галдаги асарлари — "Жон ширин" ҳикояси, "Эрк", "Мерос" қиссасида яна ҳам кескинроқ оҳангларда янгради.

"Жон ширин" ҳикоясида автор фақат ишни, пахтани, план бажаришни, шу орқали келадиган шон-шуҳратнигина

ўйлаб одамлар ҳақ-ҳуқуқи, соғлиги, ҳаттоки, ҳаётини унутган кимсаларнинг ҳақиқий башарасини кўрсатди. Фаросатсиз бригадир, унга буйруқ берган зўравон раис, раисга дағдаға қилган райком секретари — мана шулар бири-бири билан чирмашиб кетган халқа жинояти туфайли "дори сепилган" пайкалда ишлашга мажбур этилган бир неча киши заҳарланади, бир норасида ҳалок бўлади. Ачинарли жойи шундаки, бу ишда гуноҳкорларни аниқлаш, айбини бўйнига олиш, айб учун виждонан эзилиш, бу аччиқ ҳақиқатдан тегишли сабоқ чиқариб олиш ўрнига гуноҳкорларнинг ўзлари ишни босди-босди қилишга тиришадилар, ҳўнг-ҳўнг йиғлаётган отани бунга кўндирмоқчи бўладилар, бу ишга рози бўлмаган, ҳақиқатни ҳимоя қилиб чиққанларга қарши бисотларидаги ҳамма усулларни ишга солиб кураш олиб борадилар; жафокаш ва ҳақиқат тарафдорларига садақанинъом ваъда қиладилар, бунга кўнмагач, дўқ-пўписа, дағдағага ўтадилар, демагоглик билан ўз қилмишларини оқламоқчи бўладилар. "Биз пахта фронтининг жангчиларимиз. Фронт эса қурбонсиз бўлмайди". Уларнинг ақидаси шундай! Гарчи "Эрк", "Мерос" асарларида пахта фронтининг шу хилдаги "жангчи"лари образи берилмаган бўлса-да, "Эрк"даги Ойшахон аввало оиласидаги қолоқ тушунчалар, оилавий чигалликлар, қолаверса, худди "Жон ширин" ҳикоясидаги "жангчилар" билан "командирлар"нинг бефарқлиги, шафқатсизлиги туфайли фақат меҳнат билан бўлиб ҳақ-ҳуқуқлардан, имкониятлардан бебаҳра, маънавий-маданий жиҳатдан орқада қолиб кетади, ўзининг эрки, нафсонияти, аёллик шаънини ерга уради, ҳаёти жар ёқасига келиб қолади... "Мерос" қаҳрамонлари, хусусан она пахта далаларида жонивор, от — темир кетмон дош беролмаган меҳнат мапшақатларига дош бериб ишлайди...

Йўқ, ёзувчи қишлоқ ҳаётини нуқул зулмат, ғурбат, далалардаги меҳнатни мушкулотдан иборат деб талқин этмоқчи эмас. Ёзувчи реализмнинг асл принципларига риоя қилган ҳолда, реал ҳаётни бор ҳолича мураккаблиги, қарама-қаршиликлари, мусбат ва манфий томонлари билан кўрсатишга жазм этади. П.Қодиоровнинг қишлоқ туркумига оид асарларида, айниқса "Қора кўзлар"да тоғ қишлоқларининг, яйлову арчазор қирларининг, булоқлардан ҳосил бўлган ирмоқлару қизғалдоқлар билан бурканган ўтлоқларнинг таърифга сиймас манзаралари,

севишганларнинг висол дамлари, очиқ далада тандир кабоб тортилган зиёфат гашти, қизлар базми — булар шоирона бир нигоҳ, зўр илҳом-эҳтирос билан ифода этилган. Ёзувчи олис қишлоқларга ҳам катта машаққатлар, курашлар билан кириб бораётган янгиликларни, янги типдаги одамлар образини зўр муҳаббат билан қаламга олади. "Қора кўзлар"даги Аваз, Замонали, Мансуровлар, "Жон ширин"даги Музаффар, "Эрк"даги Саитор, "Мерос"даги Ёлқин — булар одамлар бахти, эл-юрт ғами билан юрган, ҳақиқат, ижтимоий адолат учун курашган ҳақиқий қаҳрамонлардир. Ёзувчи ўзини аямай меҳнат қилиш, халқимиз учун ота-боболардан қолган мерос, ҳаётий, тарихий зарурат эканини асло унутмайди, айни пайтда ҳар қандай шароитда меҳнат кишиси, айниқса деҳқон меҳнати, заҳматкаш аёл зоти қадрга, ҳурмат-эҳтиромга муҳтожлигини алоҳида таъкидлайди, маълум даврларда муайян сабабларга кўра эътибордан четда қолган шу муаммога жамоатчилик эътиборини тортади, ҳақиқий гуманист ёзувчига хос позицияда туриб бу борадаги реал аҳволни дангал айтади.

Пиримқул Қодировнинг қишлоқ туркумига кирган асарлари, табиийки, кам-кўстлардан холи эмас. Гоҳо асарларда кўтарилган ўткир масалаларни бутун кескинлиги, шиддати билан охиригача етказишда изчиллик етишмай қолади, асар адоғига бориб бошдаги таранглик хийла сусайиб кетади. Можаролар кўпинча ижобий кучлар фойдасига ҳал бўлади; гоҳо асардаги салбий кучлар таърифи ва талқинида муайян қолиплар таъсири сезилади, ижобий, айниқса курашчи қаҳрамонлар тасвирида рационализм — ижтимоий бурч, социал адолат тулунчалари хусусида бир йўсинда зиёлинамо китобийроқ фикр юритиш ҳоллари учрайди. Булар хусусида ёзувчи билан баҳслашиш мумкин. Бундай кам-кўстлар, бир чеккаси, ўша асарлар пайдо бўлган кезлардаги шароитнинг мураккаблиги, турғунлик ҳолатларининг салбий таъсири эканини ҳам унутмаслик керак.

70-йиллар давомида ёзувчи икки йирик асар — тарихий мавзудаги "Юлдузли тунлар" ва замонавий мавзудаги "Олмос камар" романлари устида иш олиб борди. Бирида беш аср бурунги ғоят мураккаб, зиддиятли тарихий давр, у даврнинг ўта шафқатсиз ҳақиқати, Бобурнинг машаққатли ҳаёт йўли, ундаги шоир ва шоҳлик майллари орасида кечган муросасиз кураш, улкан шахснинг хайрли ишлари,

олижаноб фикр-туйғулари ва хатолари, бу хатолар учун чеккан алам-изтироб ва ўқинчлари, ўтмишнинг аччиқ сабоқлари... Иккинчи асарда эса ҳозирги фан-техника инқилоби даври, урбанизация суръати қулф уриб турган улкан ва тигиз шаҳар ҳаёти, ўта замонавий, фан-техника инқилоби бошида, гирдобда турган кишилар турмуши, ўшандай шаҳар истиқболи ҳақида ўй-режалари, бу йўлдаги курашлари, муваффақият ва йўқотишлари...

"Олмос камар" 1977 йилда чоп этилди, асар теварагида баъзи мунозаралар бўлди. Умуман танқидчиликда ижобий баҳо олди. Аммо ёзувчининг асардан кўнгли тўлмади, роман устидаги ишини давом эттирди. 1983 йили ромanning тубдан қайта ишланган варианты майдонга келди; шу варианты рус тилига таржима қилинади, рус китобхони уни яхши қабул қилди, марказий матбуотда у ҳақда ижобий фикрлар баён этилди, жумладан, танқидчи Л.Теракопян "Вопросы литературы" журналида босилган (1986, №2) "Шарқ харитаси устида" мақоласида "Олмос камар"ни батафсил таҳлил этиб, уни ҳозирги замон совет ва хорижий халқлари адабиётида пайдо бўлган шаҳар ҳаёти ҳақидаги энг яхши асарлар қаторига қўяди; роман ёзувчилар уюшмаси мукофоти билан тақдирланди, марказий телевидение буюртмасига биноан республика киностудияси томонидан роман мотивлари асосида икки серияли фильм яратилди.

Хўш "Олмос камар"га бунчалик катта эътиборнинг сабаби нимада? Гап шундаки, ёзувчи аввало бу романида ҳам, одатдагидек, кенг жамоатчиликни қийнаётган, тўқинлантираётган жиддий масалаларни кўтарган; қаламга олинган масалалар моҳиятини теран бадиий таҳлил этиб берган. Асар характер ва ҳодисаларни диалетик тарзда идрок этиш, ҳаётни қарама-қаршиликлари, мусбат ва манфий томонлари билан холисона, объектив талқин қилиш, бадииятда катта ҳақиқатга элтадиган "сеҳрли эркинлик туйғуси"ни эгаллаш жиҳатидан ёзувчи ижодида яна бир олға қўйилган қадам бўлди. Маълумки, рус адабиётида ўша 60—70-йилларда "қишлоқ прозаси" ва "шаҳар романи" деб аталган ўзига хос йўналишлар пайдо бўлган эди. "Қишлоқ прозаси"га мансуб асарларда инсон ва табиат, маънавий сарчашмаларига муносабат масалалари жуда кескин қилиб қўйилади, "шаҳар романи" турига оид асарларда эса тигиз шаҳар ҳаётидаги маънавий муҳит кенг

таҳлил этиб бериледи. "Олмос камар"нинг русча таржимаси "шаҳар романи" деган изоҳ билан чиқди. Дарҳақиқат, "Олмос камар"нинг рус адабиётидаги "шаҳар романи" билан муайян муштарак жиҳатлари бор. Бу романда ҳам тигиз шаҳар ҳаётига оид маънавий муҳит, меънчанларча турмуш кечираётган айрим шахсларнинг маънавий инқирози яхши очилган. Бироқ ёзувчи шу билан чекланмаган. "Олмос камар"нинг ўзига хослиги, муайян новаторлиги шундаки, муаллиф улкан замонавий шаҳар ҳаётидан олинган бу асарига рус адабиётидаги "қишлоқ прозаси"га хос хусусиятларни, тажрибаларни ҳам моҳирона сингдириб юборган. Унда "қишлоқ прозаси" усталарининг энг яхши анъаналарини давом эттирган. Асар қаҳрамонлари орасидаги кескин кураш худди "қишлоқ прозаси"даги каби она табиатни, табиат гўзалликларини асраш, авайлаш масалалари устида кетади. Фикрий жиҳатдан чекланган, тор шахсий манфаатини, мансабу мартабаларни ўйлайдиган даққи, демагог масъул ходимлар, нуқул қудратли техника, технократия тарафдорлари бўлган "бетон одам"лар шаҳар тақдирини хатарли жар томон етаклайдилар. Асар бош қаҳрамони — ландшафт архитектори Абдор нажот йўлини излайди, у она табиатни — ерни, оқар сувларни асраш, анҳор ва ариқлар соҳилини кўкаламзор сайлгоҳларга айлантириш, бу борада миллий — маҳаллий шароит ва хусусиятларни ҳисобга олиш, халқимизнинг неча асрлар давомидаги тажрибаси ва анъаналарини давом эттириш учун курашади; лўтгибоз Шерзод Баҳромов ва унинг маслақдошлари Абдорнинг мана шу олижаноб мақсад ва интилишларидан ғаламислик билан "хунук бир маҳаллийчилик, миллий маҳдудлик" белгиларини қидирадилар, унинг атрофида ҳар хил туҳмат ва бўҳтонлар уюштирадилар. Асарда Абдор образи алоҳида ажралиб туради. Айтиш мумкинки, ёзувчи ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб фан-техника революцияси бошида, урбанизация суръати жўш урган тигиз ва улкан шаҳар ҳаёти масалалари ичида турган, елкасида ҳозирги замоннинг катта юкини, ташвишларини кўтарган, мураккаб ҳаётини масалаларга жавоб излаб, нажот йўлини топишга эришган, фикрловчи, олижаноб курашчи қаҳрамон — ҳақиқий замондошимиз образини яратишга эришди.

Романдаги ёзувчи ижодий камолотидан Ҳалолат берувчи яна бир жиҳатга эътиборни тортмоқчимиз. Бошда кўриб

ўтганимиздек, ёзувчининг қатор қисса ва романларида эскилик билан янгилик контраст тарзда қўйилади, эскича одат ва тушунчалар нуқул салбий, янгича қараш ва тамойиллар эса ижобий ҳодиса сифатида талқин этилади. "Олмос камар"да, хусусан, романининг қайта ишланган янги вариантыда масалага бошқачароқ, чуқурроқ қараш мавжуд: ёзувчини янгиликнинг — илмий-иқтисодий тараққиётнинг, турмушга кириб бораётган янгича қараш ва тамойилларнинг ҳам ўз ички зиддиятларини, манфий ва мусбат томонларини очади; айти пайтда халқ урф-одатларини, асрий анъаналарни суриштирмай рад этиш, жаҳолат, қолоқликка йўйишдан қочади, уларнинг ҳозирги тараққиётига, ипсоний камолатга монелик қилаётган жиҳатларини таъкидлаш билан баробар, эскича турмуш тарзининг ўзига хос сурурини, қўпгина расм-русумларимизнинг — одамлар орасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорлик, коллективизм туйғуларини тарбиялаш ва мустаҳкамлашдаги аҳамиятини ҳам кўрсатиб ўтади. Одат ва тамойилларнинг қай жиҳати мақбул, қай жиҳати номақбул — булар ҳақида узил — кесил хулоса чиқаришни юксак дидли китобхон ихтиёрига ҳавола этади. Роман автори характери зиддиятлардан — қусурлардан холи бўлмаган шахслар, чунончи, Аъзам ота, Ханифа хола ва Вазирани бутунаси қоралаш йўлидан бормай, уларни ҳам тушуниб, дардини, шахсий майл, хоҳиш истакларини юракдан ҳис этиб қалам тебратади. Шуниси диққатга сазоворки, замонавий шаҳар ҳаётидан олинган бу роман чуқур миллий руҳ билан йўғрилган, ҳозирги фан-техника инқилоби бошида, гирдобда турган қаҳрамонлар ҳам ўзларининг бетакрор миллий хусусиятларини сақлаб қолганлар. Булар ҳам ёзувчи реалистик нигоҳи теранлигидан, маҳорати камолотидан нишонандир.

Шу тариқа, П. Қодировнинг мустабид тузум шароитида инсон эрки, шаъни, қадрини ардоқлаш, қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, инсон эркини поймол этаётган кучларга қарши кескин норозилик, зўр куюнчақлик, ҳазин ва нузли ўйчанлик билан йўғрилган замондошлари ҳақидаги ҳикоя, қисса ва романлари XX асрнинг 60—70-йиллари маънавий ҳаётимизда, адабиётимизда ўзига хос ҳодиса бўлди.

X X

X

Шарқ факультетида таълим олиб, шарқ халқлари тарихи ихтисослигини эгаллаган, айти пайтда талабалик

йилларидаёқ бадий ижодга меҳр қўйиб илк ижод намуналарини матбуотда эълон этишга эришган ёзувчи дастлабки қадамларидаёқ ҳаёт ҳодисаларига тарихчи кўзи билан қарашга мойиллик кўрсатган эди. Бунга талабалик йиллари ҳаётининг ва бадий тажрибаси маҳсули сифатида майдонга келган, 1957 йили ёзиб тамомланган "Уч илдиш" романида кўриш мумкин. Эҳтимол, қулай шароит бўлганида бошидаёқ у тарихий мавзуларда қалам тебратган бўларди. Аммо ёзувчи қизил империя даврида тарихдан сўз очиб, тарих ҳақиқатини очиб айтиш нақадар мушкул эканини, мозийга қайтиб иш кўрган буюк адиблар — "Ўтган кунлар", "Кеча ва кундуз", "Навоий" романлари муаллифлари бошига қандай оғир савдолар тушганини яхши биларди. Ҳатто 50-йиллар шароитида, қатағон сиёсати бир оз юмшай бошлаган кезларда ҳам миллат тарихи ҳақидаги ҳақиқатни айтган кишилар қанчалар таъқибу таҳқирларга дучор бўлганини адиб "Уч илдиш" романида чуқур бир ички дард-изтироб билан қаламга олади. Шу тариқа у гарчи кўнглида тарихий мавзудаги асар етилиб қолган бўлса-да, анча вақт уни қогозга туширишга журъат етолмай юрди.

Ниҳоят, замонавий мавзуда битилган қатор асарлари орқали каттагина адабий тажриба тўплаган ёзувчи 60-йилларнинг охирига келиб зўр жасорат билан мураккаб ва қалтис тарихий бир мавзуга қўл урди — темурийлар салтанатининг ўз юртидаги инқирози, ўзга юртлар — Афғонистон ва Ҳиндистондаги ўзгача кўринишда қайта тикланиши, жаҳоншумул довуғи, Темурбек наслининг шонли сиймоларидан Бобур ва унинг авлодлари ҳаёти, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи кенг қўламли эпик полотно устида иш бошлади; узоқ йиллик изчил тадқиқот, бетиним ижодий меҳнат, маънавий — руҳий изланиш, ўй-мушоҳадалар самараси ўлароқ "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони" романлари майдонга келди. "Юлдузли тунлар" кейинчалик "Бобур", "Авлодлар довони" эса "Ҳумоюн ва Акбар" номи билан чоп этилди, биз уларни ўша илк гўзал образли номлари билан аташни лозим кўрдик.

Адиб бу қалтис, мураккаб мавзуга қўл урар экан, олдинда ҳали кўп мушкулотлар рўй бериши мумкинлигини юракдан ҳис этар, шу билан баробар олижаноб, улуғ муддао дилига тинимсиз далда бериб турарди. "Бизни қарамлик ва мутеликда сақлашга ўрганган ёвуз кучлар тарихий илдишларимизни қирқиб ташлашга, бизни ўтимишдан

беҳабар манқуртларга айлантиришга ҳаракат қилар эди, — деб ёзади у “Турфа маъноли тақдир” мақоласида. — Ҳолбуки, ўзбек халқчилик бой ва ёрқин тарихга эга бўлган халқлар дунёда кўп эмас. Миллатимиз ўз тарихий илдиэларидан маънавий озиқ олса, қаддини тез тиклаши мумкин. Шуни дил-дилдан ҳис қилганим учун 1969 йилдан бошлаб йигирма йил давомида тарихий мавзуда иш олиб бордим”<sup>1</sup>.

“Юлдузли тунлар” романининг илк нусхаси 1972 йили ёзиб тамомланди, асар қўлёзмаси ўша йили Ёзувчилар уюшмасида муҳокама этилиб юксак баҳо олди ва нашрга тавсия этилди. Бироқ кўзга кўринмас қора кучлар, бахил ғаламисларнинг пинҳона фитнаси, қаршилиги туфайли роман олти йилча босилмай ётди. Ниҳоят, ҳалол, жонкуяр, фидойи кишиларнинг мадади, сазй-ҳаракатлари оқибатида 1978 йили асар “Шарқ юлдузи” саҳифаларида дунё юзини кўрди, кўп ўтмай алоҳида китоб бўлиб чиқди. Қисқа муддат ичида рус тилида икки бор босилди, бошқа тилларга таржима этилди, ўзимизда, Москва матбуотида юксак баҳо олди, республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Ёзувчи бундай мададлардан руҳланиб “Юлдузли тунлар”нинг давоми Ҳумоюн ва Акбар ҳақидаги роман — “Авлодлар довони” устида қизғин иш бошлаб юборди; жаҳонда яратилган бобурийлар сулоласига доир сон-саноқсиз асарларни синчиклаб ўрганди, икки бор Ҳиндистонга сафар қилиб асар қаҳрамонлари Бобур, Ҳумоюн ва Акбар юрган йўлларни кезди, улар яшаган жойларда бўлди. Қарангки, роман эндигина интиҳосига етиб, асар қўлёзмаси Ёзувчилар уюшмасида муҳокама этилиб маъқуланган, нашрга тавсия қилинган кезлари янги асар йўлини тўсишнинг, уни гўдаклигидаёқ бўғиб ташлашнинг гаройиб найрангларини ўйлаб топдилар. Кутилмаганда “Юлдузли тунлар” романига ҳужум бошланди, аввал Республика Ёзувчилар уюшмаси съезди минбарида, сўнг Ўзкомпартия пленумида, матбуотда роман муаллифига жиддий ғоявий айблар қўйилди; “романда тарихга, тарихий шахсларга синфий ёндашиш, синфийлик тушунчаси йўқ”, “Бобур образи идеаллаштирилган” деган алмисокдан қолган гаплар айтилди. “Юлдузли тунлар” танқидидан бошланган қабиҳ фитна умуман Бобур ва бобурийларга, қолаверса, темурийлар ҳақидаги ҳақиқатни

<sup>1</sup> “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1992, 1-сон, 77 — 78-бетлар.

юзага чиқаришга қаратилган катта кампанияга айланиб кетди. Ҳайриятки, замон ўзгараётган, етмиш йил ҳукм сурган мустабид тузум салтанати таназзулга юз тутаётган бир палла эди. Қизил иерия салтанати малайларининг тарихий иддизимизни қирқиб ташлашга бўлган сўнгги ҳужуми жамоатчилик орасида кескин норозилик, қаршиликка учради. "Юлдузли тушлар" муаллифига қўйилаётган айбномалар, Бобур ва бобурийлар атрофида қўзғатилган машмашалар қабих сафсатабозликдан иборат экани юксак минбарлардан туриб дадил айтилди. Бироқ ғаламислар ҳамласи барибир ўз таъсирини кўрсатди. "Авлодлар доवони" романи наشري уч йилча тўхтаб қолди. Ниҳоят, асар 1988 йили "Шарқ юлдузи"да эълон қилинади. Ёзувчининг ўзи "Мумкин экан-ку!" мақоласида асарнинг юзага чиқишида ҳамкасб дўстлари, жумладан, ўша йиллари Ёзувчилар уюшмасининг котиби бўлган Одил Ёқубов ва "Шарқ юлдузи" бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов катта жонбозлик кўрсатганлигини мамнуният билан эслайди<sup>1</sup>.

Яхши биламизки, ўша машъум сиёсат — тарихга, тарихий шахсларга тор синфийлик нуқтаи назаридан қараш узоқ вақт тарих ва тарихий шахслар ҳақидаги ҳақиқатни айтиш, ифодалаш йўлига ғов солиб келди. Ҳатто Қодирийдай ҳақгўй адиб ҳам тарихий романларида, жумладан, "Меҳробдан чаён"да Худоёрхонни асосан қора бўёқларда кўрсатишга мажбур бўлган, унинг айрим ижобий хислатларини, тарихдаги хизматларини эса айланма йўллар, қистирмалар орқали эҳтиёткорлик билан ифода этган. Умуман бизда сарой аёллари, шоҳлар, амиру бекларга нуқул душман тимсоли деб қаралган, улар фақат қоралашга, фош этишга муносиб кўрилган. Адабиётда шоҳ Улуғбекни кўпроқ олимлиги, вазир Навоийни буюк шоирлиги, бек Темур Малик билан шаҳзода Жалолиддинни босқинчиларга қарши қаҳри ва олиб борган кураши аранг қутқариб қолган. Давлат арбобларининг хайрли ишлари ҳақида озгина бўлсин сўз очиш "уларни идеаллаштириш" деб баҳоланаверилган. С.Бородиннинг "Самарқанд осмонида юлдузлар" асарини, унда Темур сиймосининг анчайин бирёқлама, юзаки талқинини мустасно этганда, бизда Ватан тарихида муҳим ўрин тутган йирик давлат арбобларининг ҳаёти, фаолияти, тарихий хизматларини холис — объектив, ҳалол кўрсатиб

<sup>1</sup> "Ёшлик", 1992, 11 — 12-сонлар. 21-бет.

берадиган бадий асарлар йўқ эди. Шунинг назарда тутганда, Пиримқул Қодировнинг тарихий романлари миллий адабиётимизда муҳим янгилик, катта ижодий жасорат, тарих ҳақиқатига садоқат сифатида баҳо олишга лойиқ.

Турғунлик йиллари "Юлдузли тунлар"га баҳо берганда айрим адабиётшунослар роман ва унинг муаллифини таъқибу таъйиқлардан асраш мақсадида асардаги шоҳ ва шоир Бобур шахсияти ва қисматидаги зиддиятлар ифодасига алоҳида урғу берар; Бобур образи тилидан айтилган: "Неки хатолик, неки гуноҳ қилган бўлсам, ҳаммасининг бирламчи сабаби менинг подшоҳлигимдир", "Менга вафо қилса фақат ёзган асарларим вафо қилмоғи мумкин" деган сўзларини такрор-такрор эслатиб ўтар эдилар. Дарҳақиқат, Бобур шахсияти ва қисматида шундай зиддиятли ҳоллар чиндан рўй берган, ёзувчи романда шундай ҳолатларни бир эмас, бир неча ўринларда қаламга олган. Бу ҳол ҳақиқат тақозоси эканидан ташқари ёзувчи учун ўзига хос адабий-бадий тактика — эҳтиёт чораси бўлганлиги сир эмас. Шунинг зиддиятли ҳолатлар ифодасида ҳам, барибир, Бобур буюк сиймо, дилбар шахс, мислсиз саркарда, одил ва доно шахс сифатида бутун улугворлиги билан намоён бўлади. Муаллиф биринчи гада Бобурнинг даҳо инсон, арбоб сифатидаги хислатларини очиб беради, унинг тарихдаги энг буюк хизмати таназзулга юз тутган буюк Темур салтанатини қутқариб, унга янги асосда қайта ҳаёт бахш этганини кўрсатади. "Юлдузли тунлар"нинг асосий нафоси шундан иборат, ёзувчининг энг муҳим бадий кашфиёти ҳам ана шунда.

Буюк сиймоларнинг драмаларга тўла шонли ва мураккаб ҳаёт йўлини, тарихдаги буюк хизматларини тарих ҳақиқатига содиқ ҳолда холис ифодалаш "Авлодлар довози"да яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлган.

Очиги, ўзбек адабиётида ҳозиргача бу қадар кенг қамровли тарихий романлар яратилмаган эди. "Юлдузли тунлар"ни ҳам бирга қўшиб оладиган бўлсак, юз йилдан ошиқроқ давр, даврнинг энг муҳим тарихий ҳодисалари, Турон, Афғонистон, Ҳиндистон тарихининг ғоят чигал драматик воқеалари, юзлаб тарихий шахслар, давлатлар, тождорлар, авлодлар алмашуви; ўнлаб тарихий шахслар, ғалаба ва инқирозлар; давр ғоялари, турли хил эътиқодлар, оддий меҳнат аҳлининг аҳвол-руҳияти; ҳар хил миллат, турли даврларга оид удум-тамойиллар; ғоят катта ҳууд —

турли юртларнинг шаҳру қишлоқлари, дарё, ўрмонлари, далалари, иқлиму муҳити — буларнинг барчасини бор ҳолича кўриб, билиб, юракдан ҳис этиб аниқ тасвирлаш, жонли гавдалантириш осон иш эмас!

"Авлодлар довони" романи муаллифи олдида яна бир мушкул вазифа турарди. Маълумки, "Юлдузли тунлар"нинг асосий воқеалари ёзувчининг ўз она юртида бўлиб ўтади, асарнинг асосий персонажлари ҳам шу юрт одамлари. "Авлодлар довони"да эса воқеалар бутунаси Ҳинд диёрига кўчади. Бобур умрининг сўнгги йиллари, Ҳумоюннинг жанговор фаолияти Ҳиндистонда кечса-да, улар ўзларини бу юртда бегона ҳис этадилар, она юрт соғинчи билан армон-ўкинчада яшаб ўтадилар. Акбар эса дилда ота-боболар ақидаларини эъзозлагани ҳолда бу юрт, бу элнинг фарзандига айланади, ҳинд ҳаётига сингиб кетади, ҳинд қизларига уйланиб, ҳиндлар билан қуда-қудагайга айланиб кўплаб ҳиндча удумларга амал қилади... Қисқаси, "Юлдузли тунлар"да соф ўзбекона миллий руҳда бошланган тасвир — ифода "Авлодлар довони"да ҳиндча руҳ — колоритнинг устиворлиги билан ажралиб туради. Бироқ ҳиндча руҳ — колорит устивор ўринларда ҳам ўзбек адабининг дастхати баралла сезилади; ўзбекона нигоҳ билан "Рамаяна" ва "Маҳобҳорат" эпослари, Р.Тағор романларига ҳос ҳиндча руҳ — колоритнинг қўшилиб-тутаниб кетиши оқибати ўлароқ асар бетакрор бадиий қиёфа касб этади.

Бу роман жуда катта маърифий қимматга эга. Кузатишлар шундан далолат бераётирки, "Авлодлар довони" чиққунга қадар кўпчилик ўзбек китобхони Бобур, Ҳумоюн ҳақида бир қадар тасаввурга эга бўлса ҳам романнинг яна бир бош қаҳрамони — жаҳоннинг кўпгина маърифатли кишиларига таниш, улар учун ардоқли бўлган, "чинакам даҳо" сиймолар қаторида тилга олинадиган Акбарни яхши билмас эканлар. Бу роман туфайли у ўз халқининг, бобо юртининг маънавий оламига қайтмоқда. Асарда яхши маънодаги маърифатчилик кенг ўрин олган. Муаллиф муҳим тарихий воқеалар, шахслар тўғрисида жуда кўп ишончли маълумотлар беради; булар ўқувчига малол келмайдиган жонли, образли тил билан ифода этилади. Китобхон лоҳо илмий-тарихий, аниқ ҳужжатли асар ўқиётирми ёки бадиий роман — унинг ҳаёлини реал ҳаёт ҳақиқати, чиндан бўлиб ўтган воқеалар, аниқ тарихий шахслар қисмати банд этади, барча воқеаларни тарихий ҳақиқат сифатида қабул қилади.

Бу тарихий роман учун яхши фазилят! "Асрлар китобини ўқиганингиз сари, — дейди муаллиф, — тарих томонидан яратилган драмалар, фожиалар, сюжетларни алоҳида ёзувчининг фантазияси билан яратиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Шў сабабли мен Бобур, Ҳумоюн ва Акбарларнинг кўрган-кечирганларини тасвирлар эканман, ўз фантазиямдан кўра "тарих фантазияси"га, яъни чиндан содир бўлган воқеаларга кўпроқ асосландим»<sup>1</sup>.

Бир қарашда роман тарихий хроникага ўхшаб кетади: муаллиф бобурийлар сулоласи, хусусан, Ҳумоюн, Акбар ҳаётининг муҳим паллалари, тож-тахт учун олиб борган жангу жадаллари, уларнинг бунёдкорлик ишлари, маънавий изланишлари, орзу-армонларини йилма-йил, ойма-ой кунма-кун, гоҳо эса ҳар бир дақиқасини ипидан игнасиғача бутун тафсилотлари билан беради; Акбарнинг туғилишидан тортиб то ўлимига қадар бутун ҳаётини ҳикоя қилади, адиб қаҳрамонларининг оилавий, шахсий интим ҳаётини, саройдаги можароларни, авлодлар, ота ва боболар, ака-укалар орасидаги можароларни ҳам эсдан чиқармайди. Шунга қарамай асарни биз оддий хроника деб айтолмаймиз, у асло оддий солнома, жангнома эмас. "Авлодлар довони" кенг қамровли, тарихий ҳодисаларни, тарихий шахслар тақдирини теран бадиий таҳлил этувчи, ўтмиш ҳодисаларидан бугунги кун учун сабоқ берувчи ўй-мушоҳадалар романи, у фақат тарихий воқеалар, тарихий шахслар тақдири ҳақидагина эмас, муҳим ижтимоий-фалсафий ғоялар, юксак оригинал гуманистик концепцияларнинг туғилиб шаклланиши тўғрисидаги романдир.

Ҳиндистон — кўп миллатли ва кўп динли мамлакат. Ҳиндистон халқи узок йиллар давомида миллий ва диний айирмалар, адоватлар жабрини бир неча бор татиб кўрган; халқнинг тараққийпарвар фарзандлари дину миллат айирмай, турли миллат, ҳар хил этниқод кишиларининг иноқ, тотув яшаши ғоясини илгари сурганлар; Кабир каби подшолар шу ғояни зўр эҳтирос билан тарғиб этган. Ҳумоюн, айниқса Акбар шу умумбашарий ғояни амалга оширмақ йўлида астойдил кураш олиб борган, Акбар бобоси Бобур, отаси Ҳумоюн васиятларига содиқ қолиб барча халқларни миллий низо, диний адоват балоларидан халос

---

<sup>1</sup> "Ёшлик", 1993. 10 — 11-сонлар, 10-бет.

қилишнинг янги йўларини излайди, ҳамма эллар ва эътиқодлар тенг деб эълон этади, жаҳонда биринчилардан бўлиб “сулҳи кул” — ҳар томонлама тинчлик сиёсатини ўтказди. Романда мана шу эзгу ғоянинг туғилиш тарихи, унга бўлган тарихий зарурият, ҳаётий эҳтиёж, бу ғояни рўёбга чиқариш йўлидаги машаққатли курашлар, сон-саноксиз қурбонлар, унинг муайян тантанаси ва фожиавий инқирози — барчаси билимдонлик, катта маҳорат билан бадиий тадқиқ қилинган. “Авлодлар довони”нинг айни шу жиҳати ҳақида Чингиз Айтматов роман муаллифига йўллаган мактубида шуларни ёзади: “Сенинг буюк Акбар ҳақидаги мулоҳазаларинг, Акбарнинг турли динларни интеграция қилишга интилиши ўта замонавий мавзудир. Бунга, яъни маънавий интеграцияга одамзод бари бир мурожаат қилади, чунки бутунги шароитда инсониятнинг омон қолишига имконият берувчи бирдан-бир йўл ана шудир”<sup>1</sup>.

Асарни ўқиганда киши ҳаёлини доимо банд этиб турадиган икки зиддиятли ҳолат мавжуд: бир томондан, шахсий ғараз, худбинлик, шуҳрат, тор манфаат, мансаб-мартаба, ҳокимият, тож-тахт учун кураш, бу йўлдаги олишув, хийла-найранг, хиёнат ва пасткашликлар — булар миллат, қолаверса, бутун инсоният тарихидаги энг муҳиш қора доғлардир; бундай иллат, қабих хатти-ҳаракатлар оқибатида инсон деган табаррук зот шаъни оёқ ости қилинади, одам боласи, ҳатто энг яқин кишилар — ота-ўғил, оға-ини орасида меҳр-оқибат кўтарилади, бир-бирига ашаддий рақибга айланади, минг-минглаб кишилар дилига озор этади, беҳуда қонлар тўкилади, охир-оқибат юртдаги ҳар бир тирик жон, бутун бошли халқ, инсоният ҳаёти, камолоти инқирозга, заволга юз тутди... Шу ҳолат асар давомида ўқувчи дилига бетиним озор бериб туради. Бу роман одамзодни мана шу аччиқ ҳақиқатдан сабоқ чиқариб олишга ундайди. Иккинчи томондан, доно, олижаноб, фидойи, ватан, эл-юрт манфаати ишига жонини, жаҳонини тиккан аломат одамларнинг ҳаётда ҳамиша борлиги, бебаҳо эзгуликлар, машаққатларга, таҳдиду таъқибларга қарамай авлоддан-авлодга ўтиб бориши, эзгуликнинг ворисийлиги, мангулиги ўқувчи дилига далда беради, қувонч бахш этади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Пиримқул Қодиров. Қалб кўзлари. Т.: “Маънавият”, 2001, 91-бет.

Бу жиҳатдан айниқса Бобур — Ҳумоюн — Акбар, яъни бобо — ўғил — набира орасидаги муносабатлар ибратомуз ҳодисадир. Атоқли француз тарихчи-олими "Исо пайғамбар ҳаёти" номли жаҳонга машҳур асарнинг, ислом ҳақида қатор тадқиқотларнинг муаллифи Э. Ренан буюк теурий тождорлар Бобур — Ҳумоюн ва Акбар орасидаги оқилона ворисликни тарихда фақат бир бор содир бўлган нодир ҳодиса<sup>2</sup>, деб баҳолайди. Дарҳақиқат, Бобур ҳалокатга юз тутган Темур салтанатини янги асосда қайта тиклашга муяссар бўлди, бу билан у бобокалони Темур руҳига мислсиз садоқатини намоён этди; унинг садоқатли, фидойи ўғли Ҳумоюн эса Ҳиндистонда отаси асос солган янги салтанатни ўта мушкул дамларда хилма-хил таҳдиду тажовузлардан омон сақлаб қола билди, ниҳоят набираси Акбар бу салтанат довруғини жаҳонга ёйди.

Асар қаҳрамонлари, сарой аъёнлари образи, уларнинг тарихда тутган ўрни устида сўз борганда яна бир муҳим жиҳатга эътиборни тортмоқчимиз. Гап шундаки, ҳар иккала романда ҳам бобурийлар, бинобарин, теурийлар сулоласига мансуб аломат аёлларнинг — тарихий сиймоларнинг образи катта эҳтиром, зўр меҳр-муҳаббат билан қаламга олинган. Айниқса, Хонзода бегим, Ҳамидабону образлари тарихий романчилигимизда муҳим янгилик. Хонзода бегимнинг иниси Бобурга чексиз меҳри, садоқати, ўз шахсий ҳаётини қурбон қилиб, кўнгли тиламаган одам — Шайбонийхон шартига кўниб, унинг никоҳига ўтиб, инисининг ҳаётини қутқариб қолиши, бинобарин, Теурийлар салтанатини сақлаб қолишга улкан ҳисса қўшгани — эртак ва достонлардаги аёл қаҳрамонлар шижоати ва жасоратини эслатади. Аслида бу ҳаётда чиндан бўлган ҳодиса! Ёзувчи Хонзода бегимнинг жасорат ва фожиаларга тўла ҳаёт йўлини реалистик бўёқларда маҳорат билан ёрқин гавдалантирган. Ёшлигиданоқ жасур, тадбиркор, доно аёл сифатида танилган Ҳамидабону Акбарнинг "даҳо шахс" бўлиб етишувига қанчалар заҳмат чекади. Бугина эмас, Акбар шоҳ сифатида довруғ қозонган кезларда ҳам донишманд она мадад ва маслаҳатларидан доимо баҳраманд бўлиб туради... Умуман бу хил табаррук аёлларнинг давлат ишларига ва илму санъат ривожига қўшган ҳиссаси, қонли

---

<sup>2</sup> Қаранг: "Звезда востока", 1992, № 11 - 12, 180-бет.

урушларнинг олдини олиш, узоқ жойларга элчи бўлиб бориш, бир неча бор ота-бола низоларини бартараф этишдаги фидойиликлари ифодаси романнинг энг жозибадор саҳифаларини ташкил этади.

Ҳозирча кўпроқ романнинг тарихий, маърифий, ижтимоий-фалсафий хусусиятлари тўғрисида сўз юритилди. Аслида бу кенг қамровли асарнинг бадиий фазилатлари, қаҳрамонларнинг руҳий олами, ундаги кўплаб санъаткорона тасвирланган лавҳа-картиналар ҳақида ҳам тўлиб-тошиб гапириш мумкин. Ҳумоюннинг мағлубияти, ҳинд йигити Низом мешкобчи мададида ҳалокатдан аранг қутилиб қолиши; узоқ давом этган адоват, биродарқушлик жангларида сўнг Ҳумоюн ташаббуси билан оға-иниларнинг учрашуви, Ҳиндикуш тоғининг этакларида гўзал табиат қучоғида уюштирилган базм-тантана, оға-иниларнинг дунё, тож-тахт ташвишларини бир дам унутиб, беғубор болалик йилларига қайтиб озгина муддат дилкаш суҳбат қуриши, ота Бобур қабрини зиёрат қилиб, унинг руҳи олдида қасамёд этишлари, аҳду-паймонларига, қасамёдига хиёнат қилиб яна ўзаро адоват, биродарқушлик урушлари йўлини тутган Комроннинг мудҳиш жазога маҳкум этилиши, кўзига мил тортиш лавҳаси; Акбарнинг ҳинд қизи билан никоҳ тўйи маросими, донишманд Салим ота билан фалсафий мулоқотлари, бу довжорак, баҳодир йигитнинг фил билан олишувлари, ёвлар билан жанглари — бундай ўринлар чинакам бадиий тасвир намуналаридир.

Пиримқул Қодиров тарихий романларининг бадиияти хали адабиётшунослиқда яхши ўрганилган эмас. Бу асарларни тўғридан-тўғри бирон тарихий романчилик мактабига мансуб деб бўлмайди. Уларда хилма-хил романчилик мактабларининг тажрибалари ўзига хос тарзда мужассамлашган. Бугина эмас, изчил реализм анъаналарига содиқ Пиримқул Қодиров тарихий романларида XX аср жаҳон тараққийпарвар модернистик адабиётининг тажрибалари билан муштарак жиҳатлар ҳам мавжуд экани танқидчиликда эътироф этилди. Чунончи, Акбарнинг тож-тахт, дунё ташвишларидан қочиб узлатга чекиниб юрган кезларидаги руҳий ҳолатлари ифодасида буни кузатиш мумкин.

Пиримқул Қодировнинг тарихий романлари фақат мутахассислар, тарихчи олим, адабиётшунослар эмас,

Ўзимизда ҳам, хорижда ҳам кенг китобхонлар орасида катта қизиқиш уйротмоқда. Зотан асар каттаю кичикка, барча халқлар ўқувчисига бирдек етиб борадиган йўсинда битилган. Адиб тажрибаси узоқ мозий воқеалари, мураккаб ҳодисалар ҳақида ҳам барчага тушунарли бир тилда, оддий қилиб ёзилиши мумкинлигини яна бир карра тасдиқлайди.

"Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони" чиққандан бери китобхонларнинг муаллифга йўлаган мактублари кети узилмайди. Ҳиндистоннинг Индоур шаҳрида яшовчи Суржамал Гарч деган адвокатдан келган мактубда шундай сатрлар бор: "Ёзувчи бой фактик материаллар асосида бадий жиҳатдан гўзал роман яратган, мен кўпдан бери бундай ажойиб асар ўқимаган эдим".

Шаҳрихонлик Абдуфаттоҳ Жўраев шундай ёзади: "Юлдузли тунлар" ва "Авлодлар довони" романларинингизни ўқиган ҳар бир ўзбек фарзанди ўзининг шу буюк авлоднинг бир томири эканлигидан гурурланишга, қолаверса, буларни ўқиган бошқа миллат вакиллариинг буюк халқимизга бўлган ҳурматлари ортисига имонимиз комил".

Фарғоналик ҳассос шоира, мактаб муаллимаси Мақсуда Эргашева "Авлодлар довони" мутолааси пайтидаги ҳис-ҳаяжонларини шундай изҳор этади: "Сизнинг "Авлодлар довони" романингизни беҳад миннатдор бўлиб ўқиб чиқдим". Мактуб 1989 йил 3 февралда, яъни "ошкоралик, демократия" жазаваси авжига чиққанда битилган, хатда ўша кезлардаги беҳуда жазавалардан зада бўлган нозик қалбнинг "Авлодлар довони"дан топган таскинлари ўз ифодасини топган. "Ҳозир ҳамма — газета-ю журналлардан тортиб, шеърлар-у романларгача бақириб-чақириб сўзлаётган ушбу замонда, — дея давом этади муаллима, — улуғ боболаримиз ҳақида шундай сокинлик билан ёзилган асарингизни ўқиб, барча китобхонларни ноёб бир маънавий хазина билан қутлагим келади. Беҳаду беҳисоб ўлимларни ҳам ҳаёт нурига йўлланган тасвирларингиз дилрабо ғазалнинг оҳанглиридек руҳимга ором берди". Айни вақтда у романини ўқишда қалбини ўртаган армон—ўкинчларни ҳам тўкиб солади: «Балки, улуғ бобомиз Мирза Бобур хоинлар туфайли бу тупроқдан чиқиб кетмаганларида, биз бу кунги ҳолга тушмасмидик? Юртимиз ҳам Моварауннаҳрлигича қолиб, дунёдаги энг буюк давлат бўлармиди? Ҳумоюн ва Акбарлар ҳам шунда туғилармиди, балки жаҳонга машҳур Тоғмаҳал Андижонда қурилармиди!"

Бундай армон романини ўқиган ҳар бир ўзбек китобхони қалбида кечади.

Пиримқул Қодиров 1994–2000 йиллар давомида “Она лочин видоси” романи устида иш олиб борди. Романнинг бир неча боблари 1997 йили “Жаҳон адбиёти” журнаlining илк сонида эълон этилди, жамоатчилик орасида илиқ таассурот қолдирди, матбуотда у ҳақда ижобий фикрлар билдирилди. Ниҳоят, бу асар устидаги иш 2000 йил охирида интиҳосига етди, ўша йили романдан янги боблар “Ёзувчи” газетасида босилди, 2001 йилнинг бошларида эса у алоҳида китоб ҳолида чиқди.

Ёзувчи Бобур ва Бобур авлодлари ҳақидаги тарихий романлари устида тўплаган ижодий тажрибаларини янги асарида ҳам давом эттирган. “Она лочин видоси”да муаллиф бошқа темурийзодалар — Шоҳруҳ Мирзо умрининг сўнги давлари, Мирзо Улуғбек ҳаётининг таҳликали кунлари, ҳалокати, Абусайд салтанати йиллари, ниҳоят Ҳусайн Бойқаронинг ҳокимият тепасига келиши воқеаларини қаламга олади. Ҳажм жиҳатидан “Юлдузли тунлар” ва “Авлодлар довоми”га нисбатан анча мўъжаз бу романининг воқеалар кўлами хийла кенг. Тож-тахт учун кетган шафқатсиз жангу жадаллар, саройдаги ички низолар, ташқи тазйиқлар, ўзаро адоватлар, сон-саноксиз қотилликлар романда бор ҳолича кўрсатилади.

Бироқ бу роман тож-тахт учун кетган жангу жадалларнинг шунчаки хроникаси — солномасидан иборат эмас. Йўқ, бу асар марказида темурий тождорлар эмас, балки она лочин — Гавҳаршодбегим сиймоси туради. Ёзувчининг аввалги тарихий романларида ҳам қатор Темурийлар сулоласига мансуб аломат аёллар, темурий маликалар образи катта эҳтиром, меҳр-муҳаббат билан қаламга олинган эди. Айниқса, Хонзода бегим, Ҳамидабону образлари тарихий романчилигимизда муҳим янгилик бўлди. “Она лочин видоси”даги Гавҳаршодбегимнинг шижоати, донишмандлиги, изтиробларга тўла ўйлари, дил розлари билан танишганда тарихда шундай табаррук онахоналаримиз ўтганидан кўнглимиз кўтарилади. Кези келганда айтиб ўтиш даркор: 60–70-йилларда яратилган айрим асарларда, ҳатто улкан аллома Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедиясида муайян сабабларга кўра бу буюк сиймо образи бирёқлама — ўта мутаассиб аёл тарзида талқин этилган, уни оқпадар Абдуллатифга мойил, буюк олим Улуғбекка эса зид

қўйилган эди. Романда эса бу тарихий сиймонинг ўзгача қиёфаси очилади, у кўпни кўрган донишманд, тадбиркор, шижоаткор, кайвони онахон сифатида гавдаланади. Ёши бир жойга бориб қолган бу онахон таҳликали дамларда, қаҳратон қиш чиласида ўз тинчини қўйиб, эл-юрт, теуирийлар салтанати, ўғли Улуғбек тақдирини ўйлаб, олис йўл юриб, хатарли дарёни кечиб ўтиб Самарқандга келади; салтанат ичидаги ўзаро низоларни, набиралар орасидаги жанжалларни бартараф этиш йўлларини ахтаради, беҳуда қонлар тўкилишининг олдини олади. Айниқса, она Гавҳаршодбегим ва ўғил — шоҳ Улуғбек орасидаги ажиб меҳр-мурувват, чексиз садоқат туйғулари самимият ва эҳтиром билан кўрсатилади. Бу меҳри дарё онахоннинг салтанатни сақлаб қолиш йўлидаги жонбозликлари, фидойиликлари билан танишиб тасаннолар айтасиз. Айни пайтда нобон набираларнинг, муқаддас даргоҳдан чиққан илонбаччаларнинг шафқатсизлиги, оқибатсизлиги, ўзи ювиб-тараб катта қилган нобакорлар томонидан зиндонбанд этилган она лочин қалбидаги изтироблар дилларни вайрон этади. Бу табаррук она ноқобил зот — мустабид ҳукмдор Абусаид ҳукми билан қатл этилади. Улкан фожиавий қисмат ҳақидаги роман умидбахш бир руҳ билан хотималанади. Гавҳаршодбегимнинг меҳридан баҳраманд бўлган Ҳусайн Бойқаро ҳокимият тепасига келгач, истибдод ва ўзаро урушларга барҳам беради, юртда нисбий осойишталик, фан, санъат, адабиёт ривожини, Навоий даҳосининг намоён бўлиши учун имкон яратади: "ўлмас она орзу қилган иккинчи умр осмонида Улуғбек Мирзо даҳоси Алишер Навоий даҳоси билан бирга парвоз этдилар ва бизнинг бугунги кунларимизда энг юксак қадр-қиммат топдилар", — деб ёзади муаллиф.

### Таянч сўз ва иборалар:

*янги уйғониш даври*  
*«шаҳар романи»*  
*«қишлоқ прозаси»*  
*маънавий ўзгаришлар кўзгуси*  
*тарихий романларнинг машаққатли тақдирини*  
*оқилони ворислик*

### Савол ва топшириқлар:

1. Пиримқул Қодировнинг ижтимоий, ижодий, илмий фаолиятига хос асосий жиҳатлар нималардан иборат?
2. Адибнинг замондошлари ҳаётига оид асарларининг XX аср ўзбек насридаги ўрнини аниқлаш.
3. «Юлдузли тунлар», «Авлодлар доғони» романларининг машаққатли тақдири ҳақида нималарни биласиз?
4. Адиб тарихий романлари поэтикасининг адабиётшуносликда ўрганилиши қандай аҳволда?
5. «Она лочин видоси» романидаги Гавҳаршодбегим, Улуғбек образлари бадиий талқинидаги янгиликлар хусусидаги фикрингиз қандай?

### Адабиётлар:

1. Пиримқул Қодиров. Сайланма. Уч жилдлик. Т., 1987 – 1988.
2. Пиримқул Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар («Авлодлар доғони»), Т., 1997.
3. Пиримқул Қодиров. Она лочин видоси. Т., 2001.
4. Пиримқул Қодиров. Қалб кўзлари. Т., 2001.
5. Норматов У. Ҳақиқатнинг машаққатли йўли. «П.Қодиров. Сайланма. Учинчи жилд». Т., 1988.
6. Қўшжонов М. Баҳсларда улғайган ижод. «Сайланма». Икки томлик. Биринчи том. Т., 1982.
7. Шарафиддинов О. Улғайиш. «Адабий этюдлар». Т., 1968.139–166-б.
8. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. Т., 2004. Б.434 – 445.
9. Шермухаммедов П. Пиримқул Қодиров. Т., 1983.

## ЎТКИР ҲОШИМОВ

XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиёти, аниқроғи насри ривожда Ўткир Ҳошимовнинг муносиб ўрни бор. Мустабид тузум шароитида у ўзининг ҳақ сўзи билан эл орасида эътибор қозонди. Ёзувчи ўз асарларида ҳамиша ҳақ гапни айтишга интилди. Эҳтимол, унинг ҳикоя, пьеса, романиларида юзаки ўринлар бордир, аммо адиб ҳеч қачон ёлгон гап айтмаган, мустабид мафкура, сиёсат ноғорасига ўйнаб виждонини сотмаган, мурасасозлик йўлига кирмаган. У ўткинчи майларга берилмай, сўз санъатининг азалий муаммоси — шахс жумбоғи, ижтимоий адолат туйғуси ифодаси билан қизиқди. Адабиёт дунёсида "насрдаги тарона", "насрдаги шоир" атамалари бор. Янги ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий билан Саид Аҳмад ҳақли равишда прозанинг шоири деб ном олганлар. Замонавий ўзбек адабиётида Ўткир Ҳошимовни ҳам насрдаги шоир, етук асарларини эса насрдаги қўшиқ, тарона деб аташ мумкин. Илк қиссаси "Чўл ҳавоси"дан тортиб "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китобига қадар — барча асарларига хос муштарак жиҳат шуки, улар бетакрор, беназир сирли мусиқий оҳанг билан йўғрилган. Муаллиф қўлидаги қалам гўёки ёзмайди, балким қалами учидан сўзлар мусиқа сингари қуйилиб келади; унинг ҳикоя ва қиссалари шеърдек, дostonдек ўқилади, улар якка созда чалинган дилрабо куйдек янграйди, романилари кўп овозли симфонияни эслатади, ҳатто унинг бадиалари, публицистик мақолаларини ўқиганда инсон кўнгил хазинасининг, туйғуларининг хилма-хил жилolari мужассам, оддий маиший кечинмалардан тортиб улкан ижтимоий мушоҳадалар, кескин руҳий драмалар, фожиалар, қабоҳатлар ҳақида қалам тебратганда ҳам нафосат туйғусини асло тарк этмайди, ғоят тигиз лавҳаларда ҳам ажиб самимият, ҳазин ва нурли бир куй акс-садо бериб туради. Ўткир Ҳошимов насрини китобхонга манзур қилган жозоба сирларидан бири шунда.

Ўткир Ҳошимов 1941 йил 5 августда Тошкент вилояти Замиота тумани Дўмбиробод мавзесида туғилди. Унинг бобокалонлари зиёли, ўз даврининг машҳур кишилари бўлган. Жумладан, XIX асрда яшаб ўтган улкан уламо араб, форс, рус тилларини мукаммал билган, рус чоризми босқини пайтида Тошкент мудофааси ташкилотчиларидан

бири бўлган, «вабо қўзғалони»да маҳаллий халқни ҳимоя қилиб чиққан, халқ омонлиги йўлида жонини фидо қилган улўф зот — Абулҳосимхон эшон Ўткирнинг бобокалони саналади, аниқроғи, Ўткир — бу табаррук зотнинг эварасидир. Ўша улўф зот қурдирган, унинг номи билан аталувчи мадраса бутун ҳам янги Тошкент жамолига кўрк бағишлаб турибди<sup>1</sup>.

Ўткирнинг отаси — Ҳошимов Атаулла оддий ишчи бўлган. «Машаққатли сафар» сарлавҳали таржимаи ҳолида ёзувчи отаси ҳақида шуларни ёзади: «Отам эскича алифбодаги китобларни ҳам, замонавий газеталарни ҳам мугтасил ўқиб борар, камгап, хийла тажанип, аммо ниҳоятда ҳақпараст одам эди.» «Онам — Ҳошимова Ҳакима эса отамнинг аксича, ниҳоятда ювош, жуда меҳрибон эди, — дея давом этади у. — Қўшинининг мушуги турса ҳам жони огригандир, деб ачинар, кўчада бирор бола йиғлаб ўтирган бўлса, албатта тепасига бориб болани силар, бирон сабаб билан биз болаларни қарғаса, ўзи ҳам қўшилиб йиғлаб юборар, ўша заҳоти кўнглимизни олишга ҳаракат қиларди...онам икки гапнинг бирида мақол ишлатмаса туролмас, ўта содда, ўта ювош бўлгани билан эртаклару афсоналарнинг кони эди»<sup>2</sup>.

Ўткир қониди, табиатида аждодларидан ўтган, хусусан, бобосига хос арбоблик, отадан ўтган бир оз қизиққонлик, ҳақпарастлик, онасидан теккан кўнгилчанлик, ўзгалар дардига ҳамдардлик хислатлари ўзига хос тарзда мужассамдир. Ўткирнинг болалиги оғир уруш даврида ўтди, у ўзини «уруш болалари» авлодига мансуб деб билади. У уруш даврининг муҳтожликлари ва машаққатларини кўриб, татиб ўсди, ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар одами сифатида шаклланди. Кейинчалик болалик таассуротлари унинг ижодида чуқур из қолдирди.

Ўткирнинг меҳнат фаолияти жуда эрта бошланди. Билимга чанқоқ бўлажак ёзувчи ўрта мактабни медаль билан битирган, олий ўқув юрти талабаси бўлишни кўнгилга туғиб қўйган бўлса ҳам, оилага моддий ёрдам берип мақсадида ишлашга мажбур бўлди, аввал «Темирийўлчи» газетасида хат ташувчи, сўнг таржимон, «Қизил Ўзбекистон»да мусахҳих ёрдамчиси, «Тошкент оқшоми»да адабий ходим бўлиб

<sup>1</sup> Қаранг: Ўткир Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. Т. «Царқ», 2001. 120–123-бетлар.

<sup>2</sup> Ўткир Ҳошимов. Нотаниш орол. Т., «Ёш гвардия», 1990. 6–7-бетлар.

ишлади. Айни пайтда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетида аввал сиртқи бўлим, сўнг кундузги бўлимда таҳсил олди. 1966–1982-йилларда «Тошкент оқшоми»да бўлим мудир, 1982–1985-йилларда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўрнибосари, 1985–1995-йиллари «Шарқ юлдузи»нинг бош муҳаррири, 1995–2005-йиллари эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси бўлиб ишлади. Мана шу йилларда у жонкуяр жамоат аробоби сифатида ҳам танилди. «Шарқ юлдузи»да муҳаррирлик қилиб юрган кезлари унинг саъйи ҳаракати билан Қуръони Карим таржимаси эълон этилди, Чўлпон асарлари халққа қайтарилди, «шубҳали» саналган «Авлодлар доवони» дунё юзини кўрди. Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси сифатида бевосита унинг раҳбарлигида миллий матбуотимизга оид қатор қонунлар ишлаб чиқилди.

Ўткир Ҳошимов ижодини публицистикадан бошлади, 1962 йили «Пўлат чавандоз» номи очерклар тўплами босилиб чиқди. У бадиий ижодга жуда эрта майл билдирган, 5-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ шеърлар, ҳикоялар машқ қила бошлаган бўлса-да, «Тўрт мактуб» номи илк ҳикояси 1963 йили матбуотда босилиб чиқди. Шу ҳикоя асосида «Чўл ҳаноси» қиссаси ёзилди. «Шарқ юлдузи»да босилган бу қисса ҳақида ёш муаллиф Абдулла Қаҳҳордан мактуб олди. «Ўткир! «Чўл ҳавоси»ни ўқиб суюниб кетдим. Бирдан лов этиб алашга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади, қисса жуда соф, самимий, илиқ, табиий, роҳат билан ўқилади», дейилади ўша мактубда. Бундай илиқ сўзлар ёш ёзувчига далолат берди. Сўнг у бирин-кетин «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади» қиссаларини яратди. Хусусан, «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол» қиссалари адабий танқидчиликда қизгин баҳс-мунозара кўзгатди. Бу қиссаларни учун у 1976 йили Ёшлар мукофотиغا сазовор бўлди.

Ўткир Ҳошимов қиссалари 60–70-йиллар миллий адабиётимиздаги илғор тамойиллар билан уйғунлиги, ўткир маънавий ахлоқий муаммоларни дадил ўртага қўйилганлиги, энг муҳими, тасвирдаги самимият, ички жозибаси билан ажралиб туради.

❖Маълумки, Ўткир Ҳошимов ижодга қадам қўйган йилларга келиб мустабид тузум даври дағдағая зуғумлари бир оз юмшаган, жамиятнинг демократлаштирилиш бошланган, эркин фикрларга қисман йўл берилган эди. Бироқ расмий доираларда, «мўътабар» минбарларда, илм-фан, радио, телевидение, матбуотда бор ҳақиқатни айтиш имконияти ҳамон чекланган эди. Бундай пайтда жамиятнинг виждони, меҳнаткаш халқнинг овози бўлиш вазифаси адабиёт, сўз усталарининг зиммасига тушди; Абдулла Қаҳҳор, О.Ёқубов, П.Қодиров, улар изидан борган Э. Воҳидов, А.Орипов, Рауф Парфи, Ш. Холмирзаевлар чиндан ҳам ҳақиқат, адолат жарчиси, халқ дилининг таржимони сифатида майдонга чиқдилар. Улар яратган энг сара асарлар ижтимоий тафаккур соҳалари – тарих, фалсафа, социология, сиёсат, адабиётшунослик ва публицистика бажариши лозим бўлган талай вазифаларни ҳам адо этди. Шу тариқа адабиётда «гап айтиш», «масала кўтариш» тамойили кучайди, проблематик шеър, достон, проблематик драма, ҳикоя, қисса, роман турлари пайдо бўлди; айни пайтда дидли, куюнчак китобхон асардан албатта «муҳим гап» кутадиган бўлиб қолди, танқидчиликда асарларни уларда кўтарилган долзарб муаммоларга қараб баҳолаш муайян улуғ тусини олди.

Ўткир Ҳошимов худди шу йўлдан бориб қатор публицистик ҳикоя, қиссалар яратди. Унинг «Тераклар япроқ ёзди», «Дехқоннинг бир куни», «Нур борки, соя бор», «Квазарлар» каби роман, қисса, ҳикоялари асарлардан «гап кутадиган» китобхонларни ғоят ҳаяжонга солди. Мактаб болаларининг умри пахтазорда ўтаётгани, дори сепилган ғўза баргидек эрта хазон бўлаётгани, янги тушган келинчакнинг ҳаётидаги энг ширин дақиқалари эркисиз оғир меҳнат гирдобиде кечаётганини, қишлоқдаги, касалхонадаги, савдо соҳасидаги, олий ўқув юртларидаги, редакциялардаги – Ўткир асарларида ҳаяжон, изтироб билан қаламга олинган бу хил ҳаётий муаммолар талқини ўқувчиларни ўшандай ижтимоий иллатларга нисбатан фикрини шакллантиришда, қаҳрини қўзғатишда муҳим аҳамият касб этди.

Бу тур асарларда публицистик руҳ кучли, муаллиф ҳаёт жумбоқларига бўлган муносабатини ошкора, жўшқин ифода этади, дидадаги гапларини куюниб, ёниб баралла тўкиб солади; асарларида кўпинча – публицист газетачи сўзи билан ёзувчи тили бир-бирига қўшилиб кетади, зотан улардаги

бош қаҳрамонларнинг аксарияти куюнчак зиёлилар, журналист-адиблардир.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўткир Ҳошимовнинг проблематик роман, қисса ва ҳикояларида сўз санъатининг азалий бош муаммоси — инсон тақдири ва қалбининг бадий таҳлили мавжуд; муаллиф долзарб ижтимоий муаммолар талқини билан ёндош ҳолда кўп ўринларда персонаж руҳиятидаги ғоят нафис жараёнларни моҳирона ифода этади. Ўткир ижоддаги илк қадамларидаёқ инсон маънавияти, руҳияти, қалб ҳақиқати тадқиқотчиси сифатида кўринган эди. «Чўл ҳавоси», «Муҳаббат», «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади» номи ҳикоя ва қиссалари шундан далолат беради. Кейинчалик у долзарб ижтимоий муаммолар талқинига кўпроқ мойиллик билдириб, юқорида тилга олинган проблематик асарларни яратган кезларида ҳам инсон образи, инсон маънавияти, руҳияти таҳлилни асло эътибордан четда қолдирган эмас. Бу жиҳатдан «Қалбинга қулоқ сол», хусусан, «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари» қиссаларини эслаш kifоя.

60 – 70-йиллар адабиётида адашган одамнинг фожиасини акс эттирган ўнлаб асарлар пайдо бўлди, аммо улар орасида санъат даражасига кўтарилганлари оз, жуда оз. «Баҳор қайтмайди» қиссасида ёзувчи истеъдодли, бироқ истеъдоди қадрига етмаган, етолмаган, улуғ мақсадлардан маҳрум худбин йигитнинг таназзул тарихини, руҳий-маънавий инқирозини санъаткорона таҳлил этиб берди. Ана шу санъаткорона таҳлили — тасвирнинг туйғуларга бойлиги ва самимияти билан кўпчилик қалбига йўл тоқди, кўпларни ҳаяжонга солди. Қисса матнида бошдан-оёқ муаллифнинг ўта нозик ва нафис кузатишлари, ёзувчи қалби тебранишлари, ранг-баранг кечинмалари, завқ-шавқи, армон-ўқинчлари, қисқаси, хилма-хил туйғулар нафаси уфуриб ётибди. Мана қисса хотимасидан кичик бир парча, асар бош қаҳрамони Алимардон ҳалокатидан кейинги табиат манзараси тасвири:

«Негадир шу оқшом офтоб жуда қийналиб ботди. Уfq этагида узоқ осилиб турди-да, секин-аста ер ортига чўкиб кетди.

Яна бир неча кундан кейин яйраб-яшнаб баҳор келди... Саҳий кўклам кўплар қатори Алимардоннинг ҳам қабрини бурқади. Майсалар орасида очилган биттагина қизғалдоқ

тоғи шудрингига қадаҳ тутди. Эрта-индин тўкилиб кетиши, ўзидан на муаттар бўй, на мева қолишидан беҳабар ял-ял ёнди...»

Бу сўнгги сатрлар ададсиз алам-ўкинчлар, кўз ёшлар билан қоғозга тушгани шундоққина сезилиб турибди. Қаҳрамоннинг дафни кунида, ўша мотамсаро оқшом пайти қуёшнинг қийналиб ботиши, уфқ этагида узоқ осилиб туриши, сўнг умидсиз алфозда секин-секин ер остига ботиб кетишида дилларни хун қиладиган, кўзларга ёш келтирадиган муңли оҳанг бор. Ҳамма ёқни нурга, рангга безаган, қаҳрамон қалбини майсаларга буркаган саҳий кўклам, қаҳрамон қабри устида ял-ял ёнган қизғалдоқ, унинг омонат умри хусусидаги нафосат тўла муңли тасвир, бир дам яшнаб, эрта хазон бўлган инсон умри ҳақидаги хазин қўшиқнинг сўнгги нидолари, титроқлари каби эшитилади.

Ўткир Ҳошимовда нафосат туйғуси беҳад кучли. Ҳатто у алданган одамнинг маънавий инқироzi, фожиаси, ҳалокати тасвирида ҳам шу туйғуни сақлаб қолади. Айниқса, у яхши, олижаноб, маънавий баркамол шахслар қалби, табиати тасвирида ўзини ниҳоятда эркин ҳис этади. Ёзувчининг ижобий қаҳрамонлари аксари гўдақдай беғубор, нафосат туйғусига бой, ҳиссиётчан, ўта таъсирчан одамлар. Оҳтимол, Ўткир асарлари қаҳрамонларининг ўзбек китобхонлари кўпчилигини асир қилган омиллардан бири шундадир. Ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатини шафқатсиз, дағал бўёқларда ифода этадиган асарлар руҳида тарбияланган китобхонга Ўткир асарларидаги ўта нафис, ҳиссиётга бой ифодалар, соддадил, романтик, ўта ҳиссиётчан, таъсирчан қаҳрамонлар бир оз жўнроқ, китобийроқ туюлиши мумкин, начора, ёзувчининг тафаккур ва ифода тарзи барчага бирдек маъқул бўлиши шарт эмас. Бироқ адибнинг услуб тарзини бошқа бир услубий йўналишга зид келгани учун камситиш, рад этиш, ерга уриш ўринсиз. Адабиётда бадий тафаккур, ифода тарзи қанчалар ранг-баранг бўлса, шунча яхши. Ўткир асарларида персонаж талқинидаги нафосат туйғуси билан йўғрилган лиро-романтик йўналиш алоҳида жило билан намоён бўлган экан, бу ҳол миллий насримизнинг бойлигидир.

Ёзувчи ижодига хос лирик тарона унинг «Дунёнинг ишлари» қиссасида энг баланд пардаларда жаранглади. Бу асар Она ҳақидаги, Она қалбининг чексиз саҳовати ҳақидаги ўзига хос қасидадир.

«Дунёнинг ишлари» бир қаранда автобиографик асар, ёзувчининг ўз болалик йиллари, ёшлик, йигитлик даври хотиралари, онаси, қариндош-уруғлари, таниш одамлар ҳаётидан баҳс этади. Унда хилма-хил воқеалар ҳикоя қилинади, бироқ асар марказида Она образи туради. Асардаги она фарзанди, фарзанди ороми, бахти учун жонини, жаҳонини беришга тайёр минг-минглаб оналаримизнинг тимсолига айланди.

Қисса завқ-шавқ билан шоирона ёзилган. «Дунёнинг ишлари»ни қисса эмас, дoston деб аташни истардим, — дейди Саид Аҳмад. — У қўшиқдай ўқилади. Уни ўқиб туриб ўз оналаримизни эслаб кетамиз. Шу мунфиқ, шу жафоканш оналаримиз олдидаги бир умр узиб бўлмас қарзларимизнинг ақалли биттасини уза олдикми, деган бир андиша, бир савол кўз олдимизда кўндаланг туриб олади. Қисса бизни инсофга, инсонни қадрлашга, ҳурмат қилишга чақиради».

Ёзувчи ўз онасининг чексиз қалб саҳоватлари ҳақида сўз очар экан, айни вақтда уни етарлича қадрлай олмаганидан афсусланади.

Қисса бир-бири билан узвий боғланган мустақил воқеий (бўлиб ўтган) ҳикоялардан ташкил топади.

«Дунёнинг ишлари» бошдан-оёқ ниҳоятда ёрқин, ажиб бир миллий бўёқлар билан жиловланган. Айни пайтда асар тереги бир умуминсоний, байналминал туйғулар билан йўлланган. Қиссада шундай мулоҳазалар бор:

«Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам ўз совғиласига айтган дил розини дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам айтган қўшиқни дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Эҳтимол, дунёнинг бу чеккасида туриб бир одам айтган оқилона фикрни дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Бироқ дунёнинг бу чеккасида туриб Она айтган алаға дунёнинг нариги чеккасидаги гўдак бемалол ором олади».

Она алласининг сирли-сехрли кучини муаллиф аввало Аллоҳ сўзи — Қуръони Карим оятлари тиловати садоси билан қиёс қилади. Қабристондаги хужра томонидан тиловат садоси эшитилади, худди шу пайт ҳовли томондан она алласи янгирайди: «Раббано—о—о, раббано—о—о...» «Аллаё, алла...» Ҳикоячи ажиб бир ҳолатга тушади «Бир томонда тиловат садоси, бир томонда алла... Ажаб, улар бир-бирига

ҳалақит бермас, бир-бирини рад этмас». Орада қандайдир сирли муштараклик мавжуд.

Қисса муаллифи онасидан алла эшитган дақиқалардаги ҳолатини эслаб кетади; Она айтган сатрлар оддий кўшиқ эмас, унинг овозида қандайдир бошқа нарса, мунгми, илтижоми, тингловчи қалбини асир этадиган илоҳий сеҳр борлигини уқтиради; «Кейин катта бўлганимда ҳам қаерда алла эшитсам, юрагим ширин орзиқиш билан талпиниб кетар, нега бунақа бўлаётганини ўзим билмас эдим» деб ёзади.

Ёзувчи дунёнинг икки чеккасида ўзи тувох бўлган икки ҳодисани — сафар чоғи қирғиз ўтовида қирғиз аёл айтган алла ва олис Кисловодскда сибирлик жувондан алла эшитган чоғдаги ғаройиб ҳолати — юракдаги ширин орзиқиш туйғуларини тўкиб солади. Қирғиз ва рус аёлларининг ўз она тилларида айтган дил розлари муаллиф қалбини онасидан эшитган алла каби тугенга солади, аллалайди.

Шу тариқа ёзувчи воқеа-ҳодисаларни шунчаки ҳикоя қилиб бермайди, ҳодиса билан боғлиқ туйғуларнинг ажиб сеҳрини, нафосатини китобхон қалбига олиб киришга муваффақ бўлади. Қиссанинг деярли барча боблари айти шу руҳда битилган.

«Дунёнинг ишлари» қиссасига 1981 йили Ойбек номидаги Республика Ёзувчилар уюшмаси мукофоти берилди.

Ўткир Ҳошимов бадий адабиётга журналистика чорраҳалари орқали кириб келди. Унинг 1977 йили ёзилган ilk романи — «Нур борки, соя бор...» журналистик фаолиятининг, тажрибаларининг ўзига хос якуни, бадий сарҳисобидир. Роман марказий қаҳрамони Шерзод муаллифга тенгдош, айти ўзи каби ёзувчи — журналистдир. Шерзод тимсолида ёзувчи китобхонни айти ўзи ҳаётда дуч келган муаммолар гирдобига олиб киради. Журналист қаҳрамон билан бирга китобхон гоҳ Помирнинг уқубатли йўлларида ўтади, ер остига тушиб метро қурувчилари ҳузурида бўлади, инсон қони рангини эслатувчи тупроқ ҳидини туюди; гоҳ Фарғонанинг олис, мафтункор қишлоғидаги қаҳрамон туғилиб ўсган мўъжаз хонадонга, димоғдор раиснинг дабдабали кабинетини-ю, серҳашам меҳмонхонасига кириб қолади, қишлоқ ҳаёти, мактаб ва меҳнат муаммолари устида ўй суради; гоҳ шаҳар касалхонасида одамнинг мавқеига қараб муомала қилувчи бўлим мудирига, савдо ходими Сайфи Соҳиевичга тўқнаш

келади. Хасталикнинг, бир хона ичида маънавий тубан кимса билан туришнинг изтиробларини юракдан ҳис этади. Сайфи Соқиевич билан танишув шу билан тугамайди, уни китобхон оиласида, серҳашам саройида, иш кабинетида такрор-такрор учратади; бу учрашув ва танишувларнинг ҳар бири мешчанларча ҳаёт кечиришга, мешчанлик психологиясига ўқилган айбнома каби туюлади. Ёзувчи Сайфи Соқиевичнинг ўғли Сирожиддин баҳонасида олий ўқув юрти, илм даргоҳидаги можароларни қаламга олади; Сирожиддиннинг оилавий турмуш тарзи тасвири асарнинг энг пухта сюжет тармоқларидан бирини ташкил этади. Қаҳрамоннинг ҳаёт саргузаштлари — унинг ширин ва ҳазин болалик хотиралари, барбод бўлган илк севги изтироблари, аломат қиз Зуҳра билан мулоқотлари, Зуҳра оиласи тарихи ўзини мустақил бир қиссани ташкил этади. Бунинг устига актриса Зуҳра муаллиф учун ҳаётнинг яна бир жабҳасига — театр, санъат оламига кириб бориш, санъат ва адабиёт муаммоларига муносабат билдириш имконини беради.

Роман структураси, унинг асосий сюжет йўналишлари, унда қамраб олинган ҳаётий муаммолар доираси, қисқача айтганда, ана шулардан иборат.

Асар бош қаҳрамони эҳтирос кишиси, ёзувчи — журналист бўлаганидан арзимас нарсадан ҳам қалби тугёнга тушади, салгина қаллоблик, нопоклик аралашган жойда ўзини кўярга жой тополмайди, ҳодисалар устидан тез ҳукм чиқаради. Муаллиф қаҳрамон қалбида жўш урган эҳтирослар тўлқинидан салмоқли маъно ахтаради, унинг шахсий кечинмалари кўпинча ижтимоий аҳамият касб этади, уни қийнаган жумбоқлар аксари роман ёзилган 70-йиллар одамларининг ташвиши, «тили учда турган гаплар» бўлиб чиқади. Шуниси муҳимки, қаҳрамонлар қалбидаги эҳтирослар тугёни ёзувчининг илк ҳикоя ва қиссаларидан фарqli ўлароқ, сентименталликдан ҳоли, бу ердаги ҳислар тугёни ҳамиша китобхонни курашга чорлайди; бу ҳол қаҳрамонга қандайдир шижоат, романтик тус бахш этади. Ўткир Ҳошимовнинг тенгдош қаламкаш дўсти Шукур Холмирозев: «Ў. Ҳошимовнинг ижодида кучли, жиддий қаҳрамонлар пайдо бўляпти. Мен бу ёзувчи дўстимни кузатиб, ижодини ўзимча таҳлил этиб юрган қаламкаш сифатида шуни дадил айта оламанки, Ўткирдаги услубий

изланишлар — унинг қаҳрамон танлашида акс этмоқда»<sup>1</sup>, — деганида тўла ҳақ. Бунда у биринчи галда «Нур борки, соя бор»даги Шерзодни назарда тутган. Дарҳақиқат, Шерзод жўшқин фаолият кишиси, у инсон шаънини, эркини ҳамма нарсадан устун қўяди, ҳар қандай оғир, мураккаб шароитда ҳам эътиқодига содиқ қолади, шу билан баробар юксак эътиқодини, орзу-идеалларини барқарор этиш учун дадил кураш олиб боради, турмуш чигалликларига амалий чора ахтаради.

80-йилларга келиб Ўткир Ҳошимов ижодида миллий адабиётимиз истиқболи учун муҳим аҳамиятга молик янги тамойиллар рўй берди. Ёзувчи, бир томондан, радио ва телевидение орқали жиддий чиқишлар қилди, у телевидениеда олиб борган «Баҳс» кўрсатуви бутун республикани «оёққа турғизди». Шунингдек, матбуотда бирин-кетин Ўткир публицистик мақолалар эълон қилди. Хусусан, «Қалбнинг оппоқ дафтари», «Авлодларга нима деймиз», «Давлат сири», «Мантиқ қани?» каби мақоаларининг ҳар бири уларда ўртага ташланган маънавий, ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг кўлами, салмоғи, таъсир кучи жиҳатидан етук бадний асарларга тенг деб баҳоланди.

Айни пайтда адиб яратган энг яхши асарлар аввалгиларидан фарқи ўлароқ, ошкора публицистик талқиндан холи. Бу даврга келиб адиб ижодида публицистик фаолият билан соф баднийят орасида муайян ажралиш рўй берди. Муаллифни энди кундалик долзарб масалалар эмас, кўпроқ азалий-боқий маънавий муаммолар, инсон тақдири, инсон қалбининг жумбоқлари кўпроқ қизиқтиради. Бу нарса «Икки эшик ораси» романида айниқса равшан кўринди.

«Икки эшик ораси» — йирик ижтимоий, маънавий-ахлоқий роман. Асар узоқ даврлик воқеаларни, кўплаб кишилар тақдири, ҳаёт йўли, хилма-хил ижтимоий-ахлоқий муаммоларни ўз ичига қамраб олади. Роман воқеаларининг бир учи 30-йилларнинг бошларига, қишлоқдаги колхозлаштириш даври воқеаларига бориб тутагиса, иккинчи учи 70-йилларнинг охирига келиб тақалади. Шундай бўлса-да, романнинг марказида фашизмга қарши олиб борилган уруш даври, уруш йилларидаги ўзбек қишлоғи ҳаёти, уруш ва инсон, урушнинг кишилар тақдирига кўрсатган чуқур

<sup>1</sup> Қаранг: Услуб, бадний шакл муаммолари, (Ёзувчи Шўхур Холмирзаев билан суҳбат). У.Норматов. Етуклик Т., Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, 352-бет.

таъсири, улар қисматида, зурриётида, дилида қолдирган жароҳатлари муаммоси туради. Ёзувчи иккинчи жаҳон уруши кишиларимиз учун зўр синов бўлгани, бу синов пайтида ўзбек кишисига хос бўлган ноёб фазилатлар фавқулодда бир куч билан юзага чиққани, кишиларимиздаги отадин ватанпарварлик, чексиз мурувват, садоқат туйғуларини илҳом ва эҳтирос билан қаламга олади. Ўша синов кезларида фақат ўз жонини, манфаатини ўйлаб, мунофиқлик, хиёнат кўчасига кирган айрим кимсалар қилмишини қаҳр-ғазаб билан қоралайди, маънавий инқирозини, фожиясини очади. Қаҳрамонлар қисмати воситасида ёзувчи яшашнинг маъноси, инсоннинг инсонлик шаъни, бурчи, масъулияти, эътиқоди масалаларини кўтаради, китобхонни улар ҳақида ўйлашга, баҳсга чорлайди. Қандай яшаш ва яшамаслик керак, деган савол асарнинг етакчи фалсафаси даражасига кўтарилади. Бу ўғит-фалсафа персонажлардан бири — кўпни кўрган Ориф оқсоқол томонидан берилган икки эшик ораси тўғрисидаги халқона ҳикматда ўз якунини топган. У дейди: «Бир хил одамлар бор: у эшикдан кириб бу эшикдан чиқиб кетаётганида қўлидан келганча савоб иш қилади. Ҳаёт деган иморатга ақалли битта гишт қўйиб кетади. Яна бир хиллари бор: ўша иморатдан ақалли битта гишт ўғирлаб кетгиси келади. Ўғирлаб-ку, ҳеч қаёққа боролмайди, нариги эшик олдига борганда барибир ташлаб кетади. Икки орада иморатни бузгани қолади...» Муаллиф шулар билангина чекланмайди, босқинчилик урушининг инсонийликка, инсониятга зид моҳияти, фашизм ҳарбий жиноятининг мудҳиш оқибатлари ҳақида чексиз алам билан ёзади. Бинобарин, бу роман бошдан-оёқ урушнинг аччиқ сабоқлари орқали одамларни ҳушёрликка чақирувчи, умуман урушга қарши қаратилган асардир. Романнинг муҳим ижтимоий, умуминсоний, замонавий қиммати ҳам ана шунда.

Ёзувчи узоқ даврлик воқеаларни, кўллаб инсоний тақдирларни бош қаҳрамоннинг бир неча соатлик кечинмалари ичига жо этади. Шуниси характерлики, муаллиф воқеаларга бевосита аралашмайди, мухтасаргина сўз бошидан кейин у бевосита кўринмайди, сўз, ихтиёр бутунасига қаҳрамонларнинг ўзларига берилади. Қаҳрамонлар эса ўз бошларидан ўтганларини ўзлари сўзлашга киришадилар. Шу пайтга қадар бизда асар воқеаларини қаҳрамон тилидан ҳикоя қилиш усули бор эди.

Бунда воқеа кўпроқ бир, гоҳи икки персонаж тили, нигоҳи орқали берилар, баъзан бир неча персонаж бошидан ўтганларини ҳикоя қилиб берар эди. Бир эмас, бир неча персонажлар тилидан ҳикоя қилинган асарларда ҳар бир персонаж саргузашти кўпинча мустақил, тугал ҳикоя ёки қисса шаклини олар эди. «Икки эшик ораси»да эса ўзгача манзарага дуч келамиз. Бир-икки эпизодни мустасно қилганда унда алоҳида мустақил, тугал саргузашт йўқ; асарда бир неча саргузаштлар ёндош ҳолда бири-бири билан туташган, чирмашган ҳолда берилган. Ўнга яқин ҳар хил табиатли, ҳар хил ёшдаги персонаж, бунинг устига улар умр поғонасининг турли босқичларида туриб саргузаштларини ҳикоя қиладилар. Кўп ўринда бир ҳодиса икки ёки бир неча персонаж нуқтаи назаридан ҳикоя қилинади, баҳоланади. Масалан, Раънонинг хиёнатини ҳам унинг ўзи, ҳам уни шу йўлга бошлаган Умар закунчи, ҳам Робия тили, нуқтаи назаридан берилади; бир ҳодиса уч шахс нигоҳида уч хил талқин этилади... Бу ҳол асарга ўзига хос полифоник хусусият, сержило маъно бахш этади, асар драматизминини кучайтиради, ўқувчида ҳодисага нисбатан қизиқишни оширади.

Асарда ўнлаб катта-кичик персонажлар мавжуд. Қимирлаган жон борки, деярли барчаси давр дард-ташвиши билан нафас олади. Бир-икки эпизодда кўриниш берадиган райком котиби Абдураҳмонов, муаллим Самадов, Рашид абзи, Дядя Вася, Парча опа, Зухра келин каби персонажлардан тортиб, асарнинг марказий персонажи Музаффарга қадар – ҳаммаси мураккаб, чигал, мушкул тақдир эгалари. Ёзувчи етакчи қаҳрамонлар, хусусан, Музаффар, унинг туққан онаси Раъно, боққан онаси Робия, отаси Шомурод, ўтай отаси Умар закунчи, севгилиси Мунаввар, «Қора амма», Ҳусан дума, Ориф оқсоқол, Башоратхон, Комил табиб образларини, уларнинг қалб дунёсини кенг ва ҳар томонлама очади.

Маълумки, Ўткир Ҳошимов илк романи «Нур борки, соя бор...»да ҳаётнинг долзарб проблемаларини кўрсатишга мойиллик кучли эди, шунга кўра уни шартли равишда «проблематик роман» деб аташ мумкин; «Икки эшик ораси»да эса одамлар тақдири билан қизиқиш устун, уни «тақдирлар романи» деса бўлади. Романдаги тақдирлар ўз навбатида концептуал характерга эга. Ёзувчи қаҳрамонлар тақдири талқинида ҳамيشа романдаги бош концепциядан,

яъни одамлар қисматидаги уруш билан алоқадор жиҳатлардан келиб чиқиб иш кўради. Умар закунчи образини ва бошқа айрим персонажларни мустасно этганда, қолган барча қаҳрамонлар қандайдир уруш жафосини чеккан уруш одамларидир. Музаффар уруш даври чигалликлари туфайли тирик етимга айланади, кўп жабр-ситамларни бошдан кечиради ва пировардида унинг севги фожиаси ҳам уруш келтирган чигалликларга бориб тақалади. Севгилиси Мунаввар уруш қолдирган маънавий жароҳатлар қурбони бўлади. Туққан онаси Раъно уруш тўзонлари ичра довдираб, йўлдан тойиб ҳаёт сўқмоқларига киради; боққан онаси Робия кўнгил берган йигитидан жудо бўлиб тутинган тоғага хотин, Музаффарга эса ўғай она бўлиб қолади. «Қора амма» ўғлининг севгилисини ўз инисига унаштиришга, икки ўғлидан жудо бўлган Оқсоқол эса ўз келинини бошқа бировнинг никоҳига ўтказишга мажбур бўлади...

Роман муаллифи кўп ўринларда қаҳрамонларнинг ғоят кескин, мураккаб, чигал, мушкул дақиқалардаги руҳий ҳолатларини маҳорат билан ифода этади. Айниқса, Оқсоқолнинг оломон олдида келинини кўнгил қўйган ногирон йигитга никоҳлаб бериш лавҳаси, ўша мураккаб лаҳзалардаги Оқсоқолнинг ғоят тигиз, руҳий ҳолати; Комил табибнинг Робияга жангда ҳалок бўлган ўғли кўнгил розини изҳор этишдаги драматик кечинмалари, жангда ярадор бўлиб қайтган Шомуроднинг севиқли гўзал хотини хиёнатидан воқиф бўлган кезлардаги изтироблари, Раънодаги иккиланиш ҳолатлари, сўнг алданиб чеккан алам ва пушаймонлари, ададсиз қалб қийноқлари — бунга ўхшаш лавҳалар тасвири китобхонни ларзага солади.

Асар муаллифи қаҳрамонларнинг руҳий драмасини очиш билан баробар уларнинг қалб бойлиги ва саҳоватини ҳам кўрсатади. Бир талай персонажлар табиати ва хатти-ҳаракатидаги меҳнаткаш ҳалқимиз характериға хос фазилатлар, ўзбек халқи турмуш тарзи ёрқин ифодасини топган. Хусусан, Ҳусан дума, Оқсоқол, Комил табиб образлари, уларнинг оиласидаги тартиботлар ўзбек турмуш тарзининг кўп яхши анъаналарини кўз-кўз қилиб туради. Бу уч шахс гўё меҳнаткаш халқ ҳаёти, характерининг учта муҳим қиррасини ифодалайди: Ориф оқсоқол — раҳбар ходим, Ҳусан дума — тадбиркор, ишбилармон деҳқон, Комил табиб халқ зиёлиси... Ориф оқсоқол меҳнаткаш халқ

орасидан чиққан, бутун ҳаётини шу меҳнаткаш халқ манфаатлари йўлига тиккан, кечаю кундуз шу меҳнат аҳли ташвиши билан нафас олувчи, бир оз дағал, шанғи кўринса-да, ниҳоятда ёқимтой чол. Унда ажиб бир жозиба бор. Қишлоқ аҳли уни ниҳоятда ҳурмат қилади, ҳамма унга талпинади, унинг ҳар бир сўзи эл учун қонун; йўқ, буйруқ эмас қонун! Меҳнат аҳли Оқсоқолнинг сўзини, ишини ўз сўзи, ўз иши деб билади. Чунки Оқсоқол ҳеч қачон элни алдамаган, фақат унинг ғамини еган, манфаатини деган... Шуниси муҳимки, Оқсоқол вазият тақозоси билан мансабдан — раисликдан четлатилганда ҳам бир дақиқа бўлсин, эл-юртдан узоқлашмайди, мансабдан кетгани учун асло ўкинмайди, қишлоқ аҳли эса ҳамон уни ўзларининг маънавий раҳнамоси деб билади. Бу одам оиласидаги оғир кўргуликлар юз берганда бошга тушган мусибатлар туфайли дил-дилдан ўртангани ҳолда, барибир ўзгалар бахти, оромини ўйлаб иш кўради.

Хусан дума ҳам дўсти Оқсоқол каби қалби дарё одам. Дума оиласи адолатсизлик туфайли сарсон қолган Робияни асраб, ўз фарзандидек тарбиялаб вояга етказди. Дума ҳам уруш туфайли оғир жудоликлар аламини тортади. Шу оғир жудоликларни енгиб эл-юрт манфаати йўлида тинимсиз тер тўқади. Бу одам — асл меҳнаткаш, тадбиркор деҳқон. Унинг тадбиркорлиги, меҳнат-шижоатидан эл-юрт кўп наф кўрган. У оиласида, ҳовлисида ажойиб-ғаройиб тартиб ўрнатган, унинг хонадонида ҳамма нарса жойида, ўзаро меҳнат тақсимооти жорий этилган, барча ўз иши билан банд...

Комил табиб ҳам худди Оқсоқол ва Дума каби уруш жафосини чеккан шахс, у ҳам дилда алам-изтироблари билан ўзгалар дарди, жароҳатига чора қидиради, унинг шифобахш қўли кўпларнинг оғриғига малҳам бўлади.

Урушда бедарак кетган ёлғиз фарзанди доғида ўртанса-да, ўз дардини ичига ютиб, нуқул ўзгалар ғами, ороми, бахтини ўйлайдиган «Қора амма», ўша оғир йилларда трактор миниб, ёшларни ўз ёнига олиб, эл-юрт мушкулотини осон қилган, уруш қурбони бўлган эри саломатлиги, кўнгли деб ўз оромидан воз кечган Башоратхон, ипақдай майин-мулойим, ўзгаларга меҳрибон, қўли гул чевар, доно аёл қўқонлик Ойсара опа — бу хил фидойи онажонлар романга зеб бериб турибди.

Ёзувчининг маҳорати, санъати фақат жонли, ҳаётӣ миллий характерлар яратиш, қаҳрамонлар табиатига хос инсоний фазилатларни, дилидаги таълими, туғёнларни моҳирона ифода этишдагина эмас, характерлар руҳиятидаги ўта нозик, тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган мураккаб кечинмалар силсиласи тасвирида ҳам намоён бўлади. Биргина мисол: Музаффар орадан ўн йил ўтса-да, ҳалок бўлган севгилиси Мунаввар ёди билан танҳо яшайди, ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, уйланимай, болқа бировга кўнгли қўёлмай қарияларни хуноб қилади. Онасининг ўлими хабарини эшитганда изтироб чекади, таъзиясига отланади, аммо онаси хонадонига яқинлашганда ўлим хабари туфайли дастлаб кўнглида уйғонган фарзандлик меҳри сўниб, ортга қайтишни ўйлаб қолади...

Хўш, нима учун? Музаффарнинг уйланимай бўйдоқ юриши таркидунечилик эмасми? Онага бўлган совуқ муносабати тошбағирлик оқибатими? Асло! Гап шундаки, Музаффар ҳалол, виждонли, қаллобликни асло кўтаролмайдиган йигит, у фарзанд сифатида ҳар ҳолда онасини унутолмайди, бироқ она хиёнати, бу хиёнат туфайли отаси ҳамда ўзининг ҳаёти алғов-далғов бўлиб кетганлигини ҳам сира эсдан чиқаролмайди. Бунинг учун биз Музаффарни кўнглида кек сақлайдиган фарзанд дея олмаймиз.

Музаффар шахсий ҳаётда бахтсиз, омадсиз. Аммо уни ожиз-нотавон дея олмаймиз. Чунки Музаффар ақлли, андишали фарзанд сифатида онага қарши боролмайди. Бунинг устига онанинг ҳоли маълум, у ўзи йўл қўйган гуноҳ жабрини торга-торга алам-изтироблар, армону нушаймонлар оловида куйиб адои тамом бўлган...

Маълумки, асар асосан уруш орқасидаги ўзбек қишлоғи ҳаётига бағишланган, унда ўша йиллардаги қишлоқ ҳаёти кенг кўламда ифода этилган. Айни пайтда бир неча ўринда аскар йигит Кимсан Ҳусанов ҳикояси орқали жанг лавҳалари ҳам тавдалантирилган. Уларда фашизм ҳарбий жиноятлари даҳшатлари, жангда илтироқ этган ўзбек кишининг жабрдийдаларга нисбатан чексиз меҳри, ёвузларга нисбатан қаҳри, матонати ҳам зўр маҳорат билан кўрсатилган. Романнинг жанг лавҳалари акс этган «Меҳр ва қаҳр» боби «Ёш ленинчи» газетасида эълон этилганда рус адаби К.Симонов «Халхин – Голдан Берлингача» китобида номи тилга олинган собиқ жангчи, наманганлик тарих

ўқитувчиси Ҳасан Абдуллаев уни ўқиб, ўша кунидек роман муаллифига ўз ҳаяжонларини изҳор этиб мактуб йўллайди; ўша бобда қаламга олинган жанг лавҳасининг гоят жонли, ҳаётий ва таъсирчан чиққанини алоҳида таъкидлайди. «Укажон, башарти урушга бормаганмисиз?!» дея хитоб қилади.

«Икки эшик ораси» романи 1986 йили Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Замонавий адабиётшуносликда бадиий асар қиммати, даражаси биринчи галда унда ҳаёт ва шахснинг янгича концепцияси ҳамда бадиий талқини, ифодасига қараб белгиланади. Шу юксак умумбашарий адабий мезонлар асосида ёндашиладиган бўлса, Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романи 90-йиллар ўзбек адабиётида жиддий воқеа, муҳим янгиликдир. Романнинг китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинганлиги, танқидчиликда юксак баҳоланганлиги, хорижда ҳам қизиқиш уйғотгани, олий ўқув юртлари адабиёт дастури ва дарсликларига киритилгани тасодифий эмас.

Бир қарашда роман янги ўзбек адабиётида муайян анъанага айланиб қолган мавзу-муаммолар — мустабид тузум танқиди, афғон уруши, «ўзбеклар иши» қурбонлари ҳақида баҳс юритади. Бу манзу-муаммолар ҳақида кўп ёзилди, Ўткир Ҳошимов «Тушда кечган умрлар» романи орқали бу хусусдаги ўзининг бетакрор, салмоқдор, янги сўзини айтди, айтганда ҳам ўқувчини ларзага соладиган, ўйга толдирадиган қилиб айта олди. Бадиий асарда, хусусан, романда ёзувчининг янги сўзи у яратган жонли ва кўламли шахслар тимсоли орқали гавдаланади. «Тушда кечган умрлар» романидаги талай персонажлар, хусусан, бош қаҳрамон — Рустам ва Комиссар образи ёзувчининг замонавий адабиётдаги бадиий кашфиёти бўлди.

Рустам — фожиавий шахс. Катта ҳаётга эндигина кириб келаётган, она юртнинг етук бир фарзанди, содиқ фуқароси бўлиши, эл-юрт учун кўп ишлар қилиши, севгилиси васлига эришиб бахтли ҳаёт кечириши мумкин бўлган бу навқирон ўғлон умри ўн гулдандан бир гули ҳам очилмай туриб хазонга айланади. Унинг ҳаётини мустабид тузум, тоталитар сиёсат юргизганлар, афғон урушини бошлаганлар, «ўзбеклар иши», «пахта иши» можаросини ўйлаб топган Ҳаломислар барбод этади. Рустам ҳалокати мана шу мудҳиш сиёсатга зўр бир айбнома каби янграйди.

Рустам — уруш одами, уруш қурбони. Ёзувчи Рустам саргузаштлари орқали афғон уруши лавҳаларини бугун даҳшати билан бор ҳолича кўрсатади. Афғон уруши қатнашчиларининг гувоҳлик беришларича, жанг лавҳалари бамисоли жангчи кўзи билан кўриб, қалбдан қозоғга туширилгандай чиққан. Айни пайтда роман инсон шахси, қалби, руҳиятининг давлат, тузум, ижтимоий мафкура, ҳатто дин, сиёсатга бўйсунмайдиган ғаройиб жиҳатларини талқин этиш бобида ҳам жиддий янгилик бўлди. Асардаги уруш ифодаси, талқини бу жиҳатдан характерли. Уруш талқини романда тамомила ўзгача. Аввалги уруш ҳақидаги асарлардан фарқли ўлароқ, бу ерда қарама-қарши кучларни дўсту душманга, оқу қорага, «бизникилар» ва «рақиблар»га ажратиш йўқ; бу ерда ғолибу мағлублар, қаҳрамонлару ноқаҳрамонлар йўқ. Фақат уруш қурбонлари, тузум, мафкуравий айирма, рақобат жабрдийдалари бўлмиш бегуноҳ инсонлар бор, холос. Уруш ҳар икки томон учун ҳам ўлим, ҳалокат, вайронагарчилик, жудолик, мусибат, тандаги, қалблардаги жароҳат, даҳшат — фожиа! Ёзувчи фақат афғон уруши эмас, Иккинчи жаҳон уруши ҳодисаларига ҳам шу хилда янгича ёндашади. Романда шундай эпизод бор: олдинги маррага бир ҳафтача овқат келмаган. Олдинда картошка даласи бор. Украин йигит Бондаренко билан соддадил қозоқ жангчи картошка кавлаб келишга борадилар. Қуюқ туман ичида улар душманга — немис жангчисига дуч келадилар. У ҳам очлиқдан картошка кавлагани келган. Немис русчани биларкан. Улар гурунглашиб қоладилар. Гапдан гап чиқиб немис жангчиси уруш жониға текканини, уйини, учта боласини соғинганини айтади, қозоқ эса саккизта боласи борлигини, колхозда «молши» бўлиб ишлашини айтади. Бондаренко онасини соғиниб кетганини гапирди. Қисқаси, ападий «душманлар» рақибликни унутиб, бир-бирлари билан ҳасратлашиб, сўнг немис у ёққа, қозоқ билан украин бу ёққа — ўз йўлига кетаверади.

Шўро ҳокимияти йилларида адабиётда масалани бу тарзда қўйиш асло мумкин эмас эди. Бундай талқин буржуа пацифизми деб қораланган бўларди.

Романдаги яна бир ҳолатни, аниқроғи Комиссарнинг умр йўлдоши Назира талқинини ҳам эслайлик. Комиссар билан Назира иккиси икки олам. Комиссар мустабид тузумнинг, ҳукмрон мафкуранинг чин одами, тузум

етиштирган «сиёсий ҳушёрлик», «ёвузлик», шафқатсизлик тимсоли. Назира эса нафосат, поклик, беозорлик рамзи. У — оилада яхли бека, эрининг вафодор умр йўлдоши, болаларининг меҳрибон онаси. Бу муштипар аёл эрининг ишларига асло аралашмайди. Ёвуз, шафқатсиз одам билан шундай беозор, мунис аёловнинг бир ёстиққа бош қўйиб узоқ йиллар тинч-тотув яшаши фаройиб ҳол! Назира ҳаётда ҳеч ким билан олишишни истамагани каби ўлими пайти ҳам осойишта — беозоргина жон таслим этади... Инсон табияти ва руҳиятининг ҳеч қанақа қолипларга сиймайдиган бу ҳилдаги шевалари ифодаси ўзбек миллий адабиётида XX асрнинг охириларига келиб урф бўла бошлади. Ҳолбуки, ҳаётнинг ўзида бунақа фаройиб инсоний муносабатлар ҳамма даврларда бўлган. Шоир айтмоқчи, азалдан кўп ҳолларда поклик, нафосат билан дағаллик — хунуклик ёнма-ён яшашга мажбур!

Маълумки, ҳар қандай салмоқдор, эзгу ғоя санъаткорона ифодасини топган тақдирдагина қудратли куч касб этади, асар ғояси эса ўқувчи қалбини асир этадиган яхлит сирли-сехрли тасвир оҳанги орқали пафосга айланади. «Тушда кечган умрлар» романи «Куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди» сўзлари билан бошланади. Илк жумладаги мана шу маънос, мунгли оҳанг асар давомида товланиб, гоҳ сокин, гоҳ шиддатли тус олиб ўқувчининг вужуд-вужудини қамраб олади. Асар қаҳрамони қисмати бошдаги ўша мунгли сўзлар билан интиҳосига етади. «Куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди» жумласи фақат қаҳрамон қисматидагина эмас, асарда акс этган давр, муҳит, жамиятга ҳам даҳлдор — дарҳақиқат ўша йиллари жамият бамисоли ўлим тўшагида ётган бемор каби талвасада. Ўзбек адабиётида бу қадар маънос, мунгли роман яратилмаган эди. Роман бу жиҳатдан ҳазрат Навоийнинг энг ҳазин, мунгли достони «Лайли ва Мажнун»ни ёдга солади. Достонни ўқиётиб китобхон Лайли билан Мажнун бу фоний дунёдан бахтини тополмаслигини, чексиз ғам-андуҳлардан фақат ўлиб қутилишлари мумкинлигини ҳис этиб туради. «Тушда кечган умрлар» романида ўзгача вазият, муаммо, можаролар. Бироқ бош қаҳрамон бошига тушган савдолардан қутилиш йўли ўша — Рустам типигаги ориятли, виждонли йигитни бу мудҳиш кўргиликлардан ўлимгина мосуво этади.

Романдаги Комиссар ҳам фожиавий образ. Бу одамнинг Соат Ғаниевич деган бинойидек исми-шарифи бор. Бироқ

исм-шарифидан кўра Комиссар деган лақаби унга ярашади. У шахс эмас, касб, мансаб-мартаба, мафкура одами; бу одам бутун умри давомида мустабид тузум, тоталитар режим мафкураси, сиёсати қалқони ва қиличи сифатида иш кўрди, неча минглаб одамларнинг ҳаётини, дилини жароҳатлади, ёстигини қуритди.

Шуниси ҳам борки, бу одам ҳаётининг кузи аллақачон бошланган, у ҳам ўлим тўшагида ётган беморни эслатади. Бироқ у буни тан олғиси келмайди, аллақачон отдан тушган бўлса-да, эгардан тушмаган. Муштипар аёли оламдан ўтди, фарзандлари, келини ўзгача йўл танлаб ундан юз ўгирди, иккинчи умр йўлдоши унга хиёнат қилди; ҳаётда бирорта дўсти, таянчи қолмади; у суянган жамият, эътиқод қўйган мафкура нуради, қулади... Ўзини билган, англаган одам учун булар нақадар катта фожиа! Бу кимсанинг фожиаси шундаки, у мана шундай фожиани ҳис қилишдан маҳрум, шу ҳолда ҳам бу инсон қиёфасидаги маҳлуқ ҳеч нарса кўрмагандек яшашда давом этади... Комиссар қисматида замоннинг муҳим бир инсонпарварлик моҳияти ифодасини топган. Ўзоқ йиллар одамларга зуғум ўтказиб келган бу кимсадан ҳеч ким, ҳатто у туфайли ҳаётда кўп жабру жафолар кўрган Қурбоной ҳам ўч олинчи ҳаёлига келтирмайди. Бу ношўкур банда эса бунақа бағрикентликни англашга, қадрига етишга ноқобил.

X            X  
X

Латиф лирика билан серзавқ ҳаётбахш юмор, халқона ҳазил-мутуйиба ораси бир қадам. Янги ўзбек адабиётида латиф лирик шоир, носир борки, деярли барчаси юмористик асарлар битган, қатор йирик жиддий асарлари бағридан ҳам ҳазил-мутуйибалар, ҳажвий-юмористик лавҳалар муносиб ўрин олган. Қодирий, Чўлпон, Саид Аҳмад насрий асарларидаги, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеъриятидаги сержило кулги уларга ажиб файз бахш этган. Йиллар ўтган сари Ўткир Ҳошимовда ҳам юморга, ҳазил-мутуйибага мойиллик кучайиб борди. Унинг қаламқаш дўстлари, устозлари ҳақидаги бегубор, қувноқ табассум билан йўғрилган «Шумликлар» туркуми, «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»нинг талай саҳифалари, «Тўйлар муборак» комедияси, «Икки карра икки — беш» қиссаси, ўнлаб

юмористик ҳикоялари адибнинг ҳажвий иқтидоридан далолат беради. Айниқса, 1976 йили ёзилиб 1978 йили Қўқондаги Ҳамза номли драма театрида сахналаштирилган «Тўйлар муборак» комедияси ўз даврида томошабинларга манзур бўлди. Огаҳий номидаги Хоразм драма театрининг ўзида бу комедия минг мартадан ортиқ қўйилди. Асар «Ёш гвардия» (ҳозирги Аброр Ҳидоятлов) театрида, сўнг Муқимий номли театрда (муסיкий варианты) кўп йиллар ўйналди, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон театрларида сахналаштирилди.

«Инсон садоқати», «Қатағон» драмалари инсон қалби изтироблари ифодаси, эҳтиросларга бойлиги жиҳатидан адибнинг энг яхши қисса ва романларига оҳангдошдир. 90-йиллар тоталитар режим зўравонликлари, қатағон қурбонлари ҳақида кўп ёзилди. Айни пайтда бундай зўравонликлар олдида бўйин эгмаган, кишан киймаган мардона шахслар образи ҳам озми-кўпми яратилди. Афсус, улар орасида эсда қоладиган, адабиётда воқеа бўлган, бадиий капифиёт дейишга лойиқлари оз. «Қатағон» айти шу мардонавор руҳи билан эътиборни тортади. Асар премьераси муҳокамаси пайтида «Қатағон» ҳар бир ўзбек кишиси албатта томоша қилиши лозим бўлган спектакль; ўзбеклар нуқул жафокаш, тобе, муте халқ эмас, улар орасида Жумановдек ҳақсизлик, зўравонликка қарши турган мардона сиймолар ҳам бор, бўлган!» деган мулоҳазалар айтилган эди.

X            X  
X

Диққат билан разм солинса, Ўткир Ҳошимовнинг ижодий фаолияти давомида яратган ҳар бир жиддий асари — «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар», «Қатағон» — булар XX аср миллат маънавияти, руҳиятининг муайян манзиллари каби таассурот қолдиради. Миллат маънавияти манзилларини забт этиш эса ижодий жасоратдир.

Ўткир Ҳошимов 1991 йили Ўзбекистон Халқ ёзувчиси унвони, ўша йили «Ҳурмат белгиси» ордени, 1996 йили «Меҳнат шухрати» ордени, 2001 йили «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.

## Таянч сўз ва иборалар:

насрдаги шоир  
таъсир жозибаси  
эҳтирослар тўлқини  
тақдирлар романи  
ёзувчининг янги сўзи  
уруш одами  
таъсир муҳаббати  
руҳият манзиллари

## Савол ва топшириқлар:

1. Ўткир Ҳошимов насри ифода тарзига хос хусусиятларни шарҳлаб беринг.
2. «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари» қиссаларининг жозибаси сирлари нимада?
3. «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» романларига хос муштарак ва фарқли жиҳатларни аниқланг.
4. «Тушда кечган умрлар» романи персонажлари талқинига хос янгиликлар, сизнингча, нималардан иборат?
5. Ёзувчи публицистикаси, драмалари ҳақидаги фикрингиз қандай?

## Адабиётлар:

1. Ўткир Ҳошимов. Сайланма. Икки жилдлик. Т., 1993.
2. Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Т., 1993.
3. Ўткир Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. Т., 2001.
4. Норматов У. Руҳият манзиллари. «Тил ва адабиёт таълими». 2001, 3-сон.
5. Расулов А. Ардоқли адиб. Т., 2001.
6. Саид Аҳмад. Танланган асарлар. Уч жилдлик. III жилд. Т., 2001. Б. 224 – 230.
7. Шарафиддинов О. Ўткир Ҳошимов. «XX аср ўзбек адабиёти тарихи». Т., 1999. Б. 483 – 496.

## МУНДАРИЖА

|                       |     |
|-----------------------|-----|
| КИРИШ.....            | 3   |
| АБДУЛЛА ҚАҲҲОР.....   | 23  |
| ✓ ОДИЛ ЁҚУБОВ.....    | 88  |
| ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ..... | 119 |
| ЎТКИР ҲОШИМОВ.....    | 149 |

## КИТОБ МУАЛЛИФИ ТЎҒРИСИДА

Умарали Норматов — танқидчи, адабиётшунос; 1931 йил 3 январда Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Рапқон қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетида (1952–1957), сўнг аспирантурасида (1959–1962) таълим олган. 1962 йилдан Миллий университет ўзбек адабиёти кафедрасида ишлабди, филология фанлари доктори, профессор. 1974–2000 йиллари Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилган. Бу йиллари кафедрада О.Шарафиддинов, А.Алиев, А.Расулов, Н.Худойбергенов, С.Содиқов, Б.Каримов, А.Улугов, Р.Қўчқоров, Д.Қуროнов, У. Ҳамдам сингари истеъдодли мунаққид-адабиётшунослардан иборат илмий жамоа шаклланди; мазкур жамоанинг саъй-ҳаракати туфайли Миллий университет мамлакатимизда ва хорижда тан олинган адабий-танқидий тафаккур марказларидан бирига айланган.

У. Норматов 1957 йилдан матбуотда кўрина бошлади, 500 дан ортиқ мақолалари, 40 дан ортиқ адабий-танқидий асарлари, дарслик, ўқув қўлланмалари чоп этилган. Адабиётшунос-олимнинг адабий-танқидий ишлари яхлит ҳолда замонавий адабий жараён ҳамда янги ўзбек адабиёти тарихи, тараққиёти масалаларига бағишланган; унинг қаламига мансуб миллий адабиётимизнинг ногир асарлари таҳлили, ўзига хос таълими, бу адабиётнинг ўнлаб намояндалари адабий портретлари, ниҳоят, янги ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт тамойилларига оид илмий-назарий ишлари аҳомияти адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Мунаққиднинг «Насримиз ўфқлари» (1974), «Етуклик» (1982), «Қалб инқилоби» (1986), «Қодирий боғи» (1996) китоблари замонавий ўзбек адабиётшунослигининг ютуғидир.

Умарали Норматов танқидчи-адабиётшунос сифатида мустақиллик йилларидаги миллий адабий жараёни қадам-бақадам синчиклаб кузатиб, адабиётимизда пайдо бўлган янгича адабий-эстетик тамойилларни аниқлаш, бугунги адабий жараённинг назарий муаммоларини тадқиқ этиш йўлидан борди. «Умидбахш тамойиллар», «Тафаккур ёғдуси», «Қаҳҳорни англаш машаққати», «Кўнгилларга кўчган шеърят», «Ўстоз ибрати» китоблари, матбуотда эълон этилган юзлаб адабий-танқидий мақолалари айти шу муаммоларга бағишланган.

Асарлари рус, турк, тожик тилларида чиққан.

У.Норматовнинг адабиётшунослик, таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби (1981), Ҳамза Ҳакимзода номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989); Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочили нишони (1992), «ТошДУ моҳир педагоги»(1998) унвони соҳиби. Адабий-танқидий мақолалари учун «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Тафаккур» журналлари мукофотларини олган.

Умарали Норматов  
ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Мухаррир: З.Ахмеджанова.

Мусаххиха: М.Джурасва.

Босишга рухсат этилди 20.03.2007й.

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub> Напшиёт ҳисоб табағи 11,6

Шартли босма табағи 19,3. Адади 500 нусха.

Баҳоси шартнома асосида, Буюртма №**145**

“Университет” нашриёти. Тошкент-100174.

Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон Миллий университети.

Маъмурий бино, 2-қават, 7-хона.

ЎзМУ босмахонасида босилди.